

338.

338.22(07)

Б 79


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги

ИФО институти Фольксваген фонди
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Тошкент молия институти
Республика банк-молия академияси

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлараро
илмий-услубий бирлашмалар фаолиятларини
мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан олий
ўқув юртлари магистрантлари учун
дарслик сифатида тавсия этилган*

Академиклар С. ФУЛОМОВ ва М. ШАРИФХУЖАЕВларнинг
умумий таҳрири остида



ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 2000

Дарслик қуйидаги муаллифлар томонидан тайёрланди:

- академик М. ШАРИФХУҶАЕВ, профессор Ё. АБДУЛЛАЕВ, Тошкент Молия институти (Кириш, 1, 2, 3, 4-боблар);
- профессор РИГМАР ОСТЕРКАМП, ИФО институти (5, 7, 13- боблар);
- академик В. КИМ, профессор Д. АҲМЕДОВ, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети (6-боб);
- профессор Д. ҒОЗИБЕКОВ, Банк-Молия академияси (10, 11-боблар);
- профессор Қ. ЯҲЁЕВ, Тошкент Молия институти (12-боб);
- доцент Ш. АБДУЛЛАЕВА, Тошкент Молия институти (8-боб);
- профессор Д. ҒОЗИБЕКОВ, доцент Д. РАСУЛЕВ, Банк-Молия академияси; доцент Х. ХУҶАҚУЛОВ, Тошкент Молия институти (9- боб).

Тақризчилар:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш назарияси ва амалиёти кафедраси.
- Э. АКРАМОВ — иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.
- Т. ЖУМАҚУЛОВ — иқтисод фанлари доктори, профессор.

Б 80

Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти: Олий ўқув юртлари магистрантлари учун дарслик.— Т.: Ўқитувчи, 2000 — 280 б.

Сарл. олдиди: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ИФО ин-ти, Фольксваген фонди, Тошкент давлат иқтисодиёт ун-ти.

ББК 65.011. 3я 73 + 65.9 — 1 (5У)

Мазкур дарслик бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг Ўзбекистон ва Германия тажрибаси асосида тайёрланган. Бундай нашрни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“нинг „Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик“ номли 4—15-бандини бажариш йўлидаги дастлабки саъй-ҳаракат бўлиб ҳисобланади.

Дарслик олий ўқув юртлари магистрантлари, аспирантлари, мутахассислар ва раҳбарлар учун мўлжалланган.

0601010000 — 130
А 353(04) — 2000 Буюртма варағи 2000



ISBN 5—645—03669—7

© «Ўқитувчи» нашриёти, 2000.

O'QUV ZALI

СУЗ БОШИ

Мамлакатимиз 1991 йил 31 августда мустақилликка эришгач жаҳон тажрибасини рад этмаган ҳолда ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўналишини ишлаб чиқди ҳамда шу йулдан XXI аср бўсағасида бозор муносабатларига ўтишнинг назарий асослари ва тамойилларини аниқлади:

1. Иқтисоднинг мафқурадан холи бўлиши ва унинг сиёсатдан устуворлиги.

2. Давлатнинг бош ислоҳотчи булиши.

3. Қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги.

4. Халқ манфаатларига қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни юргизиш.

5. Бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиб бориш.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган бу беш тамойил¹ ҳаёт синовидан ўтди. Амалий ислоҳотлар жараёнида, хусусан XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш мақсадида бу тамойиллар Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қуйидаги олтита устувор йўналиш билан тўлдирилди²:

1. Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.

2. Жамият маънавиятини янада юксалтириш.

3. Кадрлар масаласи.

4. Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш.

5. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш.

6. Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули Т., „Ўзбекистон“, 1993, 42-бет.

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., „Ўзбекистон“, 1999, 15—19 -бетлар.

Мустақил танлаб олган ва белгилаб олинган устувор йўналишлар мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг изчил тараққиётини таъминламоқда, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига олиб бормоқда ва жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари томонидан бу стратегик йўлнинг тўғри йўл эканлиги эътироф этилмоқда.

Айни пайтда бозор муносабатларига ўтиш иқтисодий назария қонун-қоидаларига, категория ва гоёларига, макро ва микро иқтисодиёт, молия-кредит тизимига, маркетинг ва ташқи иқтисодий алоқалар каби масалаларга бозор муносабатлари нуқтаи назаридан ёндошишни талаб қилади. Зеро, „сиёсий иқтисод“ гоёлари билан суғорилган барча иқтисодий-ижтимоий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари демократик-ҳуқуқий мақсадларимизга мос келмай қолди.

Шу боис Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиб давр руҳига мос тушувчи, ривожланган хорижий мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтишдаги хусусиятларини ўзида акс эттирувчи, янги ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири булиб ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Республика банк-молия академияси иқтисодчи олимлари ҳамда Германия иқтисодчиси Ригмар Остеркамп ҳамкорлигида халқаро ТСЮЕ фонди ҳомийлигида „Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти“ номли дарсликнинг дастлабки нашри тайёрланди.

Унда бозор муносабатларига ўтиш ва уни ривожлантиришнинг Ўзбекистон ва Германия тажрибаси қуйидаги бобларда жамланган ва умумлашган ҳолда баён этилган.

Дарсликнинг 1—4-бобларида бозор иқтисодиёти, унинг моҳияти, бозор турлари ва унсурлари, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан эркин бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти, бозор иқтисодиёти шароитида нима, қанча, қандай, ким ва уларнинг ечимини излаш усуллари, улар билан боғлиқ омиллар. бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари, хусусан Ўзбекистон йўли каби масалаларнинг назарий томонлари батафсил ёритилган.

5-боб „Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти“ масалаларига бағишланган. Маълумки, ҳар қандай иқтисодий фаолият мазкур мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, тарихий ва миллий хусусиятларини акс эттирувчи тизим доирасида амалга ошади. Мазкур бобда Германиянинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишдаги назарий ва амалий тажрибалари баён этилган.

6-бобда Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтишдаги муаммолар, бу борада Республика олдида турган устувор йўналишлар ёритилган.

7-бобда халқаро савдо масалалари ёритилган. Халқаро иқтисодий муносабатларда савдо-сотиқ етакчи уринда туради ва бу жаҳон бозорида уз ифодасини топади. Жаҳон бозори миллий иқтисодиёт ривожига кучли таъсир этади. Ҳатто энг тараққий этган мамлакатлар ҳам куп жиҳатдан жаҳон бозорига боғлиқ булади.

Турли мамлакатларнинг жаҳон бозорида тутган урни энг аввало уларнинг салоҳиятига, улардаги ишлаб чиқаришнинг чуқур ихтисослашувига, яъни нақадар экспортбоп булишига боғлиқ. Шу боисдан мамлакатнинг жаҳон бозоридаги иштироки ва унинг самарадорлиги экспорт ва импортнинг нисбати, уларнинг таркибини белгилайди.

Мазкур бобда ташқи савдонинг масалалари, хусусан, халқаро савдода нисбий харажатлардаги тафовутлар, уларнинг сабаблари, савдони чеклаш турлари, воситалари ва мақсадлари, шунингдек алмаштириш курси ва инфляция масалалари батафсил ёритилган.

8—9-боблар халқаро молиявий тизим ва кредит масалаларини ёритишга бағишланган бўлиб, унда халқаро кредитдан фойдаланишнинг аҳамияти, халқаро кредит тамойиллари, Ўзбекистоннинг халқаро молия институтларида қатнашиш муаммолари, валюта сиёсати, шунингдек чет эл инвестициялари каби масалалар уз ечимини топган.

Маълумки, халқаро кредит миллий иқтисодиётни жаҳон ҳужалиги билан боғловчи восита ҳисобланади. У дунё миқёсида қарз бериш ва уни олиш муносабати бўлиб, унда турли давлатлар, трансмиллий корпорациялар ва халқаро ташкилотлар қатнашади. Жаҳон бозорининг кенгайиб бориши, капитал экспорти ва импортининг кучайиши, давлатлараро ишлаб чиқариш кооперация ва интеграция алоқалари халқаро кредитга талабни оширади, унга умумжаҳон тус беради.

Мазкур бобларда халқаро кредитларни, шу жумладан чет эл сармоясини кенг куламда жалб қилиш, Ўзбекистон халқ ҳужалиги таркибини қайта қуриш мақсадларига эришиши зарур ва шарт эканлиги, унинг турли йуллари туғрисида суз боради.

10—14-боблар хорижий инвестициялар, лизинг муносабатлари, солиқлар ва давлат даромадининг турли манбаларини ёритишга бағишланган. Мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб, Ўзбекистоннинг солиқ тизими ва унинг таркибий қисми бўлган солиқ қонунлари мамлакат билан биргаликда оёққа туриб, тараққийнинг мураккаб йулини босиб утмоқда. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги уз йули ҳаётин зарурат бўлиб борган сайин солиқ муносабатларини тартибга солиб турадиган ҳуқуқий меъёрлар ҳам такомиллашиб боряпти ва тобора барқарорликка эга бўлмоқда.

Мазкур бобларда Ўзбекистон ва Германия солиқ тизими, олиб борилаётган солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, солиққа тортиш тамойиллари, солиқ турлари, солиқ имтиёзлари, солиқ

декларацияси, солиқ механизми, солиқ функциялари, акциз солиғи, аҳолидан олинадиган солиқлар каби масалалар батафсил ёритилган.

Хуш, нима учун ушбу дарслик Германия иқтисодиёти ва амалиётига қиёсланган ҳолда немис иқтисодчиси Остеркамп билан ҳамкорликда тайёрланди. Бундай ёндошиш тасодифий эмас.

Биринчидан, Германия мамлақати танлаб олган йўл, яъни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тизими ўзининг 40 йиллик тажрибаси билан Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлари учун ёрқин мисл сифатида хизмат қилмоқда. Шу нуқтаи назардан мазкур дарслик Германия ва Ўзбекистон миллий иқтисодий тизими билан ўқувчиларни таништириш ва ўрганишда кўмаклашиш дастуридир.

Иккинчидан, юсак тараққий этган мамлакатларнинг ўқув юрглари билан ҳамкорлик қилиш, ўқув қўлланмалар ва дарсликларни биргаликда ёзиш малакали кадрларни тайёрлашда жуда катта рол ўйнайди. Айнан шۇ йўл билан „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“нинг 4 — 15- бандида кўрсатилганидек:

„...Халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади...“¹

Ниҳоят, мазкур ҳамкорлик таълим соҳасида халқаро меъёрлар ва андозалар асосида давлат стандартларини ишлаб чиқишга, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратишга кўмак беради.

Хуллас, бундай дарсликни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“нинг „Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик“ номли 4 — 15- бандини бажариш йўлида дастлабки саъй-ҳаракат бўлиб ҳисобланади.

Ушбу дарслик Республикамиз фуқаролари, корхона раҳбарлари ва мутахассислари, ўқув юрглари ўқувчилари учун муайян даражада хизмат қилади деган умиддамиз.

Академик М.Ш.Шарифхўжаев

¹ Қаранг: Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., „Шарқ“, 1997, 59-бет.

1- боб. БОЗОР, УНИНГ МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА УНСУРЛАРИ

Режа:

- 1.1. Бозор тўғрисида умумий тушунчалар [1—5]
- 1.2. Бозор турлари [6—20]
- 1.3. Бозор унсурлари [21—27]

1.1. Бозор тўғрисида умумий тушунчалар

[1] „Бозор“ ҳақида сўз юритганда, аввало, унинг луғавий маъносига эътибор бериш керак бўлади.

Бозор — бу алоҳида савдо-сотиқ қиладиган махсус жой. Деҳқон бозори. Мол бозори. Демак, лўнда қилиб айтганда, бозор — бу олувчи билан сотувчи учрашадиган жойдир. Бозор сўзидан қуйидаги тушунчалар шаклланади:

Бозорбоп — бу бозор суядиган, харидор ёқтирадиган, бозоргир мол.

Бозорчи — бу бозорга савдо-сотиқ эҳтиёжи билан келган киши.

Бозори — бу бозорда сотиш учун мулжаллаб тайёрланган бозоргир мол.

Бозор-учар — бу бозор, савдо-сотиқ ва улар билан боғлиқ бўлган икир-чикирлар.

Бозорчилик — бу бозорга хос муаммолар қодалари, расм-русм ва ш.к.

Бозорда ҳамма тенг. Биримиз харидор, иккинчимиз сотувчимиз. Бозорнинг ўзига хос хусусиятлари бор.

Жумладан:

Биринчидан, бозорда манфаатсиз шахслар бўлмайди. Сотувчи қимматроқ сотиш пайида бўлса, олувчи арзонроқ харид қилиш ҳаракатида бўлади.

Иккинчидан, бозорда имтиёзли харидор бўлмайди, ҳамма у ерда тенг ҳуқуқли.

Учинчидан, бозорда нарх-навони зўрлаб белгилаш ва назорат қилиш мутлақо мумкин эмас. Бу бозорнинг **ўз қонунидир**.

Туртинчидан, бозор — бу рақобат майдони. Рақобат фақат сотувчилар ўртасида эмас, шунингдек харидорлар ўртасида ҳам юз

беради. Кураш йулини танлаш жиҳатидан рақобат ҳалол ва фирром рақобатга бўлинади. **Ҳалол рақобат** бозордаги курашда қабул қилинган, ҳаммага маъқул усуллар билан, бозор ахлоқи меъёрларига асосланади.

Фирром рақобатда тақиқланган ва қораланган усуллар, яъни рақобатда қаллоблик, кўзбўямачилик, сўзида турмаслик, алдаш, иқтисодий жосуслик, кўпоровчилик ва ҳатто жисмоний зўравонлик каби жинояткорона усуллар қўлланилади.

Бозор фақат ҳалол рақобатни тан олади.

Бешинчидан, бозордаги энг устун нарса — бу сифат билан нарх-наводир. Агар харидорлар бирон-бир маҳсулотни сотиб олмасалар ёки камроқ сотиб олсалар, демак, ушбу маҳсулотнинг баҳоси сифатига нисбатан баландроқ қўйилган. Бундай ҳолда сотувчининг бозори касодга учрайди ва аксинча.

Олтинчидан, бозорда биров-бировдан хафа бўлиши, гина-кудурат кўтариб юриши ярамайди, чунки бозор ҳарорати таклиф ва талабга боғлиқ. Таклифнинг талабдан орқада қолиши натижасида баҳо кўтарилади, бу эса ўз навбатида харидор ва сотувчи ўртасидаги норозиликларга олиб келади.

Шундай қилиб, бозор — бу товар ва хизматлар айирбошланидиган жой.

У бўлмаса, товар ва хизматларнинг олди-сотдиси юз бермайди, такрор ишлаб чиқариш содир бўлмайди. Бозор товар ва хизматларни таклиф этувчилар тақдирини белгиловчи тошу тарози, олий ҳакам бўлиб ҳисобланади.

Товар ўтса, унга кетган сарф ижтимоий тан олинади, ўтмаса, яъни товар касодга учраса, унга кетган сарф тан олинмайди.

Бозор ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш воситаси бўлиб, у бамисоли улчаш асбоби — термометр каби ишлаб чиқариш ҳароратини, унинг нақадар истеъмолга мослигини улчайди.

[2] Бозорнинг вужудга келиши узоқ тарихга эга. У товар ҳужалиги вужудга келиши билан пайдо бўла бошлаган. Товар ҳужалигигача натурал ҳўжалик ҳукмрон бўлган. Унинг энг соф кўриниши ибтидоий жамоа тузуми даврида бўлган, чунки ўша даврда одамлар меҳнат тақсимоти, айирбошлаш ва хусусий мулк нималигини билмас эдилар. Натурал ҳўжалик бозор иқтисодиётига қадар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий шакли бўлиб келган. У асосан иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган Шарқ давлатларида ҳукмронлик қилган.

Натурал ҳўжаликка хос белги — бу **иқтисодий автаркизм**, яъни асосан ўзини-ўзи таъминлаб, ташқи муҳит билан камдан-кам алоқага киришишдир. Шу сабабли у иқтисодий раvнақни таъминлашга қодир эмас эди. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг вужудга келиши натурал ҳўжаликнинг ўрнига товар ишлаб чиқаришнинг ва маҳсулотнинг натурал шаклининг товар шакли билан урин алмашишига олиб келди.

Уруғчилик жамоалари ўртасида бевосита товар айирбошлаш **бозорнинг дастлабки шакли** бўлган. Бунда кишилар ортиқча маҳсулотларни бир-бирлари ўртасида алмаштирадилар. Товар хўжалиги бозорда сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни билдиради. Товар хўжалиги натурал хўжаликдан фаркли ўлароқ, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмол қилувчиларнинг **бозор орқали**, яъни товарларни олиш-сотиш орқали алоқа қилишини тақозо этади.

Шундай қилиб, бозорнинг пайдо бўлиши тасодиф эмас, балки қонуний заруратдир. Уни кишилар бекорчиликдан ўйлаб чиқмаганлар. У кишиларнинг хоҳиш-иродасидан ташқарида, товар ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши билан объектив тарзда пайдо бўлади. Уни иқтисодий зарурат юзага келтирган, чунки маҳсулотларни фақат бозор орқали айирбошлаш мумкин.

[3] Бозор қуйидаги вазифаларни бажаради:

Биринчидан, бозор айирбошлаш жараёни бўлганлиги сабабли, у ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғловчи вазифасини ўтайди.

Иккинчидан, истеъмол буюмлари ва хизматларни аҳолига етказиб бериш орқали халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Учинчидан, ишлаб чиқариш воситаларини корхоналарга етказиб бериш орқали иқтисодиётнинг моддий асосини такроран яратиш ва ривожлантиришни таъминлайди.

Тўртинчидан, нархларнинг ўзгариши орқали талаб ва таклифни бир-бирига мослаштириш, пулни товарлар билан таъминлаб, пул муомаласини барқарорлаштириш вазифасини бажаради.

Бешинчидан, жамият аъзоларининг талаб-эҳтиёжларини ишлаб чиқаришга етказиб, уни шу йўлда ўстиришга хизмат қилади.

Олтинчидан, товарларни ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатларнинг нақадар ўринли эканини, уларни нақадар жамият тан олишини аниқлаш, харажатларни пасайтиришга ундайди. Агар меҳнат товарга беҳуда сарфланган бўлса, бозор уни тан олмайди. Бозор қийматни товар шаклидан пул шаклига айлантиради.

Еттинчидан, халқлар ва давлатлар ўртасидаги бир-бирига боғлиқлик ва тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш вазифасини бажаради. Бозор меҳнат тақсимотини чуқурлаштириб, ишлаб чиқаришнинг давлатлараро миқёсда аниқ ихтисослашувини, халқаро миқёсдаги талаб-эҳтиёжни мўлжалга олиб юритилишини тақозо этади.

Қайд қилинган вазифаларнинг барчаси бир-бири билан боғлиқ ва биргаликда амалга ошади. Бунинг учун бозор турлари бир-бирини тақозо этиши шарт.

[4] Бозор тизимининг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари бор. Марказий маъмурий бошқариш тизимига асосланган иқтисодиёт ўзининг ҳаётий эмаслигини, аҳолининг ўсиб боровчи эҳтиёжларини

таъминлай олмаслигини яққол кўрсатди. Ҳаёт у тизимни юқори самара берувчи, инсон манфаатларига мос тушувчи ва унга хизмат қилувчи янги иқтисодий тизим, яъни бозор тизими билан алмаштириш лозимлигини кун тартибига кўндаланг қилиб қўйди.¹

Бозор тизимининг асосий устунликлари унинг бажарадиган қатор вазибаларидан келиб чиқса-да, айрим ижобий жиҳатларини қуйидаги қиёсий таққослаш кўринишидаги жадвалда келтирамыз.

1- жадвал

Бозор тизимининг ижобий томонлари

Соҳалар	Маъмурий-буйруқ-бозлик иқтисодиётни шароитида	Эркин бозор иқтисодиёти шароитида
Мулк соҳасида	<ul style="list-style-type: none"> * Давлат ягона мулкдор ҳисобланарди. * Ҳеч қандай хусусий мулкчиликка рухсат берилмасди. * Натижада мулкка нисбатан тежамсизликни келтириб чиқарарди. 	<ul style="list-style-type: none"> * Мулк хилма-хиллиги вужудга келади, хусусийлаштириш содир бўлади. * Мулкка нисбатан ҳукм суриб келган „бизники“ деган ибора „меники“ билан алмаштирилади. Энди мулкка хиёнат қилинмайди. * Акс ҳолда у хонавайрон бўлади. * Марказлашган режалаштиришни эркин фаолият эгаллайди. * Нима ишлаб чиқариш, қандай қилиб ишлаб чиқариш, ким учун ишлаб чиқариш масаласи ишлаб чиқарувчилар томонидан бозордаги талаб ва таклиф, нарх-навога қараб туриб ҳал қилинади.
Ишлаб чиқариш соҳасида	<ul style="list-style-type: none"> * Нимани, қанча ишлаб чиқариш, ресурсни қаердан олиш, маҳсулотни кимга ва қандай нарҳда сотиш буларнинг ҳаммаси марказдан туриб давлат томонидан режалаштирилар эди. 	<ul style="list-style-type: none"> * Нима ишлаб чиқариш, қанча ишлаб чиқариш, ким учун ишлаб чиқариш масаласи ишлаб чиқарувчилар томонидан бозордаги талаб ва таклиф, нарх-навога қараб туриб ҳал қилинади.

¹ Каримов И. А. „Ўзбекистоннинг уз истиқдол ва тараққиёт йўли“ „Ўзбекистон“, 1992 й, 43-44 бетлар.

Молиявий соҳада	* Шу билан ишлаб чиқарувчиларнинг „қўллари боғланиб“, уларга эркинлик берилмас эди. Моддий ишлаб чиқариш давлат ихтиёрида булганлиги сабабли ундаги тармоқларнинг ҳаммаси давлат бюджетидан таъминланиб келинган. Бу эса молиявий маблағга нисбатан тежамкорликни ва самарадорликни эмас, балки юлғичликни, боқимандаликни келтириб чиқарган.	Бозор иқтисодиёти кам рентабелли ва зиён куриб ишлайдиган корхоналарни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни инкор этади. Субсидия ва субвенция беришни тугатади. Энди норентабелли корхона рентабелли корхона ҳисобига яшолмайди. У „синади“.
Рақобат соҳасида	Рақобат „социалистик мусобақа“ билан алмаштирилиб келинади. Эришилмаган ютуқ ва бажарилмаган режаларнинг эришилиши „рақамлар“да таъминланарди.	Бозор тизимида рақобат режалаштирилмайди. Энди мусобақа режаларини бажариш учун бўлган мажбурий сафарбарлик урнини „ўзим учун уламан саттор“ шиори эгаллайди.

Ҳа, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек:

„Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантиришни ва йўқотилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклайди.

Фақат бозоргина ишлаб чиқаришни истеъмолчининг манфаатларига бўйсундириш, маҳсулотга бўлган талабни аниқ ҳисобга олиш, конъюнктура ўзгаришларига қараб тезликда иш тутиш имконини беради.

Фақат бозоргина тежамли хўжалик юритишнинг кучли, оқилона жиҳатларини яратади, харажатларни камайтиради, талон-торож ва лапашангликка қарши курашади.

Фақат бозоргина янгиликларга сезгир қилади, фан ва техниканинг энг сўнги ютуқларини дадил ва ғайрат билан жорий этади, ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносиб баҳо беради“¹.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент. „Ўзбекистон“, 1992 й., 43 — 44-бетлар.

[5] Бозор тизимининг салбий томонлари ҳам бор. Чунки дунёда одамдан булак мукамал нарсанинг ўзи йўқ. Фақатгина одам бекам-куст, мукамал уйғунликда яратилган. Шу нуқтаи назардан бозор тизими фақат ижобий томонларга эга деб айтолмаймиз, уни идеаллаштира олмаймиз.

„Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига, — деб ёзади Президентимиз И.А.Каримов, — тик куз билан, реал қараш керак. Бозор иқтисодиётининг фақат ижобий томонининг эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак“¹

Гап, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида рўй берадиган салбий ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар устида бормоқда. Ўтиш даври инқирозга учраган маъмурий буйруқбозлик тизими билан эндигина тетапоя бўлиб кириб келаётган эркин бозор иқтисодиёти ўртасидаги, ёки бошқача қилиб айтганда: инқирозга учраган, лекин йўқ қилиб ташланмаган буйруқбозлик тизими билан эндигина туғилган, бироқ ҳали жуда заиф бозор иқтисодиёти ўртасидаги **кураш даври** бўлмай иложи йўқ.

„Бозорга, — деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов, — айниқса унинг шаклланиш босқичида:

** узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар;*

** ишсизликнинг ўсиши;*

** пулнинг қадрсизланиши;*

** кўпгина корхоналарнинг „синиши“ ва ишбилармонларнинг хона-вайрон бўлиши;*

** аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақаланиши;*

** ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир.*

Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак².

Бунинг учун ҳар биримиз бозорнинг ижобий ва салбий томонларини яхши англаб, ақл-заковат билан иш тутишимиз лозимдир.

Иқтисодчи П. Самуэльсон ҳам бозор иқтисодиёти тизимининг камчиликлардан ҳоли эмаслиги ва бозорнинг:

** кескин тенгсизликни келтириб чиқаришини;*

** фанда улкан тадқиқотлар ўтказилишини таъминлай олмаслигини;*

** ижтимоий зарур товарларни ишлаб чиқаришга эмас, пули бор одамнинг талабини қондириш учун зарур бўлган товарларни*

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули. Тошкент, „Ўзбекистон“, 1992., 42- бет.

² Ўша ерда, 42- бет.

ишлаб чиқаришга йуналтирилган бўлишини;

* инфляция жараёнларини бошидан кечириб туришини таъкидлайди.¹

Шундай қилиб, бозор тизимини идеаллаштириш, уни ҳамма дардга даво деб, ҳаддан ташқари олқишлаш катта янглишиш булур эди.

Унинг ўзига хос аммо - лекинлари, муаммолари, нобоп, заиф томонлари ҳам йўқ эмас. Бозор иқтисодиёти миллионлардан иборат ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг фаолияти бўлганидан унга тарқоқлик ва худбинлик ҳам хос. У уз-уздан давлат ва жамоатчилик иштирокисиз табиатни муҳофаза этиш, экология мувозанатини таъминлашни юзага чиқармайди.

Жамият учун зарур бўлган, лекин харажатлар қайтими секин буладиган, катта маблағ талаб қиладиган иншоотлар ва биноларнинг қурилишини рағбатлантирмайди. Дарҳол фойда келтирмайдиган назарий изланишларни ҳам рағбатлантирмайди.²

1.2. Бозор турлари

[6] Бозор ўзига хос структурага эга булган мураккаб тизимдир. Шунга кўра у хилма-хил турларга бўлинади.

1. Айирбошлаш объектнинг моддий шакли жиҳатидан бозорнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- * истеъмол товарлари ва хизматлар бозори;
- * ишлаб чиқариш воситалари бозори;
- * молия бозори;
- * валюта бозори;
- * меҳнат бозори;
- * интеллектуал товар бозори;
- * шоу-бизнес бозори.

2. Айирбошлаш миқёси жиҳатидан бозор қуйидаги турларга бўлинади:

- * маҳаллий бозор;
- * регионал бозор;
- * жаҳон бозори.

3. Амал қилиш характерига қараб бозор 3 хил бўлади:

- * тартибсиз (стихияли) бозор;
- * тартибли бозор;
- * бошқариладиган бозор.

¹ Самуэльсон П. Экономика. М. МГП „Амон“, 1992, т. 1, стр 17.

² Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. М. Республика, 1992, стр. 88—90.

4. Иқтисодий алоқаларга киришиш даражасига кўра бозор куйидаги турларга бўлинади:

- * эркин бозор;
- * монополлашган бозор;
- * монопол рақобатли бозор;
- * олигополистик бозор;
- * соф монополия бозори.

5. Товарларнинг четдан келишига қараб очиқ ва ёпиқ бозор (ички бозор) бўлиши мумкин.

[7] Истеъмол товарлари ва хизматлар бозори аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган товар ва хизматларни айирбошлаш учун хизмат қилади. Амалда истеъмол моллар бозори савдо шохобчаларидан иборат бўлади. Унга давлат, кооператив, тижорат савдоси, деҳқон бозори, чайқов каби бозорлар киради. Бунда сотувчилар — товар ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг ваколатини олган корхона ёки ташкилотлар бўлса, харидор эса кенг истеъмолчилардан иборат бўлади.

Бозорда истеъмол товарларидан ташқари аҳолига ҳар хил маиший, техникавий хизматлар ҳам сотилади. Бу ерда харидорлар фақат фуқаролардан иборат бўлмайди. Улар таркибига аҳолига бепул хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар (қасалхона, болалар боғчаси, қариялар уйи, етимхона ва бошқалар) ҳам киради. Улар ҳам кенг истеъмол буюмларини сотиб оладилар.

Истеъмол бозорининг ҳажми унда сотилган товарларнинг ялпи суммаси, яъни товар обороти билан белгиланади. Истеъмол товарлари қатъий давлат нархлари, назорат қилинадиган нархлар ва эркин бозор нархларида сотилади. Истеъмол бозори узининг ҳолатига қараб икки хил бўлади:

* „тўйинган бозор“, яъни товарлар талабга етарли бўлган бозор;

* „тақчил ёки оч бозор“, яъни товарлар сурункали етишмай қолиб, талабга жавоб бера олмайдиган бозор.

Бозор иқтисодиётига тўйинган, истаган товарлар мавжуд бўлган бозор хосдир. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши товар ишлаб чиқаришни рағбатлантириб, уларни кўпайтириш ва доимий тақчилли бозор ўрнига тўйинган бозорни шакллантириш мақсадларини кўзлайди. Масалан, истеъмол бозори барбод бўлишига йўл қўймаслик учун ҳукуматимиз ҳаётий муҳим маҳсулотлар экспортини божхоналар орқали қатъий назорат қилиш ва юқори бож туловлари жорий этиш билан бир қаторда, дастлабки босқичда кундалик зарур товарларнинг чекланган турларини меъёрланган тарзда сотишни ташкил этди.

Бу тизим ўзини тўла-тўқис оқлади. У бозорни пишиқ-пухта ҳимоя қилибгина қолмай, истеъмол бозори шохобчаларига барча зарур

озик-овқат маҳсулотларини ва қундалик харид молларини мунтазам равишда чиқариб туришни таъминлаш, уларни истеъмол қилиш ҳажмларини камайтирмаслик имконини берди.

[8] Ишлаб чиқариш воситалари бозори — бу меҳнат қуроллари ҳамда хомашё, ёқилғи ва металлларнинг олди-сотди бозори. Унда сотиладиган товарлар шахсий истеъмолга эмас, балки асосан ишлаб чиқариш истеъмолига мулжаллангандир. Демак, товарнинг сотувчилари ҳам, харидорлари ҳам товар ишлаб чиқарувчилардир.

Бозор муносабатларига ўтгунга қадар ишлаб чиқариш воситаларининг ҳаракати (савдоси) асосан моддий техника таъминоти шаклида амалга ошириларди. Бунда моддий ресурслар одатда эркин савдога келиб тушмасди, балки олдиндан тақсимланган фондлар бўйича марказлаштирилган тартибда тақсимланарди. Ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар бир-бирига бириктирилмаган, хужалик алоқалари бўйича шерикларни танлашда эса эркин эмас эдилар. Бундай йўсинда ишни ташкил этиш товар муомаласига зид булган ҳолда:

- * ишлаб чиқарувчилар уртасида рақобат булишни;
- * истеъмолчиларнинг эркин танлови ва савдосини;
- * тармоқлар ва корхоналарнинг зарур булган ишлаб чиқариш воситалари билан етарли даражада таъминланмаслигига олиб келар эди.

Бозор муносабатларига ўтиш ишлаб чиқариш воситаларини барча истеъмолчиларга бозор орқали эркин нархларда сотиш имкониятини яратади. Энди ушбу алоқалар улгуржи савдо бозорида товар биржалари орқали амалга оширилади. Бу ерда оммавий бир хилдаги товарлар (пахта, дон, металл ва бошқа) эркин нархда, нақд пулсиз, корхоналарнинг банкдаги махсус ҳисоб рақами орқали ҳисоб-китоб юритиш йўли билан сотилади. Товар биржасида сотувчи:

- * муайян келишилган нархларда;
- * муайян ўрнатилган муддатда;
- * муайян миқдорда (сонда, ҳажмда);
- * муайян маҳсулот турини харидорга етказиб бериш мажбуриятини олади.

Товар биржалари уни ташкил этувчиларнинг пул қуйиши орқали (акционер жамияти сингари) ташкил этилади.

[9] Молия бозори — бу жамиятдаги молия хизматлари бозоридир. Бу молия маблағларини вақтинча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан булган муносабатлардир. Молия бозори банкларда, фонд биржасида ва аукционларда ўтказилади. У асосан кредитлар бозори кўринишида бўлади. Кредит истеъмол товарларини сотиб олиш, ўз хусусий ишини ташкил этиш ёки кенгайтириш

(ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучини сотиб олиш), давлат харажатларини амалга ошириш ва ҳоказолар учун олиниши мумкин.

Кредит учун туланадиган пул „нархи“, унинг учун туланадиган фоиздир. Фоиз (процент) ҳар қандай нарх каби, бозордаги талаб билан тақлиф нисбатига боғлиқ.

Молия бозори таркибига қуйидагилар киради:

- * пул бозори;
- * қимматли қоғозлар бозори;
- * валюта бозори;
- * инвестиция бозори (маблағларнинг сарфланиши);
- * ссуда капитали бозори;
- * сугурта бозори ҳ.к.

Молия бозорида икки гуруҳдан иборат субъектлар пул билан муносабат қиладилар. **Биринчиси** — пул эгалари ёки уни сақлаб турувчилар. Бунга аҳоли, фирма, компания ва давлат муассасалари киради. **Иккинчиси** — пулга муҳтож бўлган субъектлардир.

Ҳар иккала субъектлар орасидаги эркин пул муомаласи, яъни унинг олди-берди этилиши молиявий бозорни билдиради. Бу бозордаги субъектлар ўртасидаги муносабатлар ҳар икки томон учун манфаатли бўлгандагина юзага келади.

Қимматли қоғозлар бозори — у даромад келтирувчи қимматли қоғозлар: акция, облигация, вексель, чек, депозит, сертификатларнинг олди-сотди қилинишидир. Бу бозор фонд биржаси деб юритилиб, у ерда йирик корпорацияларнинг, марказий ва маҳаллий давлат маҳкамаларининг қимматли қоғозлари сотилади ва сотиб олинади. Фонд биржасига қирмаган қимматли қоғозлар биржадан ташқари нобиржавий бозорда муомалада бўлади.

Қимматли қоғозлар бозорида ҳам сотувчилар ва харидорлар муносабатда бўлади, улар ўртасида ваколатга эга бўлган **брокерлар** — **маклерлар** (даллолар) воситачилик қилади. Бундан ташқари у бозорда махсус биржа чайқовчилари борки, улар акция курси ўзгаришини олдиндан пайқаб, акцияларни катта партия (миқдор)да сотиб олиб, сўнгра уни қимматга сотиб катта даромад куришади.

Пул ва қимматли қоғозлар бозори иқтисодийни бошқаришнинг муҳим унсурларидан бири. Бу бозор давлат харажатларини кредитлаш ва бюджет тақчиллигини қоплашнинг манбаи сифатида катта аҳамиятга эга.

Халқаро кредит муомаласининг ривожланиши жаҳон пул бозорининг вужудга келишига сабаб бўлади (энг йириклари Америка пул бозори, Европа пул бозори ва бошқалар).

[10] **Валюта бозори** — бу пул ва қимматли қоғозлар бозори каби молия бозорининг бир унсуридир. Бу ерда турли мамлакатлар

валютаси олди-сотди қилинади. Бозорда корхона, фирма, давлат идоралари ва фуқаролар қатнашади. Улардан бири валюта сотса, иккинчиси уни сотиб олади.

Валюта бозори амалиётда валюта билан савдо қилувчи банклар ва валюта аукциони кўринишида бўлади. Ўзбекистонда валютани олди-сотди қилиш операциялари билан Республика Марказий банки, республика ташқи иқтисодий Миллий банки ва шу фаолият учун ружсат берилган банклар шуғулланади. Валюта бозори:

- * чет эл олди - сотдисидаги ўзаро тўловларни бажариш;
- * валюта хатарини суғурталаш;
- * валюта захираларини диверсификациялаш;
- * валюта сарфлари билан боғлиқ турли тадбирларни ўз ичига қамраб олади.

Валюта бозорида муомалалар валютани нақд етказиб бериш (спот) билан ёки валютани келишилган вақтдаги курс бўйича маълум муддатда (1—3 ой ва ундан ортиқ муддатда) етказиб бериш (форвард) шаклида амалга оширилади. Валюта муомалалари асосан АҚШ долларида олиб борилади.

[11] Меҳнат бозори — бу иш кучини олди-сотди қилиш муносабатини билдиради. Бу ерда товар бозоридан фарқли ўлароқ, инсоннинг ўзи эмас, балки унинг меҳнат қилиш қобилияти, олди-сотди тузиш асосида, маълум муддатга сотилади. Иш кучи аввал истеъмол этилиб, сўнгра унинг ҳақи тўланади.

Меҳнат бозори аниқ шаклларда юз беради. Улардан энг муҳими — **меҳнат биржасидир**. Савдо биржаси сингари меҳнат биржаси товарни, яъни ишчи кучини пулга айирбошлашда воситачилик қилади, иш кучи эгаси билан уни ёлловчи корхона ёки фирма ўртасида туради. Биржада иш кучига бўлган талаб билан иш кучига бўлган таклиф бир-бири билан боғланади. **Меҳнат биржаси:**

- * иш кучига тушган талабга биноан рўйхатдан ўтган ишсизларни бўш иш жойларига жўнатади;
- * кишиларни касбга йўллайди;
- * янги ишчи касбини эгаллашга ундайди;
- * малакани ошириш ишлари билан шуғулланади.

Меҳнат биржаларининг фаолиятлари ишсизларни иш билан таъминлаш, халқ хўжалиги тармоқлари тузилмаларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб турадиган меҳнат бозори эҳтиёжини қондиришдан иборат. Уларнинг ўртасидаги фарқ ҳам шунда.

[12] Интеллектуал товарлар бозори — бу бозорнинг махсус тури бўлиб, ақлий меҳнат маҳсули бўлмиш, товарлар ва хизматларнинг айирбошлашини билдиради.

Бу бозорда сотувчилар ва харидорлар махсус товар ҳисобланган илмий ғоялар, техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари, хилма-хил ахборотларни олди-сотди этиш юзасидан муносабатда бўладилар.

Интеллектуал бозор турли кўринишларда бўлиши мумкин. Жумладан:

- * илмий-техник ишланмалар бозори;
- * тасвирий санъат бозори;
- * муסיқа бозори;
- * антиквар буюмлар бозори;
- * кино бозори;
- * ахборот бозори ва ҳ.к.

Интеллектуал товарлар бозорида илмий-техникавий ишланмалар олди-сотдиси катта ўрин тутади. У амалда:

- * патент;
- * лицензия;
- * ноу-хоу сотишдан иборат.

Бу ерда илмий-техникавий янгиликлар харидор мулкига айланиш шарти билан ёки ўз эгаси мулки бўлатуриб, вақтинча фойдаланиш шарти билан сотилади.

Интеллектуал товарлар бозори ишлаб чиқариш новациясига хизмат қилади, яъни у фан-техника ривожига таъсир этади. Шу сабабли унинг аҳамияти нафақат умуммиллий, балки байналминал ҳамдир. Илмий-техник ишланмалар, технологияга талаб ўта ўзгарувчан, бу бозордаги муносабатлар кўпинча мамлакатлараро булади.

Интеллектуал бозорда кўпинча инновация фирмалари иш юритадилар. Улар янгиликни топиш, уни бозорда сотиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан хизмат кўрсатадилар. Бу ишда инжиниринг ва консалтинг фирмалар ҳам қатнашали. Мазкур бозор фан-техника ривожига катта ҳисса қўшади, янгиликларни керакли жойда самарали қўлланишини таъминлайди.

[13] Шоу-бизнес бозори интеллектуал товар бозорининг энг машхур турларидан бири. Бу бозор ёрдамида ҳар хил пуллик томошалар кўрсатиш йўли билан даромад топилади. Шоу-бизнес бозори билан махсус фирмалар, маданий-муסיқий уюшмалар ёки айрим бизнесменлар шуғулланади. Шоу-бизнесдан тушадиган даромад:

- * аҳолидан олинадиган томоша ҳақи;
- * фирмалардан тушадиган реклама пули;
- * томошабинларга савдо-маиший хизмат курсатиш ҳақи ва бошқалардан шаклланади.

Шоу-бизнесда битишув шартномаларига биноан машхур

ижрочиларнинг чиқишлари уюштирилади. Контрактлар шоу-биржа орқали тузилади.

Шоу-биржа — бу турли мамлакат (регион)лардаги якка мусиқавий ижрочилар, ижрочилар жамоаси (ансамбллар) билан шартнома тузиш юзасидан ўтказиладиган биржа. У ақлий товарлар бозорининг бир тури. Шартномада ижрочилар гастролларини ўтказиш шартлари, муҳими ижрочилар учун бериладиган гонорар (ижод ҳақи) келишиб олинади.

[14] Маҳаллий бозор — бу муайян мамлакатнинг давлат чегаралари доираси билан чекланган шаҳар, район, вилоят ҳудудларидаги бозордир. Бу бозорлардаги моллар кўлами ва хилма-хиллиги энг аввало маҳаллий қишлоқ хўжалиги, саноатнинг ривожини ва йўналишини билан белгиланади. Шунинг учун бу бозорлардаги моллар асосан озиқ-овқат, кенг истеъмол, саноат моллари, хўжалик ва уй-жой, қурилиш буюмларидан иборат бўлади. Маҳаллий бозорларнинг турлилиги, уларнинг хусусиятлари, шу ерли халқнинг бойлиги бўлиб, бу уларнинг узоқ шаклланган тараққиётининг натижасидир.

Регионал бозор деганда бир мамлакат доирасидаги регионлар ўртасида ёки бир неча чегарадош давлатлар ўртасида ташкил этилган бозор тушунилади. Бу бозор ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви асосида юзага келади. Регионал бозорнинг маҳаллий бозорга нисбатан имкониятлари кўп бўлиб, мол турлари анча кенг ва меҳнат тақсимооти чуқурлиги сабабли мол алмашилиш кўлами ҳам кенгдир. Чунки бу ерда бир неча регионлар қатнашади.

Жаҳон бозори — бу халқаро меҳнат тақсимооти орқали бир-бирларига боғланган турли мамлакатлар ўртасидаги барқарор олди-сотди муносабатларидир. Жаҳон бозори регионал бозордан фарқ қилган ҳолда ишлаб чиқаришнинг мамлакатлараро ихтисослашувига ва шунга кўра бир-бирига товар етказиб бериш зарурлигига асосланади.

Бу ерда турли мамлакатлар ишлаб чиқарадиган товарларнинг ҳаммаси эмас, балки мамлакатлараро айирбошланиши зарур бўлган турларигина сотилади. Бинобарин, жаҳон бозорининг товар ассортименти чекланган бўлади. Уларга асосан асбоб-ускуна, нефть, кўмир, металл, пахта, дон, чой, кофе, жун, ёғоч каби товарлар киради. Регионал ва маҳаллий бозордаги кўпгина товарлар жаҳон бозорида бўлмайди.

[15] Инжиниринг хизматлар бозори — бу жаҳон бозорининг бир тури бўлиб, инжиниринг хизматларининг давлатлараро олди-сотди қилиниши.

Лойиҳалаш, корхоналарни қуриш, уларни жиҳозлаш, эксплуатация қилиш юзасидан бўлган хизматларни махсус инжиниринг фирмалари бажаради. Экспорт инжиниринг фирмалари:

- * чет элдаги илмий ғоялар ва техник ишланмалар бозорида лицензиялар сотади;
- * техник янгиликларни хорижда жорий этади;
- * мураккаб ва улкан лойиҳаларни амалга оширади;
- * инжиниринг билан бирга машина ва ускуналарни эки порт қилиб, етказиб беради ва ҳ.к.

Инжиниринг хизматлар бозорида асосий харидор ривожланаётган давлатлар бўлса, сотувчилар ривожланаётган мамлакатлардир.

[16] Бозор уз ривожда бир неча босқични босиб ўтади.

Биринчи босқич — бу тартибсиз бозор босқичи. Бу босқичда бозор алоқалари стихияли тарзда ўрнатилади, ишлаб чиқарувчи учун бозор номаълум бўлади. Бозор нархининг қандай бўлишини ҳеч ким кузата олмайди. Бу бозорда стихияли кучлар бамисоли табиат кучлари каби объектив равишда сотувчилар ва харидорлар устидан ҳукмронлик қилади.

Тартибсиз бозорда ўрнатилган қоидалар амал қилмайди. Бундай бозор маданийлашмаган ёввойи бозор иқтисодиётига хос бўлиб, ўтмишда мавжуд бўлган. Аммо унинг айрим кўринишлари ҳозир ҳам мавжуд. Ҳозирги деҳқон бозори, мол бозори ва чайқов бозорлари тартибсиз бозорга мисол бўла олади.

Иккинчи босқич — бу режалли, тартибланадиган бозор босқичидир. Бу шундай бозорки, унга хос бўлган қонунлар кўр-кўрона амал қилавермайди, бозор алоқалари шу қонунларга олдиндан мослаштирилиб борилади. Бу ерда ишлаб чиқариш учун бозорнинг ҳолати бир қадар маълум бўлади. Бозор ва унинг сегментлари (кичик қисмлари) олдиндан таҳлил этилиб ўрганилади, ишлаб чиқариш маркетинг хизмати орқали бозор билан узвий боғланади. Мана шундай бозор ривожланган бозор иқтисодиётига хос. Бундай бозор ҳозирги ривожланган мамлакатларда мавжуд.

Бошқариладиган бозорда иқтисодий муносабатлар давлат идоралари берадиган буйруқлар ва курсатмалар асосида ҳал қилинади. Нимани, қанча, қай тариқа ишлаб чиқаришни, кимга ва қандай нархлар билан сотишни давлат раҳбарлари ўзлари тузган режаларга таяниб белгилайдилар. Бозорни бошқариш — бозорни ташкил этиш, уни режалаштириш ва тартибга туширишдан иборат фаолиятни ўз ичига олади.

Бозорни бошқаришда иқтисодий, ташкилий, маъмурий ва ниҳоят, ижтимоий-психологик усуллар қўлланилади. Булар туркумига:

- * давлат дастурлари;
- * нархларнинг юқори чегарасини белгилаш;
- * корхоналар барқарорлигини таъминлаш;
- * нархларнинг ошиб кетишидан келган фойдани солиқлар орқали бюджетга олиш;

- * товарни бозорга чиқариш ёки чиқармай туришни таъминлаш учун товар ишлаб чиқарувчиларга давлат ҳисобидан субсидиялар бериш кабилар киради.

Бозорни бошқаришда албатта бозор қонунларини ҳисобга олиш шарт, у бозор мувозанатини таъминлашга қаратилади.

[17] Эркин бозор — бу рақобатли бозордир. Унда сотувчилар ва харидорлар кўпчилик булиб, улардан ҳеч бири, бозорда ҳукмрон мавқеига эга бўлмайди, аксинча улар доимо рақобатда буладилар. Рақобат сотувчилар билан харидорлар ўртасида, шунингдек уларнинг ўзлари ичида булади. Бу ерда нарх-навони ҳеч ким назорат қилмайди, нарх бозорда эркин шаклланади.

Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес корхоналари маҳсулотларининг бозори эркин рақобатли бозорларга киради. Бундай шароитда ҳар бир шахс ёки компания ўз салоҳияти билан дон ёки гушт ишлаб чиқариш туғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Шу ишлаб чиқаришдан зарар кўрадимиз ёки фойда топадимиз, бунинг учун фақат шу шахснинг ёки компаниянинг ўзи жавоб беради. Ишлаб чиқариш тўхтаб қолмаслигини ёки сифатсиз, кераксиз маҳсулот ишлаб чиқаришнинг олдини олишни шахслар ва компаниялар ўртасидаги рақобат белгилайди.

Рақобат кўзга кўринмаса ҳам, бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир. Рақобат қариндош-уруғчиликни, ошна-оғайнигарчиликни, маъмурий буйруқбозликни, умуман одамлар орасида ҳар хил андиша-мулоҳазани тан олмайдиган бир омилки, у охир-оқибатда турмуш фаровонлигини таъминлайдиган бир кучдир.

[18] Монополлашган бозор — бу озчилик сотувчилар ва харидорлар ҳукмрон бўлган, рақобат чекланган ёки рақобат умуман йўқ бозор. Бу бозорнинг ўзи уч хил булади:

- * монопол рақобатли бозор;
- * олигополистик бозор;
- * соф монополия бозори.

Монопол рақобатли бозорда нисбатан кўп бўлмаган фирмалар иштирок этади, уларнинг бозордаги ҳиссаси катта бўлмайди. Улар бозорда ҳар хил, лекин бир-бирининг ўрнини боса оладиган товарлар (масалан, куртка, плашч, пальто) билан иштирок этадилар, улардан ҳар бири бошқаси билан рақобатлашади, аммо рақобат иштирокчилари миқдоран чекланган бўлади.

Олигополистик бозорда саноқли, озчилик фирмалар ва компаниялар ҳукмрон бўлади. Аммо улар ҳам рақобатлашадилар. Бу ерга бир хил ёки фарқланувчи товарлар чиқарилади. Рақобат кўп ҳолларда

ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасида юз беради. Олигополистик бозорга мисол қилиб Япония автомобиль бозорини олиш мумкин: бозорда товарларнинг ҳаммаси (100%) учта фирма — „Тойота“, „Хонда“, „Ниссан“ фирмалариникидир.

Соф монополия бозорида сотувчи сифатида битта фирма танҳо ҳукмрон бўлади. Бутун бир тармоқ шу фирмдан иборат бўлиб, ундан бошқа товар етказиб берувчи бўлмайди, унинг товарини ўрнини босадиган бошқа товар ҳам топилмайди. Бу ерда рақобат бўлмайди.

Шундай бозорга мисол қилиб, АҚШдаги компьютер бозорини олиш мумкин. Бу ердаги товарларнинг 80—85 фоизини танҳо ИБМ корпорацияси етказиб беради.

Монополия кўринишлари қадимдан мавжуд. Ноёб маҳсулот етиштириладиган ерлар, конлар, сув ҳавзалари, ўрмонлар ва бошқа табиий манбалар озчилик қўлида тулланиб, эгаларига монопол мавқе берган. Улар маълум маҳсулотни бозорга танҳо етказиб берувчиларга айланиб, у ерда ҳукмрон бўлганлар.

Монопол ўз табиатига кўра ишлаб чиқаришда турғунлик пайдо қилади, чунки монопол мавқега таяниб, сарф-харажатларни камайтирмай фойда кўриш, рақобатнинг йўқлиги ёки заифлигидан фойдаланиб бозорда ўз измини ўтказиши мумкин.

Монополия бозор имкониятларини чеклайди, шу сабабли республикамизда Молия вазирлиги қошида „Демонополизация ва рақобатни режалаштириш“ кўмитаси ташкил этилган.

[19] „Очиқ“ бозор — бу товарларнинг бошқа ердан эркин келтирилиб ва чегараланмаган ҳолда олди-сотди қилинишидир. Очиқ бозор хориж моллари учун очиқ бўлган миллий ёки давлатлараро (регионал) бозордир. Очиқ бозор бож тўлови билан ҳимоя қилинмайди, бу ерда товарлар чекланмай оқиб келади.

Жаҳон бозори ўз табиати билан очиқ бозор ҳисобланади, унда ҳамма мамлакатлар бемалол катнаша олади. Миллий бозор бир товар учун очиқ бўлса, бошқаси учун ёпиқ бўлиши мумкин. Умуман олганда бозор иқтисодиётига эркин ва очиқ бозор хосдир.

„Ёпиқ“ бозор — бу ички бозорга хос бозордир. Ундаги товарлар ҳажми ва турлари энг аввало маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун бу бозордаги моллар асосан озиқ-овқат, саноат моллари, хўжалик ва уй-жой қурилиш буюмларидан иборат бўлади.

[20] „Пинҳоний“ бозор деганда қонунчилик томонидан тақиқланган товар ва хизматлар билан олди-сотди қилиш ёки фаолият билан шуғулланиш тушунилади. Бундайларга:

- * қурол билан савдо қилиш;
- * наркотик моддалар бизнеси;

- * қиморбозлик;
- * фоҳишабозлик;
- * валюта билан чайқовчилик қилиш;
- * „қулбола“ спиртли ичимликларни тайёрлаш;
- * рэкёт (босқинчилик қилиш, қуролланган ўғрилик);
- * контрабанда (чегарадан яширинча мол-товар ўтказиш ёки чет элга ғайри қонуний мол чиқариш).

Яширин бизнес солиқлардан ва иш кучини ёллашни тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларидан ҳоли булганлиги сабабли „пинҳоний“ бозорда нархлар ва иш ҳақи, одатда, „расмий“ бозорлардагига нисбатан пастроқ бўлади. Айнан шу нарса „пинҳоний“ бозор қатнашчиларига ғайри қонуний мўмай даромадларни олишларига имкон яратади.

„Пинҳоний“ бозор тақиқланган бозордир. Шу сабабли у давлат ҳуқуқ органларининг доимий назоратида туради. Қонунбузарлар қонун олдида жавоб берадилар.

1.3. Бозор унсурлари

Қуйидагилар бозорнинг асосий унсурлари бўлиб ҳисобланади:

- * бозор қонунлари;
- * бозор регулятори;
- * бозор конъюнктураси;
- * бозор мувозанати;
- * бозор структураси;
- * бозор инфраструктураси;
- * бозор интервенцияси;
- * бозор муҳофазаси;
- * бозор сегментацияси.

[21] Бозор унсурлари таркибида бозор қонунлари алоҳида ўрин тутати. Бозорда товар айирбошлашнинг моҳиятини пул воситасида ифода этувчи ва бозорни бошқариб турувчи объектив иқтисодий қонунлар бозор қонунлари деб юритилади. Булар жумласига:

- * талаб ва таклиф қонуни;
- * пул муомаласи қонуни киради.

Бу қонунлар бозор муносабатлари соҳасида амал қиладиган қонунлардир. Улар объектив тарзда амал қилади. Бозорда талаб ошса, нархни ҳам оширадилар, агар пасайса, нархни ҳам туширадилар. Жамият бозор қонунларига риоя қилиб муомалага фақат керакли миқдорда пул чиқаради. Агар пул кўпайиб, қимматчилик юз бериб, пул қадри тушиб кетса, ортиқча пул муомаладан чиқарилади, пул билан товар ўртасидаги мувофиқлик таъминланади.

Бозор қонунларини англаган ҳолда жамият инфляцияга қарши тадбирларни ҳам амалга оширади.

[22] Бозорда бозор регулятори вазифасини нарх-наво бажаради. Муайян товарнинг бозор нархи ошса, уни ишлаб чиқариш юқори фойда келтиради. Бинобарин, ишлаб чиқариш омиллари фойда кам соҳадан серфойда соҳага кучади. Бозор регулятори, яъни нарх-наво қайси товарни ва уни қанча сарф билан ишлаб чиқариш зарурлигини корхона, фирмага етказади, товарлар дунёсини янгилашиб туришига ундайди.

Нарх бамисоли барометр каби бозор ҳолатини курсатиб туради, нарх пасайиб кетса, бозор касодликка йулиққан булади. Яъни товар нафсиз бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини тубдан яхшилаш зарурлиги кун тартибига қўйилади. Хуллас, нарх фирмаларни бозорбоп товарлар чиқаришга мажбур қилади.

Бозор регуляторига амал қилиш учун монополия бўлмаслиги, аксинча, эркин бозор рақобатига йўл берилиши зарур. Рақобат турларидан энг муҳими нарх воситасида кураш ҳисобланади. Фирмалар ўз рақибларини енгитиш, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун нархни ўзгартириб турадилар. Бир хил ёки ўринбосар товар чиқарувчи фирмалар харидорни „оғдириб“ олиш учун нархни пасайтиради, зарар кўрмаслик учун товарларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларини ҳам қисқартиради. Аммо вақти келганда нарх харажат билан боғланмаган ҳолда ҳам пасайтирилади. Нарх муҳим иқтисодий дастак бўлганидан уни тез-тез ўзгартириб туришдек усул рақобатда кенг ишлатилади.

Мухтасар қилиб айтганда, нарх ишлаб чиқаришни тартиблаб, уни ўзгартириб туради, ривожини таъминлайди. Бозор регулятори ижтимоий ишлаб чиқаришини ижтимоий талабга мувофиқлаштириш орқали иқтисодий тартибга солади. Нархнинг регуляторлик функцияси ҳам шунда.

[23] Бозор конъюктураси муайян даврдаги бозор ҳолати, бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан характерланади. Шунга биноан, бозор конъюктураси:

* ижобий ва салбий:

* қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин.

Бозор конъюктураси талабнинг ошиши билан характерланса, сотувчи учун қулай, чунки у товарини қимматга сотиб, ортиқча даромад кўради. Агар бозорда таклиф ортиқлик қиладиган бўлса, конъюктураси харидор учун қулай бўлади — товарни арзонга олиб, бундан наф кўради.

Бозор конъюктурасини ўрганиш қуйидагиларнинг таҳлил қилинишини тақозо этади:

- * ишлаб чиқариш, талаб ва таклиф;
- * товар ва уни сотиш;
- * нархлар ҳолати;
- * қисқа муддатли прогноз ва тахминлар.

Бозор конъюктураси айрим товар ишлаб чиқариш миқёсида ва сотиб олувчиларнинг харид қобилиятига боғлиқдир. У нарх-навога, моданинг ўзгаришига қараб ҳар хил бўлади. Товарлар таклифи бозорнинг келажакдаги ҳолатига, яъни:

- * ишлаб чиқаришнинг техникавий аҳволи;
- * ишлаб чиқаришга сарфланган қўшимча ресурслар ва уларнинг қайтим бериш муддатлари;
- * товар захиралари ва уларнинг динамикаси;
- * экспорт ва импорт;
- * нарх-наводаги ўзгаришлар йўналиши кабиларга боғлиқ бўлади.

Бу жиҳатларни ўрганиш таклифни ўрганишга имкон беради.

Товарга булган талабни ўрганишда қуйидагилар инобатта олинади:

- * инвестиция суммаси ва структураси;
- * меҳнат предметиға бўлган талаб;
- * корхона, фирма, ташкилотлар пул сарфининг йўналиши;
- * аҳоли харид қобилияти;
- * аҳолининг товарлар билан таъминланганлик даражаси ва ҳ.к.

Бозор конъюктураси тахминлари маҳаллий, регионал ва жаҳон бозорларига, айрим товарларга нисбатан аниқланади.

Бозор конъюктурасини олдиндан кўра билиш иқтисодий тангликка йўлиқмаслик, бозор мувозанатига эришиш шарти ҳисобланади.

[24] Бозор мувозанати деганда бозордаги талаб ва таклифларнинг миқдоран ва таркибан бир-бирига мувофиқ келиши тушунилади. Бирон-бир товарга доир талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга **жузъий мувозанат** деб аталади. Бирмунча вақт давомида барча товарлар **нархларининг нисбати ўзгармаса**, бу ўша даврдаги бозорлар тизимининг **умумий мувозанати** маъносини билдиради. Борди-ю, турли товарлар нархларининг нисбати ўзгарса, унда ўзаро боғлиқ бозорлар мувозанатсизлик ҳолатида бўлади.

Бозор мувозанатини қуйидаги асосий йўллар билан таъминла мумкин:

- * товар ишлаб чиқаришни талаб даражасига етказиш ор бозорни тўйдириш;
- * етарли товарлар захирасини барпо этиш;

- * талабгир товарлар нархини ошириш;
- * утмай турган товарлар нархини пасайтириш;
- * экспорт ва импортни мувофиқлаштириш;
- * аҳоли даромадларининг товарлар ва хизматлар қўлайишига қараб ортиб боришини таъминлаш;
- * меҳнат унумдорлигининг иш ҳақига нисбатан тезроқ ўсишига эришиш.

Бозор мувозанати маърифатли жамиятда бозорни тартибга солиш орқали таъминланади.

[25] Бозор шундай мураккаб тизимки, унинг ишлаши ундаги барча бўғинларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ. Булар туркумига:

- * истеъмол товарлари ва хизматлар бозори;
- * ишлаб чиқариш воситалари бозори;
- * молия бозори;
- * валюта бозори;
- * меҳнат бозори;
- * интеллектуал товар бозори;
- * шоу-бизнес бозори ва ҳ.к.лар киради (6-саволга қаранг).

Тулақонли ва ривож топган бозор учун бундай структура зарур шарт бўлиб, бир-бирини тўлдириб боради.

Бозор инфраструктураси деганда бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи ҳар хил соҳалар тушунилади. Булар жумласига:

- * тижорат банклари;
- * биржалар;
- * аукционлар;
- * савдо уйлари;
- * ташқи савдо фирмалари;
- * давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари;
- * божхоналар;
- * солиқ идоралари;
- * тижорат ва соҳибкорлик идоралари;
- * воситачи фирмалар;
- * савдо-сотиқ уюшмалари;
- * концернлар;
- * консорциумлар ва бошқалар киради.

Демак, бозор структураси — бу шу бозорнинг таркибида амал қилувчи бўғинларни, бозор ҳароратини белгиловчи бирликларни билдирса, бозор инфраструктураси эса шу бозорга хизмат қилувчи ҳар хил соҳаларни билдиради.

[26] Бозор интервенцияси деганда миллий ёки регионал бозорга ташқаридан сукулиб кириш ва у бозорни ўзига тобе этиш тушунилади. Хорижий товарлар муайян мамлакат ёки регион бозорини ҳимоя қиладиган тусиқларни бартараф этиб, бозорга кириб олади ва шу ердаги товарлар билан рақобат қилади, харидорларни ўзига оғдириб олади.

Бозор интервенцияси ҳар хил воситалар билан амалга оширилади:

- * демпинг экспорт (ички бозордан ҳам паст баҳоларда экспорт)ни ишлатиш;
- * юқори бож тўловларига ҳам рози бўлиш;
- * бозор чаққон ерларда корхоналар қуриб, товар чиқариш;
- * импорт қилувчи мамлакат ёки регионга моддий ёрдам курсатиш; сиёсий тазйиқ ўтказиш ва бошқалар.

Бозор муҳофазаси деганда миллий бозорнинг ёки айрим товарлар бозорининг давлатнинг экспорт-импортни тартибга солувчи тадбирлари воситасида ҳимоя қилиниши тушунилади. Бозор муҳофазаси:

- * четдан товар келтиришни чеклаш, тақиқлаш;
- * бож тўловини ошириш орқали амалга оширилади.

Бозор муҳофазасини четлаб ўтишнинг муҳим йўли илгари товар чиқарилган мамлакатга капитал чиқариб, муайян товарни ўша ернинг ўзида яратиш ва сотиш ҳисобланади. Масалан, Япония автомобиль фирмалари уз товарини АҚШга киритиш йўлидаги юқори бож тўловларига „чап бериш“ учун АҚШда ўз заводларини қуриб, чиқарилган автомобилни шу ернинг ўзида сотади.

Бозор муҳофазаси мамлакатлараро „савдо жанглари“ да истеҳком вазифасини ўтайди.

[27] Бозор сегментацияси деганда маълум белги-аломатлар ва савдо-сотиқнинг шарт-шароитига қараб бозорни ҳар хил бўгин (қисм)ларга ажратиш, табақалаш тушунилади. Сегмент — бу бозорнинг кичик бир қисми. У ерда харидорларнинг гуруҳи чекланган бўлади. Уларга маълум турдаги товарлар сотилади.

Бозорни сегментларга ажралишига икки нарса сабаб бўлади:

- * меҳнат тақсимоти чуқурлашиб, ғоят хилма-хил товарлар ишлаб чиқарилиши ва уларнинг маълум гуруҳ истеъмолчиларга мулжалланиши;
- * истеъмолчиларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан табақаланиши, улар талабининг фарқланиши.

Бозорнинг сегментларга ажратиш мезонлари ғоят кўп. Масалан, бир сегмент учун аҳолининг харид қобилияти устувор бўлса, бошқа сегмент учун рақобатнинг бор ёки йўқлиги муҳим белги бўлади.

Сегментлар ҳудудий ва социал-демографик мезонларга қараб ажратилади.

Ҳудудий сегмент қуйидаги мезонларга эга:

- * аҳолининг сони ва зичлиги;
- * транспорт ва алоқа шохобчаларининг мавжудлиги ва ривожланиш даражаси;
- * табиий иқлим шароити;
- * тижорат ишчининг асосий йўналиши ва унинг қайси тоифа кишиларга хизмат қилиши;
- * иқтисодиётнинг умумий аҳволи;
- * инфляция даражаси;
- * бозор инфраструктурасининг мавжудлиги ва бошқалар.

Социал-демографик сегмент қуйидаги мезонларга эга:

- * истеъмолчи харидорларнинг ёши, жинси;
- * истеъмолчи харидорлар таркибидаги ишловчилар, уқувчилар ва пенсионерларнинг салмоғи;
- * истеъмолчи харидорларнинг билим даражаси, савияси;
- * аҳоли пул даромадининг даражаси;
- * оила ва унинг таркиби;
- * аҳолининг касб-кори, ирқи ва миллати;
- * аҳоли таркиби кабилар.

Бозор сегментлари аҳолининг урф-одати, расм-русуми, турмуш тарзи ва қайси бир товарни афзал куришига қараб ҳам ажралади. Сегментларга ажралаш муайян товарларга нисбатан ҳам юзга келади, масалан, кийим-кечак бозорида: болалар кийими, эркаклар кийими, аёллар кийими, ёшлар кийими, қариялар кийими бозорларига ажралади.

Бозор сегментацияси орқали товарларни кам сарф, харажатлар билан юқори нарҳда сотиш имкони яратилади.

Таянч иборалар

* бозор	* жаҳон бозори
* истеъмол товарлари бозорлари	* инжиниринг хизматлари бозори
* хизматлар бозори	* тартибсиз бозор
* ишлаб чиқариш воситалари бозори	* тартибли бозор
* молия бозори	* эркин бозор
* валюта бозори	* монополлашган бозор
* меҳнат бозори	* „очиқ“ бозор
* интеллектуал товарлар бозори	* „ёпиқ“ бозор
* шоу-бизнес бозори	* пинҳоний бозор
	* бозор қонунлари
	* бозор регулятори

Таянч иборалар

* маҳаллий бозор	* бозор конъюнктураси
* регионал бозор	* бозор интервенцияси
* бозор мувозанати	* бозор муҳофазаси
* бозор структураси	* бозор сегментацияси
* бозор инфраструктураси	* сегмент
* ҳудудий сегмент	* социал-демографик сегмент

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар

- [1] Бозорнинг ўзи нима?
- [2] Бозор қачон вужудга келган?
- [3] Бозор қандай вазифаларни бажаради?
- [4] Бозор тизимининг қандай ижобий томонларини биласиз?
- [5] Бозор тизимининг салбий томонлари ҳам борми?
- [6] Бозорларнинг қандай турларини биласиз?
- [7] Истеъмол товарлари ва хизматлар бозори қандай уюштирилади?
- [8] Ишлаб чиқариш воситалари бозори ким томонидан ташкил этилади?
- [9] Молия бозори деганда нимани тушунасиз? Унинг қандай турлари бор?
- [10] Валюта бозори ҳам борми?
- [11] Меҳнат бозорими ёки меҳнат биржасими?
- [12] Интеллектуал товарлар бозори деганда нимани тушунасиз?
- [13] Шоу-бизнес (маданий) бозор ва шоу-биржа бозорлари ҳам борми?
- [14] Маҳаллий, регионал ва жаҳон бозорлари бир-биридан нима билан фарқ қилади?
- [15] Инжиниринг хизматлари бозори қандай бозор?
- [16] Тартибсиз, тартибли ва бошқариладиган бозорларнинг ўзига хос хусусияти нимада?
- [17] Эркин бозор ҳақида нималар дея оласиз?
- [18] Монополлашган бозорнинг моҳияти нимада?
- [19] „Очиқ“ ва „ёпиқ“ бозор бир-биридан нима билан фарқ қилади?
- [20] „Линхоний“ бозор деганда қандай бозор тушунилади?
- [21] Қандай қонунлар бозор қонунлари деб юритилади?
- [22] Бозор регулятори вазифасини нима бажаради?
- [23] Бозор конъюнктураси нима билан тавсифланади?
- [24] Бозор мувозанати деб нимага айтилади?
- [25] Бозор структураси ва бозор инфраструктураси бир хил тушуниладими?
- [26] Бозор интервенцияси ва бозор муҳофазаси туғрисида нималар дея оласиз?
- [27] Бозор сегментацияси нима? Унинг мезонлари-чи?

2- боб. МАЪМУРИЙ-БУЙРУҚБОЗЛИК ИҚТИСОДИЁТИ- ДАН ЭРКИН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА УТИШ ЗАРУРИЯТИ

Режа:

2.1. Бозор муносабатлари тўғрисида умумий тушунчалар [28 — 34]

2.2. Бозор иқтисодиётига утиш зарурияти ва „кузга қуринмас қул“
[35 — 40]

2.1. Бозор муносабатлари тўғрисида умумий тушунчалар

[28] Дастлаб бозор муносабатлари ва бозор иқтисодиёти тушунчалари хусусида икки оғиз сўз. Бу иккала тушунчанинг бир хил ёки бир хил эмаслиги тўғрисида фикр юритишдан олдин қуйидаги терминларнинг луғавий маъносига эътибор берайлик.

* „Бозор — бу аҳоли савдо-сотик қиладиган махсус жой“¹

* „Муносабат — кишилар ўртасидаги алоқа, муомала“.

* „Муносабат — кишилар, ташкилотлар, давлатлар ўртасидаги борди-келди, олди-берди муаммолари; тирикчилик, моддий ва маънавий ҳаёт билан боғлиқ алоқа“.

* „Муносабат — кишининг воқеликка, воқеликдаги нарсаларга, ҳодисаларга қараши, ёндошиш принципи“²

* „Иқтисод“ — „хўжалик“ маъносини беради.³ У юнунча сўздан олинган бўлиб, уй хўжалигини юритиш санъати демақдир.

Лемак. „муносабат“ тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Бозор муносабатлари эса сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий алоқаларни англатади.

Олди-сотди хусусида товар ва пул эгалари ўртасида шундай муносабатлар юзага келадики, уларнинг аниқ ижрочиси корхона, фирма, ташкилот, компания, айрим шахс ва ҳатто давлатлар қиёфасида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти деганда товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонунлар, яъни бозор муносабатлари

¹ Ўзбек тилининг изоҳди луғати. М., „Рус тили“ нашриёти 1981, 126-бет.

² Уша ерда, 480-бет.

³ Уша ерда, 346-бет.

қоидалари асосида бошқариладиган иқтисод тушунилади. Бозор иқтисодиёти азалдан мавжуд. У бир неча минг йиллардан буён ривожланиб, турли ижтимоий формациялар доирасида сақланиб келади.

Айнан бозор муносабатларининг амал қилиши даражасига қараб капитализм, социализм каби тузумларни ажратишган. Шундай қилиб, бозор муносабатлари бозор иқтисодиёти тушунчаси билан чамбарчас боғланган. У бозор иқтисодиётининг бағрида ўз ифодасини топади.

[29] Бозор иқтисодиётига утиш бу шунчаки кур-қуруна мақсад эмас, балки иқтисодиётга бозор муносабатларини шакллантириш, жамиятни янгилаш йулидир. Яъни:

- * иқтисодий фаолият эркинлигига;
- * мулкчиликнинг хилма-хиллигига;
- * нарх эркинлигига;
- * рақобат курашига;
- * шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг қарор топишига;
- * даромаднинг чекланмаслигига;
- * антимонопол иқтисодиётнинг мавжудлигига эришишдир.

Ана шу бозор муносабатлари пойдеворларининг шаклланиш ва амал қилиш даражасига қараб бозор иқтисодиётининг турли моделлари туғрисида сўз юргизишади (1-чизмага қаранг).

1- чизма

Бозор ва марказлашган иқтисодиётлар моделларининг қиёсий тавсифномалари

Модель	Бозор иқтисодиёти		Марказлашган иқтисодиёт			Модель
	Эркин	Социал	Социалистик	Аралаш	Қатъий	
СМИ	АҚШ					
Соф бозор иқтисодиёти (СБИ)		Германия	Франция Югославия		Собиқ СССР Болгария	Соф марказлашган иқтисодиёт (СМИ)
				Венгрия		
Ф У Н К Ц И Я Л А Р И						
	"Гарантия"	"Тартиб"	"Тартиб" ва "Бошқарув"	"Бошқарув" ва "Тартиб"	"Бошқарув"	

Фақат бозор муносабатлари заминидагина ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, куплаб сифатли товарлар яратиш, уларга бўлган талабни қондириш, тежамли хўжалик юритиш, тукинчилик яратиб, халқни фаровон турмуш сари йуллаш, ҳалол ва самарали меҳнатни қадрлаш, адолатни ўрнатиш мумкин.

Бозор муносабатлари тизимида шундай рағбат кучи жамланганки, у муттасил иқтисодий ўсиш ва социал ривожлантиришни таъминлайди. Буни 1- чизмамиздаги давлатлар (АҚШ, Германия, Франция, Югославия, Венгрия, собиқ СССР, Болгария)нинг жойлашишидан куришимиз мумкин.

[30] Нима учун эркин иқтисодиёт бозор муносабатларининг асосий пойдевори деб айтилади? Чунки бозор муносабатлари қатъий марказлаштирилган режалаштириш билан чиқиша олмайди. Бугунги кунда дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар эркин иқтисодиётга асосланган бозор муносабатларининг этагидан тутди. Негаки, марказлашган, маъмурий-буйруқбозлик асосига қурилган иқтисодий ривожланиш модели (1-чизмага қаранг) дунёнинг бирон-бир бурчагида муваффақиятга эриша олмади, ўз халқи фаровонлигини таъминлай олмади, уни эртанги кун ташвишидан халос қила олмади.

Бозор иқтисодиёти, энг аввало, эркин иқтисодиётдир. Маъмурий, тоталитар, марказлашган режали иқтисодиётга қарама-қарши ўлароқ, эркин иқтисодиётнинг пойдевори мустаҳкам ва имкониятлари чексиздир. Бунинг маъноси шуки, моддий ишлаб чиқариш соҳасида рўй берадиган барча жараёнлар:

- * ишлаб чиқариш;
- * тақсимот;
- * айирбошлаш ;
- * истеъмол либераллаштирилади.

Монополлашган иқтисодиётдан эркин иқтисодиётга, социалистик мусобақадан эркин рақобатга, қатъий белгиланган нархлардан эркин нархларга, давлатлашган мулкдан хилма-хил мулкчиликка таянган иқтисодиётга ўтилади, демократизм принциплари юзага келади (2-жадвалга қаранг).

Эркин иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодий фаолият турлари	Маъмурий-буйруқбозлик шароитида	Эркин бозор иқтисодиёти шароитида
Ишлаб чиқариш	<p>* СССР Госплани режанинг асосий курсаткичларини ишлаб чиқарди.</p> <p>* Режа КПССнинг навбатдаги съездида тасдиқланарди ва „суверен“ республикаларга жунатиларди.</p> <p>* Республика Госплани бу рақамларни вилоятларга, вилоятлар эса районларга, районлар эса колхоз ва совхозларга, улар ҳам буни уз навбатида бригада, звеноларга етказар эдилар.</p> <p>* Нимани қанча ишлаб чиқариш, ресурсни қаердан олиш, маҳсулотни кимга ва қандай нарҳда сотиш буларнинг ҳаммаси бир марказдан туриб давлат томонидан режалаштирилди. Шу билан ишлаб чиқарувчиларнинг „оёқ-қули боғланиб“, уларга эркинлик берилмас эди.</p> <p>* Режани бажариш қонун, уни ошириб бажариш эса шараф деб ҳисобланиб, оширилиб бажарган даража кейинги йил режаси учун асос қилиб олинарди.</p>	<p>* Марказлашган режалаштириш урнини эркин фаолият эгаллайди.</p> <p>* Ҳар бир фирма, корхона, компания, шахс ва салохиятига, бозордаги талаб ва таклиф, нарх-навога у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш туғрисида қарор қабул қилиши мумкин.</p> <p>* Шу ишлаб чиқаришдан зарар курадими ёки фойда топадими, бунинг учун фақат шу шахснинг ёки компаниянинг ўзи жавоб беради.</p> <p>* Бу ерда ҳакамлик ролини давлат эмас, балки бозор утайди.</p> <p>* Бозор иқтисодиёти қондаларидан бири бозордаги талабга биноан ишлаш, уни қондиришдан иборат. Шундагина ишлаб чиқарувчи пул топиши, даромад олиб бойлик орттириши мумкин.</p>
Тақсимот	<p>* Маҳсулотни тақсимлаш давлат қулида эди</p>	<p>* Тақсимотни энди давлат эмас, балки бозор бажарали</p>

<p>Айирбош-лаш</p>	<p>* Ишлаб чиқариш воситалари ва моддий ресурслар марказлашган ҳолда моддий техника таъминоти идоралари томонидан аксарият субъектив ёндошган ҳолда, истеъмолчиларнинг эҳтиёж даражаларини тула-тукис урганмаган тарзда тақсимланар эди.</p> <p>Истеъмол буюмларини айирбошлаш марказлашган тарзда савдо вазирлиги ва унинг жойлардаги шохобчалари орқали уюштириларди.</p> <p>* Бунда айирбошлашда истеъмолчи (харидор) эмас, балки ишлаб чиқарувчи ўз измини утказар эди. Шу сабабли савдо шохобчаларида сифатсиз, талабга жавоб бермайдиган истеъмол буюмлари чанг босиб ётарди.</p>	<p>* Моддий ресурслар махсус ишлаб чиқариш воситалари бозорида турли аукционларни ўтказиш йули билан олди-сотди қилинади.</p> <p>* Ишлаб чиқариш воситаларининг бозорда эркин сотилиши уларнинг ҳаракатини тезлаштиради, товар тақчиллигига барҳам беради. Шу сабабдан бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини утказади, товар ва хизматларни сифатига ва нархига қараб танлаб олиш имконига эга бўлади.</p> <p>* Истеъмол буюмлари махсус истеъмол товарлари ва хизматлари бозори орқали эркин нархларда айирбошлаш амалга оширилади.</p> <p>* Энди айирбошлашда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини ўтказади. Сифат ва нарх истеъмолчининг талабларини тула қондирмаса, уша молни у сотиб олмайди.</p> <p>* Айирбошлашда монополия вужудга келади.</p>
<p>Истеъмол, даромад</p>	<p>Даромадлар бир текисда тақсимланиб кишиларни иқтисодий жиҳатдан бараварлаштиришга интилиш ётакти уринда турар эди, қатъий белгиланган иш ҳақи (оклад) ойлик туловларнинг асосий қисмини ташкил қилар эди.</p> <p>* Бой бўлиш тақиқланар эди, натижада яширин тарзда, ғайриқонуний йул билан даромад топишга интилиш пайдо буларди.</p>	<p>* Бозор шароитида адолат принципи ҳаммани бир хил қилиш эмас, балки жамиятнинг табақалашувини билдиради. Табақаланиш, бойларга ҳавас қилиб, шундай бўлишга интилишни ҳосил қилади. бу эса яхши ишлашга ундайди.</p> <p>* Истеъмол муносабати тенгликни эмас, балки тенгсизликни келтириб чиқаради ва бу иқтисодиётнинг усишига катта рағбат беради.</p>

O'QUV ZALI

<p>* Корхона, хужалик ва ташкилотлар доирасида ҳам даромад даражасини белгилаш давлат урнатган меъёрдан ошмасди ва буларнинг барчаси ижтимоий адолат деб эълон қилинарди.</p> <p>* Кишиларнинг минимал даражада, лекин бир текисда таъминланиб турилиши уларни иқтисодий фаолликка, бинобарин, даромад топиб бой бўлишга эмас, балки боқимандаликка ундарди.</p>	<p>* Бозор иқтисодиётига хос қондалардан бири — бу даромадларнинг ишлаб чиқаришнинг узида тақсимланишидир. Бу ерда кимга қанча иш ҳақини белгилашни узлари ҳал қилишади.</p> <p>* Даромадларнинг чекланмаганлиги — бу қушимча даромад топишга интилишни пайдо этади. Бойликка ҳавас иқтисодий фаолликни юзага чиқаради.</p>
--	---

Шундай қилиб, эркин иқтисодиёт эркин тадбиркорликка, истеъмол товарини ихтиёрий танлашга, бозордаги муайян аҳволдан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик имкониятлари борлигига асосланади.

[31] Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тизими мулкчиликдан бошланади. Иқтисодий тузумлар ҳам мулкчилик турига кўра фарқланади. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмастликка қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи уларнинг социал мақоми юзага келади. Жамиятда қандай мулкчилик шакли амал қилаётганига қараб ўша жамиятнинг иқтисодий қурилмаси, яъни ундаги шаклланган бозор муносабатлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Мулкчиликка бўлган муносабатларнинг шаклланиши турли тузумда турлича бўлади. Буни биз қуйидаги қиёсий таққослашда қўришимиз мумкин (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Мулкчиликка бўлган муносабатларнинг шаклланишидаги хусусиятлар

Маъмурий - буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида	Эркин бозор иқтисодиёти шароитида
<p>* Ҳукумат ягона мулкдор ҳисобланар ва шу мулкни бошқариш ҳукумат, унинг қуёи органлари зиммасида эди. Масалан, „социализм — бу ишлаб чиқариш воситаларининг умумдавлат, умум-жамият мулкига айланишидир“ - деб хитоб қилиб келдик.</p>	<p>Мулк хусусийлаштирилади ва унинг турли кўринишлари вужудга келади. Давлат корхоналари ишчи хизматчиларнинг ёки ташкилотларнинг хусусий мулкига айланади. Ҳиссадорлик жамиятларини тузиш, ширкат ва кооператив-</p>

<p>* Давлат мулки энг афзал, энг олий мулк. Фақат у халққа фаровонлик беради, деган таълимот билан яшадик.</p>	<p>ларни ташкил қилиш, кичик корхона ва фирмаларни барпо этиш, ишлаб чиқариш воситаларини ижарага олиш йули билан ҳар бир шахс мулкдорга айланади.</p>
<p>* Мулк монополашган шароитда ҳар қандай ишни давлат манфаатига боғлаб турибгина амалга ошириш мумкин эди.</p> <p>* Ҳеч қандай хусусий мулкка рухсат берилмас эди. Мулк реал бўлиши учун мулкдор уни ўз манфаати йулида ишлата олиши, ундан наф куриши лозимлиги инкор этиларди.</p>	<p>Ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан ҳукм суриб келган „бизники“ деган иборани „меники“ деган суз билан алмаштириш объектив зарурат бўлиб қолади. Энди мулкка нисбатан исрофгарчилик, лоқайдлик, бепарқлик ва масъулиятсизлик сингари кунгилсиз ҳолларга чек қуйилади. Акс ҳолда мулк эгаси хонавайрон бўлади.</p>

Шундай қилиб, бозор муносабатлари мулкчиликдаги плюрализмни, хилма-хилликни тақозо этади. Шундагина халқ корхоналарида ишлаб чиқарувчилар айнаи бир вақтда мулк эгаси ҳам бўлишади, шундай корхоналарда ўз манфаати, ўз фаровонлиги учун ишлаш юз беради. Мулк соҳиби мустақил ўз мулкига таяниб иш юритади, энди у қарам эмас.

Ҳар бир киши ўз мулки орқасидан кун кўради:

- * ер эгаси деҳқончилик қилиш ёки ерни ижарага беришдан;
- * пул эгаси уни қарзга бериб фоиз ёки дивиденд олишдан;
- * капитал эгаси уни бизнесда ишлатишдан;
- * иш кучи эгаси ёлланиб ишлашдан даромад топади.

Ўзини мулкдор, мулк хужайини, ўз меҳнатининг, ишлаб чиқарган маҳсулотининг хужайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин кучайратини юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни таъаббускор ва омилкор қилади.

Мулк монополиясининг йуқлиги ёки унинг қаттиқ чекланганлиги ўз навбатида иш кучини еллаш монополиясини ҳам йуққа чиқаради. Энди фақат тан олинган меҳнат қадрланади ва рағбатлантирилади.

[32] Бозор муносабатлари эркин нарх бўлишини талаб қилади. Чунки харидор билан сотувчи уртасидаги олди-сотди жараёнида биринчи навбатда товарнинг нархига эътибор берилади. Товар сифати, унинг замонавийлигига баҳо бериш ҳам нарх орқали бўлади. Нарх бамисоли барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради. Нарх пасайиб кетса, товар бозори касодга йўлиққан бўлади. Товар нафсиз бўлиб,

уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини тубдан яхшилаш зарурлиги кун тартибига қўйилади.

Бозор ўз вазифасини бажариши учун нарх эркинлаштирилиши лозим. Бу орқали корхона ва харидорлар жуда муҳим ахборотга эга буладилар, яъни нимани, қачон ва қаерда, қандай миқдорда ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотларга эга буладилар. Нархдаги ўзгариш бозор конъюнктурасини билдиради, бу эса талаб-таклиф нисбатига боғлиқ. Нарх бозор муносабатининг муҳим дастаги бўлганидан уни эркин равишда тез-тез ўзгартириб туришдек усул рақобатда кенг қўлланилади.

Марказлашган режали иқтисодиётда ва бозор иқтисодиёти шароитида нархнинг шаклланишидаги ўзига хос хусусиятлар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Нарх-навога нисбатан муносабатларнинг шаклланишидаги хусусиятлар

Маъмурий - буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида	Эркин бозор иқтисодиёти шароитида
<ul style="list-style-type: none"> * Нарх-наво бюрократик йул билан белгиланарди ва давлат унинг устидан назорат ўрнатарди. * Нархни ишлаб чиқарувчи эмас, балки нарх қўмитаси белгилаб чиқарди ва кучли нарх интизоми ўрнатиларди. Давлат ўрнатган нархдан чиққан корхоналар жазоланарди. * Нархлар субъектив тарзда белгиланганлиги сабабли корхоналар фақат режа курсаткичларини бажарувчиларга айланиб қоладилар. * Нархни марказлашган тарзда белгилаш, унинг асосий вазифаси бўлиши ахборот беришни чеклайди ва натижада томонларнинг эҳтиёжини йўққа чиқарарди. Чунки бу эҳтиёжлар таъминотда дефицит (етишмовчилик)ни келтириб чиқарди. Шу тариқа корхона ўз ишлаб чиқариш самардорлиги қандайлигини билиш имконидан маҳрум бўларди. 	<ul style="list-style-type: none"> * Нархлар либераллаштирилади, яъни эркин нархга утилади. Энди уларни давлат белгиламайди. У айрим ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи тазйиқи остида ҳам шаклланмайди. * Энди нарх бозорда талаб ва таклифга қараб, харидор билан сотувчининг савдолашувиغا биноан юзага келади. Бозор муносабатлари шароитида келишилган нархлар амал қилади. Ишлаб чиқарувчи ҳам, истеъмолчи ҳам нима қилиши лозимлигини бозордаги нарх курсатади. * Нархнинг эркин шаклланиш механизми орқали корхона ва харидорлар жуда муҳим ахборотга эга буладилар, яъни нимани, қачон ва қаерда, қандай харажат билан ишлаб чиқариш ва сотиш, сотиб олиш мумкинлиги ҳақида маълумотларга эга буладилар.

Шундай қилиб, нархларни эркинлаштириш бу режалаштиришга асосланган иқтисодийetni бозор иқтисодийетига айлантиришнинг энг асосий дастакларидан ҳисобланади. Чунки эркин нарх:

* маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг узаро жипс таъсирини таъминлайди;

* бозордаги талаб ва таклиф мувозонатини таъминлайди. Яъни, бозорда утмай қолган товарлар тупланмайди, улар сотилиб кетади ва шу билан бирга, товар тақчиллиги юзага келмайди;

* ички нархларни жаҳон нархларига мувофиқлаштириш жараёнига ёндошиш тартибини белгилаб беради;

* нарх-наво билан аҳоли ва корхоналарнинг даромадлари уртасидаги тенгликка эришиш жараёнига ёндошиш доирасини белгилаб беради.

[33] Бозор муносабатлари утмишдаги „социалистик мусобақа“ни мутлақо тан олмайди, у:

* ҳақиқий;

* таъсирчан;

* рағбатлантирувчи;

* эркин рақобатчиликни талаб қилади.

Корхоналар бозорга чиқиш учун эркинликка эга бўлиши лозим. Бозорни тула назорат қилувчи олигополия (аксарият узаро нархсиз рақобат олиб борадиган оз сонли йирик корхона, фирмалар) ва монополиялар (танҳо ҳукмрон корхона ва фирмалар) бозорда нархнинг эркин шаклланиш жараёнига халақит бермаслиги лозим. Шундагина рақобат ҳақиқий ва эркин рақобат бўлади.

Таъсирчан ва рағбатлантирувчи, эркин иқтисодий рақобатни ривожлантириш эвазига ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар устидан харидорларнинг ҳукмронлиги ўрнатилади. Бу сўзлар, аввало, оддий харидор-фуқароларга муболагага ўхшаб туюлиши мумкин, аммо аслида, бу бозор муносабатларининг моҳиятини белгиловчи шартдир (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Хуш, „социалистик мусобақа“ми ёки эркин рақобатчиликми?

Маъмурий - буйруқбозлик иқтисодийети шароитида	Эркин бозор иқтисодийети шароитида
* Рақобат „социалистик мусобақа“ билан алмаштирилиб келинди. „Рақобат“ сўзини ишлатиш тақиқланар эди.	* Рақобат рағбатлантирувчи иқтисодийetni ҳаракатта солувчи кучдир. Шу сабабли у бозор иқтисодийети механизмида асосий урин олади.

<p>* Мусобақа ким узиш, ким яхши натижаларга эришиш учун булган қалбаки беллашув эди. Чунки эришилмаган ютуқ ва бажарилмаган режаларнинг эришилиши „рақамлар“ да таъминланарди. Социалистик мусобақадаги мажбурий сафарбарлик усули: — ташаббускорлик руҳини сундирарди; — сифатни яхшилаш ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш имконини бермас эди; * „Ялпи маҳсулот“ мафқураси ҳукмронлигига мусобақа курсаткичлари кўпинча миқдорий курсаткичларга қараб бажарилар эди.</p>	<p>* Рақобат режалаштирилмайди ва қаттиқ назорат остига олинмайди. Рақобатчиликни бозордаги: — талаб ва таклиф; — нарх-наво; — олигополия ва монополия даражаси; — давлатнинг антимонопол сиёсати белгилайди. * Рақобатда мажбурий сафарбарлик бўлмайди. Бу ерда ҳалол ва эркин иқтисодий рақобатни ривожлантириш эвазига ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар устидан харидорларнинг ҳукмронлиги урнатилади.</p>
---	--

Жадвал билан танишиб, юқоридаги саволга эркин рақобатчилик деб жавоб беришимиз табиий. Чунки, ҳалол рақобат:

- * қалбаки беллашув, мажбурий сафарбарликни тан олмайди;
 - * боқимандалик, бепарқлик, юзачилик, кўзбўямачилик каби салбий ҳолларга барҳам беради;
 - * қариндош-уруғчиликни, ошна-оғайнигарчиликни, танишбилишликни, маъмурий-буйруқбозликни тан олмайди.
- Рақобат шундай омилки, у:
- * ишлаб чиқарувчиларни новацияга, янги техника ва технологияни жорий қилишга ундайди;
 - * тадбиркорликни ривожлантиради;
 - * иш билан банд булган ҳар бир фуқаронинг масъулияти, уларнинг меҳнат унумдорлигини, иш сифатини оширади;
 - * қаттиқ меҳнат интизомини ўрнатади;
 - * ички бозорни мол билан бойитади, нархни арзонлаштиришда катта роль ўйнайди.

Хуллас, рақобат ҳар қандай иқтисодий тангликдан олиб чиқишга қодир локомотив, маҳсулот сифатига кафолат берувчи, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи воситадир.

[34] Шахсий ҳуқуқ ва эркинлик, меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий кафолатлар ҳам бозор муносабатларининг муҳим пойдеворларидан ҳисобланади. Инсон фақат эркин, озод булган тақдирдагина:

- * ўз эҳтиёжини қондириш учун ўзи шахсан қарор қабул қилади, унинг натижаси буйича ўзи жавоб беради;
- * нимани, қачон, қаерда ва қанча ишлаб чиқаришни ўзи ҳал қилади. Бу билан у жамият олдида ўз ишининг оқибатлари учун масъулиятини тулиқ бўйнига олади;
- * ўзининг номини, нуфузини хавф-хатарга қўйиб ҳаракат қилади. Хато иши учун ўзгаларни айбдор қилишга ҳуқуқи бўлмади.

Ҳар бир инсоннинг эркинлиги орқали жамият демократлашиб боради, инсон ҳуқуқлари ҳимояланади. Инсон эркинлиги унинг қарор қабул қилишида, хавф-хатарни, имкониятини ва бошқа омиллари мустақил идрок қилишга ва оқибатлари учун жамият олдида шахсан жавоб беришга ўргатади.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга нисбатан маъмурий - буйруқ-бозлик иқтисодиёти шароитида қандай муносабат булганлиги ва бозор иқтисодиёти шароитида у муносабатларнинг қанақа бўлишини б-жадвал умумлаштириб характерлайди.

6-жадвал

Шахе индикаторларининг турли иқтисодиёт шароитларидаги қиёсий тавсифномаси

Шахс индикаторлари	Маъмурий - буйруқбозлик шароитида	Эркин бозор иқтисодиёти шароитида
Шахсий ҳуқуқ ва эркинлик	* Режали иқтисодиёт шахсининг тафаккури ва қалбига зил ҳаракат қиларди. Касбни танлаш, уни ўзгартириш, жойни алмаштириш каби ҳуқуқлар қатъий равишда чекланган эди. Сўз эркинлиги ҳам режалаштирилди.	* Ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъдодини намоён қилишга, шахс сифатида узини курсатишга имкон туғилади. Шахс эркинлиги ҳуқуқи ва тенглик қонун билан кафолатланади.
Меҳнат ҳуқуқи	* Расмий равишда ишсизлик бўлмасди, чунки ишчи кучи режа асосида тақсимланиб туриларди, меҳнат шартномалари туғрисида-ку умуман гап ҳам булмас эди. Малақали иш кучи унчалик қадрланмасди.	Ишсизлик деган категория тан олинадики, у ишчилар ўртасида иш урни учун рақобатни кучайтиради. Ишга қабул қилиш режали тақсимот асосида эмас, балки меҳнат шартномалари асосида амалга оширилади

Иш ҳақи	<p>* Иш ҳақи давлат томонидан қатъий режалаштирилган иш ҳақи фонди чегарасида туланарди. Шунинг учун ҳам у томонларнинг манфаатларини курсатувчи жиҳат эмас, балки иқтисодий режанинг узвий қисми эди, холос.</p> <p>* Бой булиш тақиқланарди, ҳаттоки ҳалол меҳнати билан булса ҳам.</p>	<p>* Иш ҳақи давлат томонидан эмас, бозор томонидан белгиланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки курсатиладиган хизматнинг бозори қанчалик чаққон булса, шунчалик ишчининг оладиган иш ҳақи юқори булади.</p> <p>* Ҳалол меҳнат билан бойлик орттириш имконияти туғилади.</p>
Ижтимоий кафолат	<p>* Ўзини оқламаган „ҳар кимнинг эҳтиёжига яраша“ принципи амал қиларди. У принцип фаровонликка эмас, балки қашшоқликдаги тенгликка кафолат бера оларди, холос. Чунки, ҳамманинг эҳтиёжини бир хилда қондириб бўлмайди.</p>	<p>* Ҳаммага теппа-тенг эмас, балки ижтимоий кафолат табақалашган булади. Энди „ҳар кимнинг эҳтиёжига яраша“ эмас, балки ҳар кимнинг табақалашган эҳтиёжи ижтимоий кафолатланади</p>

2.2. Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти ва „кўзга кўринмас қўл“

[35] Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт инқирозга учради. У уз вазифасини, яъни тараққиёт ва халқ фаровонлигини таъминлай олмаслигини тўла-тўқис намоён қилди. Ўтган салкам бир асрлик „социализм“нинг фаолияти буни исботлади. Ваҳоланки, иқтисодий тараққиёт — бу объектив жараён, у кишиларнинг хоҳишидан ташқари ҳолатда амал қилишини била туриб:

- * иқтисодий қонунларга қараб туриб сиёсат эмас, балки, аксинча, сиёсатга қараб иқтисодий қонунлар „ҳаракати“ режалаштирилди. Хусусан, асосий иқтисодий қонун халқ хўжалигини планли-пропорционал режалаштириш қонуни билан алмаштирилди. Натижада мамлакат иқтисодиётини бошқаришда эркин иқтисодиёт ўрнига маъмурий, мажбурий қарорлар билан бажариладиган ва юритиладиган иқтисодиёт пайдо бўлди;
- * планли-пропорционал ривожланиш қонуни туфайли, социалистик ишлаб чиқариш кризиссиз, тўхтовсиз ўсади, деб хитоб қилдик. Айни пайтда: давлат корхоналари маҳсулотлари баҳосини режалаштириш чоғида, маҳсулот ишлаб чиқаришда харажатни камайтиришни рағбатлантириш учун ишлаб чиқариш ҳажмини

купайтиришда, унинг сифатини яхшилашда қиймат қонунидан фойдаланиш зарурлигини назарий жиҳатдан тан олган ҳолда, уни инкор этдик.

Айниқса, ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари ва регионлар ўртасидаги айирбошлаш жараёнида қиймат қонунининг етарлича ҳисобга олинмаганлиги у регионлар учун жуда қимматга тушди. Масалан, республикаимиз бюджети даромад қисмининг энг кўп улушини фойда ва оборот солиғи ташкил этади. Оборот солиғи эса халқ истеъмоли моллари сифатида ишлаб чиқарилган тугал маҳсулотларга белгиланади.

Демак, неча ўн йиллар мобайнида республикаимизда етиштирилган пахта, қорақўл тери, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалиги хом ашёлари кўпчилик қисмининг ташқарига чиқариб юборилганлиги сабабли оборот солиғининг бюджетимизга тушишидан маҳрум бўлиб қолдик. Ҳолбуки, юқорида кўрсатилган хом ашёлар учун ҳеч қандай оборот солиғи ўрнатилмасдан, марказдан тасдиқланадиган нархлар билан белгиланган „режани бажариш“ деган тазйиқ остида топшириб келдик. Бу эса моддий ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаларидаги айирбошлашда тенгликнинг бузилишига олиб келди, марказлашган режа яловини баланд кўтариб, иқтисодий фаолият эркинлигига, мулк хилма-хиллигига, нарх эркинлигига, ҳақиқий таъсирчан рақобатга йўл бермадик.

Натижада:

- * илмий-техника тараққиётининг ўсиши, бой имконият ва воситалардан фойдаланиш, ижтимоий меҳнат унумдорлиги, сифат кўрсаткичлари, халқ фаровонлиги даражаси жиҳатдан ривожланган капиталистик давлатлардан орқада қолдик;
- * дунё миқёсида иқтисодиётнинг тараққиёти шахдам қадамлар ташлашга утган сари собиқ Иттифоқда бу жараённинг акси юз бера бошлади. Биз нафақат йилдан-йилга, ойдан ойда, балки кундан-кунга „оқсоқланиб“, орқада қолаётганимизга иқроп бўлдик;
- * йиллар давомида сир бой бермасдан, „биз мул-қўлликда энг йирик ривожланган давлат АҚШдан кейин мустаҳкам иккинчи ўринни эгаллайдиган давлатимиз“ деб айюҳаннос солдик. Халқнинг турмуш даражасини таққослашга келганда эса арзон нонимиз билан, бепул тиббий хизмат ва маорифни пеш қилиб келдик ва ҳ.к.

Хуллас, ҳар қандай тарғибот ва ташвиқот юритганимиз билан ҳақиқат ҳақиқатлигича қолаверди. Иқтисодий тараққиётдаги муаммолар камайиш ўрнига кўпайиб бораверди. Ўтмишда хитоб қилиб келган „Социализм — бу аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини тўлароқ қондирувчи, халқ фаровонлигини ошириб борувчи тузум-

дир“, — деган шиордан воз кечиш ва маъмурий-буйруқбозлик, марказлашган режали иқтисод „илдизига болта уриш“га туғри келди.

Шундай қилиб, эркин бозор иқтисодиётига утишнинг объектив зарурлиги шундан иборатки, марказлашган режали иқтисод заминида прогрессивроқ иқтисод булган эркин бозор иқтисодиёти учун моддий, сиёсий ва социал шарт-шароитлар пишиб етилди. Қуйидагилар, яъни:

- * иқтисодий фаолият эркинлиги (2-жадвал, 3-устунга қаранг);
- * мулк хилма-хиллиги (3-жадвал, 2-устунга қаранг);
- * нарх эркинлиги (4-жадвал, 2-устун);
- * таъсирчан рақобат (5-жадвал, 2-устун);
- * шахсий индикаторлар устуворлиги (6-жадвал, 3-устун)нинг афзалликлари ва уларнинг тан олиниши ана шундай шарт-шароитлардандир.

Тарихан тасдиқланган тажрибага кўра, бозор механизми ижтимоий янгилашнининг энг самарали воситаси ҳисобланади. Чунки у:

- * халқнинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини тўла ишга туширади;
- * боқимандалик ва текинхўрлик кайфиятига чек кўяди;
- * иқтисодий ташаббус ва ишбилармонликни ривожлантиради;
- * ҳар бир кишининг миллий бойликни орттиришдаги масъулиятини оширади;
- * ҳар бир кишини бой қилиш орқали жамиятни ҳам бойитиб боради.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқаришни истеъмолчининг талаб-эҳтиёжига бўйсундиради, янгиликка, тежамли хўжалик юритишга ундайди, касбий маҳорат ва ташаббусни қадрлашга даъват этади.

[36] Бозор иқтисодиётининг реал амал қилиши бир қатор шарт-шароитларнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Улар жумласига 2, 3, 4, 5 ва 6- жадвалларнинг 2 — 30 устунларида баён қилинганлар киради. Умумлаштириб, лўнда қилиб айтганда, улар жумласига қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

Биринчидан, иқтисодий субъектлар мустақил бўлиши керак. Яъни ўзаро битим тузиш, олган даромадларининг хўжайини бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Иккинчидан, бозор муносабатлари субъектлар ўртасида эркин, тенг ҳуқуқли ва кўнгилли асосда бўлиши даркор.

Учинчидан, субъектлар ўз товар ва хизматларига мустақил равишда нарх белгилаш ҳуқуқига эга бўлиши керак. У нархлар бозордаги таклиф ва талабдан келиб чиққан ҳолда ўрнатилиши лозим.

Тўртинчидан, бозорда томонлар, яъни сотувчи ва харидор бир-бирларини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Бешинчидан, бозорда монопол мавқе ҳукм суриши мумкин эмас. Бозор унга нисбатан аёвсиздир.

Олтинчидан, бозорда соғлом, таъсирчан рақобат ҳукмрон бўлиши керак.

Еттинчидан, бозор ва унинг субъектлари ҳақида ишончли ахборотлар оммалаштирилиб турилиши лозим.

Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётнинг заифлиги ҳам ана шу объектив шарт-шароитларнинг йўқлигида эди.

[37] Бозор иқтисодиёти, ғоят кўп қиррали ва мураккаб иқтисодиётдир. Унинг моҳиятини англаш учун ўзига хос туб белгиларни¹ яхлитликда олиб қараш керак. Бу белгилар шаклланиб улгурган, аралаш иқтисодиётга айланган бозор иқтисоди шароитида вужудга келади, ҳозирги ривожланган мамлакатларда аниқ кўринади. Бозор иқтисодиёти:

- * эркин товар-пул муносабатларига асосланган;
- * иқтисодий монополизмни инкор этувчи;
- * социал мулжалга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига эга бўлган;
- * бошқарилиб (тартибланиб) турувчи иқтисоддир.

Бозор иқтисодиёти ўзининг қуйидаги туб белгилари билан ажралиб туради:

- * мулк шаклларининг хилма-хиллиги;
- * эркин иқтисодий фаолият, эркин соҳибкорлик;
- * антимонопол йўналишга эга эканлиги;
- * нарх эркинлиги, унинг либераллашуви;
- * эркин рақобатни тақозо этиш;
- * социал (ижтимоий) эҳтиёт қоидаларига асосланиш ва даромадга қараб табақаланиш;
- * новацияга мойиллик.

Ўзига хос мулк муносабатлари, социал йўналишлари ва тартибланиб туриш усуллари жиҳатидан бу тизим капиталистик иқтисодиётдан ва тарихда мавжуд бўлган социалистик иқтисодиётдан фарқ қилади.

[38] Бозор иқтисодиётининг қуйидаги субъектлари мавжуд:

* **иқтисодий мустақил мулк эгаси**. Яъни истеъмолчи бўлган айрим кишилар ёки гуруҳлар. Буларга одатда ёлланиб ишловчилар, ер эгалари, капитал соҳиблари, ишлаб чиқариш воситаси эгалари киради.

¹ 1.2—6- жадвалларнинг сунги устунларига ва 4,35- саволларнинг жавобларига қаранг.

Улар тадбиркорлик қилмай, ўз мулкидан даромад топади ёки ёлланиб ишлайди;

* **фирма, корхона, хўжаликлар, уларда банд бўлган тадбиркорлар.** Улар фойда олиш йўлида мустақил иш юритадилар, ишлаб чиқариш омилларини ишга соладилар;

(2—6- жадвалларнинг сунгги устунларига қаранг)

* **давлат, аниқроғи, давлатнинг барча маҳкама, идора, ташкилотлари.**

Улар ҳам ишлаб чиқариш, ҳам истеъмол билан шуғулланадилар, бозор ва унда қатнашувчилар фаолияти устидан назорат қиладилар.

Бозор иқтисодиёти иштирокчилари узаро алоқага киришадилар. Иш кучи, капитал ва бошқа восита эгалари уларни корхона, фирмаларга сотади. Улар уз навбатида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб товар ва хизматлар яратадилар, уларни таклиф этадилар.

Бозор иқтисодиётининг ҳар бир субъекти, бу корхонами, давлатми, айрим кишими — бунинг аҳамияти йўқ, ўз манфаатини кузлаб фаолият курсатади. Аммо, кўр-кўрона, хоҳлаган ишини қила олмайди. У бозор билан ҳисоблашишга мажбур, акс ҳолда иши юришмайди, даромад топмайди, хонавайрон бўлади.

[39] Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ташкил этишнинг барча асосий вазифалари стихияли тарзда ҳал этилади. Аммо стихиялилик билан тартибсизлик асло айнан бир нарса эмас. Бозор субъектларининг ҳар бири (хоҳ у фирма бўлсин, хоҳ у индивидуал ишлаб чиқарувчи бўлсин) мустақил иш тутиб:

„Ўз манфаатини рўёбга чиқара бориб пировард натижада кўзга кўринмас бир қўл воситасида ўзи асло, кўзламаган мақсад сари йўналтиради. У ўз манфаатларини кўзлаб, кўпинча жамият манфаатларига ўзи онгли равишда интилганига қараганда анча кўпроқ самарали тарзда хизмат қилади“ (А. Смит)

Адам Смит тилга олган „кўзга кўринмас қўл“ — бу объектив қонунлар бўлиб, улар инсон иродаси ва онгига боғлиқ эмас. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонунларидан бири — бу рақобат қонунидир. Айнан шу қонун „кўзга кўринмас қўл“ вазифасини бажаради. Бозор шароитида:

- * ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга;
- * ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга;
- * маҳсулот сифатини яхшилашга;
- * ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга ҳеч ким мажбур этмайди.

Бу ҳақда бош қотиришга ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи,

эркин рақобат „мажбур қилади“. Акс ҳолда улар хонавайрон бўладилар.

[40] Шуни таъкидлаш лозимки, аралаш иқтисодиётда бозорга хос муносабатлар билан биргаликда унга табиатан хос бўлмаган муносабатлар, **нобозор сектори** ҳам мавжуд бўлиб, у бозор қонунларига бўйсунмайди. Нобозор секторга аҳолига тамомила бепул ёки қисман пулли, яъни имтиёзли хизмат кўрсатувчи нотижорат корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар кирадики, улар давлат ёки хайрия ташкилоти пули ҳисбидан молиялаштирилади ва бу инсонийликдан келиб чиқади. Бундай секторга:

- * Касаба уюшмалари;
- * Сиёсий партиялар;
- * Халқ демократик партияси;
- * Адолат социал-демократик партияси;
- * Халқ бирлиги ҳаракат партияси;
- * Ватан тараққиёти партияси;
- * Миллий тикланиш партияси;
- * Фидокорлар миллий демократик партияси;
- * Хотин-қизлар кўмитаси ва жойлардаги ташкилотлари;
- * Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўмитаси;
- * Ёшлар ташкилотлари;
- * Фахрийлар ташкилотлари;
- * Қизил ярим ой жамияти;
- * Спорт жамияти;
- * Ижодий уюшмалар;
- * Махсус фондлар:
 - * Пенсия фонди;
 - * „Орол“ фонди;
 - * „Улугбек“ фонди;
 - * „Бизнес-фонд“ (26.07.1995й.);
 - * „Экосан“ фонди;
 - * „Социал сугурталаш“ фонди ва бошқалар.

Турли хайрия жамғармалари:

- * „Наврўз“ жамғармаси;
- * „Маҳалла“ (12.09.1992й.);
- * „Соғлом авлод учун“ (23.04.1993й.);
- * „Истеъдод“ ижодкор ёшлар жамғармаси (4.05.1993й.);
- * „Матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарма“ (25.08.93й.);
- * „Камолот“ ёшлар жамғармаси (17.04.1996й.);
- * „Олтин мерос“ жамғармаси;
- * Иқтидорли талабаларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб -

қувватлаш „Умид“ жамғармасы (8.01.97й.);

* „Устоз“ фонди ва ҳоказолар.

Махсус фондлар ва хайрия жамғармалари турли хўжалик субъектлари, яъни корхона, фирма, ташкилот, давлат идоралари ва айрим фуқароларнинг ҳомийлиги орқали ташкил топади. Мазкур маблағлар фойда топиш учун ишлатилмайди, улар аниқ бир мақсадга эришиш учун сарфланади. Масалан, „Экосан“ фондининг мақсади табиатни муҳофаза қилиш бўлса, „Улуғбек“ фондининг мақсади иқтисодорли ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Хайрия жамғармалари фақат хайрия-савоб ишлари учун сарфланади.

Таянч иборалар	
* бозор иқтисодиети	* социалистик мусобақа
* бозор муносабатлари	* рақобат
* эркин иқтисодиёт	* шахс индикаторлари
* монополлашган иқтисодиёт	* „Кўзга кўринмас қўл“
* маъмурий-буйруқбозлик ша- роитидаги иқтисодиёт	* нобозор сектор

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар

- [28] *Бозор муносабатлари ва бозор иқтисодиёти тушунчалари бир хил тушунчаларми?*
- [29] *Нималар бозор иқтисодиётининг „ройдевор“лари ҳисобланади?*
- [30] *Нима учун эркин иқтисодиёт бозор муносабатларининг асосий „ройдевори“ деб айтилади?*
- [31] *Нима учун бозор муносабати мулкчиликнинг хилма-хиллигини тақозо этади?*
- [32] *Нима учун бозор муносабатлари эркин нарх бўлишини тақозо қилади?*
- [33] *Бозор муносабатларига рақобатнинг қандай дахли бор?*
- [34] *Шахсий ҳуқуқ ва эркинлик бозор муносабатлари таркибида қандай роль ўйнайди?*
- [35] *Бозор иқтисодиётига утиш зарурияти нимадан келиб чиқади?*
- [36] *Бозор иқтисодиётининг реал амал қилиши учун қандай шартлар бўлиши лозим?*
- [37] *Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва туб белгилари нималардан иборат?*
- [38] *Бозор иқтисодиётининг қандай субъектлари мавжуд?*
- [39] *„Кўзга кўринмас қўл“ми ёки рағбатлантирувчи рақобатми?*
- [40] *Бозор иқтисодиёти шароитида нобозор муносабатлар ҳам булиши мумкинми?*

3-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТҮРТ УСТУНИ

Режа:

3.1. Нима? Қанча? Қандай? Ким? ва уларнинг ечимини излаш усуллари [41 — 46]

3.2. Нима? Қанча? Қандай? Ким? ва уларнинг ечими билан боғлиқ омишлар [47 — 58]

3.1 Нима? Қанча? Қандай? Ким? ва уларнинг ечимини излаш усуллари

[41] Жамиятнинг тузилиши қандай бўлишидан қатъи назар, унинг олдида иккита қарама-қарши муаммо туради.

Биринчиси — бу ишлаб чиқариш ресурслари (табиий ресурслар, меҳнат ресурслари, капитал, техника ва технология)нинг чекланганлиги. Буни Фарбадаги иқтисодчилар **ресурсларнинг камёблиги** деб аташади.

Иккинчиси — бу эҳтиёжларнинг чексизлиги. Ҳаёт кечириш турлитуман иқтисодий, маданий, социал, сиёсий, маънавий каби эҳтиёжларнинг қондирилишини билдиради. Аммо бу эҳтиёжларнинг қондирилиши чегараланган ресурслар билан боғлиқ.

Эҳтиёж ва ресурсларнинг номуताносиблиги, бирининг чексизлиги ва иккинчисининг чекланганлиги қўшадан муаммоларнинг ечимларини топишга мажбур қилади:

1. Нима ишлаб чиқариш керак?
2. Қанча маҳсулот ишлаб чиқариш керак?
3. Маҳсулотни қандай қилиб ишлаб чиқариш керак?
4. Ким ушбу маҳсулотни сотиб олиши мумкин?

Таъкидлаганимиздек, бу муаммолар эҳтиёжларнинг чексизлиги ва ресурсларнинг чекланганлигидан келиб чиқади. **Бозор иқтисодиётининг 4 устуни бўлган бу тўртта саволга жавоб излаш** жараёнида ишлаб чиқарувчи барча бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олиши, фойда-зиённи қайта-қайта тарозига солиб кўриши ва охиروقибатда мумкин бўлган жавоблардан бирини танлаши ва қарор қабул қилиши керак.

Чунки ресурсларнинг чекланганлиги сабабли ишлаб чиқарувчи

чекланмаган ҳажмда товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилишини таъминлай олмайди. Шунинг учун ишлаб чиқарувчи ҳар доим танлаш олдида, яъни бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришдан воз кечади ва бошқа товарни ишлаб чиқаришни олдига мақсад қилиб қўяди. Ресурсларнинг чекланганлиги корхона ёки фирмага бир вақтнинг ўзида иккала ёки зарур бўлган барча товарларни ишлаб чиқаришга имкон бермайди.

Эҳтимол, бозор иқтисодиёти тушунчаси ҳам ана шу тўртта саволга жавоб топиш юзасидан барча субъектларнинг ўз ҳужалигини юритиш борасидаги хатти-ҳаракатидан келиб чиққандир.

[42] Ҳар бир иқтисодий тузум Нима, Қанча, Қандай ва Ким саволларига ўзининг жавобларини излашга уринган ва турлича усулларни қўллаган. Шунга қараб иқтисодий тизимларнинг номи ҳам ўзгариб:

- * традицион (анъанавий) иқтисодиёт;
- * маъмурий - буйруқбозлик иқтисодиёти;
- * эркин бозор иқтисодиёти деб номланган.

Эҳтиёжни қондириш усуллари ҳам тарихан ўзгариб борган. Шу даврга қадар эҳтиёжни қондиришнинг икки усули мавжуд бўлган:

- * эҳтиёжни **натурал истеъмол** орқали қондириш;
- * эҳтиёжни **товар истеъмоли** орқали қондириш.

Биринчи усул яратилган маҳсулотни ишлаб чиқарилган жойнинг ўзида, унинг эгалари томонидан бевосита истеъмол этилишидир. Масалан, етиштирилган дон деҳқон ҳужалигининг ўзида ўз эҳтиёжи учун, хусусан емга, уруғликка ва ишловчиларнинг истеъмолига сарф бўлади. Эҳтиёжнинг бундай усул билан қондирилиши қолоқ, традицион иқтисодиётга, хусусан натурал иқтисодиётга хос. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар ўн ва юз йиллар давомида ўзгармаган. Кейинги авлод вакиллари ота-боболари қайси бир усулни қўллаган бўлса, улар ҳам шу усулларни қўллаб келишган.

Хуллас, традицион иқтисодиёт шароитида Нима, Қанча, Қандай ва Ким саволларига жавоб ахтариш жуда ҳам секинликда бўлиб, қолоқ даражадаги урф-одат ва анъаналарга асосланган.

Бу усулни маъмурий-буйруқбозлик, айниқса, бозор иқтисодиёти инкор этади. Бу тузумлар шароитида эҳтиёжлар товарларни сотиб олиш орқали қондирилади. Энди ишлаб чиқариш ихтисослашган бўлиб, яратилган маҳсулотлар нафақат ўзининг эҳтиёжини, шунингдек ўзгалар эҳтиёжини қондиришга ҳам мўлжалланади ва шу сабабли айирбошлашга чиқади. Нима, Қанча, Қандай ва Ким? масаласини ечиш усуллари бу тузумларда турлича ўз ифодасини топади (7 - жадвалга қаранг).

Нима, Қанча, Қандай, Ким
масаласини ечишнинг ўзига хос усуллари

Муам- молар	Маъмурий - буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида	Эркин бозор иқтисодиёти шароитида
<p>Нима ва қанча?</p> <p>Қандай?</p>	<p>Нимани, қанча ишлаб чиқаришни Госплан белгиларди. Масалан „А“ ва „Б“ маҳсулотларнинг салмоғи қатъий режалаштириларди. Жойлардаги талаб тула инobatта олинмаганлиги сабабли бир томондан, кераксиз маҳсулотларнинг захиралари, иккинчи томондан, зарур маҳсулотларнинг тақчиллиги пайдо буларди.</p> <p>* Ишлаб чиқариш кучларини қандай жойлаштириш, қаерда завод ёки фабрика қуриш, янги замонавий техника сотиб олиш, керакли ёки қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш керакми каби масалаларни Госплан, облплан ва райплан белгилаб берарди.</p> <p>* Маҳсулотни ким сотиб олиш лозимлигини Моддий техника таъминоти идоралари Госплан томонидан қатъий тасдиқланган лимитта биноан белгиларди ва тақсимларди (2-жадвалга қаранг).</p>	<p>* Ҳар бир корхона ёки фирма уз салоҳиятига, бозордаги талаб ва таклиф, нарх-наво ва рақобатга қараб у ёки бу маҳсулот турини қанча ишлаб чиқариш туғрисида қарор қабул қилади. Ортиқча маҳсулот захиралари ҳам, тақчиллик ҳам булмайд</p> <p>* Ишлаб чиқариш кучларини қандай жойлаштириш, хусусий корхона ёки қўшма корхона қуриш лозимми, ишчи кучини ёллаш ёки янги технологияни жорий қилиш керакми? Бу ва шунга ухшаш масалаларни бозор белгилаб беради.</p> <p>* Ким сотиб олишини давлат эмас, балки бозор белгилайди. Моддий ресурслар махсус „Ишлаб чиқариш воситалари бозори“, истеъмол буюмларни эса махсус „Истеъмол товарлар ва хизматлар бозори“ орқали эркин нархларда айирбошлаш амалга оширилади.</p>

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида „Ким ушбу маҳсулотни сотиб олиши мумкин“ масаласини ечишга истеъмолчи (харидор) эмас, балки ишлаб чиқарувчи ўз измини ўтказган бўлса, энди-эркин бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини ўтказади.

Ўрнатилган иш ҳақи фонди, ўртача иш ҳақи, фойда ва рентабеллик даражаси кабилар маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти тизимида ишлаб чиқарилган маҳсулотни Ким сотиб олиши мумкин, деган саволга тўппа-тўғри жавоб берарди.

[43] Чекланган ресурслар шароитида Нима, Қанча, Қандай ва Ким масала тарини ечиш мақсадида иқтисодчилар турли моделлардан фойдаланишган. Шуларнинг энг соддалари мисолида¹ юқоридаги саволларга жавоб излаш йўллари кўриб чиқамиз. Масалан, „А“ регионнинг чекланган табиий ва меҳнат ресурслари шароитида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш лозим булсин (1-график).

Графикда,

ОХ — истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш;

ОУ — ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш;

АВСД — ишлаб чиқаришнинг максимал имконият чегараси;

F — маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаганлиги ва кам ишлаб чиқаришни ифодалайди;

E — чекланган имкониятлардан ташқари имконият шароитида ишлаб чиқариш;



1-график. Чекланган ресурслар эгри чизиги.

АВСД эгри чизиги барча мавжуд ресурслардан максимал фойдаланиш шароитида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларнинг мумкин булган ишлаб чиқариш имкониятини кўрсатади. Эгри чизикдаги ҳар бир нукта ҳар иккала турдаги маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кўрсатади. Масалан,

¹ Малофеев А.Н. Толстая тетрадь. „Экономическая школа“, М,Т,И, выпуск 1, ноябрь — декабрь — 1991, стр. 9 — 15.

В нуқтада:

- * Ув миқдорда ишлаб чиқариш воситаларидан;
- * Хв миқдорда истеъмол буюмларидан;

С нуқтада эса:

- * Ус миқдорда ишлаб чиқариш воситаларидан;
- * Хе миқдорда истеъмол буюмларидан ишлаб чиқариш мумкин.

Шундай қилиб, ABCD эгри чизигининг ҳар бир нуқтасида маълум миқдорда ишлаб чиқариш воситаси ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Агар F нуқта бўйича ишлаб чиқариш ташкил этилган бўлса, у ҳолда, ресурслардан имкониятга қараганда самарасиз, анча паст даражада фойдаланилган булади. Бу эса имкониятга нисбатан кам даражада ишлаб чиқаришни ифодалайди.

E нуқта бўйича, аксинча. Имкониятдан ташқари шароитда, яъни мавжуд бўлмаган ресурслар эвазига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, 1-график, яъни чегараланган ресурслар эгри чизиги ёрдамида бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидаги учта ёндошувни аниқлашимиз мумкин:

- * ресурсларнинг чекланганлиги;
- * ҳар бир нуқта бўйича ўзига хос вариантларда ишлаб чиқаришнинг бўлишлиги;
- * харажатларнинг ўзгариши.

ABCD эгри чизиқ ишлаб чиқаришнинг максимал чегараси бўлиб, унга интилиш ҳар қандай иқтисодиётнинг асосий истаги ва мақсадидир.

[44] Чексиз эҳтиёжли тўлароқ қондириш чекланган ресурслардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Шу сабабли ҳар доим чекланган ресурсларни тежамли ишлатиш чексиз эҳтиёжларни қондириш воситаси бўлиб келган. Аммо эҳтиёжлар тез ўзгарганлиги сабабли муайян ресурслар шароитида уларнинг ҳаммасини бирдан қондириб бўлмайди. Бир эҳтиёжнинг тўла қондирилиши бошқасининг чала қондирилиши ва тўла қондиришни кечиктириб бунинг учун моддий шароит ҳозирлашни билдиради, чунки уларнинг барчасини бир вақтда бажариш имкони бўлмайди.

Шунинг учун ҳам жамият муқобил маҳсулотлардан қайси бирини ишлаб чиқаришни танлаб олади. Бироқ ресурслар чекланганидан бир маҳсулотни купайтириш иккинчисини камайтиради, чунки қўшимча маҳсулот қўшимча ресурс талаб қилади. Масалан, 1-графикда В ва С нуқталарни таққослаб кўрайлик. В нуқтани танласак, С нуқтага нисбатан биз истеъмол буюмлари (ХВ)дан камроқ ва ишлаб

чиқариш воситалари (Y_b)дан кўпроқ ишлаб чиқаришни танлаганимизни англаймиз. Аниқроғи, В нуқтадан С нуқтагача утишда биз қўшимча

$$\Delta X = X_c - X_b$$

истеъмол буюмлари оламиз. Аммо бу ҳолда биз қўшимча олиниши мумкин бўлган У ни йўқотамиз:

$$\Delta Y = Y_b - Y_c$$

Яъни ресурсларни халқ истеъмоли маҳсулотларига қўшимча сарфлаб, қўшимча халқ истеъмоли маҳсулотларини оламиз. Худди шунча ресурслар ва имкониятларни ишлаб чиқариш воситаларидан йўқотамиз. Бошқача қилиб айтганда, ресурсларнинг бир маҳсулот учун кўп сарфланиши, уни бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришда кўпроқ ажратиб олишни талаб қилади.

Иқтисодчилар таъбири билан айтганда, бир маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган ресурсларнинг бошқа маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланиши **муқобил (альтернатив)** харажатлар дейилади ёки қўлдан бой берилган имконият (харажат)лар дейилади. Бу деган сўз, ҳар бир вариант харажатнинг альтернатив харажатлари бор. Улардан энг мақсадга мувофиғини танлашда мақсадлар рақобат қилади.

Шундай қилиб, 1-графикда В нуқтани танлаб қуйидаги хулосаларга келамиз:

- * ресурслар чегараланган булиши керак;
- * нима ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин мақбул нуқтани танлаш лозимлигини аниқ белгилаб олиш керак;
- * қанча ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин муқобил харажатлардан фойдаланиш мумкинлигини аниқлашимиз керак.

[45] Шуни таъкидлаш лозимки, чекланган ресурслар эгри чизининг максимал чегарасидан ташқарига, юқорига ёки ўнгга чиқиш мумкин. Чунки, бу эҳтиёж ва уни қондириш воситаси ўртасидаги иккиёқлама алоқага боғлиқ:


- * эҳтиёжнинг миқдоран ортиб бориши ресурс бирлигида кўпроқ истеъмол буюмлари олишни талаб қилади. Масалан, 1 тонна металлдан кўпроқ бир хил уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади;
- * эҳтиёж таркибининг янгилаши ресурс бирлигида кўп хилдаги маҳсулот олишни талаб қилади. Масалан, 1 тонна металлдан 10 хил эмас, 25 хил уй-рўзғор буюмлари олинади.

Жамият ўзининг ишлаб чиқариш имкониятларини эҳтиёжга монанд равишда ривожлантириб бориши шарт. Бозордаги талаб ва таклиф, нарх-наво, рақобатга қараб ҳар бир корхона ва фирма у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришни афзал топиши керак. Шунга


биноан чекланган ресурслар эгри чизигининг максимал чегарасидан ташқарига ёки ўннга чиқиши мумкин.

Масалан, корхона Е нуқтани, яъни АВСД эгри чизигининг максимал чегарасидан ташқарисидаги нуқтани танлаб олди ва кўшимча ресурслар киритиб, ҳар иккала товарни баравар ишлаб чиқаришга қарор қилди, дейлик. Бу ҳол 1-графикда АД эгри чизиқни Е нуқтагача кўчириш ва A_1D_1 эгри чизиқни ҳосил қилишни тақозо этади (2-график). Шундагина Е нуқтадаги ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

Агар янги техника ва технологик жараёнлар фақат ишлаб чиқариш воситаларига жорий қилинса, у ҳолда ишлаб чиқариш имкониятлари ишлаб чиқариш воситасига қараб кенгайди (3-график).



2-график. Ишлаб чиқариш имкониятларининг бир текисда кенгайтирилиши.




3-график. Ишлаб чиқариш воситалари томонига оғиш.

[46] Келажакдаги фаровонликни юксалтириш мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва такомиллаштиришни тақозо этади. Буни амалга ошириш янги иш жойини ва янги техника-технологияни жорий этиш ва шунга мувофиқ равишда ишловчиларнинг малакаси, билими ва маҳоратини оширишни талаб қилади. Бу эса ишлаб чиқариш воситалари истеъмолнинг кўпайиши ва жорий истеъмолнинг камайишига олиб келади.

Буни яққол кўриш учун 4-графикни таҳлил қилайлик.

Корхона ёки фирма аввал АД эгри чизиқнинг С нуқтасида ишлаб чиқаришни ташкил этган. Бунда асосий ресурслар истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришга кетади (1-графикка қаранг).

Янада юқорироқ босқичга кўтарилиш учун ёки A_1D_1 эгри чизиққа эришиш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш лозим. Бунинг учун корхона С нуқтадан В нуқтага кўтарилиши лозим ёки истеъмол буюмларидан ресурслар олиниб ишлаб чиқариш воситаларига қўйилиши керак (4-графикка қаранг).



4-график. Келажакдаги фаровонликни юксалтириш (индустрлаштириш) эгри чизиги.

Графикдан кўриниб турибдики, истеъмол буюмларига ресурслар X_C дан X_B гача камайтиради ва аксинча ишлаб чиқариш воситаларига ресурслар Y_C дан Y_B гача кўпаяди.

Агар корхона янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириб янада ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлмоқчи бўлса, у ҳолда корхона графикдаги E нуқтани танлаб олади. Шунда эгри чизиқ AD дан A_1D_1 гача кўчади. Натижада E нуқтадан ишлаб чиқариш B ва C нуқталарга нисбатан:

- * истеъмол буюмларини ҳам;
- * ишлаб чиқариш воситаларини ҳам кўпроқ ишлаб чиқариш имкониятларини беради.

X_E — бу истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг шундай эндиликдаги ҳажмики, у AD эгри чизиқдаги (индустрлаштиришдан олдинги) барча ресурслардан ҳам кўпроқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Демак, вақтинча истеъмолни чегаралаб, ресурсларни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга сарфлаш келажакдаги фаровонликни оширишни таъминлайди.

Шундай қилиб, дастлаб капитал жамғариб (ёки индустрлаштириб) ишлаб чиқариш B нуқтадан E нуқтага — янги ишлаб чиқариш босқичига кўтарилади. Лекин у янада юқори нўқтага кўтарилиб истеъмолни янада камайтириши мумкин эди. Бу ерда эгри чизиқнинг қайси нуқтасини танлаб олиш масаласи асосий аҳамиятга эга. Бунинг учун эса муқобил (альтернатив) мақсадлар рақобати бўлади ва юқори самарадорлик учун ҳаракат қилинади.

3.2. Нима? Қанча? Қандай? Ким? ва уларнинг ечими билан боғлиқ омиллар¹

[47] Ҳар қандай корхона ёки фирма, хоҳ у товар ишлаб чиқарсин, хоҳ у бирор хизмат тури билан шўғуллансин, бундан қатъи назар, уларни рағбатлантирувчи куч — бу фойдадир. Ўз манфаати, мақсадига эришиш учун фирма имкони борича кўп фойда берувчи, яъни фойдани максималлаштирувчи маҳсулотни ишлаб чиқариши керак. Фойда келтирмайдиган маҳсулотни ишлаб чиқариб бўлмайди.

Фойда қуйидагича аниқланади:

$$\Phi = \text{ПС} - \text{ИЧХ}.$$

Бу ерда:

Φ — фойда массаси;

ПС — товар ёки хизматни сотишдан тушган пул суммаси;

ИЧХ — ишлаб чиқариш харажатлари;

Фирма учун фойданинг икки жиҳати бор:

* фойда массаси, яъни унинг умумий суммаси (Φ);

* фойда нормаси, яъни унинг нима эвазига олингани (ФН).

Шуни таъкидламоқ зарурки, фирма эгасини пировард натижада фойданинг мутлақ суммаси (Φ) эмас, балки фойда нормаси (ФН), яъни унинг мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар суммасига бўлган нисбати қизиқтиради:

$$\text{ФН} = \frac{\Phi}{\text{ИЧХ}} \cdot 100.$$

Фойда нормаси фирманинг жорий сарф-харажатлари қанчалик самарали натижа берганлигини кўрсатади. Бу норма қанчалик юқори бўлса, шунчалик фирма Нима ишлаб чиқаришни тўғри танлаган бўлади. Шў билан бирга фирма ўз илтибридаги ресурслардан муқобил тарзда самарали фойдаланган бўлади.

Етарли даражада фойда нормасини олиш ёки олмаслигини билиш учун фирма энг аввал қуйидагиларни чамалаб ўрганиши лозим:

- * бозордаги истеъмолчиларнинг талаби;
- * қанча маҳсулот сотилиши мумкинлиги;
- * қайси регионда қанча сотилиши;
- * йўлқирага қанча сарфланиши;
- * сотиш харажатлари;
- * мазкур маҳсулот бирлигининг таннархи.

¹ Қаранг: Абдуллаев Ё. Сравнительный анализ эффективности региональной экономики. Т., „Меҳнат“, 1987, стр. 121 — 125.

Ана шу ва бошқа ҳисоб-китобларни тулиқ таҳлил қилиб чиққандан сунг фирма **Нимани** ишлаб чиқариш буйича қарор қабул қилиши керак. Акс ҳолда фирма фойда ўрнига зарар куриб қолиши ҳеч гап эмас.

[48] Гарчи фойда нормаси: корхона нимани ишлаб чиқариши мумкин деган саволга умумий ҳолда жавоб берса-да, бироқ шу корхона қанча маҳсулот ишлаб чиқариши керак, деган саволга тўғридан-тўғри жавоб бера олмайди. Бунинг учун ишлаб чиқараётган маҳсулотга бўлган талаб ва таклиф даражасини, унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиб чиқмоқ зарур (8-жадвал).

8-жадвал

Талаб ва таклифга таъсир қилувчи омиллар

Талаб ва унга таъсир қилувчи омиллар	Таклиф ва унга таъсир қилувчи омиллар
<ul style="list-style-type: none"> * Товар ва хизмат нархи * Харидорлар диди * Истеъмолчилар даромади * Ўринбосар товар ва хизматлар нархи * Харид қилувчилар сони * Инфляция эҳтимоли 	<ul style="list-style-type: none"> * Товар ва хизматлар нархи * Ресурслар нархи * Ишлаб чиқариш технологияси * Бошқа товарлар нархи * Ишлаб чиқарувчилар сони * Давлат фаолияти

Бу омиллар таъсирида талаб ва таклифнинг ҳажми ўзгариб туриши содир бўлади. Бу ўзгаришда асосий масала:

- * талаб ва товар нархининг;
- * таклиф ва товар нархининг боғлиқлиги ҳисобланади. Чунки санаб ўтилган омиллар орасида нарх ва харид қобилияти талаб ва таклифнинг тез ўзгаришига олиб келади.

[49] Ишлаб чиқариш (таклиф¹) ҳамда харидор эҳтиёжи (талаб²) энг аввало товар ва хизматлар нархи даражасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам дастлаб таклиф ва талабнинг нархга боғлиқлиги-

¹ Ишлаб чиқариш ҳажми билан таклифни фарқламоқ лозим. Таклиф — бу ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва муайян пайтда бозорга чиқарилган ёки келтирилиши аниқ бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдори. Бирон-бир сабабга кўра сотиш учун етказиб берилмайдиган маҳсулотни бозор ҳисобга олмайди ва у таклифга кирмайди.

² Талаб — бу шунчалик эҳтиёж эмас, балки тўловга қобил, пул билан таъминланган эҳтиёждир. Масалан, автомашинани сотиб олишга эҳтиёжи бор кишининг қўлидаги пул уни сотиб олишга етмайди. Демак, у автомашинани талаб эта олмайди.

ни кўриб чиқамиз. Бунинг учун таклиф ва талабга таъсир этувчи юқорида қайд қилинган барча омиллар ва шароитларни ўзгармас деб оламиз.


Ўз фойдасини максималлаштириш пайида булган фирма бир вақтнинг ўзида икки жиҳатни, яъни;

- * ишлаб чиқариш ҳажмини;
- * товар (хизмат) баҳосини назорат қилади.

Бунда фирма:

бир томондан, баҳо билан таклиф (ишлаб чиқариш) ўртасидаги **тўғри боғланиш** мавжудлигини, яъни баҳонинг ўсиши билан таклиф (ишлаб чиқариш)нинг ҳажми ортиши ва баҳонинг пасайиши эса таклиф (ишлаб чиқариш)нинг қисқаришини (5-графикка қаранг), яъни **таклиф қонунини** ҳисобга олса;

иккинчи томондан, баҳо билан талаб (эҳтиёж) ўртасидаги **тесқари** боғланиш мавжудлигини, яъни баҳонинг ўсиши талаб (эҳтиёж)нинг ҳажми камайишини ва баҳонинг пасайиши эса талаб (эҳтиёж) ҳажмининг ўсишига олиб келишини (6-графикка қаранг), яъни **талаб қонунини** ҳисобга олади.



5-график. Таклиф эгри чизиги



6-график. Талаб эгри чизиги

5 - графикдан кўришиб турибди, нарх канча юқори бўлса, товар кўп ишлаб чиқарилади ва таклиф қилинади. Эгри чизикнинг „**юқорига йўналиши**“ таклиф қонунини ифодалайди ва ишлаб чиқарувчиларни паст баҳога нисбатан юқори баҳода маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорга таклиф этиш хоҳишларини кўрсатади.

Ва, аксинча, 6 - графикдан кўришиб турибдики, нарх қанча паст бўлса, товар шунчалик кўп харид қилинади ва унга бўлган талаб ошиб бораверади. Эгри чизикнинг „**пастга йўналиши**“ талаб қонунини ифодалайди ва харидорларнинг юқори баҳога нисбатан паст баҳода кўпроқ харид қилиш хоҳишларини кўрсатади.

Маҳсулотга талабнинг пасайиши нархнинг ҳам тушишига сабаб бўлади, натижада ишлаб чиқарувчиларнинг фойда ололмасликларига олиб келади. Харажатларини қоплай олмаган фирма фойда берадиган бошқа маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтишга мажбур бўлади. Ва, ниҳоят, ишлаб чиқариш қисқаради ва талаб даражасига тушади.

[50] Талаб ва таклиф ўртасидаги боғланиш даражасини аниқлаш мақсадида эластиклик коэффиценти ҳисобланади. Масалан,

* нархнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда талаб ёки таклифнинг ўзгариш даражасини **талаб ёки таклиф эластиклик коэффиценти** ифодалайди. У қуйидагича ҳисобланади:

$$\varepsilon = \frac{\Delta q}{q_0} \cdot \frac{\Delta P}{P_0}$$

Бу ерда,

ε — талаб ёки таклиф эластиклик (ўзгарувчанлик) коэффиценти;

Q — базис даврдаги талаб (таклиф) миқдори;

q — жорий даврдаги талаб (таклиф) миқдори;

Δq — жорий давр талаб (таклиф) миқдори (q_1)

билан базис давр талаб (таклиф) (q_0)

ўртасидаги тафовут ($q = q_1 - q_0$)

P — базис даврдаги талаб (таклиф) нархи;

P — жорий даврдаги талаб (таклиф) нархи;

P — жорий даврдаги талаб (таклиф) нархи (P_1) билан базис давр талаб (таклиф) нархи (P_0) ўртасидаги тафовут ($P = P_1 - P_0$)

Эластиклик коэффиценти нархнинг бир фоизга ошиши (камайиши) талаб (таклиф)нинг неча фоизга ошиши (камайиши)ни характерлайди. Шунга қараб эластиклик даражаси турлича бўлади.

Масалан,

* агар талаб ёки таклиф нархга қараганда юқорироқ суръатда ошса (камайса), унда талаб (таклиф) ўзгарувчан (эластик) бўлади:

$$\varepsilon > 1$$

* агар талаб (таклиф) билан нархнинг ўсиш (камайиш) суръати бир хилда бўлса, у ҳолда талаб (таклиф) ўзгарувчанлиги бирга тенг бўлади:

$$\varepsilon = 1$$

* агар талаб (таклиф) нархга нисбатан пастроқ суръатда ошса (камайса), унда талаб (таклиф) ноэластик (ноўзгарувчан) бўлади:

$$\varepsilon < 1$$

Эластиклик коэффициентини ҳисоблаш тартибини қуйидаги шартли рақамлар мисолида кўриб чиқамиз (9 - жадвал).

9-жадвал

Эластиклик коэффициентини ҳисоблаш тартиби

Маҳсулот тури	Маҳсулот миқдори		Маҳсулот бирлиги нархи		$\Delta q = q_1 - q_0$	$\Delta p = p_1 - p_0$	$\Theta = \frac{\Delta q}{q_0} \cdot \frac{\Delta p}{p_0}$
	май	июн	май	июн			
	q_0	q_1	p_0	p_1			
Сут	500	350	20	20	-150	+10	$\frac{-150}{500} \cdot \frac{10}{20} = 0,6$
Пепси-Кола банка	100	35	30	456	-65	+15	$\frac{-65}{100} \cdot \frac{15}{30} = 1,3$

Демак, сутнинг эластиклик коэффициенти $\Theta = 0,6$ га тенг бўлган. Бу $\Theta < 1$ деган сўздир. Яъни сутга бўлган талаб ёки таклиф **ноэластикдир**. Чунки унинг нисбий қўшимча ўсиш суръати нархнинг нисбий қўшимча ўсиш суръатига нисбатан секинроқ бўлган.

„Пепси-Кола“ бўйича эса аҳвол аксинча. Унинг эластиклик коэффициенти $\Theta = 1,3$ га тенг бўлган. Бу $\Theta > 1$ деган сўздир. Яъни „Пепси-Кола“ (талаб таклиф) эластикдир. Чунки унинг нисбий қўшимча ўсиш суръати нархнинг нисбий қўшимча ўсиш суръатига нисбатан 1,3 марта тезроқ бўлган.

Бундай ҳолатда сут маҳсулотларини сотиш „Пепси-Кола“ ни сотишга нисбатан камроқ камаяди, чунки одамларнинг тирикчилиги „Пепси-Кола“ сиз ҳам ўтиши мумкин. Аммо сут тирикчилик учун „Пепси-Кола“га нисбатан зарурроқ. Қолаверса, чанқоқликни „Пепси-Кола“ сиз ҳам бошқа чанқоқ босар сувлар билан қондириш мумкин. Сутнинг эса ўрнини босадиган ўхшаш маҳсулот йўқ.

Иқтисодчилар бундай ҳолатни:

- * „Пепси-Кола“га нисбатан бўлган талаб сутга бўлган талабга нисбатан ўзгарувчан (эластик) дейишади.

[51] Эластиклик коэффициенти:

- * $0 < \Theta < 1$ - бўлганда таклифнинг ўзгарувчан (эластик) эмаслигини;
- * $\Theta > 1$ - бўлганда эса таклифнинг ўзгарувчан (эластик)лигини кўриб чиқдик.

Нархнинг ўзгариши ва эластиклик коэффициентининг турлича бўлганида харидорнинг ўзини қандай тутишини қуйидаги жадвалда келтирамиз (10-жадвал). Жадвалдагиларга асосланиб қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

- * мазкур товарнинг ўринбосари қанчалик кўп бўлса, шунчалик талаб ўзгарувчан (эластик) бўлади. Масалан, совуннинг бирор турига бўлган талабни олайлик. Агар шу совунга нарх ошса, у ҳолда харидор ҳеч ўйламасдан совуннинг бошқа турини сотиб олишга қарор қилади (олдинги совунга одатланиб қолган айрим харидорларни инобатга олмаса)
- * мазкур товарни сотиб олиш учун харидор бюджетдаги харажат салмоғи қанчалик юқори бўлса, шунчалик шу товарга бўлган талаб ўзгарувчан (эластик) бўлади. Агар харидор мазкур товарга ўз бюджетининг арзимас салмоғини сарфлашга одатланган бўлса, у ҳолда нарх ўзгарган тақдирда ҳам у ўз одатини ўзгартирмайди.

10-жадвал

Нархнинг ўзгаришига қараб харидорнинг ўзини тутиши

	Талабнинг Эластиклик даражаси	Харидорнинг хатти-ҳаракати	
		Агар нарх пасайса	Агар нарх ошса
$\Theta = \infty$	Мутлақо эластик	Чексиз миқдорда харидни қўпайтиради.	Товарни харид қилишдан мутлақо воз кечади.
$1 < \Theta < \infty$	Эластик	Талабнинг ўсиш суръати нархнинг пасайиш суръатига нисбатан юқорироқ бўлади. Харидор харид миқдорини аксинча қўпайтиради.	Талабнинг камайиш суръати баҳонинг ўсиш суръатига нисбатан тезроқ бўлади. Харидор харид миқдорини анчагина камайтиради.
$\Theta = 1$	Деярли ноэластик	Талабнинг ўсиш суръати нархнинг камайиш суръати даражасида бўлади.	Талабнинг камайиш суръати нархнинг ўсиш суръати даражасида бўлади.
$0 < \Theta < 1$	Эластик эмас	Талабнинг ўсиш суръати нисбатан паст бўлади.	Талабнинг камайиш суръати нархнинг ўсиш суръатидан паст бўлади.
$\Theta = 0$	Мутлақо эластик эмас	Харид миқдори умуман ўзгармайди.	Харид миқдори умуман ўзгармайди.

* Харидор нуқтаи назаридан қайси товар ўта муҳим ҳисобланса, шунчалик шу товарга бўлган эластиклик (ўзгарувчанлик) коэф-фициенти паст бўлади. Сўз фақат нон тўғрисида эмас. Айримлар учун ўта муҳим товар сигарет ёки ароқ бўлса, айримлар учун эса марка ёки гугурт қутисидаги этикеткалар, бошқалар эса жинс кийимсиз яшай олмайди ва ҳ.к.

Бу қонуниятнинг турли-туманлиги муайян товарнинг истеъ-молини харидор нуқтаи назаридан „кейинга“ қолдириш мумкин эмаслигидан келиб чиқади. „Менга керак“ плус „менга жуда ҳам керак“ зарурияти билан харидор сотиб олади. Масалан, 8 март, 1 сентябр ва туғилган кунларга гулнинг харид қилиниши ҳам қону-ниятга бўйсунди.

Шундай қилиб, эластиклик коэффиценти харидорларнинг субъектив хатти-ҳаракатларига объектив баҳо бериш имкониятини беради.

[52] Талаб ва таклиф қонунига кўра, бозордаги талаб ва таклиф нафақат миқдори, балки ўзининг таркиби жиҳатидан ҳам бир-бирига мос келиши керак ва шундагина бозор мувозанатига эришилади. Акс ҳолда бозор:

* тақчил ёки

* товарлар ўтмай йиғилиб қолган бозор бўлиши мумкин (11- жад-вал).

11- жадвал

Талаб ва таклиф нисбатлари

Талаб ва таклиф нисбатлари	Бозор тури
Талаб > таклиф	Тақчил бозор — бу „оч“ бозор. Унда товарлар сурӯшқали етишмайди, товарлар талабга жавоб бермайди, нархлар ортиб бориши билан ажралиб туради. Бу бозор чайқовчиликни, молларни пештахта орқасидан сотишни ривожлантиради. Бу бозор иқтисодиётнинг носоғлом эканлигидан дарак беради.
Талаб < таклиф	Товарлар ўтмай йиғилиб қолган бозор. Бу ерда то-товарлар мўл-кўл, аммо пул тақчил бўлади. Товарлар сифати истеъмолчилар талабига мутлақо жавоб бермайди. Ишлаб чиқарувчи ўз измини утказди.
Талаб = таклиф	Мувозанатлашган бозор. Бу ерда бозордаги талаб ва таклиф миқдори таркибан мос келади. Бундай бозорни тўйинган бозор ҳам дейишади. Бу бозор барқарор иқтисодиётни англатади.

Мувозанатлашган бозорни графикда ифодалаш учун 5-графикдаги товар нархи ва таклиф муносабати, 6-графикдаги товар нархи ва талаб муносабатлари маълумотларини қуйидаги жадвалда келтирамиз (12-жадвал).

12-жадвал

Талаб ва таклифнинг нархга боғлиқлиги

Сут нархи (сум)	Талаб қилинадиган сут (кг)	Таклиф қилинган сут (кг)	Талабнинг (+) ва таклифнинг ошиб кетиши (-)!
10	500	100	+400
20	400	200	+200
30	300	300	0
40	200	400	-200
50	100	500	-400

Жадвалдан кўришиб турибдики, фақат 1 литр сутнинг нархи 30 сўм тургандагина қўйилган талаб ва товар таклифи миқдори тенг. 30 сўмдан кам бўлганда, масалан, 1 литр сут 10 сўм турса, сутнинг етишмаслиги кўришиб турибди (талаб = 500кг, таклиф эса = 100кг). Бундай ҳолатда талабнинг ортиқчилиги (400 килограммга) юз берди.

Аксинча, қачонки нарх 30 сўмдан юқори бўлса, айтайлик 40 сўм бўлса, бозорда ортиқча сут бўлади. Бундай ҳолатда талаб 200 кг, таклиф эса 400 килограммга тенг. Демак, бу ерда таклифнинг ортиқчилиги 200 килограммга кузатилади (7-графикка қаранг).



Талаб етишмовчилиги
7-график. Бозор мувозанати.

Хуш, шундай ҳолатда бозор мувозанатига қандай қилиб эришилади?

Айтайлик, 1 литр сут 10 сўм булганда ишлаб чиқарувчи 100 л сут сотишни мўлжаллайди, аммо харидор эса энг арзон нарх булганлиги сабабли 500 л сут сотиб олишга тайёр. Демак,

$$\begin{array}{r} 100 \text{ литр} < 500 \text{ литр} \\ \text{сотувчи} & \text{харидор} \end{array}$$

Натижада, талаб етишмовчилиги содир булади:

$$\text{Талаб етишмовчилиги} = 100 - 500 = - 400 \text{ литр}$$

Энди харидорлар ўртасида сут сотиб олиш учун кескин рақобат бошланади ва нарх Е нуқтагача кутарилмагунча, яъни 30 сўмга етмагунча бу рақобат давом этаверади. Етиб олиш билан рақобат тўхтади.

Худди шу аҳвол таклиф ортиқчалиги соҳасида ҳам содир булади. Харидорларнинг кўп миқдорда сут сотиб олиш истагидан хабардор булган ишлаб чиқарувчилар сутни кўплаб бозорга таклиф этадилар. Аввал 100 литр сут таклиф қилган ишлаб чиқарувчи энди бирданига 500 литр сутни бозорга ташлайди. Натижада бозорда таклиф ортиқчалиги пайдо булади:

$$\text{Таклиф ортиқчалиги} = 500 - 100 = +400 \text{ литр.}$$

Сотолмай қолган ишлаб чиқарувчи сут нархини 30 сўмга туширишга мажбур булади. Ана шу ерда талаб таклиф билан тенглашади ва бозор мувозанатига эришилади.

[53] Ҳар бир корхона олдида маҳсулотни қандай қилиб ишлаб чиқариш керак деган муаммо туради. Мазкур муаммонинг ечими бир-бири билан узвий алоқадор булган куйидаги масалаларнинг ҳал килинишига боғлиқ:

* ишлаб чиқаришга жалб қилиналган ресурслар таркиби қандай булиши керак? Улар тармоқлар буйича қандай тақсимланиши лозим?

* қандай технологияни қўллаш зарур? Қўлланилаётган ресурслар қандай комбинацияда (уйғунликда) булгани маъқул?

* ҳар бир тармоқда ишлаб чиқариш билан қайси корхоналар бевосита шуғулланиши мақсадга мувофиқ булади?

Бошқача қилиб айтганда, моли харидоргир булиши учун фирма уз маҳсулотини қандай қилиб ишлаб чиқариши керак, ресурслардан қандай фойдаланиш мақсадга мувофиқ, хуллас, ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилиши лозим каби масалаларнинг ечими ута муҳимдир.

Маълумки, ишлаб чиқариш ресурслари деганда:

* табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати (яъни, ер, фойдали қазилмалар, иқлим ва бошқалар);

* меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (яъни, ишчи кучи, малакаси, унумдорлиги ва бошқалар);

* асосий ишлаб чиқариш фондлари (капитал) миқдори ва таркиби, уларнинг самарадорлиги;

* технология ва унинг самарадорлиги (яъни, фан-техника тараққиёт даражаси, бошқарув самараси ва ҳ.к.)лар тушунилади.

У ёки бу мамлакатнинг ривожланиш даражаси айнан шу ресурсларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш даражасига боғлиқдир. Масалан, табиий ресурслар салоҳияти юксак бўлган ва ундан самарали фойдаланган мамлакатлар (айтайлик, нефть экспорт қилувчи араб давлатлари) бой шароитда яшаши мумкин.

Қандай қилиб ишлаб чиқариш масаласини ҳал қилишда илғор технологиянинг аҳамияти ҳам жуда катта. Чунки, технологик жараённинг такомиллашганлиги ишлаб чиқаришни таъминлайди. Чиқитсиз технология натижасида асосий товар билан бирга жуда кўплаб қўшимча товарлар ишлаб чиқарилиши мумкин бўлади. Бу эса қўшимча фойда манбаидир.

Ишлаб чиқаришга қайси бир ресурсни жалб қилиш, уларнинг нисбатидаги уйғунлик (комбинация) қандай бўлиши лозимлигини тўғри ҳал қилиш ҳам ўта муҳимдир. Чунки бир ресурснинг ўзидан бир неча хил товар ишлаб чиқариш мумкин. Масалан, ёғочдан стол, стул, уй-рўзғорда ишлатиладиган кўплаб маҳсулотлар, қурилиш материаллари ва ҳ.к. ишлаб чиқариш мумкин. Шулардан қайси бири иқтисодий жиҳатдан самарали бўлса, шу ишлаб чиқарилади. Ёки муқобил (альтернатив) харажатлардан энг самарали вариантда товар ишлаб чиқарилади ва шу товарнинг таклифи кўпаяди.

[54] Ресурсларнинг чекланганлиги ишлаб чиқаришга жалб қилиниши лозим бўлган ресурсларнинг мақсадга мувофиқ бўлишини талаб қилади. Маълумки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг икки усули мавжуд:

* экстенсив усули;

* интензив усули.

Экстенсив такрор ишлаб чиқариш юз берганда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши олдингига нисбатан кўпроқ:

* иш кучи;

* ишлаб чиқариш воситаси;

* табиий бойликларни талаб қилади.

Бинобарин, ишлаб чиқаришнинг ўсишига монанд равишда **ресурслар** сарфи ҳам ортиб боради. Экстенсив усул қолақ иқтисодиётнинг асосий белгисидир. Моддий базаси заиф, қўл меҳнати ва эски технологияга асосланган ишлаб чиқариш шароитида экстенсив ўсиш устувор бўлади.

Интенсив усулда маҳсулотни ишлаб чиқариш ресурсларнинг сифат томонларини такомиллаштириш, яъни:

- * юксак тараққий этган меҳнат воситаларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш;
- * янада тежамлироқ меҳнат буюмларини қўллаш;
- * ишчилар малакасини ошириш;
- * мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш йули билан амалга оширилади.

Агар экстенсив усул серресурс бўлса, яъни ишлаб чиқариш ҳажмига қараб ресурс сарфини кўпайтиришни талаб қилса, интенсив усул кам ресурс ҳисобланади, яъни ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига нисбатан ресурслар сарфининг қисқаришини билдиради. Экстенсив ўсиш ўз мазмунини билан миқдорий бўлса, интенсив ўсиш эса сифат ўсишидир.

[55] Максимум фойда (Ф) олиш омилларидан яна бири - бу ресурсларнинг таркиби, уларнинг турли соҳаларга тақсимланиши ёки ишлаб чиқариш структурасидир. Агар ишлаб чиқаришда экстенсив усул устунлик қилса, у ҳолда ресурслар самарадорлиги паст, интенсив усул бўлса, у ҳолда ресурслар самарадорлиги юқори бўлади. Шу сабабли ресурслар таркиби ва структура силжишлари иқтисодий ўсишнинг шартига айланади.

Ишлаб чиқаришга қайси бир ресурсни қанча миқдорда жалб қилиш мақсадга мувофиқлигини қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин (13-жадвал).

13-жадвал

Ресурсларнинг оптимал структурасини аниқлаш усуллари¹

Курсаткичлар	Символ	Ҳисоблаш усуллари	
		Индекслап	Эластиклик коэффициентлари
* Корхона фойдаси	Ф	$J_F = F_1 : F_0$	$\Delta F = F_1 - F_0$
Экстенсив усул			
* Ишчи кучи	Т	$\frac{J_F}{J_T} \geq \frac{\Delta F}{\Delta T}$	$\frac{\Delta T}{T} \quad \frac{\Delta F}{F}$

¹ Қаранг: Абдуллаев Ё. Региональный аспект статистического изучения эффективности общественного производства Т., „Фан“, 1985, стр. 102 — 103.

* Асосий фондлар	АФ	$\frac{J_{\Phi}}{J_{\text{АФ}}} \geq \frac{\Delta\Phi}{\Delta\text{АФ}}$	$\frac{\Delta\text{АФ}}{\text{АФ}_0} \cdot \frac{\Delta\Phi}{\Phi_0} \geq 1$
* Моддий ҳаражатлар	МХ	$\frac{J_{\text{МХ}}}{J_{\text{МХ}}} \geq \frac{\Delta\Phi}{\Delta\text{МХ}}$	$\frac{\Delta\text{МК}}{\text{МК}_0} \cdot \frac{\Delta\Phi}{\Phi_0} \geq 1$
Интенсив усул			
* Ишчи кучи	Т	$\frac{J_{\Phi}}{J_{\text{Т}}} \geq \frac{\Delta\Phi}{\Delta\text{Т}}$	$\frac{\Delta\text{Т}}{\text{Т}_0} \cdot \frac{\Delta\Phi}{\Phi_0} \leq 1$
* Асосий фондлар	АФ	$\frac{J_{\Phi}}{J_{\text{АФ}}} \geq \frac{\Delta\Phi}{\Delta\text{АФ}}$	$\frac{\Delta\text{АФ}}{\text{АФ}_0} \cdot \frac{\Delta\Phi}{\Phi_0} \leq 1$
* Моддий ҳаражатлар	МХ	$\frac{J_{\Phi}}{J_{\text{АФ}}} > \frac{\Delta\Phi}{\Delta\text{АФ}}$	$\frac{\Delta\text{МК}}{\text{МК}_0} \cdot \frac{\Delta\Phi}{\Phi_0} < 1$

Агар ишлаб чиқаришда экстенсив усул устунлик қилаётган бўлса, у ҳолда мазкур ресурс буйича ҳисобланган эластиклик коэффициенти 1 дан катта ёки унга тенг бўлиши мумкин.

Агар ишлаб чиқаришда интенсив усул устунлик қилаётган бўлса, у ҳолда мазкур ресурс буйича ҳисобланган эластиклик коэффициенти 1 дан кичик бўлади. Тегишли коэффициентларни ҳисоблаб уларга ресурсларнинг таркибини такомиллаштириш ва зарурий структуравий силжишларни амалга ошириш мумкин.

[56] Умумлашган ҳолда олинганда ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг ўсиши асосан икки омилга:

- * меҳнат сарфининг массаси (ҳажми)га;
- * меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

Лекин улар бошқа бирламчи, иккиламчи ва кейинги омиллар ҳосиласидир. Масалан, меҳнат массаси — аҳоли сонига, унинг ишга лаёқатли қисмига ва ишлаган вақтга боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги эса техника тараққиётига, инвестиция миқдорига, ишловчиларнинг сонига, маълумоти ва малакасига, ресурсларнинг жойлашувига, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва бошқаришга боғлиқ¹.

¹ Қаранг: Абдуллаев Ё. Региональный аспект статистического изучения эффективности общественного производства. Т.: „Фан“, 1985, стр. 124 — 125.

Бирор-бир регион нуқтаи назардан ёндошмоқчи бўлсак, у ҳолда социал иқтисодий самарадорликнинг умумлашган кўрсаткичи қуйидаги бир-бири билан алоқадор бўлган омилларга боғлиқ:¹

$$\frac{МД}{А} = \frac{МД}{ЯИМ} = \frac{ЯИМ}{АИФ} = \frac{АИФ}{Тс} = \frac{Тс}{Тк} = \frac{Тк}{Тм} = \frac{Тм}{Тх/х} =$$

$$= \frac{Тх/х}{Тхмр} = \frac{Тхмр}{Тпмр} = \frac{Тпмр}{А}$$

Бу ерда,

·МД — миллий даромад;

А — аҳоли сони;

ЯИМ — ялпи ички маҳсулот;

АИФ — асосий ишлаб чиқариш фондлари;

Тс — ишлаб чиқаришда ишланган иш-соатлари;

Тк — ишлаб чиқаришда ишланган иш кунлари;

Тм — моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар;

Тх/х — халқ ҳужалигида банд булганлар;

Тхмр — ҳақиқий банд булган меҳнат ресурслари;

Тпмр — потенциал меҳнат ресурслари;

$\frac{МД}{ЯИМ}$	Моддий харажатни қоплаш даражаси (материалоёмкость)	$\frac{МД}{ЯИМ}$ (1—)
------------------	---	--------------------------

$\frac{ЯИМ}{АИФ}$	Асосий ишлаб чиқариш фондларини қоплаш даражаси (фондоотдача);
-------------------	--

$\frac{АИФ}{Тс}$	Ишлаб чиқаришнинг асосий фондлар билан қуролланиш даражаси;
------------------	---

$\frac{МД}{Тс}$	Моддий ишлаб чиқариш соҳаси миқёсидаги соатбай меҳнат унумдорлиги;
-----------------	--

$\frac{Тк}{Тм}$	бир йилда битта банд булган кишига тўғри келган ишланган кунлар;
-----------------	--

$\frac{Тм}{Тх/х}$	Моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд булганларнинг салмоғи;
-------------------	---

¹ Қаранг: Абдуллаев Ё. Сравнительный анализ эффективности региональной экономики, Т., „Меҳнат“, 1987, стр. 36 — 60.

$\frac{T_n/x}{T_{xmr}}$	халқ хужалигида ҳақиқий банд булганлар коэффиценти;
$\frac{T_{xmr}}{A}$	банд булган меҳнат ресурслари салмоғи
$\frac{T_{pmr}}{A}$	Tpmr потенциал меҳнат ресурсларининг салмоғи (коэффиценти).

Формуладан инсоннинг асосий ишлаб чиқарувчи куч эканлиги кўришиб турибди. Унинг меҳнат фаолияти булмаса ҳеч бир иқтисодий ўсиш бўлиши мумкин эмас. Инсоннинг ишлаб чиқара билиш қобилияти меҳнат унумдорлигини англатади.

[57] Ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш учун интеграл кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич яратилган миллий даромаднинг фойдаланилган барча ресурсларга нисбати билан аниқланади. Самарадорлик синтетик ва умумлашган кўрсаткич бўлиб, интеграл характерга эга, яъни узида ишчи кучи, ишлаб чиқариш фондлари, моддий харажатлардан фойдаланиш кўрсаткичларини яхлитлигида ифодалайди. Интеграл кўрсаткич маҳсулотнинг меҳнат сифими, материал сифими ва инвестиция сифимидан келиб чиқадиган ҳосилладир.

Маҳсулотни яратишга кетган меҳнат сарфи унинг меҳнат сифими, материал сарфи - ашё ёки материал сифими, фойдаланилган фондлар миқдори унинг фонд сифими, ниҳоят маҳсулот олиш учун кетган инвестиция сифими булади. Уни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин¹.

$$K_e = \frac{MD}{T_m + \frac{AIF + MX}{IMU}}$$

Бу ерда,

K_e — самарадорликнинг интеграл коэффиценти;

MD — миллий даромад;

T_m — ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар;

AIF — асосий ишлаб чиқариш фондлари;

MX — материал харажатлар;

IMU — ижтимоий меҳнат унумдорлиги (MD/T_m);

¹ Қаранг: Абдуллаев Ё. Региональный аспект статистического изучения эффективности общественного производства. Т., „Фан“, 1985, стр. 94—95.

Бу кўрсаткични қўшимча ўсиш (Δ) лар нисбатлари асосида ҳам ҳисоблаш мумкин.¹

$$\Delta \dot{Y}C = \frac{\Delta MD}{\Delta MC + \Delta AC + \Delta IC}$$

Бу ерда,

$\Delta \dot{Y}C$ — ўсиш самарадорлиги;

ΔMC — меҳнат сарфи (иш хақи) ўсими;

ΔAC — ашё сарфи ўсими;

ΔFC — фонд сарфи ўсими;

ΔIC — инвестиция сарфи ўсими.

Мазкур формула ёрдамида сарфлар эвазига нима олганини ҳисоблаш мумкин.

Юқоридаги формула эса ресурслар ҳисобида ишлаб чиқариш самарадорлиги нақадар ўсганлигини ифодалайди.

[58] Хўш, бозор иқтисодиётининг туртинчи устунни, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотни ким сотиб олиши мумкин? Пули ва шу маҳсулотга эҳтиёжи бор булган киши уни сотиб олиши мумкин. Буни биз олдинги савол ва жавоблардан қисман билиб олдик. Аммо бунинг ўзи етарли эмас. Энди харидорларнинг товар сотиб олишда қандай хатти-ҳаракат қилишларини, яъни ўзларини тутишларини билиш зарур.

Хўш, товарни сотиб олишда харидорлар қандай қоидага амал қиладилар? Муайян шароитда харидорлар қанча товар сотиб олишлари мумкин, деган саволга корхона (фирма) жавоб топиши лозим.

Бундай ҳолларда субъектив фойдалилик назариясини билиш керак. **Субъектив фойдалилик** назарияси қуйидагиларга асосланади:

* харидор ўзининг **субъектив эҳтиёжини** максимал қондиришга ҳаракат қилади ва фойдалиликни ўзининг чегараланган даромадлари билан боғлайди. Даромад ошса, купгина товарларга талаб ортади, унинг ўсишига қараб истеъмолчилар нархи қиммат бўлса-да, кўпроқ сифатлироқ товарларни харид қиладилар. Аксинча бўлса, ундай товарларга талаб қисқаради.

Даромаднинг ўзгариши билан талаб тўғри мутаносибликда ўзгарадиган товарлар **олий тонфали** товарлар ёки **нормал товарлар** бўлади. Даромадлар камайганда талаб ортадиган товарлар **паст тонфадаги** товарлар дейилади.

* ҳар бир товарнинг фойдалилиги ўзидан кейинги шу товарнинг фойдалилигидан юқори ва аксинчадир. Чунки эҳтиёж тўғдирилган

¹ Қаранг: Улмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодий назария. Дарслик, Т., „Меҳнат“, 1995, 107- бет.

сари товарнинг истеъмолчи учун фойдалилиги пасаяди. Шу сабабли истеъмолчилар маҳсулотнинг қўшимча бирлигини нарх пасайиб борган шароитдагина харид қилиб олишади.

Фойдалиликнинг икки кўриниши мавжуд:

- * умумий фойдалилик;
- * меъёрли ёки чегарали фойдалилик.

Умумий фойдалилик деганда муайян товар ёки хизматлар тупламини истеъмол қилишдан олинadиган қониқиш тушунилади.

Чегарали фойдалилик эса мавжуд товар ёки хизматнинг қўшимча бирлигини харид қилиш натижасида умумий фойдалиликка ўсим бўлиб қўшилган фойдалиликни билдиради.

Шундай қилиб, бошқа товарларнинг истеъмоли узгармасдан қолган ҳолда бирон-бир товар ва хизматга эҳтиёж тўйиниб бориши билан бу неъматнинг кейинги бирлигини истеъмол қилишдан қониқиш пасаяди. Бу барча товарларга хос бўлиб, чегарали фойдалиликнинг пасайиб бориш қонунини деб қаралади.

Харидорларнинг эҳтиёж ва талаблари нарх-навоининг даражасига қараб ҳам турлича бўлади. Маҳсулот нархининг пасайиши истеъмолчи пул даромадининг реал харид қобилиятини оширади. Шу тўғрисида у мавжуд маҳсулотни олдингига қараганда кўпроқ харид қила олади.

Юқори нарх аксинча ҳолатга олиб келади. Юқори нархлар шароитида қиммат товар ўрнига анча паст нархдаги, аммо ухшаш бўлган товарни сотиб олишга рағбат пайдо бўлади.

Истеъмолчиларда қиммат маҳсулот ўрнини арзон товарлар билан алмаштиришга мойиллик мавжуд. Субъектив фойдалилик назарияси нарх ошиши билан талаб ҳажмининг пасайиши қонунини келтириб чиқаради.

Таянч иборалар

- * ресурслар камёблиги
- * эҳтиёжлар чексизлиги
- * натурал истеъмол
- * товар истеъмоли
- * муқобил харажатлар
- * фойда массаси
- * фойда нормаси
- * талаб
- * таклиф
- * талаб қонуни
- * таклиф қонуни
- * умумий фойдалилик

- * эластиклик коэффициенти
- * тақчил бозор
- * мувозанатлашган бозор
- * бозор мувозанати
- * экстенсив усул
- * интенсив усул
- * самарадорликнинг интеграл коэффициенти
- * қўшимча ўсиш самарадорлиги коэффициенти
- * субъектив фойдалилик
- * чегарали фойдалилик

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар

- [41] Бозор иқтисодиётининг тўрт устунни нима? Улар ресурсларнинг чекланганлиги ва эҳтиёжларнинг чексизлиги билан алоқадорми?
- [42] Тўрт савол (устун)нинг ечим усуллариغا қараб иқтисодий тузумлар турлича аталади дейишади. Шу тўғрими?
- [43] Нима? Қанча? Қандай? Ким? муаммоси ечимини чекланган ресурслар эгри чизиғи ёрдамида излаш мумкинми?
- [44] Чекланган ресурслар эгри чизиғидаги нуқтани танлаш нималарга боғлиқ?
- [45] Чекланган ресурслар эгри чизиғининг максимал чегарасидан ташқарига, юқорига ёки ўннга чиқиши мумкинми?
- [46] Келажакдаги фаровонликни юксалтириш эгри чизиғи қандай кўринишга эга?
- [47] Нимани ишлаб чиқариш керак?
- [48] Қанча маҳсулот ишлаб чиқариш керак?
- [49] Талаб ва таклиф қонунларининг моҳияти нимада? У қонунлар билан маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида боғланиш борми?
- [50] Талаб ва таклифларнинг эластиклик ўзгарувчанлик коэффициентлари нима учун ҳисобланади?
- [51] Нархнинг ўзгариши ва эластиклик коэффициенти даражаси харидорларнинг хатти-ҳаракатига қандай таъсир кўрсатади?
- [52] Бозор мувозанатига қандай эришилади?
- [53] Қандай қилиб маҳсулотни ишлаб чиқариш керак?
- [54] Ресурслардан фойдаланишининг экстенсив ва интенсив усуллари бир-биридан нима билан фарқланади?
- [55] Қайси бир ресурсни қанча миқдорда ишлаб чиқаришга жалб қилиш лозимлиги қандай аниқланади?
- [56] Ресурсларнинг самарадорлиги қандай аниқланади?
- [57] Ишлаб чиқариш самарадорлигининг интеграл курсаткичи қандай ҳисобланади?
- [58] Ким маҳсулотни сотиб олиши мумкин?

4- боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ТУРЛИ МОДЕЛЛАРИ

Режа:

- 4.1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумий моделлари [59—63]
- 4.2. Бозор иқтисодиётига ўтиш концепциялари [64—67]
- 4.3. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари [68—72]
- 4.4. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг „Ўзбекистон йўли“ [73—79]

4.1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумий моделлари

[59] Халқаро тажриба кўрсатганидек, бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч модели мавжуд¹.

- I. Ғарбий Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўли;
- II. Мустамлакачиликдан озод бўлиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари йўли;
- III. Собиқ социалистик мамлакатлар йўли.

Бу йўлларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари бор, албатта. Уларнинг ҳаммаси бир манзилга — бозор иқтисодиётига олиб келадики, бу иқтисодиётнинг қонун-қоидалари, амал қилиш принциплари кўп жиҳатдан умумий бўлади.

Аммо, бозор муносабатлари шаклланишининг социал, иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар хил бўлганлиги сабабли, унга ўтишнинг миллий ёки ҳудудий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлади. Умумийлик ва хусусийлик турли моделларда турлича омехталаниб мужассамлашади.

Юқоридаги умумий моделлар қуйидаги муҳим белгилари бўйича бир-бирдан фарқ қилади.

¹ Қаранг: Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодий назария. Дарслик. Т., „Меҳнат“, 1995, 178—184- бетлар.

Турли моделларнинг муҳим белгилари

Моделлар	Муҳим белгилари	Мамлакатлар
I	Оддий товар хужалигидан классик капитализм томонидан бозор иқтисодиёти томон борилади.	АҚШ, Япония, Канада Англия, Германия, Франция, Италия, Туркия
II	Мустамлакачиликдан меросга қолган қолоқ, анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига утилади.	Таиланд, Тайвань, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия ва б.
III	Тоталитар буйруқбозлик иқтисодий тизимидан эркин бозор тизимига утилади.	Барча собиқ Иттифоқ республикалари, ГДР, Польша, Венгрия, Руминия, Югославия.

[60] Бозор муносабатларига утишнинг илк, биринчи европача моделида, оддий товар хужалигидан классик капитализм томонидан бозор иқтисодиёти томон борилади. Мазкур йул узоқ давом этган эволюцион узгаришлар орқали, яъни ўтмишдаги қолоқ анъанавий иқтисодиёт бағрида бозор муносабатларига хос белгиларнинг секин-аста ривожланиб бориши орқали, оддий товар-пул муносабатларининг капиталистик шаклга кўчиши ва ниҳоят, унинг бозор иқтисодиётига трансформацияси (айлана бориши) орқали юз берган.

Бу моделда бозор иқтисодиётининг „ёввойи“ кўринишлари ҳам кузатилади. Унга хос булган:

- * уга тарқоқлик;
- * тартибсизлик;
- * ўзбилармончилик;
- * шафқатсиз эксплуатация;
- * омманинг қашшоқлашуви;
- * фирром рақобат қилиш;
- * ғайри инсоний хатти-ҳаракатларга мойиллик каби босқичлардан ўтиб, цивилизациялашган (маданийлашган) инсонпарвар иқтисодиётга келинади.

Ғарбда „ёввойи“ иқтисодиёт XIX аср охиригача ҳукмрон булган. XX асрдан бошлаб, айниқса, 30-йиллардан эътиборан, цивилизациялашган бозор иқтисодиётига ўтиш юз берди. Айниқса, бу жараён 50-йиллардан бошлаб шиддатли туе олди.

Европача моделда бозор муносабатлари шаклланишига хос ҳамма босқичлардан утилади, уларнинг биронтасини четлаб булмайди. Бу модел асрлар оша тарихий-табиий жараён сифатида амалга ошиб, узоқ давом этган узгаришлар орқали бозор иқтисодиётига хос белгилар юзага келган. Биринчи модел бозор иқтисодиётининг ўзига хос классик жараёнидирки, у бошқалар учун андоза, намуна булиши мумкин, чунки мазкур иқтисодиётнинг қонун-қоидалари, унинг ҳаётийлиги шу моделда синаб курилган.

[61] „Осиёча модел“га хос муҳим томон - бу мустамлакачиликдан меросга қолган қолоқ, анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига утишдир. Бу модел миллий мустақиллик шароитида амалга ошади. Бунда бозор иқтисодиётига хос белгилар ҳужалик турларининг трансформацияси орқали юз беради.

Биринчидан, азалий натурал ҳўжалик бозор доирасига тортилиб, товар ҳўжалигига айланади ва ундан бозор иқтисодиёти белгилари ўсиб чиқади.

Иккинчидан, кам ривожланган, лекин реал мавжуд миллий капиталистик ҳўжалик бозор иқтисодиёти томон юз тутаети.

Учинчидан, хорижий капитал яратган ҳўжалик, яъни ишлаб чиқаришнинг хорижий сектори заминида бозор иқтисодиёти унсурлари ривож топади.

„Осиёча модел“нинг муҳим белгиси унга утиш, бозор муносабатлари ривожига хос босқичларнинг ҳаммасидан утилмай, уларнинг айримларини четлаган ҳолда юз беради. Масалан, қолоқ натурал ҳўжалик тўғридан-тўғри бозор иқтисодиётига хос йирик фермер ҳўжалигига айланади. Бу ерда қўл меҳнатига асосланган, лекин ёлланма меҳнатни тақозо этувчи ишлаб чиқаришни четлаб, йирик машиналашган ва бозорни мўлжаллаган ишлаб чиқаришга утилади.

Ривожланаётган мамлакатларда бозор муносабатлари қолоқлик вазиятида ташкил топади, шу боисдан уларнинг вужудга келишида **хорижий капитал** муҳим урин тутаети. Масалан, „турт аждаҳо“ деб аталувчи Гонконг, Жанубий Корея, Сингапур ва Тайвань мамлакатларини олайлик. Туртталаси ҳам Осиёда таваллуд топган. Шундан иккитаси Хитойда. Ривожланиши жуда тез. Ҳар йили ялпи ички маҳсулоти 8-12 фоизга ўсади. Бу „аждаҳолар“, Япония сингари иқтисодиётда мўъжизалар кўрсатаётирлар.

Улар жаҳон бозорларида энг тараққий қилган давлатлар билан бемалол рақобатлашмоқда, ҳатто уларнинг ҳам бозорларини эгаллаб олмоқда. Масалан, АҚШ бозорларида 46 фоиз кийим-кечак ва тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда маиший техника ва ускуналарнинг 37 фоизи Осиё „аждаҳолари“ улушига тўғри келаети. Уларнинг бозори биргина АҚШ ва Япония билан чегараланмайди. Дунё экспортининг

8 фоизи улар зиммасига тўғри келади. „Туртлик“ асида АҚШ ва Япония ёрдамида дунёга танилиб, ривожланаётир.

Бу турт мамлакатнинг майдонини қўшганда Ўзбекистон ҳудудидан бир неча карра кичик. Сингапур ҳудуди республикамизнинг энг кичик вилояти Андижондан етти марта кичик. Аҳолиси эса икки баравардан ошиқ, қарийб 4 млн. кишини ташкил қилади. Гонконг 448 марта кичик, аҳолиси эса турт мартага яқин кам. Улар орасида иқтисодий фарқ ҳам анчагина.

Хуш, бу турт „аждаҳо“нинг кўрсатаётган иқтисодий муъжизаларининг сабаблари нимада? Бунинг энг асосийси иқтисодиётининг миллийлашувидир. 50-йиллардан, балки ундан ҳам олдинроқ АҚШ, Япония олимлари миллий хусусият, урф-одатларни, анъаналарни иқтисодиётнинг ривожланиши учун асос қилиб олиш назариясини ишлаб чиқдилар. Ва, бу моделни бир неча „учинчи дунё“ мамлакатларида, жумладан „турт аждаҳо“ да синаб кўрдилар.

Осиё халқлари энг аввало устозга буйсуниш қобиляти, тириш-қоқлик, меҳнатсеварлик, куч-ғайрат, синчковлиги билан ажралиб туради. Шу хислатлар иш жойини яратишда, янги завод, фабрика ва корхоналар қуришда ҳисобга олинади. Хориж корхоналари фақатгина „янги Япония“ йигит ва қизларининг билак кучи ва ақлига таянадилар. Четдан фақат техника, асбоб - ускуна, қисқаси капитал олиб келадилар. Ишчи кучини „аждаҳо“лар берадилар.

„Турт аждаҳо“ янгиликка жуда қайишадиған давлатлардир. Улар илғор тажрибани яшин тезлигида узларида йўлга қўядилар. Япония АҚШ технологиясидан нусха кўчиришда устаси фаранг. Жанубий Корея ҳам мисли қурилмаган суръатларда ривожланаётир. Унинг иқтисодий ривожланиши юқоридаги омиллар билан бир қаторда:

- * ишчиларни текин қайта ўқитиш;
- * саноат тармоқларини ривожлантириш;
- * сўбсидия ва паст фоизли кредитлар бериш;
- * „экспорт - иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи“ деган ақиданинг ҳукмронлиги;
- * мамлакатда билимдон ва интизомли ишчи кучларининг етарли даражада мавжудлиги ҳам катта рол ўйнамоқда.

[62] Учинчи модел бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг сўнги йўлидир. Унинг энг муҳим белгиси тоталитар иқтисодий тизимдан эркин бозор тизимига ўтиш ҳисобланади. Маълумки, тоталитар тизим давлатлашган социализм шаклида амал қилган. Унга:

- * давлат мулкининг танҳо ҳукмронлиги Собиқ СССРда 90 фоиз миллий бойлик давлатники бўлган;
- * иқтисодиётнинг ута давлатлашган бўлиши;
- * давлат томонидан юқоридан туриб бир режага, қолипга солиниши, назорат қилиниши, унинг давлат чизиғидан бориши;

* моддий неъматларни ҳам давлат томонидан бир текисда лимит асосида тақсимланиши;

* хусусий-иқтисодий фаолиятнинг ман этилиши;

* тадбиркорликни бўғиб қўйиб, маҳаллий ташаббусга йўл бермаслик;

* экспорт, импортни қаттиқ назорат қилиш;

* иқтисодиётнинг ўта ҳарбийлашгани хосдир (2,3,4,5 ва 6-жадвалларга қаранг).

Тоталитар тизимнинг ўзи бозор муносабатлари томон ривожланишдан иборат табиий-иқтисодий жараёнларни революцион зўрлик билан тўхтатиб, бозор иқтисодиёти унсурларини йўқотиб, уларнинг харобаларида давлатлаштирилган иқтисодиётни яратиш орқали пайдо бўлган.

Шуни қайд қилмоқ лозимки, иккинчи модел амал қилганда бозор иқтисодиёти учун зарур шароит мавжуд бўлади. Масалан, хусусий мулк сақланади, кам ривож топган бўлса-да, тадбиркорлик ҳаракатда бўлади. Иқтисодий муҳит табиатан бозор иқтисодига қулайлик яратганидан, унга ўтиш енгил кечади. Аммо бундай қулайлик учинчи моделда бўлмайди. Тоталитар иқтисодиётнинг бозор билан умумийлиги йўқ, улар тамомила бир-бирига зид бўлганидан чиқиша олмайди. Табиатан ҳар хил бўлганидан бир-бирининг бағрида пайдо бўла олмайди.

Аксинча, иккинчи модел шароитида бозор иқтисодиётининг баъзи бир унсурлари эски традицион (анъанавий) иқтисод бағрида униб чиққан ва ривож топган бўлади.

Учинчи моделнинг нафақат қийинчиликлари, балки унинг афзалликлари ҳам борки, у янги тизим ривожига кўмак беради. Ҳар ҳолда тоталитар тизим ўзига хос усуллар билан анча кучли ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва кадрлар потенциалини яраттач, унга таянган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш енгил кечади.

[63] Хўш, миллий моделнинг туб моҳияти нимадан иборат? Миллий моделнинг туб моҳияти мазкур мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги даражаси орқали изоҳланади. Масалан, республикамиз 1991 йил 31 август куни мустақилликни эълон қилди, аммо бу Олий Кенгаш ҳужжатларида эътироф этилган сиёсий мустақилликдан иборатдир. Сиёсий мустақиллик республиканинг сиёсий суверенитети давлат ҳокимиятининг суверен белгилари¹ сифатида унинг сиёсий-ҳуқуқий моҳиятини ифодалайди.

¹ Ўзбекистон давлатининг мустақиллигини тавсифловчи белгилар „Бозор иқтисодиёти асослари“ китобининг VII бобида батафсил ёритилган. Қаранг: Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. Т., „Меҳнат“, 1997 й.

Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллиги давлат ҳокимиятининг давлат ичидаги мустақиллигини билдиради. Бу сиёсий мустақиллик куйидагиларда ўз ифодасини топади:

- * мустақил Конституция (Асосий қонун)нинг борлиги;
- * дахлсиз ҳудуднинг мавжудлиги, ўз маъмурий-ҳудудий тузилишини белгилаш ҳуқуқи;
- * мустақил давлат сифатида ўз фуқаролигига қабул қилиш ҳуқуқи;
- * ~~ўз тараққиёт йўли ва ўз номини белгилаши;~~
- * қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятининг мавжудлиги. Давлат бошлиғи - Республика Президентига эгаллиги;
- * ҳарбий тузилмаси ва Миллий гвардияга эгаллиги;
- * Давлат тилининг мавжудлиги; (22.10.1989)
- * Давлат герби (02.07.92), Давлат байроғи (18.11.91); Давлат мадҳияси (10.12.92) ва Давлат пойтахтига эгаллиги;
- * хорижий давлатлар билан мустақил алоқалар қилиши;
- * миллий давлат ва маъмурий ҳудудий бошқарувга эгаллиги;
- * ҳокимият ва бошқариш органлари тартибини белгилаши;
- * умумхалқ сўрови - референдум эълон қилиш ҳуқуқига эгаллиги;
- * ўз жиноят ва фуқаролик, оила ва никоҳ, уй-жой, ер тўғрисидаги кодексларига, шунингдек республика суд тузилиши ва суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунлар чиқариш ҳуқуқига эга эканлиги.

Сиёсий мустақилликдан иқтисодий мустақилликка утиш гоят мураккаб ва кўп муаммоларни узоқ давр мобайнида ҳал этишни талаб қилувчи жараёндр.

Мустақилликнинг бу икки жиҳати бир-бири билан узвий боғланган. Сиёсий мустақиллик иқтисодий мустақиллик учун шароит ҳозирлайди, иқтисодий мустақиллик ўз навбатида сиёсий ҳурриятнинг моддий негизи бўлиб хизмат қилади.

„Иқтисодий мустақиллик, деб таъкидлади Президентимиз Ў.А.Каримов, - аввало ҳар бир давлатнинг ўз иқтисодини ўзини-ўзидан, халқ ҳўжалигини ёқилғи-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаши ва чет элга маҳсулот экспорт қилиш имкониятлари билан белгиланади.“¹

Иқтисодий мустақилликнинг ўз мезонлари бор. Булардан энг муҳими:

- * моддий, маданий ва табиий бойликларни миллий мулкка айлантириш;
- * миллий манфаатга мос келувчи ишлаб чиқариш структурасига эга бўлиш;

¹ Каримов И.А. Ислоҳот мезони — одамлар ҳаётидаги ўзгаришдир. 1995 йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги нутқидан. „Халқ сузи“, 1995, 11 феврал.

- * ўз миллий валютаси, хазинаси, конвертирланган валюта резерви, кредит-банк системасига таяниш;
- * жаҳон бозорига эркин чиқа билиш;
- * ўз ихтиёри билан қарз олиш ва қарз бериш;
- * валюта-кредит операцияларини мустақил бажариш;
- * миллий даромадни ўз хоҳишига қўра тақсимлаш ва ишлатиш;
- * ўз маҳсулотига нарх қўйиши.

Мустақилликнинг мазкур талабларига дарҳол эришиб бўлмайди. Уларни юзага чиқариш учун етарли даражада узоқ муддат, салоҳиятли ва мақсадга мувофиқли меҳнат, аниқ ва амалга ошувчи иқтисодий ислоҳот дастури зарур.

4.2. Бозор иқтисодиётига ўтиш концепциялари

[64] Бозор муносабатлари тусатдан ва бирданига шаклланмай, балки мавжуд иқтисодий тизимдан ўсиб чиқади. Шу сабабли эски тизимни собитқадамлик билан ислоҳ эта бориб, бозор иқтисодиётига келиш мумкин.

Бозор ислоҳотлари деганда халқ иштирокида, лекин давлат томонидан ишлаб чиқилган, бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни давлат назорати остида амалга оширилиши тушунилади.

Концепция — бу бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели. Концепцияда янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий жиҳатлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислоҳотнинг асосий йўналишлари белгиланади. Айнан ишлаб чиқилган концепцияга таянган ҳолда бозор ислоҳотини таъминловчи юридик қонунлар мажмуаси яратилиб улар ҳаётга жорий этилади.

Ислоҳотлар қуйидаги йирик гуруҳларга бўлинади:

- * мулкый муносабатлар ислоҳоти;
- * аграр ислоҳот;
- * молия-кредит ислоҳоти;
- * социал ислоҳотлар;
- * ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти.

Бу ислоҳотларнинг кетма-кетлиги, ўтказиш усуллари ва муддатлари ҳар хил бўлади. Улар комплекс характерда бўлади ва иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ўтказилади. Бир соҳа ислоҳ этилиб, бошқаси эскичасига қолса, бозор муносабатлари шакллана олмайди, бинобарин, ислоҳотлар самарали бўлмайди.

[65] Ривожланган ёш мамлакатлар ўз олдиларига эришиш осонроқ бўлган мақсадларни қўйиб, „муқобил ривожланиш“ назариясининг турли концепцияларига таяниб, ўз йўлини мана шу назариялар доирасида излашга мажбур эдилар. Бу концепцияларнинг асосийлари қуйидагилар. (15- жадвал.)

**„Муқобил ривожланиш“
назариясининг турли концепциялари¹**

Концепциялар	Мақсад
„Асосий эҳтиёжлар“	<ul style="list-style-type: none"> * Аҳолининг энг кам тирикчилик эҳтиёжини таъминлаш. * Иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этиш.
„Мақбул ёки тегишли технология“	<ul style="list-style-type: none"> * Аҳоли бандлигини таъминлаш. * Маҳаллий хомашёни, аввало қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашга қаратилган сермеҳнат технологияни ривожлантириш.
„Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш“	<ul style="list-style-type: none"> * Мавжуд захиралардан тулиқроқ фойдаланиш. * Ривожланаётган мамлакатларнинг тараққий этган мамлакатларга қарамлигини камайтириш мақсадида ҳамкорликни мустаҳкамлаш.
„Янги халқаро иқтисодий тартиб“	<ul style="list-style-type: none"> * Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан мустамлака ҳолатидан қутулиши. * Иқтисодий қолоқликни тугатиш. * Тенг ҳуқуқли шериклар сифатида тан олинши. * Ўз манфаатларига мувофиқ келадиган янги нархларни, халқаро савдо меъёрларини, валюта курсини белгилаш. * Замонавий технологияни сотиб олиш имкониятларини кенгайтириш.

[66] 80-йилларнинг охирида Россияда бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли концепциялари ишлаб чиқилди, хусусан, академик А. Аганбегян иштирокида тайёрланган ва собиқ СССР Вазирлар Кенгаши Раёсатида муҳокама қилинган муқобил дастурда бозор муносабатларига ўтишнинг турли концепциялари кўриб чиқилди. Бу концепцияларнинг моҳияти 16-жадвалда келтирилган.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг узига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993, 20 — 21- бетлар.

Бозорга утишнинг муқобил йўллари

Муқобил йўллар	Тадбирлар
<p>Бозорсиз тараққиёт ёки „Либераллаштириш“ йўли</p>	<ul style="list-style-type: none"> * Бозорсиз тараққиётта утишдан олдин дастлаб маъмурий-буйруқбозлик тизими бағрида. * Истеъмол товарлари бозорини барқарорлаштириш. * Бюджет тақчиллигини йўқотиш. * Инвестиция соҳасини соғломлаштириш кузланади.
<p>Бозор „экстремизми“ ёки бозорга ҳатлаб утиш йўли</p>	<p>Сунгра бозорга утиш мумкинлиги таъкидланади. Маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги бошқаришни енгил-елпи косметик таъмирлаб, йирик халқ хужалиги миқёсидаги пропорцияларни шакллантириш ва назорат қилишни Марказ ихтиёрига қолдириб, корхоналарга қисман шартнома асосида бозорга маҳсулот чиқаришга рухсат берилади.</p>
<p>Бошқариладиган бозор ёки тартибга солинадиган бозор</p>	<ul style="list-style-type: none"> * Асосий ғоя — кескин чораларни зудлик билан куриш ва XIX аср андозасидаги эркин бозорга ўтиш. * Давлатнинг иқтисодга аралашувиға мутлақо чек қўйиш. Бундай йўл меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини, жамиятнинг шу бугунги ва келажакдаги илмий-техника тараққиёти, экология, муҳофаа соҳаларидаги манфаатларига умуман кафолат бермайдиган бозор регуляторига умид боғлайди. * Асосий ғоя — якка ҳокимлик тартибидан, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштиришдан бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтиш. * Давлатнинг иқтисодиётдаги салмоғини 20-30 фоизга тушириш.

Қўштирноқ ичидаги „либераллаштириш“ йўли ҳам, бозор экстремизми ғояси ҳам қўл келмаганлигини вақт кўрсатди. Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги йўлларини ишлаб чиқди. Бошқариладиган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган. Бу ҳол ниҳоятда кучли иқтисодий ислохот оқимини юзага келтиради. Кўпгина мамлакатлар — ривожланаётган ва ривожланган, капиталистик ва социалистик, демократик ва авторитар мамлакатлар мана шу оқимга қўшилдилар.

[67] Жамиятни тараққий эттириш ва иқтисодий ислох қилиш йўлларининг хилма-хиллиги бир қанча омилларга боғлиқ. Авваламбор, бунга уларнинг аниқ мақсадни кузлаб йўналтирилиши ва

иқтисодиётнинг амал қилиш принциплари сабаб бўлади. Қайд қилинган концепциялар ҳам қўйилган мақсаднинг турличалигидан юзага келган (17- жадвал).

17- жадвал

Бозорга ўтишнинг муқобил йўллари

Муқобил йўллари	Асосий ғоялар
„Гангитувчи терапия“ ёки „фалаж қилиб даволаш усули“	<p>* Бу йўлни жарроҳлик аралашуви ёки аччиқ, аммо зарур дори ёхуд гангитувчи терапия дейишади. Бу йўл номақбулдир. Чунки у амалда жуда ҳам қисқа муддатли молиявий чора-тадбирлардан булак бошқа ҳеч нарса эмас.</p> <p>* У амалда „терапиясиз шок“ булиб қайтади.</p>
„Қаттиқ каркас“ йўли	<p>* Ўта муҳим товарларга давлат томонидан нарх урнатилади ва назорат қилинади. Бу билан ишлаб чиқариш, алмашув, тақсимот қаттиқ каркас остида бўлади. Шу йўл орқали халқ ҳужалиги пропорциялари, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий ҳимоя марказдан туриб бошқарилади.</p> <p>* Бу йўл „карточка“ тизимини англатади.</p>
„Оммабоп бозор“ ёки бозор иқтисодиётига бошловчи йўл	<p>* Бу йўл мавжуд бошқарув тизимини тубдан ўзгартиришни талаб қилмайди.</p> <p>* Режали тизим ўтиш даврида иқтисодиёт барқарорлигини, ишлаб чиқаришда эришилган даражани сақлашга ёрдам беради.</p> <p>* Бозор дастлаб ишлаб чиқаришнинг бир қисмини, сўнгра бозор инфраструктурасини барпо қилиши билан асосий қисмини қамраб олади.</p>

15 — 16- жадваллардан кўриниб турибдики, нафақат бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари, шу билан бирга унинг андозалари ҳам хилма-хилдир. Шу боисдан бозор иқтисодиётининг маълум андозалари уларни амалга оширувчи муайян мамлакатга мансублигига қараб ажратилади. Масалан, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Польша андозалари ва ҳ.к.

4.3. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари

[68] Бозор муносабатлари шаклланишининг социал-иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар хил бўлганлиги туфайли,

унга Утишнинг миллий ёки ҳудудий режалари ҳам мавжуд бўлади. Буни биз энг ривожланган, бугунгача капиталистик давлатлар деб қараб келинган АҚШ, Англия ва Франция мамлакатлари мисолида куришимиз мумкин (18- жадвал).

18- жадвал

Эркин бозорга утиш моделлари

Режалар	Асосий ғоялар
„Рейган-омика“ (АҚШ)	<ul style="list-style-type: none"> * Бу модел миллатнинг социал-маданий ҳолатига асосланади. Ҳар бир шахснинг ютуғига ва юқори даражадаги иқтисодий фаровонлигига йуналтирилган. * „Социал тенгликка эришиш“ вазифаси умуман қуйилмайди. * Аҳолининг фаол қисмининг бой бўлишига имкон беради, тadbиркорликни рағбатлантиради.
„Тэтчеризм“ (Англия)	<ul style="list-style-type: none"> * Иқтисодий фаолият эркинлиги. * Хусусий мулкнинг устворлиги * Кескин рақобат кураши. * Иқтисодиётни тартиблашда давлат ролининг уствор эмаслиги.
„Маршалл режаси“	<ul style="list-style-type: none"> * Нарх-навонинг тула либераллашгани. * Миллий иқтисодиётнинг бош йуналишларини давлат белгилайди, стратегик режалаштириш жуда ҳам кучли йулга қуйилган. * Нарх-наво бошқарилади. * Рақобат рағбатлантирилади * Иш ҳақи устидан қатъий назорат урнатилади. * Солиқ тизими назоратда бўлади.

Бу андозалар асрлар оша тарихий-табиий жараён сифатида амалга ошиб, узоқ давом этган узгаришлар орқали шаклланган. Бу мамлакатлар иқтисодий тараққиётнинг асосий қийинчиликларинингига енгилган, холос. Шу бисс уларга бизда юз бераётган жараёнлар бегона.

Шунингдек, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларни бизларга мисол қилиб келтиришади. Улардан андоза олишни тавсия қилишади. Аммо шуни назарда тутиш лозимки, бу мамлакатлар қолоқ пайтида ҳам уларда бозор муносабатлари мавжуд эди. Бозор иқтисоди, хусусий мулкчилик, одамларда уз мулкига эгалик қилиш каби тушунчалар бор эди. Капиталистик ишлаб чиқариш асослари мавжуд эди.

Бизда бу нарсалар йуқ эди. Одамларимиз бутунлай бошқа тарзда, бошқача ақидалар билан яшаганлар. Биз аввало, мулкчилик маса-

ласини ечишимиз, уни англашимиз, моҳиятини тушунтиришимиз керак эди. Одамларда хусусий мулкчилик, хужалик тушунчаларини шакллантиришимиз лозим эди.

Бошқа томондан, юқоридаги моделларнинг кўп жиҳатлари бошқалар учун андоза, намуна вазифасини бажариши мумкин, чунки бозор иқтисодиётининг қонун-қоидалари, унинг ҳаётийлиги бу моделларда синаб курилган.

[69] Бозор иқтисодиётига утишда „Туркия йули“ узига хос хусусиятга эга. Туркия иккита қитъада — Европа ва Осиёда жойлашган мамлакат булиб, унинг майдони 780,6 минг кв.км, аҳолиси 57 млн. У ерда етти минтақа ва 73 та вилоят бор. Туркия давлати 1923 йилда Мустафо Камол Отатурк бошчилигида тузилган.

Туркиянинг бозор иқтисодиётига утиши босқичма-босқич булган. У босқичларни қуйидагича ажратиш мумкин:

- * 1923 — 1950 йиллар;
- * 1950 — 1970 йиллар;
- * 1970 — 1980 йиллар;
- * 1980 ва кейинги йиллар.

Бозор иқтисодиётининг биринчи босқичиданоқ Отатурк раҳбарлигида қатор прогрессив буржуа-демократик ислохотлар утказилди. Жумладан:

- * кўп укладли, аралаш иқтисодиётни хусусийлаштириш йули билан эмас, балки сотиб олиш йули билан амалга оширилди;
- * Отатурк томонидан асосланган „либерал иқтисодиёт“ да давлатнинг аралашуви кучайтирилди;
- * 1923 йилда биринчи беш йиллик режаси қабул қилинди;
- * таълим тизимини тубдан яхшилаш буйича қатор тадбир- чоралар курилди.

Бозор иқтисодиётининг иккинчи босқичидан бошлаб:

- * хусусий ташаббус ва эркин рақобатни кенгайтиришга;
- * ресурсларни тақсимлашда баҳо механизминини қўллаш ва унда жаҳон бозоридagi баҳоларни қўллаш;
- * иқтисодиётга давлатнинг аралашувини чеклаш;
- * давлат секторининг миллий даромаддаги улушини камайтириш;
- * хусусий жамғармаларга таянган қуришларни кенгайтириш каби масалаларга катта эътибор берилди.

1950 йилдан эътиборан хусусий секторни ривожлантириш асосий масалалар қаторига киритилди. 1961 йилдан бошлаб мунтазам равишда

беш йиллик ва бир йиллик режалар тузила бошланди. 1965 йилдан бошлаб импортни чеклаш сиёсати амалга оширилди ва барча товарларни мамлакатнинг ичида ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинди. Мамлакатда 1965 — 1970 йилларда инфляция даражаси паст булган ҳолда (5 фоиз) иқтисод ривожланди ва ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш даражаси 6 — 7 фоизни ташкил қилди...

Бугунги кунда Туркия эл оғзига тушган мамлакатдир. Ҳозир бизни унинг 1980 йилдан кейинги даври қизиқтирмоқда. Мамлакат ҳаётидаги бу шонли саҳифа кўп жиҳатдан Президент Турғут Озал номи билан боғлиқдир. 1983 йилнинг охирида Туркияда Парламент сайлови ўтказилди. Т. Озал тузган Ватан партияси ушбу сайловда катта галабага эришди. Ғолиб партия аъзоларидан тузилган ҳукумат тараққиётнинг янги йўналишларини бойитди ва кенгайтирди. Жумладан, Озал дастурида:

- * хусусий тадбиркорликка кенг йўл қўйиш;
- * импорт сиёсатидан экспорт сиёсатига ўтиш;
- * эркин иқтисодий ҳудудларни яратиш, уларни ривожлантириш йўли билан очиқ бозор иқтисодиётига ўтиш;
- * турк лираси қадр-қимматини кўтариш;
- * солиқ тизими ва кредит сиёсатини такомиллаштириш;
- * чет эл инвестициясига кенг йўл очиб бериш;
- * Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан узаро иқтисодий муносабатларни кенг йўлга қўйиш каби долзарб масалалар уз аксини топган эди.

„Туркия модели“нинг узига хос хусусияти ҳам ана шулар билан изоҳланади. Ана шу чора-тадбирларнинг изчиллик билан бажарилиши натижасида қуйидагиларга эришилди:

- * тула қадрсизланган, ижтимоий меҳнатни ўзида ёфода этолмай қолган, тулов хусусиятини йўқота бораётган турк лираси курсига эркинлик берилди ва валюта чайқовчилигига чек қўйилди;
- * давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кескин камайтирилди;
- * хусусий сектор фаолияти кенг рағбатлантира бошланди;
- * кичик корхоналар сони кўпая бошлади;
- * янги технология билан қуролланган, йиғув ишлаб чиқаришига мўлжалланган корхоналар сафи оша борди;
- * кичик ва йирик корхоналарга индустриалашган чет эл корхоналари билан ҳамкорлик қилишга кенг йўл берилди, чет эл инвестицияси кириб кела бошлади;
- * савдо эркинлиги бизнеснинг юксалишига, бу эса уз навбатида, миллиардлаб солиқ туловлари билан давлат хазинасини тўлдиришга олиб келди, улар эвазига йўллар ва микрорайонлар қурила бошланди;
- * 1989 йилда лира конвертирланган пулга айланди;

* Туркия Яқин Шарқ мамлакатларига уз таъсирини утказа бошлади. 80- йилларнинг охирида уз худудидан Жанубий-Шарқий Осиё „йулбарс“ларидан бири бўлган Жанубий Корея фирмаларини сиқиб чиқараверди;

* саноатнинг юксалиши қишлоқ хужалигини ҳам шиддат билан ўсишига олиб келди. Бу эса тор доирадаги „боқувчи“ мамлакатлар сафига киришига сабаб бўлди, яъни қишлоқ хужалик маҳсулотларини уз истеъмолидан ортиқча ишлаб чиқара бошлади;

* иқтисодий юксалиш ва сиёсий барқарорлик Туркияга ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини купайтирди. Бир йиллик туризмдан олинаётган валюта Туркия буйича 5 миллиард доллардан ошиб кетади.

* минглаб, юз минглаб туркларнинг вақтинча чет элга бориб ишлаши одат тусига кирган. Бу ишсизлик муаммосини ечишга ва мамлакатга чет эл валютаси тушишига кумаклашади. Ҳар йили Европа (аксарияти Германия ва Австралия) давлатларига 2 — 2,5 млн. киши ишга юборилади;

* бугунги кунда Туркия Европа ва Осиё мамлакатлари учун йирик молиявий регионал марказ „куприги“ булиб хизмат қиляпти;

* Туркия халқи туқ яшайди. Бозор мул-кул. Четдан озиқ-овқат умуман импорт қилинмайди.

Туркия жаҳон бозорига дадил кириб борди. Президент Т.Озал шиори ҳам қуйидагича булган:

„Ёрдам бериш эмас, балки савдо-сотикни ривожлантиришга кумак бериш лозим“.

Ҳўш, Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришда „Туркия модели“нинг қайси бир жиҳатларини инobatта олиш ўринлидир? Булар жумласига қуйидагиларни қайд қилиш мумкин.

* Социал-иқтисодий ривожлантиришни изчил режали равишда олиб боришни давом эттириш, макроиқтисодий кўрсаткичлар асо-сида такомиллаштириш ва режа кўрсаткичларига тавсия измини бериш.

Бугунги кунда Туркия Давлат режалаштириш қумитасида банд бўлган 700 киши Бош вазир қўл остида ишлаб келмоқда. Туркия режаларининг бизниқидан фарқи шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳам бу режалар бажариб келинмоқда.

* бошқариш тизимида илғор усулларни жорий этиб уни ихчамлаштиришга эришиш;

* қўшма, кичик ва хусусий корхоналар ташаббусларини жадал суръатлар билан ривожлантиришга эришиш. Мавжуд булган тусиқлар ва камчиликларни бартараф этиш (яъни, ташкил этиш тартибларини соддалаштириш, ер ажратишни қайта кўриб чиқиш, банк фоизи ва солиқни камайитириш ва ҳ.к.);

* чет эл инвестициясига кенг йул очиш ва ундан самарали фойдаланиш. Бунинг учун расмиятчиликка чек қўйиш, давлат муҳофазаси ва гаровини тула йулга қўйиш, уларга белгиланган солиқни бекор қилиш, давлат ёрдамини, кредитларини, субсидияларини кенгайтириш лозим;

* ишчи кучини бошқа ривожланган мамлакатларга ташкилий равишда контракт асосида юборишни ривожлантириш;

* маркетинг ва аудит хизматларини кенг жорий этиш;

* фирмалар билан лизинг операцияларини кенгайтириш;

* суғурталаш, социал таъминот, нафақа тизимини такомиллаштириш.

Шундай қилиб, Туркия модели кўп қиррали булиб, унинг танлаган йули Европа бозор иқтисодиёти моделига яқин. Ҳар бир фуқаро эл бойлиги, унинг равнақи учун курашади. Фақат уз меҳнати билан пул топишни яхши билишади. Давлатга „оғзини очиб“ қараб турмайди, бировларнинг бойишига „ёмон кўз“ билан қарамайди, чунки барча тadbиркорларни давлат бир хилда қўллаб-қувватлашни билишади.

[70] Бозор иқтисодиёти ривож топган мамлакатлардан яна бири — бу Япониядир. Американи капитал ва капиталистлар, Японияни эса меҳнат ва меҳнатқашлар мамлакати дейишади. Бу бежиз эмас. Чунки бу мамлакатлар бугунги кунда энг ривожланган, биринчи ва иккинчи ўринда турган мамлакатлардир.

Ер шари қуруқлик қисмининг атиги 0,3 фоизини (372,2 минг кв.км.), аҳолисининг 2,5 фоизи (123,5 млн киши)ни ташкил қиладиган Япония, дунё маҳсулотининг 14 фоизини етказиб бераёпти. Табиий ресурслари деярли булмаган давлат автомобиль ва мотоцикллар, кема ва роботлар, видеомагнитофон ва телевизорлар, фотоаппарат ва соатлар ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тақсимоти бўйича фақат АҚШдан орқада. Аҳоли турмуш даражаси ҳавас қилса арзигудек. Умр узоқликда ҳам Япония биринчи ўринда.

Ҳуш, бундай фаровонлик, иқтисодий равнақнинг боиси нима? Япония қандай қилиб бундай юксак тараққиёт чўққисига эришди?

Иккинчи Жаҳон уруши тугаши биланоқ Японияда „Додж йўли“ номи билан иқтисодий ислохотни амалга оширишга киришилди. Бу ислохот олдида қуйидаги долзарб вазифалар турарди:

* монополияга чек қўйиш;

* ҳарбийлашган ишлаб чиқаришни конверсиялаш;

* ерни дехқонларга тарқатиб бериш;

* давлат томонидан барча облигацияларни аҳолидан сотиб олиш;

- * банк кредитларини қисқартириш;
- * аҳолининг омонат кассаларидаги пулларини „музлатиб“ қуйиш;
- * зарар куриб ишлаётган корхоналарни тугатиш;
- * ижтимоий ҳаётни демократиялаштириш ва ҳ.к.

Қайд қилинган туб ислоҳотлар Япония ижтимоий тараққиёти-нинг ўзига хос анъанавий принциплари инобатга олинган ҳолда босқичма-босқич амалга оширила бошланди.

Японияда ишчи кучи бозори ўз хусусиятига эга. У ерда хизматчилар бир умрга ёлланади. Бу эса келажакка ишонч ҳосил қилдиради, ҳаракатчанликни, япон ишчилари пенсияга чиққунга қадар иш билан таъминланиш кафолатига эгалар. Аммо бир иш жойидан иккинчи иш жойига кучиш, айниқса, мартаба, лавозим пиллапояларига кўтарилиш имконияти жуда ҳам чекланган.

Японияда капиталист ишчини эмас, балки ишчи капиталист-менежерни ёллайди. Бу ерда раҳбар ишчи билан тенгма-тенг. Япония ишчилари корхона манфаатини ўзининг шахсий манфаатидан устун қўяди. Меҳнат ресурсларининг тақсими иш берувчилар билан қасаба уюшмалари маслаҳатлари асосида амалга оширилади. Япон иқтисодиётини бошқариш тизимидаги мўъжизанинг биттаси ана шудир.

Япония корпорациялари нафақат ўз фойдаларини максималлаштиришга, шу билан бир қаторда ўз бозорини ривожлантиришга, қўл остида ишлаётганлар фаровонлигини оширишга кўпроқ эътибор беришади. Натижада мавжуд технология ва қаттиқ интизомга эга бўлган жамоа ёрдамида рақобатдош маҳсулотларни кам сарф қилиб кўпроқ ишлаб чиқаришга ва пастроқ нархга сотишга эришадилар.

Иш ҳақининг ошира боришини кафолатлаган фирмалар ўз ишчиларини янгиликка интилишга, самарали меҳнат қилишга ундайди. „Япон мўъжизаси“нинг асосий манбаи ҳам — меҳнат-севарликдир. Ишлаб чиқаришда ҳеч қандай танаффуслар йўқ. Иш жойидан кетиб қолиш, яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш уларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Ўшчилар бир йилда 2140 соат ишлашади. Бу АҚШдаги иш соатидан 290 соат, Германия ва Франциядаги иш соатидан эса 640 соат кўпдир.

Японияда кўпроқ озиқ-овқат ва электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, шунингдек инфраструктурани ривожлантиришга устунлик беришади. Япон тажрибаси — ёрдам энг аввало технология томонидан, сўнгра эса **бошқариш тизимини такомиллаштириш соҳасида бўлиши мақбул эканини исботлайди.**

Японияда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати иш ҳақининг ўсиш суръатига нисбатан юқори даражада эканлиги характерлидир. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархининг пасайишига ва уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигининг ошишига олиб келади.

Японияда тадбиркорларга кенг йул очиб берилган. Уларнинг бой бўлиб кетиши каттиқ назорат остига олинмайди. Япония уз халқининг маънавият даражасининг юқорилигига, миллий манфаатини шахсий манфаатдан устун деб билишларини, аҳолининг раз-рафсиз мамлакат фаровонлиги учун истаган пайтда ҳар қандай сафарбарликка тайёр туришига қатъий ишонади.

Япония андозасида хўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлатнинг иштироки анчагина каттадир. Йирик корпорациялар фаолияти режалаштирилади. Айниқса, фирмалар уртасидаги иқтисодий муносабатлар қатъий режа асосида амалга оширилади. Фирмаларнинг бир-бирига бўлган ишончи ҳам шу режаларнинг бекаму куст ва уз вақтида бажарилиши билан характерлидир.

Хуш, Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришда „Япон муъжизаси“нинг қайси бир жиҳатларини олиш уринлидир. Булар жумласига қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

- * қаттиқ интизом, юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги;
- * инновацияга, янгиликка интилиш;
- * жамият, корхона манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш;
- * юксак тадбиркорлик, эришилган натижа билан қаноатланиб қолмаслик;
- * рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни уз бурчи деб билиш, ички ва ташқи бозорни ажратмаслик;
- * 5 та „С“га қатъий риоя қилиш, яъни:
 1. Сейри — уюшқоқлик.
 2. Сейтон — поклик.
 3. Сейсо — тозалик.
 4. Сейкец — ахлоқлилик.
 5. Ситсукс — интизом.
- * илмий-амалий ишлар ва ихтирочиликни рағбатлантириш;
- * макроиқтисодиёт миқёсида „оптимал бизнес“ режасини ишлаб чиқиш;
- * ҳар ойда тузиладиган бухгалтерия ҳисоби;
- * „товар ёки хизматнинг узи ўзи учун гапирсин“ шиори;
- * япон халқининг меҳнатсеварлиги. У ерда меҳнат таътили муддати асосан бир ҳафтадан ошмаслигига қарамасдан, ходимлар дам олишга шошилмайдилар;
- * япон ишчиларига ёшликдан бошлаб бирор фирмага мансублик учун фахрланиш ҳис-туйғуси сингдирилади. Шу сабабли улар ўз фирмаларининг шон-шухрати учун билим ва истеъдодларини аямайдилар;
- * ҳозирдан келажagini яратаётган фирмалар жуда ҳам кўп (Panasonic);
- * мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини давлатнинг биринчи бойлиги деб қараш.

[71] Икки оғиз сўз „Германия йўли“ тўғрисида. 1940 йилларнинг бошида Германия иқтисодиётини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтказиш мақсадида катта ислох ишлари бошланди. Бу ислохотнинг „сиёсий отаси“ 1949 — 1963- йиллар мобайнида Германия Федератив Республикаси Иқтисодиёт вазири, 1963 — 1966 йиллар давомида эса федерал-канцлер булиб ишлаган Людвиг Эрхард (1897 — 1977) ҳисобланади. У ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти модели учун Германия саноатчиларининг махсус стипендиясига сазовор бўлган.

1945 йил август ойида Эрхард биринчи индустрлаштириш режасини ишлаб чиқди. Унда саноат маҳсулотини 1936 йилга нисбатан 65 фоизга, 1938 йилга нисбатан эса 50 — 55 фоизга ўсиши режалаштирилди. Бундан ташқари, мазкур ислохот қуйидаги йўналишдаги учта масаланинг ҳал қилинишини вазифа қилиб қўйган эди:

- * пул ислоҳоти;
- * нарх-наво ислоҳоти;
- * давлатнинг иқтисодиётдаги ролини аниқлаш.

Пул ислоҳоти дастлаб эски, амалда юрган рейх маркасини Германия маркаси билан алмаштиришдан бошланди. Дастлаб ҳар бир немис фуқароси 40, сўнгра яна 20 маркадан олди. Пенсия, нафақа ва иш ҳақи 1:1 нисбат билан тўлана бошланди. Халқ қўлидаги эски рейх маркалари ва кассадаги омонатлар 1:10 нисбат билан алмаштирилди. Кейинчалик мутлақо „музлатиб“ қўйилди. Маълум муддатдан сўнг уни ҳам 1:20 нисбат билан алмаштириб берилди.

Собиқ рейх банкларининг амалий мажбуриятлари бекор қилинди. Нарх ислоҳоти эса пул ислоҳотидан сўнг 3 кундан кейин амалга оширилади.

Хўш, „Германия йўли“нинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти концепцияси заминида нафақат иқтисодий фикрлар, балки инсон шахсининг эркинлиги масаласи ҳам ётади. Уларнинг гоёси бўйича ҳар қандай иқтисодий тизим шахс эркинлиги гоёсига асосланиши шарт. Германия Конституциясида бу фикрлар ўз аксини қуйидагича топган:

- * инсон қадр-қиммати дахлсиздир;
- * шахс эркинлиги ҳуқуқи ва тенглик қонун олдида кафолатланиши керак;
- * хусусий мулкчилик жамият олдида бурчни тақозо этади;
- * матбуот ва сўз эркинлиги таъминланади;
- * касб ва иш жойини эркин танлаш ҳуқуқи кафолатланади.

Бу асосий ҳуқуқ ва эркинликлар конституцион норма билан кафолатланади. Германия демократик ва ижтимоий-ҳуқуқий давлат ҳисобланади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини нормал шаклланиши ва амал қилиши учун қуйидаги тамойиллар муҳим деб ҳисобланади:

* товар ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг уз қарорига кура амалга оширилади. Бу жараёни тартибга солувчи — бу нарх механизми;

* давлат иқтисодиёт жараёнига аралаштирдан узини „тийиб“ туради;

* „Олий ҳакам“ истеъмолчи ҳисобланади;

* корхона, фирма учун энг кам чиқим билан ишлаш олий вазифа бўлиб ҳисобланади;

* барқарор валюта нарх-наво механизмини ишлаб туришига, талаб ва таклифларнинг мувозанатта эришишига, ишлаб чиқариш кучлари, яъни меҳнат, капитал, ер ва билимларнинг ҳар бирдан самарали фойдаланишга хизмат қилади;

* тариф автономияси ижтимоий йўналтирилган бозор тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Конституциянинг 9- моддасига асосан корхоналар ва ишчилар бирлашмалари тузиш ва уларни тартибга солиш кафолатланади. Улар давлатдан мустақил равишда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитини ва маошини белгилайдилар;

* муҳим қарорларни ишлаб чиқишда ишчи-хизматчиларнинг иштироки қонуний асосда ҳал этилган. Ёлланма ишчилар ва касаба уюшмаларининг кадрлар ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда биргаликдаги иштироклари ҳуқуқий кафолатланган;

* Германияда бошқа мамлакатларга қараганда корхоналар ижтимоий эҳтиёжларга кўпроқ маблағ ажратадилар. Унинг миллий даромаддаги салмоғи 29,9 фоизни ташкил қилади (1999 й.). Гарчи бу тадбиркор учун ортиқча харажат бўлса-да, аммо ёлланма ишчилар учун эса бу ижтимоий таъминотда қўшимча ютуққа, „иккинчи иш ҳақиға“ айланади;

* иқтисодий самарадорлик соҳасида юксак марраларга интилиш. Шу нуқтаи назардан бу тизим фаровонликнинг тез усишини, турмуш даражасининг юксалиши ва буш вақтнинг қўпайишини таъминлайди.

Қайд қилинган шарт-шароит ва тамойиллар Германияни кучли иқтисодий давлатга айланишига сабаб бўлди. Бугунги кунда Германия:

* энг қисқа иш ҳафтаси ва йил ҳисобида энг қисқа иш вақти бўлган давлатдир. 1999 йилда йиллик иш вақти 1500 самарали иш соатини ташкил этди. Бу эса жаҳонда энг паст кўрсаткичдир. Худди шундай кўрсаткичлар Японияда 2140 соатни, АҚШда 1850 соатни ташкил қилади;

* ҳақ туланадиган ва энг узун йиллик меҳнат таътили бор мамлакатдир. 1991 йилда бир ишчи ва хизматчига туғри келадиган меҳнат таътилининг бир йилдаги муддати 31 кунни ташкил қилди;

* атроф муҳитни муҳофаза қилишда энг қатъий тартибга риоя этувчи давлатдир;

* саноат ишлаб чиқаришининг экспортдаги энг катта улуши билан ажралиб турадиган давлатлар сирасига киради. У кимё моллар, станоклар, темирчилик-пресслаш асбоб-ускуналари, целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқарувчи дастгоҳлар ва тукувчилик ускуналарини экспорт қилиш буйича дунёда биринчи уринни эгаллаб турибди.

Германиянинг иқтисодий аҳволи ва ташқи иқтисодий алоқаларининг характери жаҳон товар бозорларида унинг фирмаларининг обриси ортаётгани, шунингдек бевосита чет эл инвестициялари миқдори юқори суръатларда усаётганлиги билан белгиланади. Яна бир жиҳат, 1970 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб мамлакат валюта-кредит-молия масалаларида анча мустаҳкам мавқега эга булиб олганлигидир.

Германия мол айланиши ҳажми буйича жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи, Европада эса биринчи уринда туради. Бундан ташқари, Германия жаҳонда энг катта олтин-валюта захираларига эга. 1980 йил охирларига келиб ривожланган мамлакатлар экспортининг 9,6 фоизи, импортининг эса 9,2 фоизи, Халқаро Валюта жамғармасига аъзо давлатлар валюта захираларининг 11,1 фоизи ва ривожланган давлатларнинг бевосита хусусий хориж инвестициялари умумий ҳажмининг 8,5 фоизи Германия ҳиссасига туғри келди.

Мазкур курсаткичлар буйича Германия дунё мамлакатлари орасида мустаҳкам 3- уринни эгаллайди.

Хуш, Германия „иқтисодий муъжизаси“нинг қайси бир жиҳатлари эътиборга молик? Немис ишбилармонларидан нималарни урганиш мумкин?

Германиядан урганса, ҳаётга татбиқ этса арзийдиган жиҳатлар жуда кўп. Шулардан айримларини қайд қиламиз, яъни:

1. Аниқ бажариш.
2. Пухта бажариш.
3. Ўз вақтида бажариш.
4. Бекаму куст бажариш.
5. Вақтида ҳозир булиш.

Бу аломатлар немис халқининг ниҳоятда юқори даражада интизомли халқ эканлигидан далолат беради.

Булардан ташқари:

* тариф автономияси;

* корхоналар томонидан ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағларнинг куплиги, яъни „иккинчи иш ҳақи“нинг мавжудлиги;

* жаҳон бозорини забт этишдаги собитқадамлик;

* бандликни усишига қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш, рақобатни кучайтириш, иш вақтининг узгарувчан графигини қўллаш ёрдамида ишсизликни қисқартириш;

* „адолатли маош“ ёки „бойликни адолатли тақсимлаш“ шиори ва бошқа хислатлар мамлакатимиз ҳаётига татбиқ қилса буладиган хислатлардир.

„Ўзбек халқи билан немис халқини яқин этадиган хислатлар куп, — деган эди Президентимиз И.Каримов, — ҳар икки халқ ҳам меҳнатни билади, дўстни билади, оқибатни билади. Халқларимизнинг келажакда самарали ҳамкорлик урнатишларига шубҳа йўқ“.

[72] Қисқача Россиядаги иқтисодий ислоҳот хусусида. „Сусткашлик улим билан баробар“ номли шиор остида „500 кун“ да собиқ Иттифоқда қайта қуриш ва иқтисодий ислоҳот утказиш операцияси 1990 йилда бошланди. Бу дастур Гайдар раҳбарлигида тайёрланган бўлиб, унинг олдида қуйидаги вазифалар турарди:

* барча иқтисодий субъектларга максимал эркинлик бериш;

* мулкчилик масаласини ҳал қилиш;

* рақобат муҳитини яратиш;

* нархни либераллаштириш;

* очиқ иқтисодиётга, кейинчалик эса халқаро интеграцияга эришиш;

* социал кафолатни таъминлаш.

Кўриниб турибдики, суз, бозор муносабатларига утиш туғрисида кетяпти. Ана шу вазифаларни 500 кун ичида амалга оширилиши режалаштирилди (19- жадвал).

19- жадвал

„500 кун“ концепцияси

Кунлар	Тадбирлар
Биринчи 100 кун (Октябрдан то 1991 йилгача) 100—250 кунлар	I. Фавқулоддаги тадбирлар дастури: * молия-пул муомаласини соғломлаштириш; * истеъмол бозорини нормаллаштириш; * узаро мол етказиб беришни барқарорлаштириш; * ташқи иқтисодий алоқаларни барқарорлаштириш. II. Нархни либераллаштириш ва молиявий чекловларни ўрнатиш;

(1991 йил январидан 1991 йил май охиригача) 250 — 400 кунлар	<ul style="list-style-type: none"> * барча маҳсулотларга нархни эркинлаштириш; * бюджет тақчиллигини минимумга тушириш; * бозор инфрақураструктурасини яратиш; * Тадбиркорликка кенг йул очиш. III. Бозорни барқарорлаштириш:
(1991 йил июнь ойидан 1991 йил ноябрь ойигача)	<ul style="list-style-type: none"> * акционер жамиятларни барпо этиш; * 30 — 40 фоиз саноатнинг асосий фондларини, 50 фоиз қурилиш асосий фондлари, 60 фоиз савдо, умумқатланиш корхоналари ва хизмат курсатиш корхоналари фондларини ижарага бериш; * уй-жой бозорини барпо этиш; * рублнинг конвертациясига эришиш.
400 — 500 кунлар (1991 йил ноябрь ойидан 1992 йил февралгача)	IV. Юксалишнинг бошланиши: <ul style="list-style-type: none"> * иқтисод ва молия тизимидаги барқарорликни мустаҳкамлаш; * иқтисод ва молия тизимидаги барқарорликни мустаҳкамлаш; * структуравий узгартиришларни фаоллаштириш; * молиявий бозорни ривожлантириш.

Демак, 1992 йил февраль ойининг охиригача мамлакат тулатқис бозор иқтисодиётига утиши лозим эди. Афсуски, мазкур дастур ҳам бозор муносабатларига утишнинг турлича ёндашувларга асосланган дастурлар каби ислохотларнинг аниқ мақсади йўқлигидан, уларни рўёбга чиқариш муддатларининг „беш юз кун“ деб белгилаб қўйилиши эса зарур узгартиришларнинг туб моҳияти ва ниҳоятда мураккаблиги тула англаб етилмаганлигидан далолат берар эди.

Умуман, жуда ҳам қисқа ёки жуда ҳам узоқ йилларга мўлжалланган дастурларга сал шубҳа билан қараш керак. Айтайлик, бир вақтлар 2000 йилга бориб ҳамма алоҳида уй-жойга эга булади, дсб „жар“ солинди. Бунинг қуруқ хомхаел эканлиги икки-уч иилдаёқ аён бўлиб қолди. „Озиқ-овқат программаси“ деган гаплар чиқди. Оқибати шу булдики, дўкон пештахталари бушаб қолди.

Бу хил дастурлар ҳавойи орзу-хаёлларнинг маҳсули булиб, мустаҳкам асосга эга эмас эди. Шунинг учун ҳам яхши мақсадларни кўзда тутган бундай дастурлар амалга ошмай қолаверди.

4.4. Бозор иқтисодиётига утишнинг „Ўзбекистон йули“

[73] Ўзбекистон жаҳон тажрибасини рад этмаган ҳолда ижтимоий тараққиётнинг узига хос ва мос йулини ишлаб чиқди ва шу йўлдан дадил бормоқда.

Ўз йули деганда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига утиш ва мустақилликни таъминлаш муаммоларининг биргаликда ҳал этилиши тушунилади. Мазкур йулнинг узига хослиги шундаки, илгари бирорта мамлакат ижтимоий мулкка асосланган социалистик тузум ўрнида бозор иқтисодиёти тамойилларига йуналтирилган куп укладли тузум қурмаган, яъни бу борада синалган йул йуқ эди.

Бу йулнинг узига мослигига келсак, Шарқ мамлакатлари, айниқса, Ўзбекистонда яшаш, ишлаш, тадбирлар утказиш — ҳамма-ҳаммаси қадимдан шерикчиликка, жамоа булиб иш тутишга асосланган.

Бу йул Ўзбекистонни келажакда иқтисодиёти ривожланган, демократия ривож топган, социал барқарорлик ҳукм сурган давлатга айлантиришни мўлжаллайди, Ўзбекистон келажаги буюк давлат деган илмий хулосага асосланади.

„Республиканинг бозор муносабатларига утишида уз йулидан изчиллик билан бориши демократик ўзгаришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, уни халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади“¹

Бу борада Ўзбекистон олдида қуйидаги вазифалар туради:

- * ҳамма мулк шаклларининг тенглигини таъминлаш;
- * иқтисодий фаолиятга эркинлик бериш;
- * ишбилармонликни ривожлантириш, тадбиркорликка кенг йул очиб бериш;
- * эркин нарх-навога утиш;
иқтисодий монополизмга йул бермаган ҳолда рақобатга кенг йул очиш;
- * ишлаб чиқаришининг замонавий миллий манфаатга мос бўлган структурасини яратиш;
- * қудратли иқтисодий салоҳиятга таянган ҳолда мамлакат миллий бойлигини ошириб, халқнинг ҳамма қатламларига фаровонлик, келажакка ишонч бериш;
- * халқаро иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон ҳужалиги билан интеграциялашувига эришиш.

Қуриниб турибдики, бозор иқтисодиёти — бу кенг маънода эркин, монополлашмаган, юксак ривожланган ва аниқ социал мўлжалга эга булган иқтисоддир. Унга иқтисодий фаолият эркинлиги, мулк шаклларининг тенглиги, иқтисодиёт субъектларининг рақобатлашуви, ҳужалик юриштиш шаклларининг турли-туманлиги, иқтисодиётни тартиблаш зарурлиги, ижтимоий ҳаётда социал ҳамкорлик муносабати бўлиши қайд этилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига утишнинг узига хос йули, Т. „Ўзбекистон“, 1993, 8-бет.

Шундай қилиб, Ўзбекистон узининг истиқлол ва тараққиёт йулини танлаб олди, узининг ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти йулини ишлаб чиқди. Аммо, бу йул гоят машаққатли ва узоқ йулдир.

„Ўз истиқлол ва тараққиёт йулимиз, — деб таъкидлайди И. Каримов, — бу гул билан қопланган йул эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покляниш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йулидир. Бу — жаҳон цивилизациясига қушилиш, чинакам сиёсий ва иқтисодий истиқлолга эришиш йулидир.

Бу йулдан фақат ҳақиқий ватанпарваргина, ўз мамлакати ва халқининг тақдири учун бутун қалби ва юрагини бағишлаган, ўз манфаатларини республиканинг қудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга узининг куч-ғайрати, ташаббуси, билими ва меҳнатини бағишлай оладиган кишиларгина юра олади“¹.

[74] „Ўзбекистон йули“ ва унга биноан республикамызда ўтказилаётган ислохотларни „Истиқлол истиқболлари“ рисоламызда таъкидлаганымиздек, „Ислол Абдуғаниевич ислохотлари“ деб аталса хато бўлмайди. Чунки ислохотларнинг илмий-назарий асослари ва йуналишлари Президентимизнинг мамлакатимиз тараққиётига бағишланган рисолалари, нутқ ва чиқишларида баён этилган. Ислохотнинг узи ҳам бевосита И. Каримов раҳбарлигида амалга оширилмоқда.²

Леонид Левитин — ҳозирги пайтда ГФРда яшайдиган таниқли ҳуқуқшунос олим ва профессор Дональд Карлайл БМТ маслаҳатчиси, Марказий Осиё бўйича таниқли мутахассислардан бири, уч тилда (инглиз, немис, рус) чоп этган „Ислол Каримов — янги Ўзбекистон Президенти“ китобида „Ўзбекистон йули“ хусусида қуйидагиларни баён қилишган:

„Аминманки. „Ўзбекистон йули“ — бу Ислол Каримовнинг кашфиёти, кул жиҳатдан агар таъбир жоиз бўлса, унинг „НОУ-ХАУ“ сидир. Бу унинг иқтисодий тафаккурининг натижаси, яққол фикрлаш қобилияти, сиёсий йулбошчилик истеъдоди ҳамда оддий одамга нима кераклигини билиши ва табиийки, дунё тажрибасини жуда яхши билиши оқибатидир“³.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига утишнинг ўзига хос йули. Т., „Ўзбекистан“, 1993, 127- бет.

² Шарифхўжаев М.Ш. Истиқлол истиқболлари. Т., „Ўзбекистон“, 1994, 20- бет.

³ Ислол Каримов — Президент нового Узбекистана. Т., „Ўзбекистон“, 1996, с.44.

Президентимиз И.А. Каримовнинг қуйидаги асарларида „Ўзбекистон йули“нинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилган:

- * „Истиқлол йули: муаммолар ва режалар“.
- * „Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули“.
- * „Ўзбекистон — бозор муносабатларига утишнинг узига хос йули“.

Президентимиз мустақил республикаимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни узининг:

- * „Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура“.
- * „Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари“.
- * „Иқтисодий ислоҳот: масъулиятли босқич“.
- * „Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари“.
- * „Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари“.
- * „Ўзбекистон XXI асрга интилоқда“.
- * „Ўзбекистон буюк келажак сари“.

„Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қўраимиз“ рисолаларида ҳар томонлама илмий ва назарий жиҳатдан асослаб берган, ёш ва мустақил Ўзбекистонимиз олдида турган ғоятда муҳим ва долзарб масалалар — мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилиш, иқтисодий муносабатларни демократиялаш, келажак пойдевори булмиш юксак маънавиятдан Ватан равнақи йўлида оқилона фойдаланиш каби масалаларни илгари суради.

* Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида“ китобида эса маълум даражада ялпит даврда — истиқлолнинг тўрт йили мобайнида мамлакатимиз тараққиётининг барча жабҳаларида амалга оширилган тарихий ишларнинг амалий якунлари ва унинг сабоқлари, истиқболда бажарилиши лозим бўлган улуғвор ва долзарб вазифалар чуқур ва атрофлича таҳлил этилган.

[75] Юқорида қуриб чиқилган бозор иқтисодиётига утишнинг турли моделлари барча мамлакатларни битта манзилга — эркин бозор иқтисодиёти тизимига олиб келади. Аммо, бозор муносабатлари шаклланишининг социал-иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар хил бўлганлиги туфайли, унга утишнинг миллий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлади.

Шу нуқтаи назардан бирор мамлакатнинг тараққиёт йўлини ёки тараққиёт моделини борлигича қабул қилиб бўлмайди. Француз рўзномаси „Либерасьон“ мухбирининг „Туркия модели“ хусусида берган саволига Президентимиз И. Каримов қуйидагича жавоб берди:


„Туркия бозор муносабатлари йўлига утиб эришган туб узгаришлари билан ҳам ҳурматга лойиқдир. Бироқ, мустақил Ўзбекистон Туркия йўлидан кўр-кўрона нусха кўчирмоқчи эмас.“¹
 „Одамзод бировнинг бўйига қараб узига тўн бичмайди“.²

Ўз мамлакати эҳтиёжларини ҳисобга олмай миллий равнақни таъминлаш мумкин эмас. Турли хорижий мамлакатлар дастурига кўр-кўрона таяниб, иш тутган МДХ доирасидаги айрим мамлакатлар қаттиқ адашдилар. Уларда уз халқи, дунёқараши, воқеа-ҳодисаларга муносабати, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини ҳисобга олмай, **тайёр андозаларни** туғридан-туғри тиқиштириш хунук оқибатларга олиб келди.

Президентимиз И.Каримов бозор муносабатларига утишда ухшаш булмаган, бетақрор яхлит андозамизни ишлаб чиқди ва уз йулимизни белгилаб берди. Бу йўл уч таркибий қисмдан иборат³ (2- чизма).

2- чизма

„Ўзбекистон йўли“нинг уч таркибий қисми



Бу уч таркибий қисмнинг, яъни янги дастурнинг эскилардан фарқи нимада, деган саволга Президентимиз қуйидагича жавоб берди:

¹ „Халқ сузи“, 1 август 1992 й.

² Каримов И. А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Т. „Ўзбекистон“, 1992, 11- бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига утишнинг узига хос йўли. Т., „Ўзбекистон“, 1993, 7 — 8 бетлар.

„Биринчидан, унда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тулиқ акс этган. Иккинчидан, бу дастур хом хаёл гаплардан иборат эмас, балки жамият тараққиётининг устувор йўналишлари хусусида“.¹

[76] Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир мамлакат уз тараққиёт йулини излаган, янги жамият барпо этиш борасида уз миллий андозасини ишлаб чиққан. Бунда илк асос вазифасини:

* кишиларнинг уз қадриятлари тизими ва аниқ мақсадни кузлаб тутилган йул;

* миллий анъаналар ва тарихий шарт-шароит;

* реал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳит;

* одамларнинг таркиб топган турмуш тарзи ва дунёқараши утаган.

Миллий андозамизнинг мазмуни ва моҳияти қуйидагилар билан тавсифланади (20- жадвал).

20- жадвал

Миллий андозамизнинг узига хослиги ва моҳияти

Т/н	Ўзига хослиги	Мазмуни, моҳияти
1.	Миллий-тарихий турмуш тарзининг узига хослиги	<ul style="list-style-type: none"> * Ўзига хос урф-одатлар ва анъаналарнинг шакланганлиги. * Каттанинг хурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қуйиш одати. * Бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаш одати. * Одамгарчиликни барча нарсадан устун қуйиш. * Устоэларга эҳтиром. * Она заминга меҳр, уртоқлик. * Шарқ маданий оламига мансублик.
2.	Диннинг кишилар онгига учмас муҳрланганлиги	<ul style="list-style-type: none"> * Иймон-эътиқоднинг устунлиги. * „Ватанни севмоқ иймондандур“ шиорининг устуворлиги. * Ислом динининг турмуш тарзидаги устунлиги.
3.	Демографик вазиятнинг узига хослиги	<ul style="list-style-type: none"> * Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг юксак суръатлар билан усиши. * 60 фоиздан кўпроқ аҳолининг қишлоқда яшаши. * Аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг 60 фоиздан кўпроқни ташкил қилиши. * Қучиб юришга мойилликни йўқлиги.

¹ Каримов И.А. Истиқлол йули: муаммолар ва режалар. Т., „Ўзбекистон“, 1992, 16- бет.

4.	Миллий таркиб-нинг узи-га хосли-ги	* Туб аҳолининг 70 фоиздан купрогини ташкил қилиши. * 100 дан зиёд миллат вакилларининг яшаб туриши. * миллий-маданий жиҳатдан республиканинг гоят ранг-баранглиги.
5.	Кулай сиёсий-геогра-фик мав-қенинг хослиги	* Ўзбекистон ҳудудининг тарихан энг қадимий савдо йўллари билан туташганлиги. * „Буюк ипак йули“нинг утгани. * Қадим қарвон йўлларининг Ўзбекистон ҳудуди-дан утгани.
6.	Табиий иқлимн-инг узига хослиги	* Сув ресурсларининг чекланганлиги * Қишлоқ хужалиги аксарият сунъий суғоришга ва суғорма деҳқончиликка асосланганлиги. * Қишлоқ хужалигида пахтачиликнинг етакчи уринни эгаллаши. * Мева-сабзавот, ғалла маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти.
7.	Мавжуд потенци-алнинг хослиги	* Табиий қазилмларга (олтин, газ, нефтга) бойлиги. * Унумдор ернинг етарлилиги. * Инсоний ва маънавий салоҳиятга эга эканлиги. * Меҳмондуст, меҳнатсевар халқнинг мавжудлиги.

Шундай қилиб, мавжуд улкан ресурслар, ақл-зиё ва ишлаб чиқа-риш салоҳияти давлат мустақиллиги билан биргаликда республикада иқтисодиётни янгилаш, уни бозор муносабатларига ўтказишга доир туб ислоҳотларни амалга оширишга ҳақиқий шарт-шароит ва имконият яратади.

[77] „Ўзбекистон йули“ Ислом Каримовнинг бозор ислоҳоти юзасидан олға сурган беш тамойилга асосланади. Уларнинг моҳияти куйидагича (21-жадвал).

21- жадвал

Бешта асосий тамойил¹

№	Асосий тамойиллар	Асосий тамойилларнинг моҳияти
1.	Иқтисодиёт-нинг сиёсат-дан устунлиги	Иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсун-дирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига утишнинг узига хос йули. Т., „Ўзбекистон“, 1993, 42- бет.

2.	Давлат — асосий ислоҳотчи	<p>иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур.</p> <p>Давлат бош ислоҳотчи булиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, узгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан утказиши, жаҳолат-парастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт.</p>
3.	Қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги	<p>Қонун ва қонунларга риоя этиш устувор булиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.</p>
4.	Кучли ижтимоий сиёсат юргизиш	<p>Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни утказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар қурилиши лозим.</p>
5.	Бозор иқтисодиётига секин-аста, босқичма-босқич утиб бориш	<p>Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа булиб келди ва бундан кейин ҳам шундай булиб қолади.</p> <p>Бозор иқтисодиётига утиш объектив иқтисодий қонуларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, утмишдаги „инқилобий сакрашлар“ сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта уйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.</p>

Бу бешта қоидага уз муносабатини Германиянинг собиқ канцлери Гельмут Коль шундай билдирди:

„Давлат ривожининг беш тамойилини ишлаб чиқиб, уни қўрқмай оламга эълон қилаётган янги давлатнинг раҳбари тутган йўл муваффақиятнинг гаровидир“¹

Бу қоидалар Ўзбекистоннинг узига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб боришни, унга секин-аста, босқичма-босқич, халқни ҳимоя қилиб бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали бозор иқтисодиётига утишни билдиради.

Мустақилликка эришгандан буён утган давр ичида Ўзбекистон Республикаси уз тараққиёт йўлининг салмоқли қисмини босиб утди. Сиёсий тизимни янада ислоҳ қилишнинг, ижтимоий йўналтирилган

¹ Шарифхўжаев М. Истиқлол истиқболлари. Т., „Ўзбекистон“, 1994, 66- бет.

бозор иқтисодиётини барпо этишнинг, ички ва ташқи сиёсатини шакллантиришнинг пухта базаси яратилди.

Бугунги кунда жаҳон тажрибасидан фойдаланиб, асосан ўз кучи ва салоҳиятига суяниб, тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаб, Ўзбекистон сифат жиҳатдан янги ҳолат сари, чинакам иқтисодий мустақилликка ва давлат истиқлолига эришиш сари оғишмай бормоқда. Демократик давлат барпо этиш юзасидан қабул қилинган дастур Ўзбекистон муносиб урин эгаллаб турган жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Г.Ф. Плеханов номидаги Россия иқтисодий Академияси профессори, Россия табиий Фанлар академиясининг академиги Ф. Рузинов Ўзбекистон тажрибаси туғрисида қуйидагиларни таъкидлади:

„Россияга белгиланган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун Илом Каримовнинг қайта қуриш фалсафаси билан яқиндан танишиш, ўзининг янгилиниш ва тараққиёт йўлини белгилаб олган Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш зиён қилмайди.

Ўзбекистонда қайта қуриш фалсафасининг асосий ва принципиал хусусиятлари шундан иборатки, бу мамлакат аҳли илгари тўпланган фойдали, ижобий нарсаларни бузмасдан туриб янги бино қуришга киришган“.¹

[78] Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бозор асосларини вужудга келтириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий вазифаси бўлиб улар:

- * мулкчилик муносабатларини ўзгартириш;
- * бозор тузилмаларини шакллантириш;
- * молия ва банк тизимини қайта ташкил этиш;
- * барча даражалардаги бошқарувнинг мутлақо янги тизимини

барпо этиш каби энг муҳим жиҳатларни ўз ичига олади;

* ресурслар чекланган шароитда ҳамма муаммоларни бир йўла ҳал қилиш имконияти бўлмаганлиги сабабли Республикада амалга оширилаётган туб бозор ислоҳотларининг бутун дастури энг муҳим вазифаларни, устувор йўналишларни изчиллик билан ҳал этишга асосланган.

Қуйидаги энг муҳим вазифалар, яъни устувор йўналишлар „Ўзбекистон йўли“нинг учинчи таркибий қисмига киради (22 -жадвал).

¹ „Халқ сўзи“ рўзномаси, 26 январь, 1994 йил.

Устувор йўналишлар

№	Устувор йўналишлар	Чора-тадбирлар
1.	Қишлоқ хужалигини тубдан узгартириш	<ul style="list-style-type: none"> * деҳқон (фермер) хужаликлари со- нини кескин купайтириш; * деҳқонларни даромад ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиш; * қишлоқ хужалик маҳсулотларининг харид нархларини ошириш, уларга эркин тус бериб, уни жаҳон бозори- даги нарх-наволар даражасига кута- риш; * пахта якка ҳокимлигига барҳам бе- риш; * шахсий ёрдамчи хужаликларнинг эгаларини ва фермерларни чорвачи- лик маҳсулотлари етиштиришни ку- пайтиришга рағбатлантириш; * хужаликларга купроқ иқтисодий эркинлик бериш; * қишлоқда ишлаб чиқаришнинг чи- накам кооператив шаклларини тик- лаш; * ерни деҳқонларга фойдаланиш учун мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан бериш; * қишлоқ хужалигида банд булган кучларнинг ортиқчасини бўшатиб олиб, уларни саноат корхоналарида меҳнатга жалб этиш; * қишлоқ инфраструктурасини яра- тиш; * ерларнинг мелиоратив ҳолатини ях- шилаш; * давлатнинг қишлоқ хужалиги иш- лаб чиқаришига бевосита аралаш ишидан воз кечиш;
2.	Республика бюдже- тидаги дефицитни чек- лаш ва уни изчиллик билан камайтиришга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсатни ўтказиш	<ul style="list-style-type: none"> * бошқарув аппаратини сақлашга давлат маблағларини сарфлашни камайтириш; * зарар қўрувчи корхоналарга ва бош- қа нозарур мақсадларга дотация ажра- тишни камайтириш; * солиқ сиёсатини такомиллашти- риш;

3.	Кредит-банк тизимини такомиллаштириш	<ul style="list-style-type: none"> * пул муомаласини мустаҳкамлаш; * валюта муносабатларини тартибга солиш; * банк кредитларини биринчи навбатда; халқ истеъмол моллари, бинокордик материаллари, деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга ажратиш;
4.	Ишлаб чиқаришнинг яна ҳам пасайишига, ходимларнинг оммавий равишда ишдан бушатилишига йўл қўймаслик	<ul style="list-style-type: none"> * ижтимоий жиҳатдан устувор ишлаб чиқариш тармоқларини саралаб, танлаб олиб қўллаб-қувватлаш; * солиқ имтиёзларини, кредитларнинг паст фоиз миқдорларини жорий этиш;
5.	Нарх-навони эркинлаштириш шароитида, энг зарур бўлган маҳсулотларга қатъий белгиланган нархни сақлаб туриш	<ul style="list-style-type: none"> * нон ва нон маҳсулотларига; * дори-дармонларга; * болалар учун мулжалланган қатор буюмларга, шунингдек айрим алоҳида муҳим товарлар ва хизматлар турларига қатъий белгилаб қўйилган нархлар ва тарифларни сақлаб қолиш;
6.	Пулнинг қадрсизланишига ва монополчиликка йўл қўймаслик	<ul style="list-style-type: none"> * бошқариш борасида амалий чоралар куриш; * аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларини давлат томонидан муҳофаза қилишнинг ишончли тизimini вужудга келтириш;

[79] Икки оғиз суз „Ўзбекистон йули“ туғрисидаги жамоатчиликнинг фикри ҳақида. Бир неча минг ииллик тарихга эга булган Ўзбекистонимиз турли ислоҳотларнинг купига гувоҳ. Бу заминимизда турли даврларда яратиш ва яшнатиш, бунёдкорлик билан бирга халқ бошига не-не қувғинлару кулфат ва азоблар келтирган, вайронагарчиликларга йўл очган ҳодисалар такрор ва такрор юз берган. Замон эса давлат раҳбарларини жиддий синовлардан ўтказиб келган.

Аммо ўзбек халқи чинакам ислоҳотларни ақл-идрокка таянган, тафаккур меваси бўлган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар ҳамда жараёнларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан туб узгаришларни эндигина мустақиллик шароитида бошидан кечирмоқда. Бугунги кунда янги, ёш мустақил Ўзбекистон давлати уз йўлбошчисига шундай масъулиятни юклади.

Молия ва режалаштириш соҳасида бой тажрибага эга бўлган, оддий ишчидан тортиб раҳбарликнинг аччиқ-чучукларини англаган, давр талабини тез сезиб, унга мос сиёсат юргиза билган юртбошимиз И. Каримов бугунги кунда жаҳон сиёсатида ўз ўрнига эга бўлди. У жаҳон давлатчилиги ва амалиётини янги шароитларда янгидан-янги қарашлари ва тажрибалари билан бойитиб бормоқда. Турли мамлакатларда унинг асарлари тақдимномасининг бўлиб туриши Президент сайловида 91,7 фоиз овоз олиб, иккинчи муддатга Президент лавозимига сайланиши бунинг гувоҳидир.

Президент Ислоҳ Каримов фаолиятига эса Бутрос Голий, Франсуа Миттеран, Гельмут Коль, Нарасимха Рао, Сулаймон Демерел, Одольф Очий, Ҳусни Муборак сингари дунё тан олган сиёсатчилар ва давлат арбоблари юқори баҳо беришмоқда. Бугунги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати мамлакат ичида қанчалик тан олинса, жаҳон майдонида ҳам шунчалик эътироф этилмоқда.

Мана уларнинг айрим фикрлари:

„Муаммоларни ҳал қилиш ва давлати ривожини йўлини аниқ кура биладиган Ислоҳ Каримовдек Президенти булган Ўзбекистон, — дейди Швейцария Конфедерацияси Президенти Одольф Очий, — ўз келажиги учун хавотирланмасе бўлади“.

„Каримов бутун давлат масъулиятини ўз зиммасига олиб фаолият кўрсатаётганини қувватлайман. Бу қаҳрамонликка тенг тўғри йўлдир“, — деб баҳолаганди Туркиянинг собиқ Президенти, марҳум Турғут Озал.¹

„Ҳа, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг саяҳатлари туфайли Ўзбекистон оламга юз тутди. У биринчи бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан жаҳонга муурожаат қилди. Шу нарса кишини қувонтирадики, давлатимизнинг биринчи муурожаатини олам аҳли зўр қониқиш билан кутиб олди.

Бизнинг ким эканлигимизни билиб, мақсадларимизни тушуниб олқишлашди. Юртбошимизнинг неча йиллардан бери бедор тунлари, ҳаловатсиз кунлари, чеккан азиятлари ўзини оқлади.

Жаҳон Ўзбекистонга ишонди. Ўзбекистон узининг миллий андозасига, узининг истиқлол йулига асосланиб катта ислоҳотлар ўтказишга, бозор иқтисодиётига ўтишга қодир эканлигини кўрсатди.

Бу йўлда жаҳон Президент Ислоҳ Каримов шахсидек кафолат борлигига қаттиқ ишонмоқда“.²

¹ Шарифхўжаев М. Истиқлол истиқболлари. Т., „Ўзбекистон“, 1994, 66- бет.

² Хужа Аббос ўгли. Ифтихор. „Ўзбекистон овози“, 1994 йил, 26 март.

Таянч иборалар	
<ul style="list-style-type: none"> * Европача модел * Осиёча модел * Миллий модел * „Муқобил ривожланиш“ назарияси * Либераллаштириш йўли 	<ul style="list-style-type: none"> * „Рейганомика“ * „Тэтчеризм“ * „Турк йўли“ * „Япон муъжизаси“ * „Германия йўли“ * „Россия йўли“
<ul style="list-style-type: none"> * „Гангитувчи терапия“ * „Қаттиқ каркас йўли“ * „Ўзбекистон йўли“ * „Ўзбекистон йўли“ нинг уч таркибий қисми 	<ul style="list-style-type: none"> * „Оммабоп бозор“ йўли * Бозор иқтисодиётига утишнинг беш тамойили

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар

[59] Бозор иқтисодиётига утишнинг қандай умумий моделларини биласиз?

[60] Бозор иқтисодиётига утишнинг „Европача модели“нинг ўзига хос хусусияти нимада?

[61] Бозор иқтисодиётига утишнинг „Осиёча модели“нинг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

[62] Тоталитар иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига утишнинг, яъни учинчи моделнинг хусусияти нимада?

[63] Миллий моделнинг туб моҳияти нимада?

[64] Бозор ислоҳоти ва бозор иқтисодиётига утиш концепцияси бир хил тушунчаларми?

[65] „Муқобил ривожланиш“ назарияси қандай концепцияларга таянади?

[66] Бозорсиз тараққиёт, бозор экстремизми ва бошқариладиган бозор нима билан фарқланади?

[67] „Гангитувчи терапия“, „оммабоп бозор“ ва „қаттиқ каркас“ концепциялари тўғрисида нималар дея оласиз?

[68] „Рейганомика“, „Тэтчеризм“ ва „Маршалл“ режаларининг моҳияти нимада?

[69] „Турк йўли“ ёки „Тургут Озал“ моделининг моҳияти нимада?

[70] Нима учун „Япон муъжизаси“ни урганишни тавсия этишади?

[71] Эрхард ислоҳоти ёхуд „Германия йўли“ тўғрисида нималар дея оласиз?

[72] Россиянинг „500 кун“лик дастурининг тақдири нима бўлди?

[73] „Ўзбекистон йўли“ деганда нимани тушунасиз?

[74] Президентимиз И. А. Каримовнинг қайси асарларида „Ўзбекистон йўли“нинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилган?

[75] „Ўзбекистон йўли“нинг ўзига хос хусусияти ва унинг таркибий қисмлари нималардан иборат?

[76] Миллий андазамизнинг моҳияти тўғрисида нималар дея оласиз?

[77] Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий принципларини биласизми?

[78] „Ўзбекистон йўли“нинг учинчи таркибий қисми қандай устувор йўналишларни ўз ичига олади?

[79] „Ўзбекистон йўли“ тўғрисида жамоатчиликнинг қандай фикрларини биласиз?

5- боб. ИЖТИМОЙ ЙУНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Режа:

5.1. Иқтисодий тизим ва унинг шаклланишидаги принципиал имкониятлар [80— 82]

5.2. Режали иқтисодиёт ва бозор иқтисодиётининг ижобий ва салбий томонлари [83 — 89]

5.3. Ижтимоий бозор иқтисодиётининг моҳияти [90 — 93]

5.1. Иқтисодий тизим ва унинг шаклланишидаги принципиал имкониятлар

[80] Иқтисодиётни тартиблаш зарурияти меҳнат тақсимооти билан узвий боғланган булиб, хужалик субъектларининг ихтисослашувини ва уларнинг бир-бирлари билан савдо-сотиқ олиб боришини тақозо этади. Бу жараён уз-узидан хужалик субъектлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни мувофиқлаштириш муаммосини юзага келтиради.

Борди-ю, Робинзон Крузо оролидаги каби ташқи алоқалар булмаганда эди, бундай мувофиқлаштиришга ҳожат ҳам қолмас эди. Иқтисодиётнинг ута мураккаблиги, яъни:

* хужалик субъектларининг турли-туманлиги (хусусий, жамоа ва давлат корхоналари);

* товар ва хизмат турларининг ранг-баранглиги;

* шарт-шароитларнинг доимий ўзгариб туриши (масалан, техника тараққиёти. истеъмол таркибининг тез-тез ўзгариши) кабилар мувофиқлаштириш масаласини анча мураккаблаштиради.

Хужалик субъектлари томонидан қабул қилинган қарорларни мувофиқлаштиришнинг икки принципиал имконияти мавжуд:

а) „рақобат кураши“ ва „марказлашмаган бошқарув“ни қўллаш (бозор иқтисодиёти шароитида);

б) „марказлашган режалаштириш ва бошқариш“ ёки „маъмурий-бўйруқбозлик усули“ни қўллаш (режалаштириш).

Амалиётда мувофиқлаштиришнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Масалан, сайловлар ёки келишувлар орқали мувофиқлаштириш шундай усуллар жумласига киради. Қайд қилинган мувофиқлаштириш усуллари нафақат иқтисодий, балки сиёсий масалаларни ҳал қилиш учун ҳам қўлланилади. Биз мазкур бобда фақатгина иқтисодий

масалаларни мувофиқлаштиришнинг бозор ва режалаштириш механизмларига тўхталамиз.

Хуш, мувофиқлаштиришнинг бозор механизми деганда нимани тушуниш керак?

Умуман бозор ишлаб чиқариш, истеъмол, сотиш, харид, баҳо, инвестиция, жамғариш, қисқаси, хужалик юритувчи барча субъектлар масалаларини мувофиқлаштириш вазифасини уз зиммасига олиши мумкин. Аммо бундай вазифани бажариш осонликча кечмайди. Шундай бўлса ҳам мавжуд орттирилган тажрибалар ва тарихий изланишлар шундан гувоҳлик берадики, деярли барча жамиятларда бозор мувофиқлаштириш масалаларини маълум даражагача бажарган ва жараёни узгартирган.

Маълумки, бозорда ўз товарларини таклиф қилувчилар ва ушбу товарларга талаб қўувчилар иштирок этади. Бозор иштирокчиларининг ҳаракатидан, яъни таклиф қилинган товарлар ва уз истеъмолчисини топган товарлар миқдоридан ҳамда сотувчилар ва харидорлар томонидан қўйилган баҳолар асосида бозор баҳоси шаклланади. У ўзида бозор иштирокчилари таъсирида шаклланган товарларнинг мақбул баҳосини ифодалайди. Бозор баҳоси сотувчи ва харидорлар ҳаракатига тесқари таъсир қилиши ҳам мумкин („кейинги доираларда“) ва бундай тесқари таъсир, бозор баҳосини „сигнал“ ва „бошқарув“ фаолиятларига ажратади.

Давлатнинг иштирокисиз бозорда вужудга келган баҳо уз жиҳати билан „тенгликни“ ўзида ифодалайди, яъни у шу ҳақда гувоҳлик берадики, бундай баҳода сотилган товарлар миқдори талаблар билан таъминланган товарлар миқдорига тенг. Бундай нархларнинг тенглиги узок вақт барқарор була олмайди, яъни у тез-тез узгариб туриши мумкин. Масалан, акция бозорида ҳар куни янги баҳолар „тенглиги“ кузатилади.

Хужалик юритувчи субъектларнинг ечимларини мувофиқлаштириш нафақат бозор механизми ёрдамида амалга оширилиши, балки марказлашган (давлат) бошқарув бўғинлари воситасида ҳам бажарилиши мумкин.

Марказлашган бошқарув бўғинлари хужалик юритувчи субъектларнинг муаммоларини мувофиқлаштириш учун барча имкониятга эга бўлишлари керак ёки уларга таъсир кўрсата олишлари керак. Бундай мувофиқлаштиришни амалга ошириш учун ҳокимият керак. Бундай ҳокимият хужалик субъектлари томонидан амалга ошириладиган, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа субъектлари билан товарларни айирбошлай оладиган ишлаб чиқариш сингари кенг ёйилиши керак.

Аммо хужалик субъектлари томонидан шартномаларнинг эркин тузилиши марказлашган бўғинлар ҳокимиятининг пайдо бўлишига ҳалақит беради. Марказлашган режали иқтисодиётда шартномалар тузиш эркинлиги анча чегараланган бўлади.

Тарихда доим иқтисодиётни марказдан бошқариш мавжуд булиб келган. Бунга кичкина мисол сифатида монастирнинг хужалик юритишини, катта мисол сифатида эса инқлар давлатини олиш мумкин. Шундай булса ҳам тарихий аҳамиятга эга булган тизим сифатида марказлашган режали иқтисодиёт дастлаб 1930 йилда собиқ СССРда юритила бошлаган. Бу режали иқтисодиёт ҳам 100 фоиз амал қилмаган, кўпинча узида бозор иқтисодиёти унсурларини мужассам қилган. Масалан, аниқ мулк шаклларининг ёки шартномалар тузишнинг мавжудлиги (яъни, марказдан режалаштирилмаганлиги) бунга мисол бўла олади.

Режали иқтисодиётга бозор иқтисодиёти унсурларини киритиш, аввало прагматик сабабларга эга булган. Айтайлик, бошқаришнинг мутлақ режали-иқтисодий механизми — у ишлаб чиқаришнинг юқори харажатларига ва тизим самарадорлигининг пасайиши билан боғлиқ булган булар эди. Бунга эса сиёсий томондан йул қуйилмаган буларди.

[81 — 82] Бозор ва режали бошқарув механизмларининг аралашувидан ташкил топган иқтисодий тизимни „**аралаш иқтисодий тизим**“ деб юритилади (инглизча mixed economy). Бошқарувнинг бу механизмлари билан бир қаторда амалиётда сайловлар (овоз бериш) ва келишувлар каби механизмлар ҳам мавжуд.

Фаолият курсатаётган бозор иқтисодиётини куриб чиқар эканмиз, албатта, уз „аралашма“си бўйича ҳақиқатан „марказлашган режали иқтисодиёт“нинг унсурларини узида мужассам қилиши, аниқроғи, „давлатнинг иқтисодий сиёсати“ ҳақида баҳс олиб бориш мумкин. Бу ерда давлатнинг фаол иқтисодий ҳаракатлари икки йўналишда кузатилади, яъни, қуйидаги иккита сабаб билан тушунтирилади.

Биринчидан, бозор „жамоа товарлари“ деб номланган товарларни етарли миқдорда тақдим қилмайди. Унга ички ва ташқи хавфсизлик, пул бирлигининг барқарорлиги ва шу кабилар мисол бўла олади. Бундай товарлар шу билан ифолапаяналики:

а) ҳар бир киши ушбу товарлардан узининг бошқа товарларга булган истеъмолини чегаралаган ҳолда фойдаланиши мумкин („истеъмолда рақобатнинг йўқлиги“);

б) шу билан бирга бошқаларни инкор қилмаган ҳолда („инкор иш бермайди“) улардан (ёки жуда қиммат) фақат тўловга қобил кишиларнигина фойдаланишига йул қуйилмаслиги лозим.

Биринчи банддан шу ҳақда хулоса чиқариладики, бундай товарларни бепул фойдаланишга қуйиш мақсадга мувофиқ булар эди.

Иккинчи банддан шу ҳақда хулоса чиқариладики, хусусий корхоналар бундай „таклиф“ни уз зиммаларига ола олмайдилар.

Шундай қилиб, давлатнинг вазифаси бу товарларни олиб

келишдан, яъни мос ҳолдаги тадбирлар йўли билан иқтисодий сиёсатни утказишдан иборат бўлади.

Давлатнинг иқтисодий сиёсатдаги **иккинчи** йуналиши шундан иборатки, „бозор натижалари“, яъни, „эркин бозор“да шаклланган баҳо ва миқдор курсаткичлари сиёсий томондан тан олинмайди. Аввало, давлат иш билан таъминланганликка (меҳнат бозори сиёсати), даромад ва мол-мулкларни тақсимлашга (оқилона тақсимлаш, социал ҳимояланганлик сиёсати) таъсир курсатишга ҳаракат қилади. Деярли ҳамма давлатлар иқтисодий ўсишни кучайтиришга (конъюнктура сиёсати) ва уни тезлатишга (иқтисодий ўсиш сиёсати) ҳаракат қилади.

5.2. Режали иқтисодиёт ва бозор иқтисодиётининг ижобий ва салбий томонлари

[83] Турлича иқтисодий тизимларнинг иқтисодий ва ижтимоий ютуқларини қуйидаги иқтисодий мақсадлар асосида қиёслаймиз: иқтисодий ўсиш, баҳонинг барқарор даражаси (яъни, инфляциянинг мавжуд эмаслиги), иш билан тула таъминланганлик, даромад ва мол-мулкни оқилона тақсимлаш.

Бу мақсадга яна иккита нарсани қушамиз: атроф муҳитнинг ифлосланиш даражаси ва шахсий эркинлик. Бундан ташқари тулов балансларининг тенглигига эришиш ҳам иқтисодий мақсадларга киради, лекин, Сизнинг диққатингизни бунга жалб қилмаймиз, яъни бу мақсад иқтисодий тизимга нисбатан мустақилдир. Қуйида келтирилган аҳвол изланишларнинг эмпирик усулида ишлаб чиқилган, кўп сонли илмий-иқтисодий изланишларнинг асосий тенденцияларини намоён қилади.

Иқтисодий тизимларнинг фарқли томонлари шундаки, улар иқтисодий ўсиш жиҳатдан жуда катта ва вақти-вақти билан ўзгариб туради. Аввало, бу фарқлар, иқтисодий тизимлардан қатъи назар, турмуш даражаси юқори (қисман юқори иқтисодий ўсиш) ва жуда паст бўлган мамлакатлар ўртасида (кўпгина иқтисодий ўсишнинг паст даражаси) намоён бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг жуда юқори даражаси совет иқтисодиётида II Жаҳон урушидан кейин дастлабки икки ўн йиллик давомида қузатилган. Бу даврда бозор иқтисодиётининг кўплаб мамлакатларида ҳам юқори иқтисодий ўсишга эришилди (масалан, Ғарбий Германия). Шундай савол туғилиши ўринли: иқтисодий ўсиш қаерда қузатилади? Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар имтиёзлари режали иқтисодиётдагига нисбатан тезроқ ва аниқроқ намоён бўлади. Ҳатто статистик тенг ўсиш ҳолатида ҳам, айтиш мумкинки, истеъмолчилар томонидан баҳоланган қушимча маҳсулотлар таннархи режали иқтисодиёт шароитидагига нисбатан бозор иқтисодиёти шароитида юқори даражада бўлади.

II Жаҳон урушидан сўнг бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда инфляцион жараёнларни тизгинлаш ва ундан қутулиш имкони бўлмади. 20 — 30- йилларда баъзи мамлакатларда (масалан, Германияда) гиперинфляция даражаси ҳаттоки ойига 100% дан 1000% гача етди. Бошқа томондан, XIX асрнинг характерли томонлари шундаки, бу даврда купгина мамлакатларда баҳонинг барқарор даражаси кузатилди.

[84 — 85] Режали бошқарув амал қилаётган мамлакатларда ҳам, масалан, собиқ Иттифоқда 20- йиллар ва Иккинчи Жаҳон уруши мобайнида **гиперинфляция** авж олган эди. Шундай бўлса ҳам инфляциянинг статистик қайд қилинган даражаси жуда паст булган. Маҳсулотлар сифатининг ёмонлашувида намоён булган **яширин инфляция** мавжуд эди (эски нарх бўйича бирмунча паст сифатли товар) ёки товарларни янгича номлашда (янги номлар, эски сифат, бирмунча юқори баҳо). Яширин инфляциядан режали иқтисодиёт учун характерли бўлган ва харидорларнинг узундан-узун навбати кўринишида (яъни талабнинг ошишида) намоён буладиган инфляцияни фарқлаш керак.

Бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда иш билан бандлик муаммоси II Жаҳон урушидан кейин, фақатгина ишлаб чиқариш жараёнининг маълум бир фазасида эришилди (кўтарилиш, „бум“). Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида купгина Европа мамлакатларида „структуравий“ деб ном олган ишсизлик катта урин тутди. Ҳозиргача унинг даражаси 10%га етди ва унинг кейинги ўсиш тенденциялари кузатилаётганда. Режали иқтисодиётнинг Шарқий Европа мамлакатларида собиқ СССР билан бирга, бозор иқтисодиётида мавжуд буладиган шаклдаги очиқ ишсизлик намоён бўлмади. Шундай бўлса ҳам, корхоналарда маълум даражада **яширин ишсизлик** ўрин тутди. Асосан собиқ СССРнинг аграр соҳаларида, масалан, Ўзбекистонда ҳам ишсизликнинг маълум даражаси муҳим ўрин эгаллади.

[86] Статистик маълумотлар нўқтан назаридан қараганда, бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар ва мол-мулкни тақсимлаш режали иқтисодиётга қараганда тенг бўлмайди. Ҳаттоки, бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатлар уртасида ҳам тақсимлашнинг тенгсизлик даражаси мавжуд булади. Масалан, инглиззабон мамлакатларда тақсимлашдаги тенгсизлик қитъалардагига нисбатан юқори бўлади. Режали иқтисодиёт шароитида ҳам тақсимлаш тенгсизлиги булган бўлса ҳам, бозор иқтисодиёти тизимидаги мамлакатларга нисбатан паст булган, аммо хусусий мулкчилик ва даромадларни кўриб чиқишга асосланган ҳақиқий **моддий тенгсизлик** эса юқори булган. Жуда бадавлат одамлар қатлами (капиталистик синфлар) бўлмаса ҳам, лекин, ҳақиқий раҳбарларнинг сиёсий ва иқтисодий қатлами уз ихтиёрларида

бирмунча кўп моддий бойликларга эга бўлиб, уларнинг шахсий даромадларига мос келмаган. Бошқа ҳақиқатни ҳам таъкидлаш керакки, маълум товарларни харид қилиш (ёки, чет элга чиқиш) даромадларга боғлиқ булмасдан, аксинча кўпчилик ҳолларда сиёсий аҳамиятга ва имтиёзларга боғлиқ булган.

Хўш, даромадларни ва мол-мулкларни тақсимлашдаги тенглик қандай даражада бўлиши керак? Жуда катта тенгсизлик барқарорлик учун катта хавф келтириб чиқаради ва ҳамма вақт салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Жуда ҳам „кучли тенглик“ эса меҳнат рағбатларини ва тизим самарадорлигини пасайтириши мумкин.

Мамлакатнинг оқилона ижтимоий-сиёсий мақсади — бу жуда ҳам аниқ тенгсизликдан ёки ута „кучли тенглик“дан қочишдир. Айниқса, сиёсий жараёнларни ойдинлаштириш қийин булган ҳолларда бу мақсад янада муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти режали иқтисодиётга қараганда экологик талабларга (масалаларга) тезроқ мослашишга эришади. Аммо бу ўзидан маълум ҳодиса бўлиб ҳисобланмайди, модомики, соғлом атроф муҳитнинг қиймати на бозор иқтисодиёти, на режали иқтисодиётнинг муҳим иқтисодий курсаткичлар ҳисобига кирмаган.

Бу жиҳатдан бозор иқтисодиётининг режали иқтисодиётдан ҳеч қандай афзаллиги йўқ. Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиёти тизимида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишининг режали иқтисодиётга нисбатан анча илгарилаб кетишига бир томондан, бозор иқтисодиёти шароитида бой мамлакатларнинг экологияга катта маблағ ажрата олганлиги сабаб булган булса, бошқа томондан, сиёсий жараёнларда сайловчиларнинг ҳукуматдан экологик тоза атроф муҳитнинг таъминланишини талаб қилишлари сабаб бўлди.

Бозор иқтисодиёти тизимида мустақил иқтисодий савдо-сотиқни рўйга чиқариш имкониятлари режали иқтисодиётга нисбатан юқори. Бу фарқлар ҳар иккала иқтисодий тизим мазмуни учун мос келади. Бинобарин, **иқтисодий эркинлик** умумий эркинликнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Бирмунча юқори иқтисодий эркинликда эса қолганлари ўзгаришсиз қолган тақдирда ҳам (*ceteris paribus*) — умумий шахсий эркинлик усади.

Таққослашнинг ҳамма мезонларига илмий асосда умумий баҳо бериш мумкин эмас. Лекин, иккала тизимнинг моддий товарлар ва ҳуқуқлар эркинлигига тегишли жиҳатларини таққослашда бундай баҳолар керак бўлади. Умумий келишувга асосланиб бундай таққослашнинг хулосасини қуйидагича расмийлаштириш мумкин бўлади. Ғарбий Европанинг мавжуд ривожланган индустриал мамлакатлари, шахсларнинг шахсий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркинлигини таъминлаган. Бу мамлакатлар юқори моддий турмуш даражасини ўзида мужассамлаштиради. Мавжуд режали иқтисодиёт

давлатлари ўз фуқароларига ушбу йуналишлардаги турмуш даражаларини бозор иқтисодиёти давлатларига nisбатан паст даражада таъминлашлари мумкин. Аммо, ўз фуқароларини ҳимоя қилиш, уларнинг ишончини қозонишда режали иқтисодиёт кўпроқ мойилликка эга бўлади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда эса ишсизлик ва мулкий йўқотишлар ҳукм суради ва уни шу мамлакатнинг фуқаролари ўз бошидан кечиради.

[87] Хуш, бозор иқтисодиёти тизимининг афзалликлари нималардан иборат?

Ўқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиёти режали иқтисодиётга nisбатан куп афзалликларга эга. Бунни қуйидагиларда кўришимиз мумкин. Хусусий мулкчилик давлат мулкнини ишлатишдан фарқ қилиб, юқори қизиқувчанликни юзага келтиради. У ўз мулкнини купайтиришга ҳаракат қилади ва уларни йўқотишдан қўрқади, товарларни мақбул равишда ишлатади (хусусийликнинг аллокатив функцияси). Энг муҳими, мақбул ҳаракатлар хусусий мулк эгаси ташаббусларидан келиб чиқади. Қонунчилик мулкни купайтириш, ўғирлик ёки учинчи шахснинг зиёни ҳисобига бўлмаслиги ҳақида ғамхўрлик қилади.

Шартнома тузиш эркинлик ҳуқуқини тартибга солиш булимга тегишлидир. Шартнома тузиш эркинлиги шартномадан четлашиш эркинлигини ҳам узида мужассамлаштиради, яъни имконият борича шерикларнинг ҳеч қайсисини шартнома тузишга мажбур қилмаслик керак. Тузилган шартномалар эса бажарилиши керак (Римнинг хусусий ва давлат ҳуқуқининг эски қондаси: *pacta sunt servanda*). Қонунчиликка юқори бўғинлар томонидан шартномалар бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи берилиши керак. Шартномалар шартига риоя қилиш шуни билдирадики, иккала томон ҳам эркин шартномалар тузиш жавобгарлигини уз зиммаларига оладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида товарлар билан савдо қилувчилар ва истеъмолчилар ўртасида рақобат кураши ҳукмронлик қилади. Бундай ҳол иқтисодий ҳаракат қилувчи шахс учун хусусий-иқтисодий ҳуқуқини янада кучайтиради. Рақобат — бу курашнинг дастлабки шарт-шароитлари бўлиб, бозорларнинг очилишини, янги сотувчилар ва янги харидорлар учун эркин кириш имкониятини яратади. Монополиянинг мавжуд бўлиши ҳужалик субъектларининг ҳаракатларидаги афзаллик ва самарадорликни чегаралайди. Динамик нуқтаи назардан қараганда, рақобат кураши очиқ усул бўлиб ҳисобланади (*хайек*), яъни у эркин талабни топишга ёрдам беради, шунингдек реал тақчилликларни камайтиришга ва мақсадларга мувофиқ янги технологияларни кенг қўллашга ёрдам беради.

Бозор фақатгина хусусий мулкчилик ҳамда шартнома тузиш эркинлиги ва рақобат кураши мавжуд бўлгандагина ўзининг вазифа-

сини ривожлантириши мумкин. Бозорда шаклланган нархлар иқтисодий тақчиллик хабардори булиб хизмат қилади (бозорнинг огоҳлантирувчи вазифаси) ва чекланган ресурслар (меҳнат, капитал, ер, яримфабрикатлар)дан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ йўналишларини белгилаб беради (бозорнинг йўналтирувчи ва бошқарувчи вазифаси). Марказлашган режали иқтисодиёт билан иқтисодиётнинг бозор тизими таққосланганда ҳар иккала тизим ҳам бошқарув тизими сифатида намоён булса-да, режали иқтисодиётнинг узига хос заиф томонлари мавжуд.

[88] Марказлашган режали иқтисодиёт учун энг аввало қуйидаги муаммолар характерлидир:

Биринчидан, режали иқтисодиёт шароитида корхоналарни уз имкониятларини намоён қилишга мажбур қилиш қийин. Мана шунинг учун ҳам корхоналар фақат маълум даражада „**енгил режа**“ни бажаришлари мумкин.

Иккинчидан, корхоналарда техник жараёнларга иккиёқлама қараш кузатилади. Бир томондан, янги техникани киритиш режани бажаришни енгиллаштиради, бошқа томондан бундай енгилликлар кейинги йиллар режасида кузда тутилган талабларни оширади. Тажриба шунини курсатадики, марказлашган бошқарув шароитида корхоналарда техника ютуқларини жорий қилиш бозор иқтисодиёти шароитига нисбатан катта қийинчиликларга дуч келади. Масалан, марказлашган режали иқтисодиётда техника ютуқларни таништириш билан боғлиқ булган (инглизча — *innovation*) муаммолар нисбатан кам, шу сабабли техниканинг фақат баъзи соҳаларида катта ютуқларга эришилган (инг. *invention*).

Учинчидан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жуда оз миқдорда истеъмолчилар талабига мос келади. Бу эса бозор нархи орқали бошқаришга умуман мос келмайди.

[89] Савол туғилади: Бозор иқтисодиётининг ҳам заиф томонлари борми?

Бозор иқтисодиётининг юқорида эслатиб утилган унсурлари муҳим урин тутса ҳам, хусусий мулкчилик, тузилган шартномаларнинг эркинлиги, рақобат кураши кабилар бозор иқтисодиётининг типик муаммоларидан ҳисобланади. Бу муаммолар **биринчи навбатда**, картеллар, йирик корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмалари сонининг кўпайишига олиб келади ва эркин рақобат курашининг қийинлашувини келтириб чиқаради. Шунинг учун давлат муассасалари уртасидаги рақобатни чегаралаш олдини олиш мақсадида рақобат курашларини қўллаб-қувватлашга ва рағбатлантиришга мажбур булади. Уз навбатида рақобат курашининг чегараланганлиги шарт-

номалар тузиш эркинлигига салбий таъсирини курсатади. **Эрозион мойилликка**, шунингдек, хусусий мулкчилик ва у билан боғлиқ булган мулкка эга булиш мумкинлиги айтиб утилади. Бу айниқса юқори давлат квоталарида намоён бўлади (давлатнинг барча даромадлари, иқтисодий даромадлар билан бирга соҳилар суғуртани ҳам ҳисоблаганда). Бу квота баъзи Ғарб мамлакатларида 50% га етган ва ундан юқори. Мазкур квоталар иқтисодиётнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда батафсил курилади.

Иккинчидан, бозор иқтисодиёти ҳеч қачон бир вақтнинг узида барча бозорлар мувозанатига кафолат бермайди. Бу ҳолат меҳнат бозори муносабатларида айниқса муҳим урин тутади. Ундаги тенгликнинг йуқлиги ишсизликни билдиради. Деярли барча бозорларда ҳаракатланувчи нарх механизми уз-узидан автоматик мосламалар сифатида чиқади, яъни таклиф қилинган маҳсулотларнинг куплиги баҳони пасайтиради, талаб ошади, таклиф қилинган маҳсулотлар миқдори камаяди, шу тарзда бозор мувозанати вужудга келади. Баъзи пайтларда бу мувозанат жуда заиф ва сустр курунишда бўлади. Яна шуни айтиш керакки, ҳар доим ҳам иқтисодий-сиёсий мақсадларга эришиб булмайди, масалан, барқарор нархлар асосида юқори турмуш даражасига эришган билан тула иш билан таъминланмаслик мумкин.

Учинчидан, бозор жараёнлари оқибатида шаклланадиган фойда ва мулкнинг шахслараро тақсимлаш тенгсизлиги сиёсий нуқтаи назардан яққолроқ куринади. Тақсимлашдаги ўринсиз тузатишлар бозор иқтисодиёти ҳаракатини ва унинг самарадорлигини пасайтиради, шунингдек ишлаб чиқаришга булган қизиқишларни заифлаштиради. Самарадорликнинг бундай пасайиши тенг тақсимлашда ҳам, тенглик усулларини танлашда ҳам намоён булиши мумкин. Бундай ҳолларда самарадорлик ва тенглик (биноқ, нафақат бозор иқтисодиётида) уртасида кескин муносабатлар юзага келади (инглизча trade off).

5.3. Ижтимоий бозор иқтисодиётининг моҳияти

[90] **Ижтимоий бозор** иқтисодиётини II Жаҳон урушидан кейинги Германия (дастлаб, фақат Ғарбий Германия)нинг иқтисодий тизими сифатида куриш мумкин. Бу тушунчалар Людвиг Эрхард (Ғарбий Германиянинг иқтисодиёт буйича вазири, кейинчалик ГФР федерал канслери лавозимини эгаллаган) шунингдек, антифашист иқтисолчи олимларнинг бутун доираси, яъни либерал, социал ва демократик йуналишларни тавсия этган (булар ичида Мюллер — Армац, Ойкен ва Репке каби исмларни айтиб утиш жоиз) кишилар номлари билан боғлиқдир.

Ижтимоий бозор иқтисодиёти ва бозор иқтисодиёти маъносини қуйидаги тавсияномаларда келтириш мумкин. Хужалик субъектла-

рининг тамойиллари асосида қабул қилинган қарорлар ва ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи восита булиб эркин нарх майдонга чиқади.

Миллий ва халқаро рақобат кураши ижтимоий бозорнинг ажралмас шарт, интенсив рақобат курашини қўллаб-қувватлаш эса давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим масаласи булиб ҳисобланади. Қачонки, хусусий сектор узининг олдига қўйган масалаларни ҳал қила олмаса, давлат бу масалаларни уз зиммасига олади.

Ижтимоий суғурта тизими (касал булган ҳолларда, нафақа суғуртаси, бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш, ишсизликни, шунингдек яқинда Германияда жорий қилинган қариликка ғамхурлик суғуртаси) ҳақиқий суғуртани намоён қилади ва фақат оз миқдорда таъминот тури сифатида намоён булади, яъни солиқ маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Иқтисодиётнинг **таркибий ислоҳотлари** муқаррар равишда амалга оширилади, шу сабабли унинг йўлида ҳеч қандай тўсиқ юзага келмайди.

Ижтимоий бозор иқтисодиётининг социал томонлари энг аввал кўйидагиларда намоён булади.

Олинган фойдани давлатнинг аралашувисиз тақсимлаш чоғида энг аввало, прогрессив даромад солиқларига, меросга ва мулкка солинадиган солиқларга тузатишлар киритилади. Кам таъминланганлар (яъни куп болали оилалар, ёлғиз оналар, кам таъминланган ижарачилар, истеъмоличилар ва бошқаларга) давлат томонидан нафақалар ажратилади. Ишлаб чиқариш воситалари ва ерга булган хусусий мулкчилик чекланади. Бундай ёндашув учинчи шахс кишиларининг, яъни аввало мулкка эга булмаган ва аҳолининг кам таъминланган қатламларининг фикрларини юмшатишга олиб келади.

Ижтимоий суғурта мажбуран ҳисобланади. Бу суғурта туловларининг ярми ишга кирувчилар, ярми эса ишга қабул қилувчилар томонидан туланади, гарчи ушбу суғуртадан ишга қабул қилувчилар эмас, балки фақат ишга кирувчилар фойдаланса ҳам. Давлатнинг иқтисодиётдаги роли жуда ҳам катта булади. Айрим соҳаларда унинг ҳиссаси 50%га етади ёки ундан кўпроқ булади.

[91] Ишга қабул қилувчилар ва ишга кирувчилар уртасидаги муносабат, умуман шерикчилик сифатида куриб чиқилади ва „**социал шерикчилик**“ сифатида намоён булади. Масалан, бу юқорида айтиб утилган ижтимоий суғурталаш жараёнида ишга кирувчилар ва ишга қабул қилувчилар уртасида намоён булади, яъни юридик нуқтаи назардан қараганда гап давлат суғуртаси ҳақида бормаяпти.

Касаба уюшмалари барча ишга кирувчилар вакиллари томонидан ва касаба уюшмалари аъзоси булмаган бошқа шахслар томонидан тан олинади. Ижтимоий муносабатларда таркибий ислоҳотларнинг рўй бериш мураккабликлари, яъни корхоналарнинг ёпилиши, ишчи уринларининг қисқариши кабилар давлат ёрдами ҳисобидан юмшатилади.

Пул бирлигининг барқарорлиги, яъни инфляциянинг мавжуд эмаслиги ва шу мақсадга йўналтирилган давлатнинг иқтисодий сиёсати ижтимоий бозор иқтисодиётининг конструктив белгилари каби бир қатор белгилар билан характерланади. Бу энг аввало ижтимоий томонларга тегишли. Масалан, инфляция асосан аҳолининг камбағал қатламларида кўпроқ сезилади. Бошқа томондан олганда, барқарор валюта ҳар бир иқтисодий ва жамоа тузилмаларининг муҳим мақсади булиши керак. Айниқса, инфляция ёки гиперинфляция ҳар бир тузилмани барбод қилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти каби ижтимоий бозор иқтисодиётининг ижтимоий тавсияномалари ҳам бозор иқтисодиётининг барча мавжуд тизимларида ўхшамаслик томонларига нисбатан ўхшаш томонларини кўпроқ қамраб олади. Шунинг учун „ижтимоий бозор иқтисодиёти“ деган тушунча билан бозор иқтисодиётининг куплаб мавжуд тизимларини ҳам билдириш мумкин. Аммо, улар ўртасида катта фарқлар ҳам кузатилади. Масалан, Ғарбий Европа ва АҚШ ўртасида, хусусан АҚШда кам аҳамиятга эга бўлган касаба уюшмаларда, фирма ёки корхоналар бошқарувида меҳнаткашлар иштирокидаги қонуний бошқариш шакли мавжуд бўлмаган.

Тажрибалар курсатганидек, реал мавжуд бозор иқтисодиётининг ижтимоий унсурлари жамоат ташкилотларининг яшашига мос келади. Баъзан улар ҳам самарадорликни камайтириши мумкин. Ижтимоий бозор иқтисодиётининг кейинги ривожланиш жараёнида давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати ҳар доим жамоат туловлари ва зиддиятларини ҳал қилиш мақсадида бир томондан, ўзаро келишувларни, муросаларни топишга ҳаракат қилиши ва иккинчи томондан эсаб иқтисодий самарадорликни ошириши лозимдир.

[92] Иқтисодий тизим умумий шароитларни (ёки тузилмаларни) яъни, ҳўжалик субъектларининг ўз ечимларини қабул қиладиган доирадаги шароитларни яратади. Агар давлат муассасалари бу умумий шароитларни ўзгартирадиган бўлса, у ҳолда улар „**иқтисодиётни тартиблаш**“ сиёсати билан шуғулланган бўладилар, яъни давлат тузилмалари сиёсатни олиб борган бўлади. Агарда давлат муассасалари умумий шароитларни ўзгартирмаса, у ҳолда улар „**жараёнли сиёсат**“ деб номланган сиёсат билан шуғулланган бўладилар, яъни улар иқтисодий жараённинг ўзига таъсир қиладилар. Бунга Марказий банкнинг фоиз ставкаларини ёки божхона тарифларини ўзгартириши кабилар мисол бўла олади.

Иқтисодий фанларда нима биринчи ўринда туриши кераклиги ҳақида узоқ вақт баҳс бўлган: тузилмалими ёки жараёнли сиёсатми? Бунда қуйидаги натижаларга эришишга муяссар бўлинди.

Биринчидан, жараёнли сиёсат ёрдамида турли пайтларда зарур иқтисодий-сиёсий мақсадларнинг мақбул даражаларига эришиш

мумкинлиги ҳақидаги умидлар рўёбга чиқди (масалан, ишсизлик ва инфляциянинг паст даражаси). Бундай аниқ тузилишларнинг иқтисодий, шунингдек, конъюнктур жараёнлари ўта мураккаб ҳисобланади. Бу исталган ҳаракатларнинг қийинлашуви (ингл. lags) ва сусайиши (ингл. slags), яъни жараёнли — сиёсий инструментларни қўллаш зарурияти билан тушунтирилади.

Иккинчидан, жараёнли сиёсат умумий берилган шароитлар доирасида ўтказилмай, балки уларни ўзгартириш ҳам мумкин. Биз ҳокимиятнинг жараёнли-сиёсий масалаларининг бирига тухталамиз. Масалан, давлат бюджетининг дефицити (даромадлар харажатларга нисбатан паст, демак, қарз олинади) конъюнктуранинг ривожланишига мос келиши керак, шундагина иқтисодий усиш кучаяди ва ишсизлик даражаси пасайган бўлади. Агарда бундай ташкилий масалалар кўп марта қайтарилса, узоқ давом этувчи бўлади ва бу жараённи бирмунча кенгроқ қамраб олади (бу кўпгина Фарб бозор иқтисодиёти тизимларида бўлган). Бу ҳолда давлат ҳиссаси автоматик равишда кутарилади, шунинг билан бирга давлатнинг иқтисодиётдаги роли ҳам ошади. Бунинг ҳисобига хусусий мулкчиликнинг роли чегараланади ва тузилган шартномаларнинг эркинлиги йўқолади. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий тузилмаларнинг узгаришига олиб келади.

[93] Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиётида мавжуд иқтисодий қурилманинг мукамал тенденцияларини таъминлаш учун вақти-вақти билан асос солувчи ислоҳотлар ўтказиш керак бўлади. Иқтисодиётнинг таркибини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар 70- йилларда Америкада Президент Рейган бошқаруви вақтида ўтказилган. 80- ва 90- йилларда бундай ислоҳотлар Фарбий Европанинг кўпгина континентал мамлакатларида ўтказилган. Бу ислоҳотлар „**дерегуляция**“ термини билан, яъни бозорни давлат томонидан бошқарилишини бозор иқтисодиётига қайтаришга боғланганлиги билан белгиланади.

Собиқ Иттифоқ давлатларининг бозор иқтисодиётига ўтиши ҳам **тузилмали-сиёсий** ислоҳотларга асосланади. „**Гангитувчи**“ **ислоҳотлар**, шунингдек, бозорга секинлик билан ўтиш ҳақида гап бораётганидан қатъи назар, бир нарсани тушуниш керак: тузилмали сиёсат (тартибланган иқтисодий сиёсат) иқтисодий сиёсатнинг юқорида кўрсатилган сабаблари билан бирга доимий масалаларни ҳам ўз олдига қўяди.

Немис илмий-иқтисодий тартиблаш ва тузилмали сиёсат назарияси мактаби (Ойкен, Репке) ўз диққатини „**тартибланган фикрлаш**“га қаратади. Бошқача айтганда, режалаштиришда ва ҳар хил иқтисодий-сиёсий тадбирлар ўтказишда (тузилмали ёки жараёнли сиёсат) умум қабул қилинган шартларни ҳисобга олиш керак бўлади.

Иқтисодий сиёсат „тартибланган фикрлаш“ни характерласа, мавжуд иқтисодий тузилмаларнинг узгариш хавфи кузатилади, билмасдан ва куринмасдан узи, кўпинча паст самарадорликка йуналади.

Таянч иборалар	
* иқтисодий тизим	* яширин ишсизлик
* рақобат кураши	* моддий тенгсизлик
* марказлашган бошқарув	* кучли тенглик
* марказлашган режалаштириш	* „енгил режа“
* марказлашган бошқарув	* эрозион мойиллик
* аралаш иқтисодий тизим	* ижтимоий бозор
* инфляция	* ижтимоий сугурта
* яширин инфляция	* социал шерикчилик
* гиперинфляция	* иқтисодиётни тартиблаш
* жараёнли сиёсат	* дерегуляция
* тузилмали сиёсат	* тартибланган фикрлаш

Ўзини узи текшириш учун саволлар

[80] *Иқтисодиётни тартиблаш зарурияти ва марказлашган бошқарувнинг узига хос хусусиятлари нимада?*

[81] *Аралаш иқтисодий тизим ҳақида нималар дея оласиз?*

[82] *Аралаш иқтисодий тизим шароитида давлатнинг фаол иқтисодий ҳаракатлари қайси йўналишларда намоён бўлади?*

[83] *Иқтисодий тизимлар қайси курсаткичлар асосида киёсланади?*

[84] *Инфляция, яширин инфляция ва гиперинфляция тушунчалари бир-бирдан нима билан фарқланади?*

[85] *Яширин ишсизлик қайси ҳолларда намоён бўлади?*

[86] *Моддий тенгсизлик ва кучли тенглик деганда нимани тушунасиз?*

[87] *Бозор иқтисодиёти тизимининг афзалликлари нималардан иборат?*

[88] *Марказлашган режали иқтисодиёт учун қандай муаммолар характерли?*

[89] *Бозор иқтисодиётининг заиф томонлари ҳам борми?*

[90] *Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ижтимоий томонлари нималарда намоён бўлади?*

[91] *„Социал шерикчилик“ тушунчаси нимани англатади?*

[92] *Иқтисодиётни тартиблашда „жараёнли сиёсат“ қандай роль ўйнайди?*

[93] *Дерегуляция ва тузилмали сиёсатнинг моҳияти нимада?*

6- боб. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА УТИШДАГИ МУАММОЛАРИ

Режа:

6.1. Умумий иқтисодий тушунчалар ва республика иқтисодиётига ретроспектив нигоҳ [94 — 97]

6.2. Бозор иқтисодиётига утишда республика олдида турган асосий муаммолар [98 — 107]

6.1. Умумий иқтисодий тушунчалар ва республика иқтисодиётига ретроспектив нигоҳ

[94] Ҳар қандай жамиятда иқтисодиёт муҳим роль уйнайди. Иқтисодиёт уз аҳамиятига кура турли хил таснифга эга. Бу унинг турли хил таърифларида уз аксини топади.

Баъзилар „иқтисодиёт“ тушунчасига „уй хужалигини юритиш санъати“, „одамларнинг хужалик фаолиятини бошқариш“ каби маъноларни беришса, бошқа бировлар эса „ишлаб чиқариш кучлари мажмуаси“ деб тушунтиришади. Учинчи бировлар „инсон ва жамият эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқариладиган моддий неъмат ва хизматларнинг йиғиндиси“, „чекланган ресурслар билан истеъмол қийматларини ишлаб чиқариш“, „чекланган ресурслар шароитида самарали хужалик юритиш“, туртинчи бировлар эса „инсонлар хужалик фаолиятини юритишда ресурслардан фойдаланиш жараёни“ бешинчилар — „инсониятнинг ишлаб чиқариш жараёнида келиб чиқадиган алоқалар тизими, жамиятнинг иқтисодий базиси“, олтинчи бировлар эса „такрор ишлаб чиқариш“, „ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш алоқалари“ каби тушунчаларни билдиришади.

Қайд этилган ҳар бир тушунча уз моҳиятига эга, бу эса иқтисодиёт тушунчасини изоҳлашни янада мураккаблаштиради. Ҳар бир келтирилган тушунчаларни рад этмасдан, уларнинг орасидан иқтисодиётнинг асосий мазмунини ва хусусиятларини акс эттирадиган томонларини ажратиб олишга ҳарақат қиламиз.

Шубҳасиз, иқтисодиётнинг асосий мақсади инсонларнинг моддий неъматларга ва хизматларга бўлган шахсий ва жамоа эҳтиёжларини таъминлашдан иборат. Ушбу эҳтиёжлар инсонларнинг усиши ва жамиятнинг ривожланиб бориш жараёнига кура усиш тенденциясига эгадир. Ушбу усиб борадиган эҳтиёжларни қондириш учун жамият

кенг такрор ишлаб чиқаришни ривожлантиришда янада кўпроқ ресурсларни жалб қилиши керак. Бизга маълумки, табиатда барча ресурслар чекланган. Шунинг учун ҳам жамият олдида ҳар доим қандай қилиб кам ресурс сарф қилган ҳолда, яхши сифатли ва атроф муҳитга кам зарар етказадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш муаммоси туради.

Иқтисодий фаолият инсонларнинг хўжалик субъектлари билан ўзаро алоқалари ёрдамида амалга ошади. Меҳнат тақсимоти жараёнининг чуқурлашуви билан бу масалалар янада қийинроқ кечади. Улардан самарали фойдаланиш учун турли хил йўллар ва усуллар қўлланилади.

Бундан келиб чиққан ҳолда биз иқтисодиёт тушунчасига:

- * ишлаб чиқариш;
- * тақсимот;
- * турли хил ресурслар ва инсонлар ўртасидаги алоқалар;
- * хўжалик субъектларига хизмат кўрсатишда иқтисодий имкониятлардан унумли фойдаланиш орқали моддий неъмат ва хизматларни самарали айирбошлаш ва истеъмол қилиш ва шу кабиларни киритамиз.

Иқтисодиёт ишлаб чиқаришни самарали юритишда, тақсимотда, айирбошлаш ва ҳаётини неъматларни истеъмол қилиш жараёнида ва жамият иқтисодий ҳаётига таъсир қилишда фойдаланиладиган барча усуллар ва шакллари тўлиқ ўрганлади.

Илмий ва ўқув қўлланмаларда бир-бирини тулдириб турадиган турли хил иқтисодий атамалар тез-тез учраб туради. Булар жумласига:

- * „бозор иқтисодиёти“;
- * „режали иқтисодиёт“;
- * „аралаш иқтисодиёт“;
- * „эркин бозор иқтисодиёти“;
- * „агломератив-бузғунчилик иқтисодиёти“;
- * „бошқариладиган иқтисодиёт“;
- * „ижтимоий йуналтирилган иқтисодиёт“;
- * „эркин иқтисодиёт“;
- * „ёпиқ иқтисодиёт“ ва шу кабилар кирди.

Жамиятда булаётган иқтисодий алоқалар характерига қараб иқтисодиёт бозор ва режали иқтисодиётга бўлинади. Бозор иқтисодиётида иқтисодий алоқалар товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар эркинлиги асосида шаклланади. Ҳар бир бозор алоқаларининг субъекти ихтиёрий равишда нима, қанча ва қандай харажатлар билан ишлаб чиқариш, кимга ва қандай нархларда сотиш,

тушган фойдани қандай тақсимлаш керак деган ҳужалик муаммоларини келтириб чиқаради.

Ҳар қандай иқтисодиётда „талаб“ ва „таклиф“ муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бозор иқтисодиётида „талаб“ ва „таклиф“ янада жиддийроқ ва муҳимроқ аҳамият касб этади. Товарларнинг нархи эса худди марказий тақсимлаш механизми сифатида майдонга чиқади. Ҳужалик субъектлари фикрлари мустақил ва эркин, давлат ташкилотларининг аралашувисиз амалга ошади.

Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, бирон-бир жамиятда соф „эркин бозор иқтисодиёти“ умуман учрамайди. Чекланган ва камёб ресурслар шароитида давлат ва унинг ташкилотлари ресурслардан самарали фойдаланиш, яъни уларнинг тақсимоти, ишлатилишини назорат қилиш, жойи келганда, улардан фойдаланишни чеклаши ва аксинча, кўпайтириши мумкин.

[95] „Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти“ атамасига тўхталадиган бўлсак, у сўнгги йилларда ислохотларни мақсадли амалга оширишда бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларини ҳал қилиш жараёнида пайдо бўлган. Ҳар бир иқтисодиёт ўз мазмунига қараб ижтимоий йўналтирилган, чунки, унинг асосий мақсади жамиятнинг, қолаверса инсонларнинг эҳтиёжларини таъминлашдан иборатдир. Табиатан ижтимоий йўналтирилмаган, иқтисодиёт мавжуд эмас.

Эркин бошқариладиган бозор иқтисодиётида инсонлар ўз даромадлари, турмуш шароитлари ва шу кабиларга қараб ажралиб туради. Бу тизимда одатда алоҳида тармоқлар ва соҳалараро ривожланишнинг пропорционалиги ва балансланганлиги бузилади, бу эса иқтисодиётда мавжуд бўлган инқирозлар, ишсизлик ва ярим ишсизлик кабиларда ўз аксини топади.

Эркин бозор иқтисодиётининг салбий оқибатларини олдини олиш учун дунёнинг кўпгина мамлакатлари иқтисодий жараёни бошқариш учун турли хил усуллардан фойдаланишади. Фақат, булар ўз миқёси, чуқурлиги ва даражаси билан ажралиб туради.

[96] Бундан ташқари, давлат томонидан бошқариладиган иқтисодга эга бўлган мамлакатлар ҳам мавжуд. Бундай давлатлар иқтисодиётига „режали“, „маъмурий бошқарув“ номи берилган. Уларнинг таркибига дунёда социалистик мамлакатлари деб юритилган собиқ Иттифоқ республикалари киради.

Режали иқтисодиётда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, ресурслар ва даромадларни тақсимлаш давлат ва унинг ташкилотлари томонидан ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни таъминлайдиган режаларни тузиш йўли билан амалга оширилади. Кўп мамлакатларда ушбу режалар буйруқ характерига эга булган. Уларнинг бажарилиши барча бўлимлар ва звенолар, ҳужалик субъектлари учун мажбурий бўлган.

Режаларни бажаришга роя қилмаганлар керакли жазоларга тортилган. Режалаштириш ва режаларнинг бажарилишини бошқаришда аниқ тартиб ҳамма давлатлар учун бир хил эмасди. Масалан, Ўзбекистонда бутун собиқ СССР буйича тузилган тартиб юритиларди.

Иқтисодийнинг режали усулига утиш собиқ СССРда 1928 йилда ЯИС (янги иқтисодий сиёсат) бошқичининг тугаши билан бошланган эди. Бунда саноатни кенг қамровли миллийлаштириш, қишлоқ хужалигини коллективлаштириш амалга оширилган эди. Уша йили биринчи марта халқ хужалигини ривожлантириш учун беш йиллик режа қабул қилинган эди. Унгача халқ хужалигини биринчи марта режали тартибда бошқариш учун булган ҳаракатлар 1920 йили Россияни давлат миқёсида электрлаштириш режасини тузишда уз аксини топган эди.

Келажак учун асосий 5 йиллик режаларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда ривожланишнинг жорий йиллик режалари ҳам ишлаб чиқилар эди. Зарурият туғилганда йиллик режа кўрсаткичларига мос узгартиришлар киритилар эди. Режалаштиришнинг энг асосий тамойилларидан бири булиб „демократик марказлаштириш тамойили“ ҳисобланар эди. Бу тамойилнинг асосий мазмуни шунда эдики, режалар қўйи поғона ва хужалик олиб борувчи субъектларнинг фикр мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда марказлашган равишда ишлаб чиқилар эди.

Собиқ СССР Госплани бошқа марказий ташкилот ва вазирликлар билан биргаликда бошланғич „назорат рақамларини“ белгилардилар ва улар ҳукумат томонидан куриб чиқилиб, юқорилан пастга. яъни иттифоқ республикалари, вилоятлари, туманлари, ташкилотларига юборилар эди. Охиргилар (ташкилот, хужаликлар) назорат рақамларини олгач, узларининг ишлаб чиқариш ва молиялаштириш режаларини 5 йилга, 1 йилга ишлаб чиқардилар. Бу режалар бошланғич характерга эга эди ва узларининг юқори бошқарув ташкилотларига куриб чиқишга бериларди, улар эса уз навбатида рақамларни келишгириб мос равишда ташкилотларга тақдим этарди.

Республиканинг давлат режаси танқидий таҳлилидан сунг давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаси тузиларди ва ҳукуматнинг маъқуллашини олгач бошқарув ташкилот — собиқ СССР Олий Кенгаши тасдиғига топшириларди ва қонун сифатида қабул қилинар эди. Тасдиқланган режа қўйи буғинларга туширилар эди ва мажбурий вазифа сифатида бажарилиши шарт эди.

Амалда режалаштириш энг муҳим хужалик механизмининг дастағи сифатида асосий звено булиб ҳисобланар эди. Халқ хужалиги ривожланишининг асосий йўналишлари, ижтимоий-иқтисодий вазифалар бажарилишининг аниқ йўллари ва услублари режалар ёрдамида ечилар эди.

Собиқ Иттифоқ даврида халқ хужалигини режалаштиришнинг

тамойил ва тартибларида даврий узгаришлар булар эди. Тахминан 50- йилларнинг ўрталаригача бу узгариш марказлаштиришнинг нафақат асосий, балки иккинчи даражадаги ташкилий, технологик характердаги масалаларни ҳам буйруқбозликнинг илдиз отиши сари булди. Жумладан, қишлоқ хужалигида қачон, қандай экин экишни, уни қачон ийгиб олишни бошлаш керак кабилар бунга мисол бўла олади.

Режанинг бажарилишини қатъий равишда марказлашган тартибда назорат қилиш собиқ Иттифоқ ҳаётида, айниқса, уруш оқибатларини ва барбод булган хужаликларни „оёққа турғизишда“ жуда катта роль уйнаган. У давлатни узининг ресурсларини ва кучларини энг муҳим вазифаларни ечишга сарфлашга ҳамда сиёсий мақсадларга эришишга далла берди. Барча қийинчиликларга қарамай, собиқ СССР 1940 йилда 1913 йилга нисбатан 5,3 барабар куп миллий даромадга эга бўлди.

II Жаҳон уруши (1941 — 1945) иқтисодиётга жуда катта зарар келтирган эди. Шунга қарамай у 1948 йилда бутунлай „оёққа турғизилган“ эди. 1950 йилда эса миллий даромад урушдан олдинги 1940 йилга нисбатан 64%га ошган эди. Фақатгина 10 йил мобайнида (1950 — 1960 йиллар) миллий даромад ҳажми қарийб 3 марта купаиди. Аммо бундай усиш фақат миқдор томондан таъминланган эди.

Булар сезила бошлагандан сунг, амал қилаётган давлатнинг режали бошқариш тартибига қарши чора-тадбирлар қуриб чиқилди. Бу чора-тадбирлар асосида марказлаштиришни сусайтириш, корхона ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтириш йули билан иқтисодий рағбатлантиришни ошириш мақсад қилиб қуйилди. Улар дастлаб хужалик ҳисобини жорий қилишга ва кўпроқ баҳони (нархни) белгилашга эътибор беришди. Сунгра меҳнат тулови ва иқтисодий алоқаларнинг бошқа дастак ва элементлари жорий қилинди.

Аммо барча амалга оширилган ислоҳотлар, чора-тадбирлар асосан қўзланган натижаларни бермади. Чунки улар (ислоҳотлар) мулкчилик ва хўжайинчиликдаги асосий талаблар фақат давлат монополиясининг сақланиши шароитида амал қилар эди. Бу нотўғри тартиб-қоидалар, барқарор нархлар ва бошқа талаблар кўп сонли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар билан уларнинг истеъмолчилари (харидорлари) ўртасида чинакам рақобат муҳитини юзага келтирмади.

Шу ва бошқа омиллар сабабли „режали иқтисод“ни илмий-техник ютуқлар сирасига киритиб булмас эди. У маънавий жиҳатдан ва янги жаҳон стандартларига жавоб бера олмаслиги жиҳатдан эскирган бўлса ҳам, биринчи навбатда диққат-эътиборини давлат режасига асосан қуриб чиқилган маҳсулот ҳажми буйича топшириқни бажаришга қаратган эди. Хужалик субъектлари иқтисодий қарор қабул қилишдан бутунлай четлатилган эди. Ҳатто, „кооператив корхоналар“ номини олган субъектлар (масалан, колхозлар) ҳам узларининг меҳнат натижаларига эғалик қила олмас эдилар.

Режали иқтисод тизимида нарх ва меҳнат тулови каби асосий иқтисодий дастаклар ҳам деярли бутунлай хужалик субъектларининг иштирокисиз давлат томонидан белгиланар эди. Натижада меҳнатнинг зарур иқтисодий рағбатларини яратмадилар.

Шунинг учун яқин-яқинларгача мавжуд бўлган режали иқтисодиёт фан-техника тараққиётини тезлаштиришда, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида туғоноқ вазифасини утади ва уни улкан танглик ҳолатига келтириб қўйди. Шу тариқа иқтисодиётнинг ҳар иккала (бозор ва режали) тизими ҳам уз навбатида иқтисодиётнинг ижобий ва салбий томонларини қамраб олди.

[97] Шу сабабли кўпгина мамлакатларда охириги ун йилликда ҳар қайси тизимдан ижобий жиҳатлар қабул қилиниб, **аралаш иқтисодни** барпо этишга ҳаракат қилинди. Бунда иқтисодий жараёнлар бозор ва режа дастаклари ёрдамида бошқарилади.

Аралаш иқтисод мулкчиликнинг турли шакллари уз ичига олган. Уз негизида хусусий мулкни инкор этмаган ҳолда жамоа ва давлат ихтиёрида бўлган мулкларни ҳам қамраб олади. Бунда „нима ишлаб чиқариш, қандай товарлар ва хизматларни қанча миқдорда ишлаб чиқариш, қандай қилиб ва ким учун ишлаб чиқариш лозим“ каби саволларни ҳал этишда юқорида санаб утилган барча хужалик субъектлари иштирок этади.

Мана шу ердан шундай хулоса чиқариш мумкин: **замонавий иқтисод** — бу кўп сонли хужалик субъектларининг иштирокида амалга ошириладиган кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш, мулкчиликнинг турли шакллари ва тартибга солинган бозор дастакларининг қўлланиши ёрдамида барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш имконини берадиган иқтисоддир.

Бозор иқтисодиёти тизимида бошқаришнинг иқтисодий усуллари, режали иқтисодиётда эса маъмурий-буйруқбозлик усуллари устувор бўлади.

„Социалистик“ деб ном олган мамлакатларда, авваламбор, собиқ СССРда иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик дастаклари бутунлай юқори салмоққа эга эди. Масалан, бунга мисол: ҳукуматнинг қарор ва фармойишлари, буйруқ ва кўрсатмалари, вазирлик ва унинг органлари, партия органларининг қарорлари ва бошқалар. Иқтисодий дастакларга келсак (нархлар, солиқлар, кредит устамалари, жарималар, мукофотлар ва бошқалар), тулдирувчи воситалар сифатида иккинчи даражали аҳамиятга эга эди. Иқтисодиётни бошқаришнинг иқтисодий ва маъмурий-буйруқбозлик усуллари ўртасидаги ўзаро туб ўзгаришларда ҳар доим асосий мақсад ва вазибалардан бирини, мавжуд бўладиган иқтисодий ислохотларни оқилона ҳал этиш турарди.

Шундай шароитда тўқсонинчи йилларнинг бошларида республика

олдида бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш масаласи кўндаланг бўлиб турарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов мамлакат иқтисодиётини бозор муносабатлари сари узгартиришда эволюцион йўлни танлади. Ушбу йўлни танлашдан қўзланган мақсад, аввало биринчи навбатда Ўзбекистон халқининг иқтисодий манфаатларини таъмин этиш эди. Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон халқининг яшаш даражаси бошқа иттифоқдош республикаларникидан тахминан икки баробар паст эди. 1990 йилда Ўзбекистон буйича аҳоли жон бошига тўғри келган истеъмол фонди уртача собиқ Иттифоқдаги даражанинг 53,4%ини ташкил этган. Мана шундай шароитда республика олдида турган асосий масала бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтишда одамларнинг яшаш даражасини оғирлаштирмаслик эди.

Мустақил ва суверен давлат мақомини олган Ўзбекистон энди халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашиш имконига эга бўлди.

6.2. Бозор иқтисодиётига ўтишда республика иқтисодиёти олдида турган асосий муаммолар

[98] Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан республика олдида бир қатор муаммолар турарди. Булар жумласига:

- * инқироз ҳолатидан чиқиш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- * инсон омилини фаоллаштириш;
- * илмий-техник тараққиётни таъминлаш ва уни ишлаб чиқаришга тез ва самарали сингишига шароит яратиш;
- * рақобат муҳитини яратиш;
- * бозор муносабатлари талабига биноан иқтисодий-ижтимоий, тармоқ ҳудудий тизимини шакллантириш;
- * аҳоли бандлигини таъминлаш;
- * хусусий мулкчилик ва хўжалик юритишнинг кўп қиррали шакллари шароитида талаб ва таклифни мувозанатлаштириш;
- * иқтисодий фаолиятни бозор механизми орқали самарали бошқаришни шакллантириш;
- * инфляцияни бостириш, пул муомаласини ва миллий валютани мустаҳкамлаш;
- * солиқларнинг рағбатлантирувчи вазифасини кучайтириш;
- * хўжалик субъектлари ва бошқаришнинг ҳамма звеноларини маълумотлар билан таъминлашни яхшилаш;
- * ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш кабилар кирарди.

Бу ва бошқа муаммолар бир-бири билан яқиндан боғланган ва уларнинг ечими нафақат катта ресурсларни, балки шу билан бирга

ечимга тўғри ёндошишни, истиқболли устувор йўналишларни ва амалга ошириш усуллари тўғри танлашни талаб этади.

[99] Инқирозли ҳолатларни енгиш ва иқтисодий усишни таъминлаш муаммолари. Муаммонинг моҳияти. Аввалги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимнинг камчиликлари, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида туб ислоҳотларни ўтказиш заруриятини туғдирди. Бу ўтиш собиқ СССРнинг парчаланиши натижасида ягона иқтисодий, илмий-техник, ахборот майдонининг парчаланиши, тарихий шаклланган вертикал ва горизонтал хўжалик алоқаларининг узилиши, банк ва пул тизимининг бузилиши ва бошқа салбий оқибатлар билан бирга борди.

Қулланилган чораларга қарамасдан айтиб утилган парчаланиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ўзининг ўта салбий таъсирини ўтказди. Бинобарин, ишлаб чиқаришнинг ялпи пасайиши юз берди, иқтисодий ҳаётнинг кўпчилик соҳаларида қарама-қаршилик кучайди, талаб ва таклиф ҳамда нархлар ва аҳоли даромади усиши нисбатларида кескин тафовутлар содир бўлди. Бунинг ҳаммаси ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг, аҳолининг мутлақ кўпчилигининг яшаш даражасининг ёмонлашишида ўз аксини топди.

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишини тўхтатиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва унинг ўсишига шароит яратиш энг муҳим муаммо бўлиб қолди.

Ечиш усуллари. Мавжуд муаммони ечиш учун қуйидаги бир қатор иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий характердаги комплекс чораларни қўллаш зарур:

* иқтисодий усиш жараёнининг барқарорлигига эришиш учун республикамиз иқтисодиётида самарали ҳаракат қиладиган бозор тузилмаларини шакллантириш;

* кейинчалик демократиялаштириш;

* хўжалик субъектларининг мустақиллик чегараларини кенгайтириш;

* бозор муносабатларига қатнашувчи барча кишиларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш;

* хўжалик алоқаларининг эскилари, аммо фойдалиларини қайта тиклаш ва янгиларини яратиш;

* банк ҳисобларини тўғрилаш;

* товар ишлаб чиқариш ва хизмат курсатишни ривожлантиришга қаратилган инвестиция жараёнларини ҳар томонлама рағбатлантириш;

* босқичма-босқич, жуда пухта ва эҳтиёткорлик билан тузилмавий(структуравий) сиёсат ўтказиш;

* талабга эга бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи, самарали фаолият кўрсатувчи корхоналарни хусусийлаштириш ва

давлат тасарруфидан чиқаришнинг маъмурий усулидан воз кечиш;

* бутун иқтисодиётнинг бир фаолият курсатишини таъминловчи асосий тармоқ корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни давом эттириш.

Кутилаётган натижалар. Юқоридаги муаммоларнинг ечими иқтисодиётни ва аҳоли даромадларини барқарорлаштиришга, ишсизликнинг олдини олишга, аҳоли бандлигини таъминлашга, хусусий ишлаб чиқариш ҳисобига истеъмол бозорини тулароқ қондиришга, инфляциянинг усишини пасайтириш ва пул муомаласини мустаҳкамлашга, миллий валютани барқарорлаштиришга замин яратади.

[100] Инсон омилни фаоллаштириш муаммолари. Муаммонинг моҳияти. Эски иқтисодий муносабатлар тизимининг синишига асосий сабаблардан бири шунда эдики, у моддий манфаатдорликни таъминламади. Унда меҳнатнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги суст эди. У ишчиларда шижоатсизликни, илмий-техник тараққиёти ва уни амалга оширишга бефарқлик туйғуларини туғдирарди. Натижада бундай ҳол меҳнат ва ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар сифатининг ошишига туртки була олмади. Ишчиларнинг иш ҳақи кам ва бир хиллиликка эга эди. Бу кам даромадлар аҳолига керакли товар ва хизматларни уларни камёблигидан „сотиб“ олиш имкониятини ҳар доим ҳам бермас эди.

Бу муаммолар тобора кескинлашиб, одамларнинг ижтимоий онгида акс эта бошлади. Амалдаги тузумдан норозиликларни келтириб чиқара бошлади. Бу камчиликлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг ва меҳнат унумдорлигининг паст даражасида, жаҳон бозорида рақобатбардошликнинг пасайишида ўз аксини топди. Марказлашган режали тизим узининг обрусини йўқота бошлади.

Ечиш усуллари. Бу муаммони ҳал этиш учун қуйидаги туб узгаришларни амалга ошириш зарур:

* мулкчилик ва хужалик юритишни тубдан узгартириш;

* бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулини демонтажлаш;

* рақобат муҳитини яратиш;

* ишчиларнинг пировард меҳнати натижаларида шахсий моддий мафаатдорлик ролини ошириш;

* ишчиларнинг шахсий моддий фаровонлиги билан меҳнат ва хужалик юритиш фаолияти унумдорлиги орасидаги алоқани кучайтириш ва ҳоказо.

„Яхши яшайман десанг, яхши ишла“ тамойилини ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва ҳуқуқий меъёрларга таянган ҳолда амалга оширишни таъминлаш шарт. Фақат ҳаққоний тадбиркорлик ва меҳнат

фаолияти узининг моддий-маданий даражасини яхшилашга асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Кутилаётган натижалар. Иш унумдорлиги ва сифатининг ўсиши, оқилона ҳужалик юритиш, аҳолининг моддий фаровонлиги ва унинг юксалиши натижасида иқтисодиётнинг умумий „жонланиши“ кутилади.

[101] Аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари. Муаммонинг моҳияти. Республикамизда меҳнат ресурслари нисбатан кўп, аҳолининг табиий ўсиши юқори. Бироқ, улар ҳам ҳудудлар, ҳам тармоқлар ва фаолият доиралари бўйича текис тақсимланмаган. Яратилаётган янги иш жойлари сони меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиш суръатларидан кескин фарқ қилади. Хужалик алоқаларининг узилиши, бир қатор ишлаб чиқариш тармоқларида ўсиш суръатларининг пасайиши, иқтисодиётнинг тузилмавий узгариши аҳоли бандлиги соҳасидаги муаммоларни янада кескинлаштирди. Аҳолининг билим ва малака даражаси бозор муносабатларининг юқори талабларига тулиқ жавоб бермай қолди. Айниқса, ёшларнинг ишга лаёқатли қисмида иш билан таъминланмаганлар сони ўсиб борди.

Ечиш усуллари. Муаммонинг радикал ечими — бу кўпроқ меҳнат талаб қиладиган кичик ва урта ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш ҳисобидан янги иш жойлари сонини кескин кўпайтириш. Бу йул катта инвестиция воситалар ва вақтни талаб этади. Вақт ва маблағларнинг кескин тақчиллиги шароитида муаммо ечимини қуйидаги йўналишларда ахтариш керак:

* хусусий капитални, аҳолининг шахсий жамғармаларини максимал жалб қилиш, фуқароларнинг шахсий тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қонунлар чегарасида кўпроқ эркинликлар бериш;

* чет эл капиталини жалб қилиш, унинг самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратиш (ҳуқуқий, иқтисодий ижтимоий ва бошқалар) бериш;

* фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг янги иш жойларини яратишга қаратилган шахсий маблағлари жамғариш қисмининг кўпайишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

* сермеҳнат соҳаларни кенгайтиришда, қўшимча иш жойларини яратиш учун узоқ муддатли кредитлашга маблағларни кўпайтиришда банк тизими ишини фаоллаштириш;

* шахсий маблағлар ҳисобига ёшларнинг олий ва урта махсус таълим олиши имкониятларини кенгайтириш, қайта тайёрлаш ва малакани ошириш, уқув масканлари тармоғини кенгайтириш.

Кутилаётган натижалар. Аҳоли бандлигини таъминлаш орқали меҳнатнинг қўлланиш доираси кенгайди, товар ишлаб чиқариш ва

хизмат кўрсатиш ҳажми купаяди, инсонларнинг яшаш даражаси кўтарилади, жамиятдаги ижтимоий танглик пасаяди.

[102] Илмий-техника тараққиёти ва уни жорий қилиш муаммолари. Муаммонинг моҳияти. Ҳар бир ишлаб чиқариш — бу инсон меҳнатининг ишлаб чиқариш воситалари билан бирикиши натижасидир. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига утиши уз-узидан юқори сифатли ишлаб чиқариш воситаларисиз, илмий-техник тараққиётсиз кутилган натижани бермайди. Дунёда бозор муносабатлари қадимдан ривожланганига қарамасдан, кам ривожланган, иқтисодиёти қолоқ давлатлар қаторига кирадиган мамлакатлар етарли. Асосий сабаб — аҳоли саводхонлигининг, ишчилар малакасининг ва қўлланилаётган ишлаб чиқариш воситалари ҳамда технологияларнинг паст даражасидир.

Фақатгина илмий-техник ютуқларини ва прогрессив технологияларни тезкор жорий этилишини таъминлаган давлатларгина кучли рақобат курашига бардош бера олади ва ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эриша олади.

Ечиш юллари. Илмий-техник салоҳияти катта булган давлатлар иқтисодий ўсишнинг бу омилида устунликка эга бўлади. Лекин бу устунлик мутлақ кўринишга эга эмас. Чунки илмий-техник ютуқлардан аниқ бир самара олиш учун (янги кашфиётлар, прогрессив технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш ва бошқалар шаклида) ҳамма нарсани ўзи кашф этиши, янги илмий кашфиётларни очиши ва бошқаларни қилиши шарт эмас. Муҳими, уларни сингдириш учун ташкилий-техник шароитларни яратиш ва рағбатлантириш ута зарур.

Илмий-техник тараққиётнинг мақсади ҳам уни сингдиришдан кўпроқ даромад топишга ҳаракат қилишдир, ижтимоий соҳада эса меҳнатни энгиллаштириш, атроф муҳитни ҳимоялашдан иборатдир.

Аmmo ҳар бир илмий-техник янгилик тезда даромад топишни тақозо этавермайди. Табиийки, илмий-техник ютуқларни сингдириш катта инвестицияларни, ишлаб чиқариш жараёнини қайта ташкил этиш, кадрларни қайта ўқитиш кабиларни талаб қилади.

Режали тизимнинг асосий салбий томонларидан бири — бу илмий-техник тараққиётни қабул қила олмаслигидир. Илмий-техник тараққиётни тез сингдириш имтиёзли солиқ ва кредитлашни қўллашни, патентли ҳимоя ва бошқа чораларга йўналтирилган давлат сиёсатини юритишни тақозо этади, жуда муҳим шартлардан бири бўлиб илмий-техник янгиликнинг потенциал истеъмолчиларини, унинг характери, устунлиги ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш ҳисобланади.

Бу ерда „тижорат сири“ деб аталган омилнинг тескари ҳаракатли омил эканлигини ва унинг ҳаракати рақобатчилар орасида илмий-

техник янгиликларни ёйишга хизмат қилишини эътиборга олиш жуда муҳимдир.

Кутилаётган натижалар. Бозордаги рақобатбардошлик кучаяди, меҳнат унумдорлиги ошади, самарадорлик курсаткичлари яхшиланади, ишчилар малакаси ошади, уларнинг даромади кўтарилади, захира тўплаш ва атроф муҳитни ҳимоялаш яхшиланади. Чет эл давлатлари билан илмий-техник, иқтисодий, таълимий, ахборот алмашув кенгаяди. Инвестициялар купаяди, ишлаб чиқариш фондларининг янгилавиш жараёни тезлашади, илм ва таълим ривожига таъсири кучаяди. Умуман иқтисодий-ижтимоий ва техник қолоқликни енгиш ва юқори ривожланган давлатлар қаторига кириш жараёни тезлашади.

[103] Талаб ва таклифни уйғунлаштириш муаммолари. Муаммонинг моҳияти. Бошқаришнинг марказлашган режали ва маъмурий-буйруқбозлик усулларига асосланган иқтисодиётнинг узоқ муддатли фаолияти натижасида талаб ва таклиф орасида катта номутаносиблик келиб чиқади. Талаб сурункали тарзда тегишли таклиф томонидан қондирилмаган, ваҳоланки, талабнинг таклифга нисбатан тезроқ ўсиши ҳақида назария мавжуд эди.

Амалда ҳеч қайси иқтисод талаб ва таклиф орасида катта фарқ бўлган шароитда узоқ вақт фаолият кўрсата олмайди. Шунингдек, табиатан ҳам талаб ва таклиф тулиқ бир-бирига тўғри келмайди, бу ҳақда даврий иқтисодий инқирозлар гувоҳлик беради. Гап улар орасидаги катта фарқ бўлишига йул қўймаслик ҳақида кетмоқда. Бу масала режали иқтисоддан кўра бозор муносабатларига асосланган иқтисодда нисбатан яхшироқ ечилади.

Бозор муносабатларига утиш шароитида бу масала кескинлашди. Бир қатор асосий озиқ-овқат турлари (масалан гушт, сут, шакар,) ва ноозиқ-овқат бўлган товар ва хизматлар, қурилиш материаллари, қора металл ва бошқаларда талаб ва таклиф орасида номутаносибликлар кузатишмоқда. Натижада эҳтиёжнинг қондирилмаслиги, баҳонинг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, кўп корхоналарнинг фаолиятидаги бузилишлар, халқаро таъминот шартномаларининг бузилиши кабилар содир булмоқда.

Ечиш йўллари. Режали иқтисодиётда бу талаб ва таклифни тенглаштириш масаласи эҳтиёж ва уни қондириш манбаларини курсатган ҳолда моддий-ашёвий ва пул балансларини тузиш йули билан ечиларди. Бундай тартиб ижобий ва салбий томонларга эга эди. Бунинг ижобий томони шу эдики, у кўп ресурсларнинг юқори камомадлик шароитида мувозанатни макродаражада сақлай олар эди. Салбий томони асосан унинг консервативлиги эди.

Талаб ва таклифни кенгайтиришнинг бозор усули динамик узгаришларга тезроқ таъсир қилишига имкон яратади. Аммо у ҳам

уз камчиликларига эга. Куп мустақил ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ахборот таъминоти, маркетинг хизмати каби тизим талаб ва таклифни макродаражада алоҳида маҳсулот турлари бўйича юқори даражада тенглаштира олмайди, тартибсизлик туғилади.

Шунинг учун куп мамлакатлар талаб ва таклифни мувофиқлаштиришнинг ҳар иккала усулидан ҳам фойдаланишади, лекин режали усул жиддий маъмурий-буйруқбозлик характериға эға эмас. У иқтисодий дастаклар таъсири ёрдамида асосан жойлаштирувчи роль уйнайди.

Талаб ва таклифни мувофиқлаштиришда асосий ролни бозорнинг узи уйнайди. У эгилувчан баҳо тизимидан фойдаланиб, эҳтиёжлар ва маҳсулотларнинг аниқ турлари, уларнинг уринбосар вариантлари билан алмаштирилишида ҳал қилувчи тузатишларни киритади.

Ўзбекистон шароитида талабларға аралаш иқтисодиёт усулини қўллаш купроқ мос келади. Фақат республиканинг махсус хусусиятларини айнақса, утиш даврининг охириги шароитини доимо ҳисобға олиб бориш лозим.

Кутилаётган натижалар. Талаб ва таклиф, номутаносибликларидан келиб чиқадиган йўқотишларни қисқартиришға, иқтисодиётнинг барча тармоқларида янада яхшироқ фаолият курсатиш учун шароит яратишға эришилади.

[104] Таркибий ўзгаришларни амалға ошириш муаммолари. Муаммонинг моҳияти. Замонавий таркибий тузилиш марказлашган режалаштириш усули билан умумиттифоқ меҳнат тақсимои натижасида вужудға келган эди. Шу билан биргаликда Ўзбекистон бутун собиқ Иттифоқни саноат тармоқлари, шунингдек қишлоқ хужалигининг пахтачилик соҳасидаги маҳсулотларға булган эҳтиёжларини қондирар эди. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг бир қанча бошқа турдаги маҳсулотларға (масалан, нон, шакар, сут маҳсулотлари, транспорт воситалари, гўшт маҳсулотлари, ёқилғи, мойлаш материаллари ва бошқаларға) булган эҳтиёжлари бошқа республика ва мамлакатлардан келтирилган маҳсулотлар ҳисобидан қондирилар эди.

Собиқ Иттифоқ шароитида шаклланган, ягона иқтисодий ва илмий-техник муҳит республиканинг истеъмол бозорига узининг салбий таъсирини утказмай қуймади. Собиқ Иттифоқ товарларига булган эҳтиёжларни қондириш масаласи кескинлашади.

Ечиш йуллари. Меҳнат тақсимои нуқтаи назаридан республикада истеъмол қилинадиган маҳсулот ва хизматларнинг ҳамма турларини ишлаб чиқариш мақсадға мувофиқ эмас. Бунинг учун талаб қилинадиган омиллар ҳам йўқ. Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимоида энг фаол қатнашиб очиқ турдаги иқтисодни танлади. Бундан келиб чиқиб, республикадаги мавжуд ресурслар захирасидан

энг унумли тарзда фойдаланиш ва унинг янада ҳаётӣй, аҳамиятлироқ маҳсулотларнинг бошқа республикалардан етказилишига боғлиқлигини сусайтириш, ўзини халқаро аҳвол ва сиёсатнинг инжиқликларидан суғурта қилишни маъқул деб топди. Бу муаммони ечишда транспорт алоқалари ва аҳоли бандлигининг пастлиги каби ёқимсиз омилларни ҳисобга олишга тўғри келади.

Янги ва қўшимча тармоқ ва соҳаларнинг таъсирчан фаолият кўрсатиши учун шароит яратиш ҳисобига:

* иқтисодиётнинг тор пахтачилик соҳасидан аста-секин чекиниш;

* пахтачилик комплексини жаҳон бозоридаги қаттиқ рақобатга бардош бера оладиган, юқори сифатли тайёр маҳсулот (газлама, кийим, трикотажа ва ҳоказо) ишлаб чиқаришга олиб боришни амалга ошириш;

* ёқилғи-энергетика соҳасини юқори суратларда ривожлантириш, уни (айниқса, газ) келажакда асосий валюта келтирадиган манбалардан бирига айлантириш;

* аҳоли бандлигини таъминловчи илм ва сермеҳнат тармоқларни, қимматбаҳо, рангли ва камёб металлларни қазиб олиш ва қайта ишлашни кенгайтириш кабилар кўзда тутилмоқда.

Кутилаётган натижалар. Республика ўзининг ўсиб келаётган асосий истеъмол товарлари, ёқилғи-энергетика ресурслари, кимёвий воситаларга бўлган эҳтиёжини тула қондиради; транспорт воситалари, қурилиш материаллари (ўрмон хўжалиги материаллари мустасно) ва чорвачилик маҳсулотлари камомадини сусайтиради. Ҳом ашё ресурслари экспортини тайёр маҳсулот ёки ярим тайёр маҳсулотлар экспортига аста-секин алмаштиради.

Иқтисодиётнинг ижтимоӣй тузилишида сезиларли ўзгаришлар бўлади. Хусусийлаштириш сиёсатини амалга ошириш натижасида хусусий ва жамоа секторларида ҳал қилувчи ролга эга бўлган, самарали, рақобатбардош муҳит, инсон омилини ҳақиқӣй фаоллаштирадиган муҳитга эга бўлган кўп босқичли структура вужудга келади.

[105] Пулнинг қадрсизланишини тизгинлаш, пул муомаласини ва миллий валютамизни мустаҳкамлаш муаммолари.

Муаммонинг моҳияти. Иқтисодиётнинг режали тизимида товарлар ва хизматларнинг аксарият турлари учун нарх даражаси давлат (Давлат нарх кўмитаси) томонидан белгиланар ва белгиланган нархга риюя қилиниши жиддий назорат остида булар эди. Нархларнинг ўзбошимчалик билан ўзгартирилишига йўл қўйилмасди. Нархни фақат давлат ўзгартириши мумкин эди. Фақат шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирилган ва бозорда сотиладиган маҳсулот нархи эркин шаклланиши мумкин эди.

Ходимларнинг иш ҳақи ҳам давлат томонидан белгиланар ва қатъий назорат қилиниб туриларди. Бу масалада кооператив корхоналарга (колхозларга) расмангина арзимас эркинлик бериб қўйилган эди. Давлат бюджети дефицитсиз қабул қилинар эди. Бу масаладаги ана шундай қатъий тартиблар аҳолининг ва қолаверса, давлатнинг даромадлари билан харажатлари уртасидаги мувозанатни таъминлар, нархларда кескин ўзгаришлар бўлишига йул қўймас эди.

Нарх сиёсатини эркинлаштириш мулкчилик ва хужалик юритиш шаклларининг хилма-хиллиги шароитида иш ҳақини урнатишда давлат назоратининг сусайтирилиши йули билан иқтисодиётни бозор муносабатларига утказиш дастурининг амалга оширилиши натижасида инфляция жараёни, валютаамизнинг кескин қадрсизланиши кучайиб кетди. Бунда купинча, нархнинг усиш суръатлари аксарият ходимлар иш ҳақи усиши суръатларидан анча тезлашиб кетди. Инфляция жараёни тобора ошиб борадиган даражада тус олди. Бу жараёнга қўшимча таъсир утказиш давлат бюджети дефицитига, шунингдек савдо ва тулов балансининг салбий қолдиғига олиб келди.

Буларнинг ҳаммаси корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришдан, унинг таннархини камайтиришдан, инвестиция учун жамғармаларни кўпайтиришдан, вақтинча эркин маблағларни молия-банк тизими орқали сафарбар этишдан манфаатдорликни сўсайтирди ва унга ғоят салбий таъсир курсатди. Бу нарса молия бозори ва пул муомаласи ҳолатида ҳам ўз аксини топа борди. Айланма маблағларнинг ниҳоятда етишмовчилиги вужудга келиб, бу нарсалар туловлар буйича қарздорликни келтириб чиқарди. Кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёни бузилиб борди.

Ечиш усуллари. Жаҳон амалиётида инфляцияни бартараф этиш соҳасида катта тажриба тўпланган. Инфляцияга қарши курашнинг аниқ усуллари ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос шароитларига қараб турлича булган. Бозор иқтисодиётига ўтган купгина мамлакатлар (Греция, Туркия, Лотин Америкаси мамлакатлари ва ҳ.к) ҳамон инфляциядан қутула олмаётирлар.

Инфляцияга қарши курашнинг купдан-куп усуллари ва йуллари орасида умумий характерга эга булганлари қуйидагилардир:

* товарлар ва хизматлар ҳажмини аҳоли даромадларига мувофиқлаштириш;

* барча ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда маҳсулот ва хизмат бирлигига ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш;

* иш ҳақига нисбатан меҳнат унумдорлигининг илдамроқ усишини таъминлаш;

* кўплаб талаб қилинадиган товарлар ва хизматларнинг жисмоний ҳажми ўсишига мувофиқ пул эмиссиясини қатъий назорат қилиш;

* товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилари ўртасидаги воситачилар сонини камайтириш;

* кредит беришни тартибга солиш, кредит учун фоиз ставкаларини пухта йўлга солиб туриш;

* давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари мувозанатини таъминлаш.

Кутилаётган натижалар. Бозор муносабатларига ўтиш учун энг қулай шароитлар яратилади, меҳнат унумдорлиги, аҳолининг реал даромадлари ошади, инвестициянинг жонлашувига, истеъмол бозорининг барқарорлашувига, аҳолининг ҳам, чет эл мамлакатларининг ҳам ишончини мустаҳкамланишига эришилади, иқтисодиёт, унинг айрим ўринлар ва ҳужалик субъектлари фаолияти самарадорлигини ҳолисона баҳолаш таъминланади. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси яхшиланади, унинг самарали фаолиятдан манфаатдорлиги ошади.

[106] Ахборот таъминоти муаммолари

Муаммонинг моҳияти. Бирорта иқтисодий тизим ҳолисона ахборот таъминотисиз фаолият курсата олмайди. Пухта йўлга қўйилган ахборот таъминоти тизимининг мавжудлиги барча ҳўжалик масалаларига ва бошқа масалаларга оид тўғри қарорлар қабул қилишнинг муҳим омилларидан биридир. Илгари йўл қўйилган хатоликларнинг куплари ноҳолис ахборот билан боғлиқдир.

Республикамизда иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш дастурининг амалга оширилиши ўта мураккаб ахборот таъминоти шароитида кечмоқда. Иқтисодий соҳадагина эмас, ахборот соҳасида ҳам туб бурилиш рўй берди. Илгариги тизим пайтида энг муҳим масалалар бўйича ахборот таъминотида марказ органлари асосий ролни ўйнар эдилар. Бу гап аввало ташқи иқтисодий фаолият масалаларига, жаҳон бозорининг ҳолатига тааллуқли эди. Ахборот таъминотининг қониқарсизлиги натижасида алоҳида ҳўжалик субъектлари ҳам, умуман республика ҳам жуда катта зарар кўрар эдилар.

Бозор муносабатларига ўтиш пайтида мустақил ҳўжалик юритувчи турли субъектлар сони кескин ошиб, „тижорат сир“ деб аталадиган сирни сақлаш жараёни кучаймоқда. Буларнинг ҳаммаси ахборот маълумотларини йиғиш ва ишлаш, уларни умумлаштириш ва баҳолаш жараёнини янада мураккаблаштирди.

Ечиш йўллари. Макро даражадан то ҳўжалик юритиш ва бошқаришнинг энг қуйи бўғинларигача ахборот таъминотига оид бир қатор муҳим масалаларни ҳал этиш учун қуйидагиларга эришиш лозим:

* ахборот маълумотларининг холис бўлишини таъминлаш;

* бошқарув даражаси ва объектлар хусусиятига қараб кўрсаткичлар

доирасини аниқ белгилаш;

* Бозор муносабатлари шароитида маълумотларни ва уларнинг узгаришини тезда пайқаб олиш.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун электрон-ҳисоблаш техникаси воситаларидан кенг куламда фойдаланиш, ёппасига компьютерлаштириш асосида замонавий фан-техника ютуқларига таянган ахборот таъминотининг самарали тизимини вужудга келтириш керак. Жаҳон маълумотлари банкидан фойдаланишга эришиш зарур.

Кутилаётган натижалар. Халқ ҳужалигидаги барча буғинларнинг самарали ишлаши ва фан-техника ютуқларини жадал жорий этиш учун қулай шароитлар яратилади. Қабул қилинадиган ечимлар сифати яхшиланади.

[107] Ташқи иқтисодий фаолият муаммолари

Муаммонинг моҳияти. Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш йули билан очиқ турдаги бозор иқтисодиётини вужудга келтирмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар ҳамиша муҳим омил булиб келган. Аммо Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳамда ягона иқтисодий майдоннинг майдалашиб кетиши шароитида бу омилларнинг аҳамияти қиёслаб бўлмайдиган даражада ошиб, иқтисодиётни ривожлантиришнинг фаол омилига айланмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасининг ўзи ҳам анча кенгаймоқда. Бу ерда рақобатнинг кучайиши, ҳисоб-китоб ва транспорт алоқаларининг мураккаблашуви, юқори малакали мутахассис кадрларнинг етишмаслиги, керакли тажрибанинг йўқлиги, ташқи иқтисодий фаолиятда мустақил қатнашувчилар сонининг кескин ўсиши қабиларни эътиборга олиш лозим. Бундай шароитда асосий вазифа чет эл мамлакатлари билан савдо, илм-фан, техника, таълим, инвестиция ва шу сингари соҳаларда ўзаро фойдали иқтисодий муносабатларни таъминлашдан иборат. Фақат халқаро меҳнат тақсимотида фаол қатнашиш, фан-техника соҳасида ҳамкорлик қилиш йули билангина ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш суратларини жадаллаштириш мумкин.

Ечиш йуллари. Иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган ҳужалик алоқаларини қайта тиклаш ва мустақкамлаш, янги ўзаро фойдали муносабатларни йулга қўйиш, хомашё ўрнига кўпроқ тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш лозим. Ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш ва бу нормаларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш йули билан мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этиш керак. Зарур шароитлар вужудга келиши билан миллий валюта конвертациясини таъминлаш, чел эл инвестициялари ва ўзимизнинг экспортёрларимизни суғурта қилишнинг самарали тизимини вужудга келтириш лозим. Халқаро банк ҳисоб-китобларини ихчамлаштириш

керак. Барча аҳолининг, шу жумладан чет эл фуқароларининг муносиб ҳаёти учун ички сиёсий ва умумий вазиятни янада яхшилаш лозим.

Кутилаётган натижалар. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини жадаллаштириш, истеъмол бозорини тўлдириш, жаҳон ютуқлари асосида техникани, технологияни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни янгилаш, кадрлар малакасини ошириш ва уларни чет эл мамлакатларининг илғор тажрибасидан баҳраманд қилиш, пул муомаласини ва миллий валютани мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий вазиятни яхшилаш кабиларга эришилади.

Таянч иборалар	
* иқтисод	* инсон омили
* режали иқтисод	* аҳоли бандлиги
* аралаш иқтисод	* илмий-техника тараққиёти
* бозор иқтисоди	* талаб ва таклифнинг
* замонавий иқтисод	уйғунлашуви
* инқирозли ҳолат	* таркибий ўзгаришлар
* пулнинг қадрсизланиши	* ахборот таъминоти

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар

- [94] *Иқтисод деганда нимани тушунасиз?*
- [95] *Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг моҳияти нимада?*
- [96] *Режали иқтисоднинг узига хос хусусиятлари нимада?*
- [97] *Аралаш иқтисод туғрисида нима дея оласиз?*
- [98] *Бозор иқтисодиётига ўтишда республика олдида қандай муаммолар турарди?*
- [99] *Инқирозли ҳолатлар нималарда намоён бўлади?*
- [100] *Инсон омилини фаолаштириш олдида қандай муаммолар турарди? Уларни ечиш учун қаноаи усулларни қўллаш керак эди?*
- [101] *Аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида қандай муаммолар ва ечимлар турарди?*
- [102] *Илмий-техника тараққиёти ва уни жорий қилиш соҳасидаги муаммолар туғрисида нималар дея оласиз?*
- [103] *Талаб ва таклифни уйғунлаштириш соҳасида қандай муаммолар турарди?*
- [104] *Иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш соҳасида қандай муаммолар турарди?*
- [105] *Пулнинг қадрсизланишини тизгинлаш, пул муомаласини ва миллий валютаамизни мустаҳкамлаш соҳасида қандай муаммолар турарди?*
- [106] *Ахборот таъминоти соҳасида қандай муаммолар турарди?*
- [107] *Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида қандай муаммолар турарди?*

7- боб. ТАШҚИ САВДОНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Режа:

- 7.1. Халқаро савдо ва унинг зарурияти [108 — 109]
- 7.2. Халқаро савдода нисбий харажатлардаги тафовутлар [110 — 111]
- 7.3. Харажатлардаги тафовутлар сабаблари [112]
- 7.4. Халқаро савдонинг ривожланиш тарихи [113]
- 7.5. Очиқ иқтисодиёт ва миллий ҳисоблар тизими [114 — 118]
- 7.6. Савдони чеклаш турлари, воситалари ва мақсадлари [119 — 124]
- 7.7. Девальвациянинг экспортга ва импортга таъсири [125]
- 7.8. Алмаштириш курси ва инфляция [126]

7.1. Халқаро савдо ва унинг зарурияти

[108] Халқаро савдо деганда мамлакат чегарасидан ташқарида амалга ошадиган товар ва хизматлар алмашуви тушунилади. Агар айирбошлаш бозорлар уртасида бўлса ёки савдо алоҳида иқтисодиёт субъектлари, яъни корхоналар томонидан амалга оширилса ҳам гап кўпинча „мамлакатлар“ уртасидаги савдо ҳақида боради. Корхона дастлабки маҳсулотлар (яримфабрикатлар, хомашё)ни қаерда нисбатан паст баҳода олиши мумкин бўлса, уша ердан сотиб олади. Агар дастлабки маҳсулотлар чет эл корхоналаридан сотиб олинса, у ҳолда **импорт юзага келади**, чунки товарлар давлат чегарасини кесиб ўтади. Корхона узининг тайёр маҳсулотини қаерда талаб қилинган баҳода тулашга тайёр булган харидорларни топса, уша ерда сотади. Агар маҳсулот чет эл корхонасига сотилса, у ҳолда **экспорт** содир этилади, чунки маҳсулот давлат чегарасини кесиб ўтади, яъни, мамлакатдан ташқарига чиқарилади.

Шундай қилиб, „мамлакатлар уртасидаги ташқи савдо“ турли мамлакатлардаги корхоналар уртасидаги савдодан бошқа нарса эмас. У фақат корхоналар уртасидаги умумий савдо муносабатларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам савдода қатнашаётган корхоналар битта ёки турли мамлакатларни ифода этишидан қатъи назар, „мамлакатлар“ уртасидаги савдо сабаблари корхоналар уртасидаги савдо сабабларига мос келади.

Нима учун корхоналар (ёки мамлакатлар) бир-бирлари билан савдо қиладилар? Бу саволга жавоб жуда бемаъни: бу уларга фойдали. (Бу бемаъни жавобда фақат битта шарт бор: савдо ихтиёрий равишда утказилиши керак). Иқтисодчида қизиқиш уйғотган савол қуйидагича қўйилиши керак: Нима учун савдо фойдали ҳисобланади? Бу саволга жавоб унчалик осон эмас.

[109] Корхоналар (ёки мамлакатлар) савдони амалга ошираётганларида, улар ўзлари ишлаб чиқармаган маҳсулотларни бошқа корхоналардан сотиб оладилар ва ўзлари фойдаланмайдиган маҳсулотларни бошқа корхоналарга ёки хўжаликларга сотадилар. Бу уларнинг маълум товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашишини билдиради, яъни, улар бошқалар ишлаб чиқармайдиган товарларни тайёрлайдилар. Шундай қилиб, савдода устунликнинг сабаби, охир-оқибатда, фойда келтирувчи ихтисослашиш билан уйғунлаштирилади. Бироқ, нима учун ихтисослашиш фойдали ҳисобланади?

Бошида бемаъни курунган жавобни, энди қуйидагича ифодалаш мумкин: яъни, ихтисослашиш қачонки таҳлил қилинаётган корхона (мамлакат)лар ишлаб чиқаришининг ўзаро харажатлари таққосланганда турлича булсагина фойдали бўлади. Аммо, ишлаб чиқариш харажатлари бир-биридан турлича (турли жиҳатлар буйича) фарқланиши мумкин. Биз буни (а) ва (б) булимларда мукамалроқ текшириб кўрамиз, (в) булимда нима учун ишлаб чиқариш харажатлари ҳар хил бўлиши мумкин, деган саволга мурожаат қиламиз.

Мутлақ харажатлардаги тафовутлар.

Ишлаб чиқариш харажатларидаги эҳтимолли фарқлар (тафовутлар) таркибила биз дастлаб харажатларнинг мутлақ фарқларини куриб чиқамиз:

24- жадвал


Харажатларнинг мутлақ фарқлари

Корхона, мамлакат	Х маҳсулотига сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари	У маҳсулотига сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари
А	2500 сум	400 сум
Б	2200 сум	500 сум

А корхона томонидан ишлаб чиқарилган У маҳсулотга кетган харажатларни Б корхона билан таққослаганда бир оз кам, айна

вақтда Б корхона Х маҳсулотни бир оз кам харажат қилган ҳолда ишлаб чиқаришга эришган. Бу ерда иккала ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланадиган битта ва ўша товарга сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатлари таққосланган. Агар фақат иккита А ва Б корхона (мамлакат) ва фақат иккита маҳсулот, У ва Х булганда эди, А корхона У маҳсулот, Б корхона эса Х маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган буларди. А корхона У маҳсулотни сотар (экспорт қилар) эди ва Х маҳсулотни сотиб олар (импорт қилар) эди. В корхона Х маҳсулотни сотар (экспорт қилар) эди ва У маҳсулотни сотиб олар (импорт қилар) эди.

Ҳақиқатда эса бу анча мураккаб ҳолда бўлади, чунки иккита эмас, балки бир неча корхона (мамлакат)лар ва иккита маҳсулот эмас, балки кўп миқдорда турли хил маҳсулотлар мавжуд. Бу шунга олиб келадики, бизнинг А ва Б корхоналаримиз фақат айрим ҳоллардагина маҳсулотларни бевосита бир-биридан сотиб оладилар ва сотадилар. Одатда уларнинг сотиб олиш ва сотиш муносабатлари корхона (мамлакат)лар сони оз булган оддий биринчи мисолда кўрсатилганидек, „айирбошлаш доираси“да вужудга келади (3-чизма.)



3- чизма. Айирбошлаш доираси (товарлар оқимининг тасвири)

Ушбу чизмада ҳақиқатнинг қуйидаги томонлари (жиҳатлари) акс эттирилган:

* **биринчидан**, купчилик корхоналар айирбошлашни фақат (мавжуд корхоналардан) бир неча корхоналар билангина амалга оширадилар;

* **иккинчидан**, фақат озчилик корхоналар, мисолда кўрсатилганидек, Е ва Д бир-бирига маҳсулот сотадилар ва сотиб оладилар. Аммо, стрелкаларга асосланиб товарнинг қиймати ҳақида ҳеч қандай хулоса қилиш мумкин эмас. Жумладан, Е ва Д уртасидаги товарлар оқимининг қийматлари тенглиги аниқ эмас.

7.2. Халқаро савдода нисбий харажатлардаги тафовутлар

[110] Харажатлардаги мутлақ тафовутлар ишлаб чиқаришни ихтисослаштиради ва шу сабабли савдони фойдали қилади деган фикр деярли бемаънидир. Чунки, ушбу вазият қуйидаги ҳолатда унчалик яққол кузатилмайди: ихтисослашиш ва савдо шундай ҳолда фойдали бўлиши мумкинки, яъни, таҳлил қилинаётган турлича нисбий харажатларга эга товарлар мисолида мутлақ харажатлар афзаллиги фақат бир мамлакатдагина содир бўлади.

[111] „Қиёсий харажатлар назарияси“ деб аталадиган иқтисодиёт назариясидаги бу муҳим теореманинг асосчиси инглиз тадқиқотчиси Давид Рикардодир. У бу теоремани Англия ва Португалия уртасидаги вино ва газлама савдоси мисолида аниқ асослаб (курсатиб) берди. Биз бу мисолдан фойдаланамиз, аммо, унда акс эттирилган томонлар (жиҳатлар)нинг ҳаммасидан ҳам фойдаланмаймиз, масалан иш соатларидан қиймат сифатида фойдаланишдан воз кечамиз (25- жадвал).

25- жадвал

Харажатлар ва чиқим (сарф) нисбатлари

Мамлакат	100м газламага сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатлари	1 бочка винога сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатлари	Харажатлар нисбати газлама/ вино	Харажатлар нисбати вино/газлама
Англия Португалия	2800 сум 2500 сум	1400 сум 500 сум	2800:1400=2.0 2500: 500=5.0	1400:2800=0.5 500:2500=0.2

25- жадвалдан кўриниб турибдики, газламага ҳам, винога ҳам сарфланадиган (мутлақ) ишлаб чиқариш харажатлари Англияда Португалияга нисбатан кўп. Бир қарашдан Англия ва Португалия учун бу икки товарга нисбатан савдонинг узаро фойда келтириш имкони йўқдек туюлади. Лекин, кейинчалик биз кўрамизки, бу савдо бари бир афзаллик келтиради, чунки, Англия ва Португалия уртасидаги харажатлар нисбатан турлича.

Газлама ва вино ишлаб чиқариш харажатлари уртасидаги нисбат Англияда 2.0 ни, Португалияда эса 5.0 ни ташкил этади. (Вино/

газлама харажатлар нисбатини ҳам куриб чиқиш мумкин. У ҳам бу икки мамлакатда турлича (0.50 ва 0.20)).

Бу икки товар ишлаб чиқариш харажатлари уртасидаги нисбатни бир товар бирлиги баҳосининг бошқа товар бирлигида ифодаланиши деб тушунтириш мумкин. Бинобарин, Англияда газламанинг бирлиги винонинг 2.0 бирлигига мос келади, айти вақтда Португалияда эса газламанинг бирлиги винонинг 5.0 бирлигига тенг келади, яъни, газлама Португалияда анча қиммат туради. (Шунингдек, вино/газлама харажатлар нисбатини ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бу ўқувчи ихтиёрига ҳавола.)

Ишлаб чиқариш омиллари чекланган миқдорда булганлиги учун, айтиш мумкинки, Англияда газлама бирлигини ишлаб чиқариш 2.0 вино бирлигини ишлаб чиқаришдан воз кечишга олиб (мос) келади, айти вақтда Португалияда газлама бирлигини ишлаб чиқариш 5.0 вино бирлигидан воз кечишни тақозо этади. Ишлаб чиқариш харажатлари нисбатисидаги фарқ; ташқи савдонинг узаро фойда келтириши имконини очиб беради, жумладан, қуйидаги тартибда:

Португалия ва Англия 3 га тенг булган баҳолар нисбатига шартлашишлари (келишишлари) мумкин. Бу эса, газламанинг 1 бирлигини винонинг 3 бирлигига алмаштириш мумкинлигини билдиради. Бундай ҳолда Англиянинг газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисмини Португалияга экспорт қилиши ва ҳар бир экспорт қилинган газлама бирлиги эвазига 3 вино бирлиги олиши (яъни винони импорт қилиши) мумкин. Шунингдек, икки хил товарни ўзи ишлаб чиқаришида, газламанинг бир бирлигидан воз кечган ҳолда ишлаб чиқарса, Англия винонинг 2 бирлигини олган булур эди (қушимча ишлаб чиқаради).

Португалиянинг вино ишлаб чиқариш буйича ихтисослашиши ва уни қисман Англияга экспорт қилиб, бунинг ўрнига газлама импорт қилиши мумкин. Бунда импорт қилинадиган газламанинг бир бирлиги эвазига Португалия винонинг 3 бирлигини Англияга бериши керак. Ўз ишлаб чиқаришини амалга ошириб, Португалия бир газлама бирлиги учун 5 вино бирлигидан воз кечиши керак булур эди. Экспорт ва импорт товарларини айирбошлашда ўтказиладиган баҳолар нисбатини инглизча ибора „Terms of Trade“ билан белгиланади. Келтирилган мисолда икки мамлакат ҳам газлама, ҳам вино учун узаро фойдали „Terms of Trade“, ни топа олдилар. Бу нисбат 1/2 ва 1/5 оралиқда жойлашади.

Ихтисослашиш ва савдонинг афзаллиги (фойдалилиги) курилайётган вақтда (жадвалга қаранг) ушбу мамлакатлар ҳар бирининг мутлақ харажатлардаги афзаллик жиҳати юқорида курсатиб ўтилган товарнинг бири буйича характерланиши тушунтирилмайди. Мутлақ нуқтаи назардан Португалия иккала товарни ҳам оз харажатлар билан

(арзонроқ) ишлаб чиқарган буларди. Куриллаётган ҳолда ихтисослашиш ва савдонинг афзаллиги мамлакатлар уртасидаги газлама/винолар нисбий ишлаб чиқариш харажатлари билан боғланган фарқларда яққолроқ куринади. Бундай ҳолда қупинча „харажатларнинг қиёсий афзалликлари“ (ёки „чиқимларнинг қиёсий афзалликлари“) ҳақида гап юритилади. Бу афзалликлар газламага тааллуқли булганда Англия томонида, винога тааллуқли булганда эса Португалия томонида булади.

Мамлакатнинг катталиги (ҳудуди, аҳолиси, ижтимоий маҳсулоти) ташқи савдонинг афзаллигини (фойдалилигини) белгилашда унча катта роль уйнамайди.

Юқорида биз савдонинг афзаллигини (фойдалилигини) ёки фойдасизлигини асослаб берувчи баҳолар ёки харажатлар нисбати ҳақида гап юритдик. Амалда эса баҳолар нисбати булмайти, аммо товарлар валютада ифодаланган баҳоларга (нархларга) эга. Агар назарда тутиллаётган икки мамлакатдаги товар ва валюталар бозори ташқаридан таъсир булмаган вазиятда (масалан, давлат томонидан) таққосласак, иқтисодиёт назарияси — бу мамлакатлардан бирининг валютасида ифодаланган уша товарларнинг пул қиймати бир-бирига юқорида курилган харажатлар нисбати каби айнан шу нисбатдай булишини кўрсатади.

7.3. Харажатлардаги тафовутлар сабаблари

[112] Бу булимнинг охирида яна бир савол қуйиш мумкин: нима учун мамлакатлардаги мутлақ ва нисбий характерда булган харажатлар уртасида фарқлар (тенгсизлик) булади. Бу қуйидаги сабаблар билан тушунтирилади:

Биринчи навбатда, ишлаб чиқариш омилларининг нисбий етарлилиги умуман, уларнинг мавжудлигини таъкидлаш лозим. Масалан, капитал билан яхши (етарли) таъминланган мамлакатнинг, кўп меҳнат талаб қиладиган товарларни ишлаб чиқариш жараёнида қиёсий камчиликлари (етишмаслик) булган бир пайтда кўп капитал талаб қиладиган ишлаб чиқаришда харажатларнинг қиёсий (солиштирма) афзаллигини сезади (аниқлайди).

Иккинчидан, харажатлар қисмидаги афзалликларни аниқлашда (нисбий) миқдор билан бирига мавжуд ишлаб чиқариш омилларинини (нисбий) сифати ҳам катта роль уйнайти. Масалан, ресурсларга бой булган ёки қулай иккиламчи булган мамлакатлар кўпроқ бирламчи (ашёвий) товарларни, бошқа мамлакатлар эса саноат товарларини ишлаб чиқарадилар.

Ва ниҳоят, ихтисослашиш ва савдо харажатларидаги ҳали мавжуд булмаган ёки булганда ҳам бунчалик қуламда булмаган афзалликларига олиб келиши мумкин. Бундай ҳол икки сабабга кура

тушунтирилади. Бир томондан, ишлаб чиқариш жараёнида уқув самаралари (билим олиш ва тажриба орттириш) пайдо бўлади. Ишчилар ҳам, раҳбарият таркиби ҳам ишлаб чиқариш жараёнида билимларини оширадilar. Вақт ўтиши билан улар узларининг самараларини ошириш қобилиятига эга бўладilar. Савдонинг бундай таъсири инглизча „Learning by doing“ ифодаси билан белгиланади. Шундай қилиб, ихтисослашиш уқув самараларига олиб келади, усиз уқув самараси бўлмас эди.

Ўқув самараси дарҳол пайдо булмаган (сезилмаган) пайтда асосини ихтисослашиш ташкил этган харажатлардаги бошқа бир афзаллик вақт ўтиши билан, ихтисослашиш туфайли мумкин булган оммавий ишлаб чиқариш афзалликлари эвазига (ҳисобига) „дарҳол“ сезилади. Бу самара инглизча „economies of scale“ ифодаси билан белгиланади.

7.4. Халқаро савдонинг ривожланиш тарихи

[113] Ушбу булимда уқувчи бутун дунёда ташқи савдога қандай аҳамият берилиши, асримизнинг 50-йилларидан бошлаб савдо ҳажми қандай ўзгарганлиги, қандай товарлар халқаро савдода айниқса муҳим роль ўйнаши, асосий хомашё баҳосининг (нархининг) қандай ўзгарганлиги ва алоҳида мамлакат учун ташқи савдо қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги тушунчаларни олади.

26- жадвал

Дунё савдосининг ривожланиши

Йил	Экспорт қиймати млрд.\$ (FOB)	Олдинги йилга нисбатан экспортнинг %да ўзгариши			Ишлаб чиқариш 1963=100 (реал)	Ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқаришнинг %да ўзгариши
		Қиймат	Баҳо	Миқдор		
1	2	3	4	5	6	7
1960	127	11.6	4.7	6.9	100	
1961	134	5.5	-0.9	6.4		
1962	141	5.2	-0.9	6.1		
1963	154	9.2	3.5	5.7		
1964	172	11.7	0.9	10.8		
1965	186	8.1	0.8	7.3		
1966	204	9.7	0.6	9.1		
1967	215	5.4	1.2	4.2		
1968	239	11.2	-0.8	12.0		

Давоми

1969	174	14.6	2.1	12.5		
1970	313	14.2	6.3	7.9		
1971	350	11.8	4.5	7.3		
1972	425	21.4	13.2	8.2		
1973	574	35.1	22.5	12.6	180	
1974	836	45.6	42.1	3.5	180	2.8
1975	873	4.4	7.5	-3.1	183	-1.1
1976	991	13.5	2.3	11.2	196	7.1
1977	1125	13.5	9.2	4.3	205	4.6
1978	1303	15.8	10.2	5.6	214	4.4
1979	1635	25.5	19.9	5.6	222	3.7
1980	1990	21.7	20.0	1.7	224	0.9
1981	1963	-1.4	-1.5	0.1	226	0.9
1982	1844	-6.1	-4.5	-1.6	223	-1.3
1983	1809	-1.9	-4.0	2.1	230	3.1
1984	1907	5.4	-3.4	8.8	245	6.5
1985	1924	0.9	-2.7	3.6	252	2.9
1986	2119	10.1	6.6	3.5	259	2.8
1987	2528	19.3	12.3	7.0	266	2.7
1988	2876	13.8	4.8	9.0	280	5.3
1989	3095	7.6	0.8	6.8	291	3.9
1990	3342	8.0	3.0	5.0	296	1.8
1991	3508	5.0	2.0	3.0	293	-1.0
1992	3744	6.7	1.8	4.9	296	1.0
1993	3748	0.1	-4.5	4.6	302	2.0

Уртача йиллик ўсиш:

— экспорт қиймати 11.61%;

— экспорт миқдори 5.91%;

— ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори 2,65%.

Манба: ГАТТ, Халқаро савдо статистикаси, 1994

Халқаро экспортнинг ривожланиши ута узгарувчан булиб, унинг ўсиш даражаси халқаро ишлаб чиқаришнинг ўсиш даражасидан юқори бўлган. Халқаро экспорт нархларида катта узгаришлар (тебранишлар) кузатилмоқда. Уртача олганда халқаро экспорт халқаро ишлаб чиқаришга нисбатан тез ўсади, аммо умуман олганда уларнинг ўсиш суръати бир-бирига мос келади. Мамлакатларнинг халқаро савдодаги турлича иштироки 27- жадвалда келтирилган.

Халқаро савдонинг минтақавий таркиби (%) ва 1992 йил %да

Экспорт ...га ...дан	Йил	СМ	РМ	ОПЕК	Шарқий Европа	Халқаро экспорт- даги ҳиссаси
1	2	3	4	5	6	7
Саноат	1980	45	11	5	2	63
Мамлакат- лари (СМ)	1992	54	13	3	2	72
Ривожлан- ган	1980	9	3	1	1	14
Мамлакат- лар (РМ)	1992	11	8	1	1	21
ОПЕК	1980	12	3	0	0	15
	1992	3	1	0	0	4
Шарқий Европа	1980	2	2	0	4	8
	1992	1	0	1	1	3
мамлакатла- ри ва собиқ СССР						
Ҳамма	1980	68	19	6	7	100
мамлакат- лар	1992	69	22	5	4	100

„0“ — 0.1%дан кичик. Манба: БМ. Йиллик статистика, 40-нашр, 1995- йил.

Кўриниб турибдики, охириги 11 йил ичида ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро экспортдаги ҳиссаси 14 дан 20%гача, яъни, 6 пунктга, ёки 40%дан кўпроққа кўпайган. Шарқий Европанинг халқаро экспортдаги ҳиссаси камаётган бир пайтда саноати ривожланган мамлакатлар халқаро экспортда ўзларининг юқори даражасини (ҳиссасини) сақлаб қола олдилар. Бундан ташқари, 27-жадвал бизга мамлакатларнинг иқтисодий яқинлашишини кўрсатади. Саноати ривожланган ва Ғарбий Европа мамлакатлари бир-бирлари билан анча интенсив савдо олиб борадилар, айти вақтда ривожланаётган мамлакатлар ва ОПЕК мамлакатлари яқин савдо муносабатларини ўзининг минтақасидаги мамлакатлар билан эмас, балки саноати ривожланган мамлакатлари билан ўрнатадилар.

28- жадвал бизни халқаро савдода айниқса муҳим роль уйнайдиган товарлар ҳақида хабардор қилади. Бу товарлар маълум гуруҳларга таснифланган ва бирлаштирилган. Жадвалда кўрсатилган рақамлар „маҳсулот товарлар баҳоси (нархи)“ формуласидан келтириб чиқарилган (28- жадвал).

28- жадвал

Халқаро экспорт товарларининг энг муҳим гуруҳлари

Маҳсулот	1983	1993
Қишлоқ хужалик маҳсулотлари	14,6	12
Озиқ-овқат маҳсулотлари	11.1	9.5
Хомашё	3,5	2.5
Фойдали қазилмалар	24.3	11.9
Металлар ва рудалар	3.8	3.1
Нефть	20.5	8.8
Саноат товарлари	57.2	73.4
Темир ва пўлат	3.4	3
Кимё саноати маҳсулотлари	7.4	9
Бошқа ярим фабрикатлар	6.4	7.5
Станоклар	28.8	37.8
Транспорт маҳсулотлари	2.7	3.2
Туқимачилик маҳсулотлари	2.2	3.7
Кийим-кечак ва бошқа кенг истеъмол моллари	6.3	9.2
Бошқа таснифланмаган маҳсулотлар	3.9	2.7
Жами	100	100

Манба: GATT Халқаро савдо, тенденциялар ва статистика. Женева, 1994 йил.

28 жадвал маълумотларидан куриниб турибдики, асооб-ускуналар ва автомобиллар халқаро савдода етакчи роль уйнайдилар. Товарларнинг бошқа гуруҳлари қаторида ҳам ўсиш суръати кузатилади. Аммо нефтнинг халқаро савдодаги улуши (ҳиссаси) 1983 йилдан 1993 йилгача булган даврда кескин камайган.

Юқорида келтирилган жадвалда хомашёга ҳам катта аҳамият берилади. Бу товарларга булган халқаро баҳоларнинг ўзгариши кўпчилик мамлакатлар учун катта роль уйнайди, чунки деярли ҳар бир мамлакат ушбу гуруҳнинг у ёки бу товарига нисбатан импортёр ёки экспортёр булади. (Бошқача сўз билан айтганда: фақат жуда озчилик мамлакатларгина ушбу товарлар бўйича экспортёр ва импортёр була олмаслиги мумкин.) Қуйида келтирилган 29- жадвал асосида энг муҳим хомашё ва қишлоқ хужалиги маҳсулотлари бўйича халқаро баҳоларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.

**Энг муҳим хомашё ва қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари
бўйича халқаро баҳоларнинг ўзгариши (индекс, 1980=100)**

Маҳсулотлар	1950	1960	1970	1975	1980	1985	1990	1995
Озиқ-овқат маҳсулотлари		32.1	38.4	76.5	100	74.9	81.1	92.2
Гурунч	31.5	29.6	33	83.7	100	50.1	66.2	75.5
Қанд	30.5	25.1	23	69.9	100	72.4	120	141.4
Ичимликлар:	24.2	28.4	31.8	45.7	100	88.3	53.3	80.5
Кофе		22.3	30.8	34.5	100	72.3	40.9	86.2
Чой		64.3	49	62	100	89	91.1	73.6
Хомашё:								
Муйна	—	29.8	28.1	50.7	100	111.5	200.9	192.1
Жун	—	62.7	86	118.3	100	222.7	156.1	127.1
Пахта	44.2	47.5	30.9	55.5	100	72.2	86.8	103.4
Мис	22.5	31	64.6	56.6	100	64.9	121.9	134.3
Рух	36.8	33.4	34.6	104.8	100	108.3	209.9	142.5
Нефть	6	5.2	4.5	37.4	100	95.8	78.3	58.5

Манба: IMF. Халқаро молиявий статистика, 1986 ва 1991 й.
Йиллик ҳисобот. IMF. Халқаро молиявий статистика, 1996 й. Май.
ХСІХ № 5.

Ушбу жадвалдан куришиб турибдики, баҳоларнинг энг катта сакраши нефтда кузатилди, яъни 1970 йилдан 1980 йилгача унинг баҳоси 20 баробар (4.5 индексдан 100 индексгача) ошди: 1975 йилдан 1990 йилгача мўнанинг баҳоси 4 баробар ошди. Шунингдек, баъзи бир маҳсулотлар баҳоларининг сезиларли пасайганлигига ҳам эътибор бериш керак.

Халқаро савдо алоҳида олинган мамлакатлар учун қандай аҳамиятга эга? Бу саволга турлича жавоб бериш мумкин. Бошланғич асос қилиб, биз у ёки бу мамлакат экспорти билан унинг ижтимоий маҳсулоти нисбатини оламир (30-жадвал).

30-жадвал

**Танланган мамлакат ва минтақалар нисолда экспорт ва
миллий брутто - маҳсулот нисбати (%да)**

Мамлакат	Йил	1960	1970	1980	1990	1995
АҚШ		5	6	10	10	11
Япония		12	11	15	11	9

Давоми

Германия	20	23	28	32	33
Люксембург	85	90	78	97	89
Россия	-	-	-	62	28
Польша	-	-	-	29	24

Манба: ИМФ. Савдо молиявий статистика йиллик статистикасига илова. 1995 й. ИМФ. Халқаро ҳисобот. 1995 йил.

Юқоридаги жадвалда Люксембург кичик мамлакатлар вакили сифатида тасодифан киритилгани йўқ. Унинг экспорти ялпи миллий маҳсулот миқдорига деярли 100%га яқинлашди. Мамлакат қанчалик кичкина бўлса, унинг етиштирган товарлари давлат чегараларига шунчалик тез чиқади ва экспортга айланади. Россияга тегишли бўлган маълумотлар жадвал остида кўрсатилган манбалардан олинган, зеро бу маълумотлар туғрилиги шубҳалидир. Россия каби бундай йирик мамлакат учун 62% рақами ута юқори ҳисобланади. Аммо 62%дан 28%га пасайишини ҳам тушуниш қийиндир. Бу мисол ХВЖ (МВФ) каби таниқли ташкилотларнинг статистикалари ҳам баъзи ҳолларда шубҳа туғдиришининг исботи ҳисобланади.

7.5. Очиқ иқтисодиёт ва миллий сётлар тизими

[114] „Очиқ“ иқтисодиёт тушунчаси ўқувчини бироз адаштиради. Ҳар қандай ҳолда ҳам у одамларга ва товарларга нисбатан чегара назорати қанчалик қатъий белгиланганлиги ҳақида ҳеч қандай мулоҳаза учун фикр бермайди. Бу тушунча замирида бошқа мамлакатлар билан бирор шаклда ва бирор кўламда савдони амалга оширадиган мамлакатлар яширинган. Шу маънода дунёнинг деярли ҳар қандай мамлакати „очиқ“ иқтисодиёт тушунчаси доирасига тушади. Бунга қарама-қарши, „ёпиқ“ иқтисодиёт, яъни, унда ташқи савдо бўлмайди, амалга деярли учрамайди. Бунинг натижасида очиқ ва бутунлай ёпиқ иқтисодиёт ўртасидаги фарқ амалий мулоҳазалар нуқтаи назардан ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Аммо ташқи иқтисодий муносабатлар қандай роль ўйнашини ва уларнинг давлатга қандай иқтисодий таъсир кўрсатишини тушуниш учун бу фарқнинг аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик мумкин эмас. Биз „очиқ“ ва „ёпиқ“ иқтисодиётларни таққослаб, тушунчамизни янада чуқурлаштиришимиз мумкин.

Ушбу параграфда биз қуйидаги мантиқий қадамларни амалга ошираемиз: аввал (а) биз миллий сётлар тизимининг энг муҳим узаро боғланишларини, жумладан, ёпиқ иқтисодиёт мисолида умумлаштираемиз. Сунгра, (б) биз уз хулосаларимизга ва фикрлари-

мизга ташқи иқтисодий муносабатларини қушамиз, яъни, очиқ иқтисодиётга утамиз. Ва, ниҳоят (в) у ёки бу мамлакатларнинг ташқи иқтисодий муносабатлари статистика томонидан қандай қайд қилинади, деган саволга жавоб беришга уриниб қурамиз.

А) Ёпиқ иқтисодиётда миллий счётлар тизими

[115] Мамлакатнинг ижтимоий брутто-маҳсулоти (яъни ижтимоий маҳсулот) бозорда истеъмолчига сотиладиган товар ва хизматларнинг эришилган қийматини билдиради. Бундай товар ва хизматлар истеъмол товарлари ва хизматларига (одатда, формулаларда улар С ҳарфи билан белгиланади), инвестицион товарларга булинади. Агар инвестициянинг брутто-баҳоси амортизация ҳисобига пасайса, у ҳолда I ҳарфи билан белгиланадиган нетто-инвестиция ҳосил булади. Барча истеъмол плюс **нетто-инвестиция**. У ижтимоий нетто-маҳсулотни беради.

Пировард истеъмолчи ролини товарлар сотиб олувчи хусусий хужаликлар, инвестицион товарлар сотиб олувчи ва ишлаб чиқарувчи хусусий корхоналар, шунингдек, давлат (ёки унга тегишли булган ҳукумат ва барча ташкилотлар) уйнайди. Давлат нимаики сотиб олса, барчаси (истеъмол товарлари, хизматлар, инвестициялар) асосан истеъмол сифатида қаралади.

Агар товарларнинг бозор нарҳини сотиш баҳосига эмас, балки ишлаб чиқариш харажатларига қараб ҳисоблаб чиқсак, у ҳолда ишлаб чиқариш омиллари буйича **ижтимоий нетто-маҳсулотни** ҳосил қиламиз. Корхоналар нуқтаи назаридан бундай ҳисоблаш ишлаб чиқариш харажатларини, хусусий хужаликлар нуқтаи назаридан эса, миллий даромад деб аталадиган ишлаб чиқариш жараёнида пайдо буладиган даромадни ифодалайди.

[116] Миллий даромад ижтимоий нетто-маҳсулотдан билвосита солиқлар ва субвенция фарқига тенг миқдорда кам булади. Чунки, товарларнинг (корхонада) белгиланган баҳолари ишлаб чиқариш харажатларидан билвосита солиқлар миқдорига куп (юқори) (ёки субвенция миқдорига оз). Билвосита солиқлар ва субвенциялар фарқига тенг миқдор билан тулдирилган миллий даромаддан истеъмол товарлари ёки мулк сотиб олишга, яъни, жамғарма (5) учун фойдаланиши мумкин.

Бир корхона узининг пировард маҳсулотини (С ёки I) тайёрлаш учун бошқа корхонадан сотиб олган дастлабки маҳсулотлари ва ярим фабрикатларини алоҳида ҳисобга олмайди, чунки, бу иккиламчи ҳисобни талаб қилган буларди. Дастлабки маҳсулотларнинг қиймати пировард маҳсулотларда ифодаланган.

Энг муҳим ўзаро боғланишларни қуйидаги тенгламалар ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$(1) Y=C+I$$

$$(2) Y=C+S$$

$$(3) S=I$$

Ишлаб чиқариш истеъмол ва инвестицион товарларга булинади (1). Ишлаб чиқаришда яратилган даромад истеъмол учун ёки жамғарма учун фойдаланилади (2). Маҳсулотнинг сарфланмаган қисми инвестиция қилинади (3).

Жамғарма ва нетто-инвестицияни аниқлашдаги ухшашлик шунга олиб келадики, омбор захиралари, уларни режалаштирилганлигидан қатъи назар инвестициялар сифатида қаралади.

Одатда (1), (3)-тенгламаларда давлат харажатлари алоҳида акс эттирилади. C , I ва S иқтисодий катталиклари уларнинг хусусий C^p , I^p , S^p ва давлатга оид C^s , I^s , S^s таркибий қисмларга булинади. Қуйидаги кўринишга келадиган тенгламалар ҳосил қиламиз.

$$(1) Y=C^p+I^p+G \quad (G=C+I)$$

$$(2) Y= C^p+ S^s+S^p+S^s$$

$$(3) S^p+S^s = I^p+I^s$$

В) Очiq иқтисодиётда миллий сётлар тизими

[117] Очiq иқтисодиётда ИБМ (ижтимоий брутто-маҳсулот) нинг таркибий қисмлари аниқланаётганда товар ва хизматлар экспортини ҳамда импортни ҳисобга олишимиз керак. Биз юқорида эътибор берган иқтисодий субъектларнинг уч гуруҳидан ҳар бири (хусусий хужалик, инвесторлар ва ҳукумат) уз мамлакатида ишлаб чиқарилган товарлар билан бир қаторда импорт товар ва хизматларидан ҳам фойдалана олдилар. Бундан ташқари, мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга талаби булган иқтисодиёт субъектларининг яна бир гуруҳи мавжуд — бу хорижий иқтисодиёт субъектлари гуруҳидир. Шундай қилиб, ИБМ (ижтимоий брутто-маҳсулот) қуйидаги қисмлардан таркиб топади:

$$(4) C_n+C_r+I_n+I_r+X$$

„ n “ мос равишда мамлакатда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни билдиради (инглизча „home“дан) „ r “ эса чет элда ишлаб чиқарилган товарларни (инглизча foreign), X иқтисодий хорижий субъектларининг мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга булган талаби, яъни, экспортни англатади.

(4) тенгламада саналган компонентларни ИБМга тенглаб булмайди (биз буни қилмадик). Бунинг сабаби шундаки, мамлакат иқтисодиёти субъектлари томонидан хорижий товар ва хизматлардан фойдаланишидадир, яъни, C_r , I_r мамлакатдаги ишлаб чиқаришга тўғри келмайди ва мамлакат миллий даромадидан ошмайди. Муҳими бу — хорижий ишлаб чиқаришнинг ва миллий даромаднинг усишига имкон беради. ИБМни аниқлаш мақсадида биз атаган катталикларни (4) тенгламадан айириб ташлаш керак.

$$(5) V = C_h + C_f + I_h I_f + X - (C_r + I_r)$$

Энди, биз бу тенгламани бироз содалаштираемиз:

$C_h + C_f$ ўрнига C ни ёзамиз

$I_h + I_f$ ўрнига I ни ёзамиз

$C_r + I_r$ ўрнига M ни ёзамиз.

(M импортни билдиради) Қуйидаги тенгламани ҳосил қилаемиз.

$$(6) Y = C + I + X + M \text{ ёки}$$

$$(6) Y = C_p + I_p + G + X - M$$

(6) тенглама очиқ иқтисодиёт ижтимоий маҳсулоти истеъмол товарлари, инвестициялар ва экспорт ортигидан тўзилганлиги ҳақида далолат беради. Агар импортни чапга кучирсак, у ҳолда айтиш мумкинки, мавжуд (ихтиёрда) бўлган мамлакат ишлаб чиқаришининг (Y) ва хорижий ишлаб чиқаришнинг купчилиги (M) товарлари истеъмол учун, ёки инвестициялар учун, ёки экспорт учун фойдаланилади. (6) тенглама ҳам ёпиқ иқтисодиёт мисолидаги каби истеъмолни (C) ва инвестицияларни (I) хусусий истеъмолга (C^p) ва хусусий инвестицияларга (I^p) шунингдек, истеъмол товарларга ва инвестицияларга сарфланган давлат харажатларига (G) бўлинади.

Мамлакат иқтисодиёти доирасида жамғарма тенгламасига мукамалроқ тўхталиб ўтамиз. Жамғармалар ва истеъмолдан воз кечиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик унчалик яққол кўринмайди. Токи мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулот бутунлай истеъмол қилинмас экан, унинг ортиги эса, хориж ихтиёрига текинга берилар экан, ўз мамлақати фуқароларининг мулки кўпаймайди, гарчи истеъмолдан воз кечилса ҳам. Бундай текин „ўтказишлар“ истеъмолдан воз кечиш ва мулкнинг тўпланиши (йиғилиши) ўртасида чегара ўтказилади. Бундай ўтказишларнинг энг муҳим шакллари булиб („меҳмонлар“ деб аталадиган) чет эл ишчиларининг мамлакатга пул ўтказишлари, шунингдек ривожланаётган мамлакатларга ёрдам учун мўлжалланган тўловлар ҳисобланади. Бу (7) тенгламада акс эттирилган, бу ерда U текин ўтказишларни билдиради.

$$(7) S = Y - C - U$$

(6) ва (7) тенгламалардан очиқ иқтисодиёт оборотининг муҳим аниқланиши келиб чиқади.

$$(8) S = I + (X - M - U)$$

Иқтисодиёт доирасида жамғариш узининг таърифига кура иқтисодий нетто-инвестицияларга ва жорий моддалар балансининг ортиқчасига мос келади. Агар қавс ичига олинган натижа мусбат булса, у ҳолда у ёки бу мамлакатнинг жорий моддалари баланси ортиқчага эга бўлади. Келгусида биз текин ўзгаришларни ҳисобга олмаймиз, чунки уларни балансадаги ҳиссаси жуда кичкина, яъни $U = 0$, унда (8) тенглама содалашади:

$$(9) S = I + X - M$$

(3) тенглама билан солиштириб, муҳим натижа олганлигимизни

курамиз. Бу натижани тушунтириб, айтиш мумкинки, очиқ иқтисодиётда жамғариш жараёни, яъни моддий қийматларда миллий бойликнинг усиши, нафақат реал капитал (инвестиция) тўплаш шаклида ва миқдорида бўлиши мумкин. **Жамғармалар экспорт ортиқчаси** (экспортнинг импортдан ортиб кетиши $X > M$) ҳисобига ҳосил бўлиши ва бу билан реал капитал (I) тўпланишидан узиб кетиши мумкин. Инвестицияларнинг жамғармалардан бунда ортиб кетиши импорт ортиқчаси ҳисобига ($M > X$) амалга ошади.

В) Ташқи иқтисодий алоқа ва тўлов баланси

[118] Вақтнинг маълум даврида мамлакат ва хориж уртасида амалга оширган **трансоперациялар** статистика томонидан **тўлов баланси**да акс эттирилади. Барча аниқланадиган курсаткичлар узлуксиз ҳисобланади, шунинг учун ҳам „баланс“ сўзининг танланиши унчалик туғри эмас. Аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг икки ёқлама ёзув усулида амалга оширилади. Одатда, тўлов баланси куйидаги компонентлардан тузилган бўлади:

31-жадвал

Тўлов баланси бўлимлари

А. Жорий моддалар баланси.

I. Савдо баланси

- товарлар экспорти (+)
- товарлар импорти (-)

II. Хизматлар баланси (туризм, юк ташиш, кредит фоизлари, лицензион йиғимлар, қўшинлар жойи учун тўловлар)

- хизматлар экспорти (+)
- хизматлар импорти (-)

III. Утказиладиган баланс (ҳадя қилиш, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам, ишчи-иммигрантларнинг пул ўтказишлари ва ҳоказо)

- утказиладиган экспорт (+).
- утказиладиган импорт (-)

Б. Капитал ҳаракати баланси.

- I. Капиталнинг узоқ муддатли айланиши
- II. Капиталнинг қисқа муддатли айланиши

В. Туғриловчи ва компенсацияловчи позициялар.

Г. Олтин ва валюта захиралари балансининг саяьдоси

Юқорида келтирилган жадвалда А бўлим (жорий моддалар баланси) анча мукамалроқ тавсифланади. Б бўлим (капитал ҳаракати баланси) умумлашган ҳолда берилган.

Бухгалтерия ёзувларининг бир неча мисолларида батафсилроқ тўхталамиз:

* кредитга экспорт: А I бўлимидаги ёзув; Б II бўлимидаги туғриловчи ёзув (қушимча талаблар).

* экспорт товарларини импорт товарларга айирбошлаш: А I бўлимидаги иккита ёзув.

* тезкор кредит ёзувларининг тулови: А II бўлимидаги ёзув, Б II бўлимидаги туғриловчи ёзув. Марказий банкдан валюта сотиб олишда: Г да туғриловчи ёзув, валютанинг оқиб келиши.


* чет мамлакатлардан узоқ муддатли кредитлар олиш: Б I бўлимидаги ёзув, Б II бўлимидаги туғриловчи ёзув. (Марказий банкдан валюталар сотишда:

Г да туғриловчи ёзув валютанинг оқиб келиши.

7.6. Савдони чеклаш турлари, воситалари ва мақсадлари

[119] I- бўлимда биз кўрдикки, харажатларнинг ҳар хил бўлган нисбатларида савдо икки томон учун ҳам фойдали ҳисобланади, яъни савдо қилмасликдан кура, қилиш яхшироқдир. Бироқ, мушкул чекланмаган савдонинг, яъни эркин савдонинг ҳар бир савдо шериклари учун чекланган савдодан кура яхшироқ (афзалроқ) эканлиги ҳақидаги исботни фаразлардагина топиш мумкин. Иқтисодиёт назариясининг ҳар хил аргументлари қанчалик ишонтирувчи кучга эга бўлмасин, амалиётда одатда, ҳукуматлар таъсири билан чекланган ташқи савдо амалга оширилади. Ушбу бўлимда қуйидаги саволлар қўйилади: аввал (а) биз чеклашларнинг (тусиқларнинг) қандай воситалари (усуллари) борлигини аниқлаймиз ва сўнг (б) савдо чеклашлари буйича (эвазига) ҳукуматлар қўзлаган мақсадларга тўхталамиз.

А) **Савдони чеклаш воситалари.** Савдони чеклашларининг асосий воситаси булиб **тариф баръери** (инглизча tariff barrier) деб аталадиган **божхона пошлинаси** ҳисобланади. У чегарадан ўтказиладиган товарни солиққа тортишдан иборат, бу товарлар ўз навбатида экспорт каби импортга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. 8-графикда бу усулнинг ҳаракатланиш механизми тасвирланган (импортга бўлган божхона пошлинаси мисолида).



8-график. Божхона пошлинасининг импортга таъсир механизми (катта бўлмаган мамлакат).

Графикда „А“ деб белгилаб олинган, яъни таҳлил қилинаётган мамлакатнинг талаб ва тақлиф (S - тақлиф, инглизча „supply“ ва D — талаб, инглизча „demand“дан) чизиқлари кўрсатилган. А мамлакат биз танлаган маҳсулотнинг халқаро баҳосига P_1 ҳеч қандай таъсир курсата олмайди, чунки у нисбатан „кичкина“ мамлакат ҳисобланади (агар унинг қаралаётган маҳсулотга тааллуқли имкониятларини ҳисобга олса). Бунда эркин савдо шароитида AB кесмага мос келувчи импорт юзга келади. Агар ҳукумат импортга маълум божхона пошлинасини солса, унда шу мамлакатда ишлаб чиқарилган, чиқим (харажат) нуқтаи назаридан ҳатто камроқ фойдали маҳсулотлар ҳам бозорда ушланиб туриши мумкин, натижада мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми сотилиши A миқдорга, яъни GE кесмага кўпайди. Бироқ, юқори баҳо туфайли харидорларнинг талаби GB гача яъни GF гача камаяди. Импорт AB дан EF гача қисқаради. Давлатнинг божхона туловлари ($P_1 - P_w$) EF ни ташкил қилади. Лекин, божхона пошлинасининг солиниши (киритилиши) умуман олганда, бутун иқтисодиёт учун даромад яратмайди (келтирмайди.) Миллий даромад фақат давлат ва бир томондан иқтисодиётнинг имтиёзли секторлари ва бошқа томондан имтиёзли бўлмаган секторлар уртасида қайта тақсимланади.

Агар биз мисолимизда „йирик (катта)“, яъни танланган товарнинг халқаро баҳосига таъсир курсата оладиган мамлакатни олиб қараганимизда эди, у ҳолда халқаро баҳога, яъни импорт қилувчи мамлакатнинг харид қилиш баҳосига булган таъсирнинг кўшимча фойдали самараси юзга келарди. Бу самарани шундай тушунтириш мумкин: чет эллик сотувчилар баҳонинг кутарилиши натижасида A мамлакатдаги клиент (мижоз)лардан ажраб қолмаслик учун баҳони туширишга (пасайтиришга) интиладилар, яъни импортта солинадиган божхона пошлинасининг бир қисмини узларининг зиммасиларига оладилар.

[120] Халқаро савдони эркинлаштириш (либерализация қилиш)нинг узоқ жараени давомида кўпчилик ривожланган sanoat мамлакатлари узларининг таъриф чеклашларини пасайтирадилар. Айни вақтда у мамлакатлар ҳукуматлари **тарифсиз чеклашлар** деб аталадиган савдо чеклашларининг бошқа турини яратиш бўйича катта ихтирочилик қилишди. Бундай турдаги энг муҳим чеклашларга тўхталамиз. **Импорт квотаси (шунингдек, экспорт квотаси)** узининг таъсири бўйича божхона пошлинасига жуда ухшайди. Улар таъсирининг механизмини 8-график асосида осонгина таҳлил қилиш мумкин. Баҳонинг божхона тарифи ҳисобига P_w дан P_1 гача кутарилиши урнига ҳукумат фақат EF миқдорига товар киритилишига йўл қўяди (бу ерда мавзуну чуқурроқ урганиш мақсадида ўқувчида бир қатор саволлар пайдо булади, бу саволлар бобнинг охирида санаб утилган.)

Тарифсиз чеклашларнинг яна бир янги воситаси сифатида **ўзини ўзи чеклаш усули** пайдо бўлади. Бу иборанинг асл мақсадига кўра уни қуштирноқ ичига ёзиш керак эди. Экспорт қилувчи мамлакат ўзини бундай чеклашга расмий равишда интилса ҳам, барибир кўпчилик ҳолларда бундай чеклашлар гоёси импорт қилувчи мамлакатдан чиқади. Ўзини ўзи чеклаш моҳияти шундан иборатки, экспорт қилувчи мамлакат ҳукумати ўзининг экспорт қилувчи корхоналаридан савдо партнерлари бозорига экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг маълум йиллик ҳажмидан (қиймати ёки миқдорида) ошиб кетмасликни талаб қилган ҳолда уларга таъсир курсатади.

Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдаланиш лимитини белгилаш ҳам савдони чеклашнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Бу чеклаш аллақачон ривожланаётган мамлакатлар томонидан уйлаб чиқилган ва уларнинг кенг амалиётида қўллана бошлаган эди. Бугунги кунда бундай чеклашдан кўпгина саноат мамлакатлари фойдаланмоқда. Бу чеклашнинг таъсири шундан иборатки, импортга, аввало, маълум саноат товарлари импортига фақат шундагина рухсат бериладики, қачонки импорт қилинадиган товар ўз ичига мамлакатда ишлаб чиқарилган **маҳсулотларнинг минимал ҳиссасини** (мамлакатда яратилган қийматни) олса.

Ва, ниҳоят, савдо чеклашлари ролини субсидиялар (субвенциялар, дотациялар) уйнайди. Уларни ҳукумат ўзининг импортчилари билан халқаро рақобатда бўлган корхоналарига тулайди. Бундай турдаги дотациялар (сунъий равишда бўлса ҳам) мамлакат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширади ва бунинг ҳисобига субвенциясиз пайдо бўладиган импортни қисқартиради.

[121] Б) савдони чеклаш(лар)нинг мақсадлари.

Савдони чеклашларнинг таъсир воситаларини тушунтириш билан биз бир неча марта улардан кузладиган самараларни, яъни мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички бозорда сотилишини ошириш йўли билан мамлакат ишлаб чиқариши учун мусбат самарани олиш асосий мақсад эканлигини эслатдик. Бу эса чеклаш тадбирларининг муҳим мақсади саналади.

Юзаки қараганда бу мақсадга эришишга интилиш ўз - ўзидан ҳукуматнинг маълум мажбурияти ҳисобланди. Агар бу ёндошувга мукамалроқ тўхталсак, у ҳолда бу мақсад бундай ўз - ўзидан англандиган бўлиб қуринмайди. Бунда қатор сабаблар бор.

Биринчидан, ихтисослашиш имкониятлари тула фойдаланилмайди (1-булимга қаранг). Савдо чеклашларида миллий даромад бўлиши лозим бўлган даражадан паст.

Иккинчидан, ҳисобга олиш керакки, А мамлакат импорти бошқа савдо партнерининг экспорти ҳисобланади ва айни вақтда унинг импорт имкониятларининг усишига ва бу билан А мамлакат экспорт

имкониятларининг ошишига имкон яратади. Бунинг негизида шу ҳақида хулоса келиб чиқадики, савдо чеклашлари савдони чеклаган мамлакат экспорт имкониятларини бой берганлигини билдиради, у мамлакат бунинг эвазига оқибатда ўзига ўзи зарар еткази.

Учинчидан, мамлакат экспортининг бу мамлакат томонидан савдога киритилган чеклашлар эвазига пасайиши бошқа занжирлар орқали ҳам (пайдо булиши) юз бериши мумкин. Агар импорт экспорт товарларини ишлаб чиқариш учун фойдаланилса, у ҳолда импортга бўлган юқори баҳолар экспортга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Импорт товарлари булган юқори баҳолар ишлаб чиқариш омилининг **реаллокациясини** вужудга келтириши ва экспорт товарлари таклифини пасайтириши мумкин. Экспортга таъсир этувчи айирбошлаш курсининг тебранишлари (ўзгаришлари) ҳам импортга булган юқори баҳолардан келиб чиқиши мумкин. Умуман олганда ташқи эркин савдо талабларини келтириб чиқарадиган бундай мулоҳазалар, одатда, кундалик иқтисодий-сиёсий ишда охириги ўринга қолдирилади. Биринчи ўринга бошқа аргументлар чиқади. Бу аргументлар ёрдамида ҳукуматлар ўзларининг савдо сиёсий санкцияларини асослайдилар.

[122] Улар қандай аргументлар?

1. Мухим аргументларнинг бири сифатида **миллий хавфсизлик** юзага келади. У билан савдода чеклашлар ва **халқаро рақобат** шароитидаги имтиёзлар асосланади. Аввало бу қишлоқ хўжалиги, мудофаа ва асосий материаллар ишлаб чиқариш каби саноат тармоқларига тегишлидир. Ўзининг принципиал шаклида бундай аргумент, ҳақиқатда ҳам мавжуддир. Лекин, бу хавфсизликка биринчисидан кўра арзонроқ бошқа йўл билан яқин савдони чекламасдан эришиш мумкин эмасмикин, деган масала устида ўйлаш (ҳукумат ҳам ўйлаши) керак.

2. Савдо чеклашлари фойдасига бўлган бошқа аргументнинг моҳияти шундан иборатки, импортга булган божхона пошлинаси ҳисобидан **ривожланаётган ён саноат тармоқларини халқаро рақобатдан вақтинчалик сақлаш**. Ушбу таниқли аргумент XIX аср бошидан маълум. Немис иқтисодчиси Фридрих Лист уни „**рақобатлан-тирадиган божхона пошлинаси**“ деб муваффақиятли атади (инглизча infant industry protection).

60 — 70-йиллардаги иқтисодий ва ташқи савдо ривожланишининг сиёсий механизмлари ҳақидаги баҳсларда баъзи иқтисодчилар бу аргументни жадаллаштириш стратегияси ва импортни эгаллаш (аралаштириш) сиёсати (ингл. Import substitution policy), янада аниқроқ қилиб айтганда, импортни алмаштириш воситасида **индустрлаштириш стратегияси** деб аташади.

Бу стратегияга мувофиқ мамлакатга импорт қилинадиган товарлар (аввало саноат характеридаги) тизимли равишда мамлакатнинг ўзида

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан алмаштирилиб борилиши керак. Бу мақсадга юқори божхона пошлинаси ҳисобига эришишга ҳаракат қилинди. Бу маҳсулотларга бўлган юқори баҳолар туфайли бошқа секторлар истеъмолчиларига ва ишлаб чиқарувчиларига етказилган зарар шу тадбирнинг миллий стратегик мақсадлари, яъни индустрлаштириш билан оқланади. Бундан ташқари юқори баҳолар мамлакат саноати халқаро рақобатбардошликка эришгунга қадар бўлган вақтинчалик ҳодиса бўлиб ҳисобланади.

Муттасил илмий-иқтисодий изланишлар (текширишлар)нинг бой тажрибаси ва кўп сонли натижалари бундай импортни алмаштириш сиёсати самарадорлиги ҳақидаги саволга жавоб беришга имкон туғдиради. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фақат баъзи ҳоллардагина бу индустрлаштириш стратегияси кузланган мақсадга олиб келди. Аслида 20 ёки 30 йил давомида фақат саноатнинг бир неча ҳимояланган тармоқларигагина ва фақат оз (бир-икки) мамлакатларгина жаҳон бозорида рақобатбардош була олдилар. Кўпчилик ҳолларда божхона ҳимоясига яна қўшимча йирик дотациялар ҳам туланди, булар давлат бюджетига оғир юк бўлиб тушди ва уларни бекор қилишнинг имконияти деярли бўлмай қолди. Саноатнинг бу тармоқларида эришилиши ҳам мамлакатнинг бутун иқтисодийётига тарқалиши керак бўлган усишнинг қутилган самараси фақат секинлашган даража билан таснифланди, баъзида эса салбий таъсирга эга бўлди.

Бундай қониқарсиз натижанинг сабаби нимада? Биринчи навбатда иккита сабабни курсатиш керак.

Биринчидан, рақобатбардошликка фақат рақобат кураши ва таъсиридагина эришиш мумкинлиги туғрисидаги ҳақиқат инобатта олинмайди, яъни, рақобат курашининг барча бозор иштирокчиларига курсатадиган таъсирисиз (сиқувисиз) рақобатбардошликка эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, аниқ бўлдики, божхона пошлинаси ставкасида ифода қилинган **номинал божхона ҳимояси** саноатнинг у ёки бу тармоғи томонидан фойдаланиладиган аниқ (ҳақиқий) самара, яъни божхона ҳимояси ҳақида ҳеч нарса билдирмайди. **Номинал божхона ставкаси** билан бирга (а) тармоқ учун унинг **самарали божхона ҳимояси** (z) мол етказувчи тармоқлар номинал божхона ставкасига шунингдек, а ва z тармоқлари бир-бири билан қанчалик зич боғланганлигига боғлиқ. Самарали ҳимоя (протекция) формуласи:

$$(1) EP = (VA^z - VA^w) / VA^w$$

EP — самарали ҳимоя (протекция)

VA^z — қийматнинг божхона пошлинаси билан (value added) яратилиши

VA^w — қийматнинг божхона пошлинасиз яратилиши.

Божхона пошлинасиз мамлакатнинг уз баҳосини (қийматини)

яратиши (V_a^w), пировард маҳсулот (бирлиги) қиймати ва бунинг учун зарур булган импорт қиймати уртасидаги фарқни англатади:

$$(2) V_a^w = (P_E - a P_v^w)$$

Бунинг асосида пошлина киритиш билан қуйидаги формулага дуч келамиз.

$$(3) EP = ((P_E^w + (i+t_c) - a P_v^w (i+t_c) - (P_V^w - a P_v^w)) / (p_v^w - a P_v^w)).$$

Бу ерда

P -баҳо;

W -дунё бозори шартлари: e -пировард маҳсулот;

V -дастлабки маҳсулот (ярим фабрикат);

a -, „ e “ бирликни ишлаб чиқариш учун зарур булган „ V “нинг улуши (ҳиссаси);

t -божхона ставкаси.

Бир-биридан фақат ярим фабрикатларга булган божхона ставкаси бўйича фарқланадиган баъзи мисолларга эътибор берайлик (32-жадвал).

32-жадвал

Самарали ҳимоя қийматлари

P_v^w	10\$	10\$	10\$
t_c	10%	10%	10%
a	0,3	0,3	0,3
P_v^w	12\$	12\$	12\$
t_y	5%	20%	30%
EP	12,8%	4,4%	-1,3%

Пировард маҳсулот бўйича самарали ҳимоя қийматлари турлича бўлади, улар пировард маҳсулотнинг номинал (10%) божхона ҳимоясидан юқори (12,8%) ёки паст (4,4%), ёки ҳатто манфий (-1,3%) бўлишлари ҳам мумкин. Пировард маҳсулотнинг самарали ҳимоясига албатта бошқа кўрсаткичлар (P_v^w, t_c, a, p_v^w) ҳам таъсир қилади. Уқувчига машқ тариқасида бу кўрсаткичларнинг узгариши пировард маҳсулотнинг самарали ҳимоясига қандай таъсир кўрсатишни таҳлил қилиш юкланади.

3. Савдо чеклашларининг кейинги аргументи иқтисодий характердан кўра кўпроқ **сиёсий характерга** эга. Унинг дастлабки жиҳати (томони) (пайти) бўлиб ҳукуматларнинг ҳоқимиятни ушлаб туришга ва ҳоқимият жиловини бошқа гуруҳларига ёки партияларига бермасликка интилишлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳукуматлар жамиятнинг сиёсий жиҳатдан обрўли (нуфузли) гуруҳларига

(масалан, металлчиларга, қишлоқ хўжалиги ишчиларига, X тармоқ корхоналарига, Y тармоқ касаба уюшмаларига ва фақат камдан-кам ҳоллардагина истеъмолчиларга) қулай шароитлар яратадилар.

Жамиятнинг қолган гуруҳларига бундай қулай шароитлар яратилмайди, шунинг учун ҳам бундай хилдаги сиёсий жамият гуруҳларининг ҳуқуқий тенгсизлигини ниқоблаш учун жуда нозик ёндошувни талаб қилади. Энди ўқувчига нима учун (бутун дунёда) савдони чеклашлар сиёсати ҳукуматлар учун бундай жозибали тушунарли бўлади. Божхона ҳимояси воситасида саноатнинг тармоқларига нисбатан (бундай) ниқобланган ёрдам, юқорида аниқланганидек, ҳукуматларнинг бундай мақсадларига эришиш учун айна мақбул механизм ролини бажаради.

4. Пировардида зарурий шартлар мавжуд бўлганда иқтисодий ва миллий истиқболни ҳисобга олувчи муҳим аҳамият касб этадиган савдо чеклашлари фойдасига бўлган яна бир аргументни келтириш керак. Агар гап бозорда маълум маҳсулотга нисбатан (сотувчи ёки харидор сифатида) катта ҳиссага (улушга) эга бўлган „катта“ мамлакат ҳақида борса, у жаҳон (халқаро) баҳога маълум чекланган оралиқда таъсир кўрсата олади. Унда импортга бўлган божхона пошлинаси **оферентларнинг** сотув баҳосини тушира олади, бу билан эса ушбу мамлакат учун (юқорида кўрсатилгани каби) харид баҳосини ҳам пасайтиради. Агар халқаро савдонинг бошқа товарларига бўлган баҳолар ўзгаришсиз қолса, у ҳолда *terms of trade*, яъни бу мамлакат учун экспорт ва импорт баҳолари нисбати яхшиланади.

Бундай сиёсат миллий афзалликни келтирган бўларди, бироқ, у бошқа савдо партнерларини чеклаб қўйиш эвазига ўтказилар эди. Эътибордан холи қолдирмаслик керакки, баъзи савдо партнерлари ҳам бошқа товарлар соҳасида „катта“ мамлакатлар бўлиб ҳисобланади, яъни улар ҳам бошқа бозорларда ушанга яраша иш қилиши мумкин, масалан, улар **реторсни тартибида** (жарима пошлинаси деб аталадиган ингл. *Retaliation policy*), божхона пошлинасини киритиши мумкин.

[123] 5. **Алмаштириш курси** ташқи савдога қандай таъсир қилади?

Миллий валютанинг чет эл валютасига алмаштирилиши мумкин бўлган курси алмаштириш курси дейилади. Мисол тариқасида Ўзбекистон пул бирлиги бўлмиш „сўм“ни ва Америка долларини (қисқача \$) оламиз. Бундай ҳолда сўм ва доллар ўртасидаги алмаштириш курси ёки сўмларда ифодаланган доллар қийматини, ёки долларда ифодаланган сўм қийматини билдиради. Алмаштириш курси экспорт товарининг миллий оферентлари учун ва импорт товарларининг миллий харидорлари учун муҳим ҳисоблашиш катталиги бўлиб хизмат қилади, чунки иш ҳақини, солиқларни, фоизларни ва мол етказувчилар ҳисобини тўлаш учун миллий экспортёрлар чет эл импортёрларидан доллар оладилар, уларга эса


сўм керак. Олинган долларни улар сўмларга алмаштиришлари керак, бунда уларга (учун) ўзларининг доллар(лар)и учун қанча сўмлар олиши жуда муҳим. Миллий импортёрларга ўз мамлакатида сўм(лар)ни доллар(лар)га алмаштириш орқали сотиб оладиган ва чет эл товарларини тулаши учун доллар керак бўлади, улар учун керакли миқдордаги долларни сотиб олиш учун қанча сўм кераклиги жуда муҳим ҳисобланади.

[124] Дастлаб саволни қуйидагича қуямиз. Миллий валюта қадрсизланганда (а) мамлакат экспорти ва импортнинг қиймати қандай ўзгаради?


(б) бўлимда биз бу саволни инфляция шароитларида қараб чиқамиз ва бу боғланишда реал айирбошлаш (алмаштириш) курси концепциясига тўхталамиз.

7.7. Девальвациянинг экспортта ва импортта таъсири

[125] Миллий экспортёрлар ва импортёрлар алмаштириш курсининг ўзгаришига қандай қарайдилар? Аввало, назарда тутилаётган мамлакат экспорти бозорини кўриб чиқамиз (9 -график). Уларда мос равишда ёки \$ (8 а-график) ёки сўм (8 б -график).



8а-график. Мамлакат экспорти АҚШ \$.



8б-график. Мамлакат экспорти (сўм).

Мамлакат бозори билан солиштирганда чет эл талаби шунчалик юқорики, мамлакат таклифи баҳосининг ўзгариши сотилган миқдорда сезилмайди. Чет эл талаби баҳога нисбатан „эластик“ ҳисобланади, шунинг учун хорижий талаб миқдор уқига параллел тасвирланган. Унга қарши экспорт товарларининг (ўз мамлакат) таклиф чизиғи ўсди (кўтарилди), чунки ишлаб чиқаришнинг ўсиши харажатларнинг ўсиши билан боғланган (аниқроқ айтганда энг кам харажатнинг ўсиши билан). 3-расмда S оферт чизиқларига асос қилиб маълум алмаштириш курси олинган, масалан, $1\$ = 1000$ сўм. Ҳукумат (Марказий банк билан биргаликда) сўмни 50%га девальвация қилиш

ҳақида қарор қабул қилади. Янги алмаштириш курсини ҳосил қиламиз: $1 \$ = 1500 \text{ сум}$.

Бу хорижий импортлар ва мамлакат экспортлари учун нимани англатади? Хорижий импортларнинг талаб чизиғи (D) доллар диаграммасида (За) ўзгармайди, чунки улар ўзларининг ҳисоб-китобларини долларда олиб бордилар ва уларга сўмларда қанча сумма олишнинг фарқи йўқ. Мамлакат экспорти учун бошқача ҳол рўй беради. Уларга, биринчи навбатда сўм керак, ҳар бир ишланган доллар учун улар энди олдингига нисбатан 50% сўм куп олади. Агар вақт ичида уларнинг харажатлари (сўмдаги) ўзгаришсиз қолган бўлса, улар долларда ифодаланган анча паст баҳода товарларни сотиши мумкин. Диаграммада янги алмаштириш курсига мос келувчи таклиф чизиғи олдинги ҳолатидан пастда жойлашади. Вертикал буйича масофа (оралиқ) алмаштириш курсининг ўзгариши фоизга мос келади. Муҳими берилган ҳолда талаб ва таклиф чизиқлари кесишган (B) нуқтада курсатилганидек, долларда ифодаланган баҳо ўзгармайди. Сотишнинг кўпайиши рўй беради, чунки экспортнинг доллардаги қиймати девальвация ҳисобига ўсади.

Энди сумма(лар)да ифодаланган диаграммага (8б-расм) қараймиз. Мамлакат экспортининг оферт чизиғи алмаштириш курси таъсири остида жойлашмайди, чунки экспортёрларга узларининг харажатларини қоплаш учун сўм керак, уларга мос келадиган долларда ифодаланган сумма иккинчи даражали ролни уйнайди.

Ҳисоб-китобларни долларда олиб борувчи чет эл импортёрлари учун бошқа ҳол рўй беради. Уларнинг мамлакатда ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулоти учун долларда маълум баҳони тулашга тайёр туриши сўм(лар)да ифодаланган диаграммада шуни билдирадики, улар сўмнинг девальвациясидан сўнг худди шундай маҳсулот миқдори учун сўмда ифодаланган анча юқори баҳода тулаши мумкин (50%га юқори). Девальвациядан кейин уларнинг талаб чизиғи аввалги ҳолатидан юқорида жойлашади. Бу ерда ҳам экспортнинг миқдорий кўпайиши ва сўмларда ифодаланган баҳоларнинг кўтарилиши рўй беради, шундай қилиб, экспортнинг сўмдаги қиймати девальвация тўғрисида ўсади.

Бундай мантиқий қадамларни импорт бозорига нисбатан ҳам қилиш мумкин (ўқувчи учун вазифа). Биз фақат бу мулоҳазаларнинг натижаларинигина келтирамиз; доллар диаграммасида мамлакат импортларининг талаб чизиғи олдингисидан пастда жойлашади, хорижий таклиф чизиғи ўзгаришсиз (баҳо ўқиға параллел) қолади. Бундан қуйидаги хулосани қилиш мумкин: импортнинг миқдорий ўзгаришида ва долларда ифодаланган баҳонинг ўзгаришсиз қолишида импортнинг доллар қиймати пасаяди. Сўм диаграммасида мамлакат импортининг хорижий таклифи чизиғи юқорига кучади, айна пайтда импортга булган мамлакат талаби чизиғи ўзгаришсиз қолади. Бундан

шундай хулоса чиқадики, сумда ифодаланган баҳо усади, импорт қилинадиган маҳсулотлар миқдори эса қисқаради, шунинг учун импортнинг сумдаги қиймати девальвация ҳисобига қандай ўзгаришини айтиш қийин.

Ушбу таҳлилимиздан (график равишда акс эттирилган ўзгаришларда) келиб чиқадики, девальвация узининг фоизига мос равишда экспортнинг доллар қийматини кутариши ва импортнинг қийматини тушириши мумкин. Умуман олганда, импортнинг дастлабки ортиши (импортнинг доллар қиймати экспортникидан юқори) кучли девальвация туфайли экспорт ортиқчасига айланиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас. Ҳар қандай ҳолда ҳам товар савдоси баланси яхшиланади (экспорт-импорт).

Бироқ бундай оптимистик хулосага жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Маълум шартлар ва ҳолатлар булиши керак. Масалан, экспортнинг ҳақиқий миқдорий кўпайиши имкониятини олайлик. Умуман олганда бунинг иложи бор, аммо маълум вақт талаб қилинади. Иккинчидан, импортни чеклаш имконияти мавжуд булиши керак, бу эса ижтимоий сабабларга кура мураккаб масала булиши мумкин.

Баъзида экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун импорт талаб қилинади. Доим бозорнинг конкрет шартларини ҳисобга олишга тўғри келади. Бу шартлар талаб ва таклиф баҳоларининг (баҳолар ўзгаришига бўлган миқдорий муносабат) эластиклиги тушунчаси билан белгиланади. Бундан ташқари барча бозорлар бир-бирлари билан мустаҳкам боғланган. Девальвация таъсирининг профессионал прогнозини тузишда бозорларнинг барча узаро алоқаларини (порционал таҳлил урнига тўлиқ таҳлил) ҳисобга олиш зарур.

Бизнинг текширишимиз (изланишимиз)нинг бошқа муҳим хулосаси шундан иборатки, девальвация амалга ошираётган (кичик) мамлакат учун харид қилиш баҳоси (\$да) ва сотиш баҳоси (\$да) ўзгармайди, чунки бундай мамлакат учун девальвация экспорт ва импорт баҳолари нисбатининг (*ratio of price*) ўзгаришига олиб келмайди.

7.8. Алмаштириш курси ва инфляция

[126] (а) бўлимда биз ички бозорда баҳоларнинг барқарор ҳолатини назарда тутдик. Энди биз мамлакатда инфляция жараёни ҳукм сураётган даврни қараб чиқамиз. Биз яна диаграммалардан (8-график) фойдаланишимиз мумкин. Экспорт бозорига (доллардаги) эътибор қиламиз. Инфляция туфайли экспорт товарларини ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар (сумда) ортади. Бу алмаштириш курси ўзгармас бўлган ҳолда шунинг билдирадигани, экспортёрларнинг долларда ифодаланган баҳолари ўсади, шунинг учун инфляция туфайли мамлакат экспортёрларининг оферт чизиги доллар диаграм-

масида юқорига кучади. Долларда ифодаланган баҳо (дунё бозори баҳоси) ўзгармай қолса ҳам, экспорт қилинадиган маҳсулотнинг миқдори у билан бирга экспортнинг доллар(даги) қиймати камаяди. Бу жараёни тўхтатиш учун доимо миллий валютани (сўмни) қадрсизланишига тўғри келади. Диаграммада бу тақлиф чизигининг пастга силжишида ва экспортнинг миқдорий купайишида акс этади.

Ўқувчи юқорида келтирилган сўм(лар)даги экспорт бозорига ҳамда доллар(лар)даги ва сўм(лар)даги импорт бозорига тааллуқли бўлган тасдиқни кузатиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатда сўмнинг инфляция жараёни миллий валютанинг мос равишдаги девальвациясиз экспортнинг доллардаги қийматининг пасайишига ва импортнинг доллардаги қийматининг ўсишига, яъни савдо балансининг ортиб кетишига олиб келади. Бунга қарши туриш учун доимо миллий валютанинг тегишли қадрсизланишини амалга ошириб бориш керак. Бошқача айтганда, девальвация инфляция даражасига мос келиши керак. Агар шундай бўлса, у ҳолда қуйидаги формула буйича ҳисобланадиган доимий алмаштириш курси амал қилинади:

$$(1) WK_r = WK_n / P_i$$

WK_r — реал алмаштириш курси.

WK_n — номинал алмаштириш курси.

P_i — миллий баҳолар индекси.

P_i — ўзгаришларидаги миллий инфляцион ҳам акс эттирилган.

Агар чет элда ҳам инфляция жараёни кетаётган бўлса, бизнинг формуламиз қуйидагича булади:

$$(2) WK_r = WK_n + P_f / P_i$$

P_i — хорижий баҳолар индексини билдиради. Агар миллий ва чет эл валюталари уртасидаги алмаштириш курсининг ўзгариши чет элдаги ва мамлакатдаги инфляция даражалари ўртасидаги фарқга мос келса, у ҳолда куриллаётган мамлакат учун **реал алмаштириш курси** ва халқаро рақобатбардошлиги ўзгармай қолади. Буни айниқса (2) тенгламада ўсиш даражаларини ҳисобга олган ҳолда яққол кузатиш мумкин:

$$(2) (WK_r) = (WK_n) + (P_f) - (P_i)$$

Таянч иборалар	
* халқаро савдо	* ФОБ
* импорт	* очиқ иқтисодиёт
* экспорт	* миллий счётлар тизими
* мутлоқ харажатлар	* ижтимоий брутто-маҳсулот.
* айирбошлаш доираси	(ИБТ)
* нисбий харажатлар	* нетто-инвестиция (НИ)

Давоми

<ul style="list-style-type: none"> * қиёсий харажатлар * қиёсий харажатлар назарияси * харажатлардаги тафовутлар * трансопераия * тариф баръери * тарифсиз чеклашлар * ўзини - узи чеклаш усули * субсидия * дотация * халқаро рақобат * индустрлаш стратегияси * самарали ҳимоя (протекция) * оферент * алмаштириш курси (номинал ва реал) 	<ul style="list-style-type: none"> * ижтимоий нетто-маҳсулот (ИНМ) * миллий даромад * экспорт ортиқчаси * тулов баланси * божхона пошлинаси * импорт квотаси * экспорт квотаси * реаллокация * миллий хавфсизликни рағбатлантирадиган божхона пошлинаси * номинал божхона ҳимояси * самарали божхона ҳимояси * номинал божхона ставкаси * жарима пошлинаси (реторс) * девальвация
---	---

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар

- [108] *Халқаро савдо деганда нимани тушунасиз? Экспорт ва импорт деганда-чи?*
- [109] *Нима учун савдо фойдали ҳисобланади?*
- [110] *Нисбий харажатларнинг моҳияти нимада?*
- [111] *„Қиёсий харажатлар назарияси“ нимани англатади?*
- [112] *Харажатлардаги тафовутлар сабаблари нимада?*
- [113] *Халқаро савдонинг ривожланиш тарихида қандай қонуният кузатишган?*
- [114] *„Очиқ“ ва „ёпиқ“ иқтисод деганда нимани тушунасиз?*
- [115] *„Ижтимоий брутто-маҳсулот“ „Ижтимоий нетто-маҳсулот“дан нима билан фарқ қилади?*
- [116] *Миллий даромаднинг „Ижтимоий нетто-маҳсулот“дан фарқи нимада?*
- [117] *„Очиқ иқтисод“ шароитида миллий счётлар тизимидаги кўрсаткичлар қандай ҳисобланилади?*
- [118] *Ташқи иқтисодий алоқанинг тулов баланси билан қандай алоқадорлиги бор?*
- [119] *Савдони чеклашнинг қандай усулларини биласиз?*
- [120] *Тарифсиз чеклашлар, импорт ва экспорт квоталари деганда нимани тушунасиз?*
- [121] *Савдони чеклашдан қандай мақсадлар кузланади?*
- [122] *Қандай аргументлар орқали ҳукуматлар ўзларининг савдо санкцияларини асослайдилар?*
- [123] *Алмаштириш курси деб нимага айтилади?*

- [124] *Миллий валюта қадрсизланганда мамлакат экспорти ва импортининг қиймати қандай ўзгаради?*
- [125] *Миллий экспортёрлар ва импортёрлар алмаштириш курсининг ўзгаришига қандай қарайдилар?*
- [126] *Номинал ва реал алмаштириш курслари қандай аниқланади?*

Айтинг-чи:

Агар Сизнинг мамлакатингиз ривожланаётган мамлакатга ёрдам курсатса, Сизнинг мамлакатингиз чет эл туристларини қабул қилса, Сизнинг мамлакатингиз пахта етказиб берса ва унинг ўрнига нефть олса, тулов балансида қандай ўзувларни амалга оширган булардингиз?

8- боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ

Режа:

- 8.1. Ўзбекистонда халқаро кредитдан фойдаланиш ва унинг аҳамияти [127]
- 8.2. Халқаро кредит тамойиллари [128 — 130]
- 8.3. Ўзбекистонни халқаро кредитлаш [131 — 134]
- 8.4. Ўзбекистоннинг халқаро молня институтларида қатнашиш муаммолари [135]
- 8.5. Валюта сиёсати [136 — 138]
- 8.6. Ўзбекистонда халқаро кредит алоқаларини ривожлантириш истиқболлари [139 — 140]

8.1. Ўзбекистонда халқаро кредитдан фойдаланиш ва унинг аҳамияти

[127] Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач суверен давлат сифатида ўз ташқи иқтисодий фаолиятини йўлга қўя бошлади. 1991 йилгача Ўзбекистон ташқи дунё билан мустақил шартнома тузиш ва амалга ошириш имкониятига эга эмас эди. 1991 йил 14 июнда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида“ги Қонун Ўзбекистоннинг чет эл давлатлари, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлари билан ташқи иқтисодий ҳамкорлигининг ривожланишига катта туртки бўлди.

Юқорида таъкидланганидек, бозор муносабатларига ўтиш шароитида мустақил республика иқтисодиётининг шаклланишини инвестиция, халқаро кредитларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Халқаро кредит — бу бир мамлакатнинг жисмоний ва юридик шахслари томонидан иккинчи бир мамлакат жисмоний ва юридик шахсларига пул маблағлари ва товарларни вақтинчалик фойдаланишга қайтарилиш, муддатлилиқ ва фоиз тулаш шарти билан берилишидир.

Ўзбекистонда ҳам халқаро кредитдан фойдаланишнинг узига хос томонлари бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон мустақиллигини яқинда қўлга киритган ёш давлат бўлиб, унганча ташқи дунё билан алоқалари туғридан-туғри мавжуд бўлмаган.

2. Республика ўз мустақиллигини 90-йилларда иқтисодий но-барқарорлик шароитида қўлга киритди.

Ўзбекистонда ўз ҳужалигини тиклаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Олтин қазиб чиқариш бўйича Ўзбекистон дунёда еттинчи уринни, табиий газ ишлаб чиқариш бўйича учинчи, пахта етиштириш бўйича тўртинчи, ҳамда ўз маҳсулотини экспорт қилиш бўйича учинчи уринни эгаллайди. Совет йилларида Ўзбекистон марказдаги корхоналарга хом ашё етказиб берувчи база ҳисобланарди.

Бугунги кунда бозор муносабатлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантиришни тақозо қилади. Бу, албатта катта харажатларни талаб этади. Ўзбекистон очиқ иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлади. Ёш давлатга ҳамма харажатларни уз маблағи ҳисобига қоплашни таъминлаш, албатта қийин. Бундай шароитда ривожланишни энди бошлаётган давлатга бошқа чет мамлакатларнинг қўллаб-қувватлаши ва ёрдами зарур булади.

3. Бозор муносабатларига ўтиш Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан ҳужалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришнинг бундан кейинги ривожланиши фақат ички миқёсда эмас, балки бошқа мамлакатлар билан узаро алоқаларни кучайтириш орқали олиб борилиши керак. Ўзбекистонда халқ ҳужалигининг махсус тармоқларини ривожлантириш оптимал ишлаб чиқариш қувватларини, ишлаб чиқаришни илғор техника ва технология базалари асосида ташкиллаштиришни талаб этади. Бу эса ўз навбатида йирик моддий ва пул қурилишидаги харажатлар ва узоқ муддатли қурилишлар билан боғлиқ бўлиб, бу бир ёш мустақил давлат зиммасига оғирлик қилади, четдан қўшимча маблағлар жалб этишни тақозо этади.

4. Саноатда қазиб чиқариш тармоқлари юқори капитал талаб ҳисобланиб, уларга йўналтирилган капитал қўйилмалар қайта ишлаб чиқариш тармоқларига нисбатан қопланиш секин кечини натижасида бошқа мамлакатлардан маблағларни жалб этишни тақозо этади.

8.2. Халқаро кредит тамойиллари

[128] Халқаро кредитнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Кредитнинг қайтарилиши.
2. Муддатлилиги.
3. Фоизлилик.
4. Моддий таъминланганлик ёки кафолатланганлиги.
5. Мақсадлилик.

Халқаро кредитнинг қайтарилиш тамойилига биноан кредитор

бошқа мамлакатдаги қарздорга маблағларни қарзга беради ва шу билан биргаликда берилган қарзларнинг эгаси бўлиб қолади. Агар кредит соҳасида халқаро банк иштирок этаётган бўлса, у икки мамлакат гуруҳлари билан бир мамлакат, ёки мамлакатларнинг гуруҳлари ўртасида воситачи бўлиб иштирок қилади.

[129] Халқаро кредит қайтарилишида қуйидаги усуллар қўлланилади:

- * пропорционал;
- * прогрессив;
- * бир вақтли.

Пропорционал усул бўйича кредитнинг бир маромда бир хил миқдорда қайтарилиши кўзда тутилади. **Прогрессив усулда** эса тулов миқдори аста-секин ўсиб бораверади. **Бир вақтли усулда** кредит миқдори дарҳол тўлиқ суммада қайтарилиши билан характерланади.

Ўзбекистон томонидан олинган кредитларнинг қайтарилиш ва улар бўйича фоизларнинг тўланиши товарлар экспортидан олинган валюта тушумидан, қурилиш учун берилган кредит ва кредит шартномаларига мувофиқ бошқа сарфланишдан келган тушум ҳисобидан амалга оширилади.

Халқаро кредитнинг қайтарилиши билан муддатлилик тамоийллари ўзаро боғлиқдир. Агар маблағлар ўз вақтида қайтарилса, демак улар маълум бир вақтга тақдим этилган ҳисобланади. Қарз бериш муддати ўз-ўзидан белгиланмайди. Унинг **давомийлиги** қарз маблағларининг айланиш даврига тенг бўлиб, кредит маблағларидан фойдаланишнинг ташкил этилишига ва улар йўналтирилаётган мақсаднинг аниқлигига боғлиқ бўлади. Инвестицион аҳамиятга эга бўлган халқаро кредитлар узоқ муддатга бериледи. Уларнинг қопланиши одатдагидек, кредит ёрдамида қурилган объектнинг эксплуатациясидан олинган даромад ҳисобидан бўлади.

[130] Инвестицион кредитнинг амал қилиш муддати уч даврга бўлинади:

- * кредитдан фойдаланиш даври;
- * имтиёзли давр, яъни олинган кредит бўйича қарзларнинг қопланиши олиб борилаётган давр;
- * кредитнинг қайтарилиш даври.

Баъзи бир ҳолларда имтиёзли давр белгиланмаслиги ҳам мумкин. Халқаро кредит муддатларига кўра:

- * қисқа муддатли кредит (1 йилгача);
- * ўрта муддатли кредит (1 йилдан 5 йилгача);
- * узоқ муддатли кредит (5 йилдан ортиқ)га бўлинади.

Қарз бераётган кредитор давлат пул ёки товар қуринишидаги ўз маблағларини бошқа бир давлатта вақтинчалик фойдаланишга бериш учун уни ўз давлати муносабатидан чиқариши керак бўлади. Маълум вақт ўтгандан кейин қарз баҳосига эквивалент бўлган маблағ қайта олинади. Кредитор-давлат мазкур даврга ички капитал қўйилмаларни ва истеъмолни қисқартиради. Бошқа томондан қарздор-давлат маълум муддатга қўшимча ресурсларга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги моддий маблағларини ташкиллаштириш имкониятига эга бўлади ва ички истеъмолни кенгайтиради. Бунинг ҳисобига маълум фоизлар - кредит учун тўлов амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида фоиз кредит ҳаракатининг асосий регулятори ҳисобланади. Халқаро кредит бўйича фоизлар тўлови манбаи қарздор-давлатнинг миллий даромади ҳисобланади. Аниқроғи, унинг қўшимча ресурслари ҳисобига олинган қисми ҳисобланади. Қарз олинаётганда миллий даромад бирмунча ўсиши мумкин.

Биринчидан, у кредитор-давлат томонидан маблағларнинг берилиши натижасида ўсади.

Иккинчидан, миллий даромад олинган кредит маблағлардан кенг фойдаланиш эвазига ортади. Худди ана шу қисм фоизлар тўлаш манбаи ҳисобланмоғи лозим.

Моддий таъминланганлик ёки **кафолатланганлик** тамойили кредитнинг қопланишига асос бўлади. **Мақсадлилиқ характери** эса қарз объектларининг контракти асосида аниқланади, унинг амал қилиниши, аввало қарз олувчи давлатнинг экспортини ривожлантиришга қаратилади.

8.3. Ўзбекистонни халқаро кредитлаш

[131] Мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибидаги бошқа республикалар қатори мустақил равишда чет мамлакатлар билан халқаро валюта-кредит муносабатлари бўйича алоқа ўрнатмаган эди. Халқаро ҳисоб-кредит муносабатлари 1924 йилда ташкил этилган Ташқи савдо банки (1989 йилдан бошлаб Ташқи иқтисодий алоқалар банки) томонидан олиб борарди.

У собиқ Иттифоқнинг 15 та республикасининг ҳаммасини кредит билан таъминларди. Четдан олинган кредитлар Москвада зарурлик даражасига қараб тақсимланарди. Республикалар кредит олса ҳам, кўп ҳолларда улар кредитнинг субъекти ва манбалари туғрисидаги маълумотга эга бўлмас эдилар. Четдан жалб этилган бу кредитлар, асосан, Россия объектларига йўналтириларди. СССР тарқаб кетиши арафасида Собиқ Иттифоқнинг мавжуд ташқи қарзи қуйидаги маълумотлар билан характерланади (33-жадвал).

**Собиқ СССРнинг ташқи қарзлари ва улар
бўйича туловлар (млрд. АҚШ долл.)**

Кўрсаткичлар	1985	1990	1991
Жами	28,3	59,8	67,5
Шу жумладан, узоқ муддатли	21,4	48,0	54,9
Қарз учун туловлар			
А) ҳақиқатда	5,4	11,8	13,5
Б) график бўйича	—	—	16,9

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 6 йил давомида ташқи қарз 39,2 миллиард долларга ортган. Бу, асосан, узоқ муддатли қарзнинг усиши эвазига ортган.

Шу билан биргалликда четдан олинган кредитларнинг аксарият қисми Россия иқтисодиётига йуналтирилган. Ўзбекистон уз мустақиллигига собиқ СССРнинг эски қарзларидан холи булган ҳолда эришган булса-да, унга тегишли булган миллий бойликнинг анча қисми Россия давлати ихтиёрида эди.

[132] Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг валюта-кредит, ташқи ҳисоб-китоб муносабатларини Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки олиб бормоқда. У 1991 йил 7 сентябрда ташкил этилиб, ташқи иқтисодий алоқалар операцияларини молиялаштириш, активларни бошқариш, инвестицияларни жалб этиш бўйича давлат агенти ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг оғир шароитларида Ўзбекистонга чет эл капиталининг кириб келиши учун яхши шароитлар яратилган. Жалб этилган кредитларнинг қайтарилишига Ўзбекистонда ижобий шароитлар мавжуд. Бу аввало, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, sanoat ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажмларининг усаётгани, МДҲнинг бошқа давлатларига нисбатан инфляция даражасининг пастлигидан келиб чиқади.

[133] Четдан жалб қилинган кредитлар пул ва товар шаклида туланиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда баъзи ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш ёки қазиб чиқариш соҳасини ривожлантиришга берилган кредитлар кредитор-давлатга зарур булган

маҳсулот етказиб бериш йўли билан қопланмоқда. Бу тўлов усулининг ижобийлиги шундаки, керакли маҳсулотлар бўйича талабни қондириш учун ўзида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, бу эса ўз навбатида катта харажатларни талаб этади. Шу харажатларни амалга ошириш мақсадида 1993 йилда Ўзбекистон 223,8 минг АҚШ доллариди халқаро кредит олган. Бу кредитлар ҳукуматнинг экспорт жараёнларини молиялаштиришга, бундан ташқари, миллий иқтисодиёт тармоқларининг лойиҳасини амалга оширишга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга сарфланган. 1994 йилда лойиҳаларни молиялаштириш учун умумий миқдорда 40 миллион долларли лойиҳа ишлари молиялаштирилган.

[134] 1993 йилда Ўзбекистон Миллий банкида ЕРТБ томонидан кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликни молиялаштириш учун кредит линияси очилган. Мазкур кредит линиясига биноан 10 йилга 60 миллион доллар миқдориди маблағ олиниши кузланган.

Кредит линияси уч қисмдан иборат:

„А“ қисм — 56.850 минг доллар — бу кичик ва ўрта хусусий корхоналарни экспортга мўлжалланган лойиҳаларини қаттиқ валютада молиялаштиришни ташкил этиш бўйича кредит линияси.

„В“ қисм — 2.550 минг доллар — бу кичик корхоналарнинг бошланғич акциялар капиталини мустаҳкамлаш учун ёрдам тариқасида белгиланган кредит линияси.

„С“ қисм — технологик ёрдам.

Миллий банкнинг инвестицион қурилиш ишларини ва кредит лойиҳаларини замонавий усулда баҳолаш жараёнларини, кредит бўйича назорат ва кузатув ишларини амалга ошириш учун 1.200 минг доллар миқдорда маблағ ажратилган. Хорижий кредит ва инвестициялар:

- * лойиҳаларни молиялаштиришни реализация қилиш;
- * Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш;
- * ишлаб чиқаришни модернизациялаш;
- * хусусий секторнинг рақобатлаштириш қобилиятини кучайтиришга сафарбар қилиш учун берилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий секторлари ва ижтимоий соҳаларини такомиллаштириш учун ЕТРБ, Япония ҳукумати ва Европа Ҳамжамияти томонидан 21 млн. доллар миқдориди имтиёзли кредит ажратилган. Ўзбекистон Миллий банки хизмат кўрсатадиган кредитлар АҚШ, Германия, Япония, Англия, Франция, Италия, шунингдек, Швеция, Туркия, Корея, Хитой ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг давлат агентлиги томонидан сугурта қопламаси билан таъминланган.

1994 — 1995 йилларда Ўзбекистон Европа Кенгаши кредит шартномаси асосида 59 млн. ЭКЮ (72 млн. долл) миқдориди тиббиёт

жиҳозлари ва дори-дармонлари учун кредит билан таъминланди. Ўзбекистон олган кейинги 105 млн. АҚШ долл. ҳажмидаги халқаро кредит ЕРТБ ва жаҳоннинг энг йирик тижорат банклари томонидан тақдим этилган бўлиб, Европанинг 1993 йилги лойиҳаси деб тан олинган „Ньюмонт — Зарафшон“ олтин қуймаларини ишлаб чиқариш қўшма корхонаси лойиҳасини молиялаштиришга мўлжалланган эди.

Лойиҳани молиялаштиришдаги умумий сумманинг 52,5 млн долларини Европа банки, 52,5 млн. доллари биринчи тоифали банклар — IBS, Креди Свисс, Свисс Банк Корпорейшен (Швейцария), Барклайз банк, Ротъшилд банк, Байреши Ферайнсбанк (Германия), Креди Лионе (Франция), Жирокредит Банк, Банк Австрия, Мейз Вестиэк Лимитед (Бирлашган қироллик) томонидан ажратилган. Жалб қилинган кредитлар уз натижаларини бермоқда. 1995 йил июнь ойида „Ньюмонт-Зарафшон“ қўшма корхонаси ишга тушди. Бу заводнинг юқори сифатли олтин маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Олинган кредитнинг тулови амалга оширилмоқда. 1995 йил апрел ойида Япония ва АҚШнинг Эксимбанклари ҳамда АҚШнинг етакчи тижорат банкларидан бири бўлмиш Морган Гарантитраст компаниялари ўртасида Кўкдумалоқ нефтегазконденсат компресс станцияси қурилишини молиялаштиришга қарз шартномаси тузилди. Лойиҳанинг валюта қисми 163 млн. долларга баҳоланиб, унинг 138 млн. доллари Япония ва АҚШ Эксимбанклари томонидан ажратилган. Бундан ташқари, юқоридаги икки банк лойиҳа билан боғлиқ бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи лойиҳасига ҳам кредит ажратди. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги мустақилликка эришишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

8.4. Ўзбекистоннинг халқаро молия институтларида қатнашиш муаммолари

[135] Интеграция жараёни Ўзбекистоннинг давлатлараро институтлар таркибига киришини тақозо этади. 1985 йилда собиқ СССРнинг ХВФ ва ХРРБ таркибига босқичма-босқич киритилиши мўлжалланган бўлиб, баъзи бир тўсиқлар сабабли бу мақсад амалга оширилмаган эди. Собиқ СССРнинг тарқаб кетиши натижасида унинг таркибига кирувчи давлатлар 1992 йил 27 апрелида ХВФ ва Жаҳон банки таркибига индивидуал равишда киришни маъқул кўрдилар. ХВФ Бошқарув Кенгаши бу республикаларнинг ўз таркибига киритилишини қўллаб-қувватлади. Собиқ СССРнинг ХВФ таркибига кириши тўғрисидаги муҳокама давомида мутахассислар унинг имкон даражасида квотаси доирасини 4 дан 7 миллиард долларгача (3,5—6% капитал фондидан) баҳолаган эдилар. СССР тарқалиб кетгач ХВФ белгиланган квотани собиқ 15 республика ўртасида тақсимлади. Бундан ташқари, квота баҳоларининг туққизинчи қайта қурилишига мувофиқ бу миқдор 50%га ошди (34-жадвал).

Мустақилликка эришгандан сўнг МДХ ва Болтиқбуйи
давлатларининг ХВФдаги квоталари

Мамлакатлар	Бошланғич квоталар (млн. СДР)	Квоталарининг туққизинчи марта қайта кўриб чиқилишига мувофиқ	
		млн. СДР	Квоталарининг умумий миқдориди салмоғи
Озарбайжон	78,0	117,0	0,08
Арманистон	45,0	67,5	0,05
Белорусь	187,0	280,4	0,20
Грузия	74,0	111,0	0,08
Қозогистон	165,0	247,5	0,17
Қирғизистон	43,0	64,5	0,04
Латвия	61,0	91,5	0,06
Литва	69,0	103,5	0,07
Молдова	60,0	90,0	0,06
Россия	2876,0	4313	3,00
Тожикистон	40,0	1	0,04
Туркманистон	32,0	60,0	0,03
Ўзбекистон	133,0	48,0	0,14
Украина	665,0	199,0	0,69
Эстония	31,0	46,5	0,03
Жами	4559,0	6837,3	4,76

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил сентябрда ХВФга аъзо бўлиб кирди. ХВФга аъзолик собиқ СССРга иқтисодий ислохотларга молиявий кумақлашиш ва тулов баланси дефицитини қоплаш учун конвертацияланадиган валютадаги кредитлардан фойдаланишнинг

сезиларли имконини беради. ХВФ нинг тақсимловчи директори М. Кандессюнинг баҳолашича (20 апрель 1993 йил) фонд собиқ СССРнинг 15 республикасига тўрт-беш йил мобайнида 25—30 миллиард доллар миқдоридида кредит бериши мумкин.

Собиқ СССРнинг кўпгина давлатлари нефть ва газ импортини тўлаш, тўлов баланси дефицитини қоплаш учун кредит оладилар. Фонд кредитларининг мақсалларидан яна бири — киритилаётган миллий валюталарни қувватлашдан иборат (Қозоғистон, Молдова ва бош.) 1992 йил августидан 1994 йилнинг апрелига қадар бўлган оралиқда ХВФ собиқ Иттифоқ республикаларига 3,6 миллиард СДР ёки 51 миллиард доллар миқдоридида кредит ажратган. Ўзбекистон ХВФ кредитларини 1995—96 йилларда 148 миллион доллар ва стенбой асосида таркибий ўзгаришлар учун 183 миллион доллар миқдоридида кредит олган (35—36-жадваллар).

35-жадвал

1997 йил июн ойи учун тасдиқланган кредитлар (млн. дол.)

Қарздор ёки гарантлар	Жами ссудалар	Тасдиқланган ссудалар	Самарали кредитлар	Тўланмаган кредитлар	Тўланмаган кредитлар (%)
Арманистон	8	—	—	8	0,01
Қозоғистон	917	17	412	488	0,46
Россия	7,778	316	3,787	3,675	3,47
Туркменистон	89	165	20	4	0,005
Ўзбекистон	230	—	79	151	0,14

36-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига йирик инвестициялар қиритган давлатлар ва ташкилотлар (умумий фоиздан)

Давлатлар	Умумхорижий кредит қўйилмаларидаги салмоғи
1. Буюк Британия	22,0
2. Малайзия	16,0

3. Туркия	12,6
4. АҚШ	10,0
5. Япония	9,7
6. Жанубий Корея	8,9
7. Германия	6,7
8. ЕРТБ	3,9
9. Индонезия	3,0
10. Франция	1,6

1995 йилда Ўзбекистон Жаҳон банкнинг 160 миллион долларли тикланиш (реабилитацион) кредитини олди. 1996 йилда эса ХВФ кредитларини олиш ниятида 66 миллион долларли **пахта проекти** ишлаб чиқилди. Бюджет дефицити қисқартирилди, инфляция суръатлари пасайтирилди, ишсизлик даражаси чегараланди, Марказий банк кредитлари ҳажми қисқартирилди ва ҳоказо.

Ҳукуматнинг чет эл кредити ва инвестициялар жалб қилиш борасида Агенти сифатида иш юритиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Миллий банки, уз мамлакатлари экспорти учун суғурта рискига кафолат беришга ихтисослашган экспорт-импорт банклари ва давлат суғурта Агентлари билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Осие Тараққиёт Банкига аъзо бўлди.

Халқаро молиявий институтларнинг кредитлари экологик барқарорлик дастурининг амалга ошишини кўзлайди. Кўпгина ҳолларда қарздор мамлакатлар ХВФнинг барқарорлаштириш учун берган кредити устидан юқори фоиз тулашга мажбурлар.

ХВФ қарз олувчи мамлакат билан шартларини келишиб олгандан сунг унинг кредитга лаёқатини ва тўлов қобилиятини тасдиқлайди. Бу эса халқаро кредитларга, хусусий қарзларга ва инвестицияларга кенг йўл очади.

Ўзбекистон валюта тушумлари манбаининг асосий қисмини **экспорт** ташкил этади. Унинг ҳолати товарлар ва хизматлар импорти ва ташқи хизмат кўрсатиш ҳажмига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг савдо баланси экспорт ҳажмининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганини кўрсатади. Агар Ўзбекистоннинг 1992 йилда экспорт ҳажми нолга тенг бўлган бўлса, 1995 йилга келиб, экспорт ҳажми 6 маротаба ўсган. Агар бу кўрсаткич йил бошида 590 миллион

долларни ташкил этган булса, йил охирида 3644 миллион долларни ташкил этди. Охириги йилларда экспортга йуналтирилган тармоқларни ривожлантиришга кўп миқдорда инвестицияларнинг йуналтирилиши Республиканинг экспорт салмоғини янада ошишига олиб келди.

Ўзбекистон экспортининг асосий маҳсулоти пахта толаси ҳисобланиб, 1997 йилда умумий экспортнинг 36 — 40 фоизини ташкил этди. Бундан ташқари, олтин ва бошқа энергоманбалари, хом-ашё ва металллар ҳам чет элларга экспорт қилинмоқда. Охириги йилларда импорт ҳажми камайиб савдо баланси қолдиғи ижобий бўлиб бормоқда. Тулов баланси таркиби баъзи бир моддалар улушининг камайиши ёки кўпайиши ҳисобига ўзгаради.

Давлат инвестиция дастури бўйича 1998 йилда 7,9 миллиард жами хорижий инвестиция кредитларни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, бу 1997 йилга қараганда 1,7 марта кўп. Бу сумманинг ичида туғри хорижий инвестиция ва кредитлар 2,9 миллиард долларни ташкил қилди. Инвестиция дастури бўйича 1998 йилда хорижий инвестицияларнинг асосий қисми енгил саноат тармоғига ва телекоммуникацияга йуналтирилди. 1998 йилда чет эл инвестициясининг 36,1% (184,9 миллион доллар) телекоммуникация соҳасига сарфланган (37-жадвал).

37-жадвал

Европа РТБ ва Осиё ТБ томонидан Ўрта Осиё давлатларига берилган кредитлар (30 июн 1997 йил, миллион доллар)

Қарз олувчилар	ЕРТБ сумма	Осиё ТБ сумма	Жами кредитлар суммаси
Қозоғистон	958,6	—	958,6
Қирғизистон	—	373,5	373,5
Тожикистон	—	67,0	67,0
Туркменистон	89,5	—	89,5
Ўзбекистон	1448,5	—	1448,5

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бошқа ривожланаётган мамлакатлар каби халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатди. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан молиявий ва иқтисодий ҳамкорлигининг асосий омилларидан бири республика инвестиция бозорининг жозибдорлигидир. Иқтисодиётнинг ўтиш даврида Ўзбекистон ҳам

бошқа ривожланаётган давлатлар каби иқтисодий ривожлантириш, янги инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мамлакатнинг экспорт қудратини ошириш учун қўшимча маблағларга муҳтождир. Фақат 1997 йилда Ўзбекистонда 1,4 миллиард доллардан кўпроқ инвестиция ушлаштирилди. Бу эса 1996 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

Европа ривожланиш ва тараққиёт банкнинг узоқ даврга иқтисодий ўсиш (25 йил) туғрисидаги ҳисоб-китобларига кўра Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатлари буйича Словакия (6,6%), Эстония (6,4%) ва Белоруссиядан (6,1%) кейин тўртинчи ўринда туради. 1995—96 йиллардан бошлаб чет эл инвестицияси ҳисобидан шу давргача молиялаштирилган 57 лойиҳадан 1997 йилда 23таси ишлаб чиқаришга туширилди, қолган 24 лойиҳани жорий йилда тугаллаш мўлжалланмоқда.

8.5. Валюта сиёсати

[136] Ўзбекистон миллий валюта тизимига эга бўлди ва ҳозирги кунда уни барқарорлаштириш йулларини мустақамламоқда. Валюта тизимининг асосини ўзбек сўми ташкил этиб, у 1994 йилнинг июлида муомалага киритилди.

Сўмнинг эркин алмаштирилиши (конвертацияси)га эришиш анча вақтни ва ривожланишни талаб қилади. Собиқ Иттифоқнинг бошқа баъзи бир давлатларидан фарқли улароқ, Ўзбекистон уз сўмининг ички конвертациясига эришган бўлса-да, ташқи конвертация соҳасида ечилмаган муаммолар мавжуд.

Тулов балансининг жорий операциялари буйича сўм мамлакат **ичида конвертацияга** эга. „Валютани тартибга солиш туғрисида“ги Қонунга кўра чет эл валютаси тушумининг:

- * 30% Республика Марказий банкга мажбурий тарзда сотилади;
- * 10% Республика валюта фондига йуналтирилади;
- * 5% маҳаллий валюта фондларини ташкил этиш учун Молия вазирлиги томонидан сотиб олинади.

Марказий банк томонидан ўтказилган чет эл валютасининг сўмдаги эквиваленти корхоналарнинг ҳисоб-китоб счётларига туширилади. Корхоналарнинг ҳисоб-китоб счётларига пул кўчириш ваколати банкларнинг мажбурий тулов операцияларини ўтказиш қунидаги Марказий банк томонидан урнатилган курс буйича амалга оширилади. Корхоналарнинг валюта тушумларидан бир қисмининг мажбурий сотилиши тартибида сотиб олинган маблағлар Марказий банкнинг олтин-валюта захираларига кириб қилинади, унинг балансида ҳисобга олинади ва Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси орқали сотиш йўли билан миллий валютани барқарорлаштириш мақсадларида фойдаланилади.

[137] Ўзбекистоннинг валюта сиёсати:

* мамлакатнинг валюта-молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, унинг тулов қобилиятига ва кредитга лаёқатлилигига эришиш;

* инфляцияни „жиловлаш“;

* чет эл капиталини жалб этиш;

* иқтисодийнинг „долларлашуви“га йул қуймаслик;

* узбек сўмининг мавқеини мустаҳкамлаш ва унинг тулик конвертациясига эришишга қаратилган.

Бозор муносабатларига утиш шароитида Ўзбекистоннинг валюта сиёсати валютавий чеклашларни сақлаган ҳолда валюта операциялари ва назоратни либерализациялашга асосланган. Ўзбекистонда валюта сиёсати:

* валютавий чеклашлар;

* валюта курсини тартибга солиш;

* олтин-валюта захираларини ошириш;

* сўмнинг конвертацияланиш жараёнларини бошқариш кабиларда намён булади.

[138] Ўзбекистонда сўм курсини барқарорлаштиришга қаратилган **дисконт сиёсати** қўлланилмайди. Чунки **валютавий чеклашлар** ва оғир валютавий-иқтисодий ҳолат чет эл капиталининг эркин ҳаракатланишига тўсқинлик қилади. Қонун буйича Ўзбекистонда валюта маблағлари билан операцияларга чеклашлар қаратилган, валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш назорат қилинади. Хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортига чеклашлар ўрнатилган. Импорт тарифлари Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадларида миллий корхоналар ва импорт қилувчиларга тенг шароитлар яратишга қаратилган.

Валюта сиёсатининг асосий объекти бўлиб, аҳоли ва корхоналарнинг валюта ҳуқуқлари ҳисобланади. Валюта ҳуқуқлари турғисида қисқача айтиб ўтган эдик. Аммо, бу ерда унинг самарали ишлатилиши, Марказий банкка мажбурий тарзда сотиладиган **валюта нормасининг** юқорилиги муаммолигича турибди.

Республика аҳолиси валютага эга бўлиш, валюта ҳисоб варақларини очиш, валюта битимларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг 500 доллардан ортиқ ҳажмдаги чет эл валютасини олиб чиқиб кетиш ваколати банкнинг маълумотномаси асосида амалга оширилади. **Мамлакат ичкарасида чет эл валютасини умумий тулов воситаси сифатида ишлатиш тақиқланади.**

Сўм дифференциал курсга эга: расмий, тижорат ва норасмий. **Расмий курс** — бу республика валюта биржасидаги савдоларда ўрнатилган валюта курси, **тижорат курси** расмий курсдан бир қанча юқори ва норасмий курс (хуфиёна курс) у ёки бу томонга тебраниб

туриши мумкин. **Норасмий курс** тебраниб туради. У банклар валюта сотишни камайтирганда, банкларнинг сотиш курсидан юқори булиши мумкин ва аксинча. Республикамизда АҚШ доллари кўпроқ **котировка** қилинади. Шунинг учун унинг сотилиш ҳажми энг юқори.

8.6. Ўзбекистонда халқаро кредит алоқаларини ривожлантириш истиқболлари

[139] Халқаро кредит алоқаларининг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, авваламбор миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарорлигига боғлиқ. Ўзбекистонда иқтисодиётни мустаҳкамлаш учун энг аввало ишлаб чиқаришни тараққий эттириш, экспорт потенциални ошириш зарур. Айнан шу йул орқали сўмнинг конвертацияланишига эришиш мумкин. Мана шундай шароитдагина иқтисодиётни „долларлаштириш“ хавфининг олдини олиш мумкин.

Ягона ўзгарувчан валюта курсининг ўрнатилиши — сўмнинг конвертацияланиши томон муҳим қадамдир. Бироқ иқтисодиётнинг бугунги ҳолати ва импортга боғлиқлик сўм курсининг исталган даражасига эришишга йул қўймапти. 1995 йилда инфляция даражаси 3 марта пасайди, шунингдек, бюджет камомади, тулов баланси камомади қисқарди. Лекин булар иқтисодиётнинг меъёрлашуви учун етарли эмас. Жорий ҳолатдан чиқиш учун Ўзбекистонда биринчи навбатда халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарувчи тармоқлар, агросаноат комплекси ва энгил саноатни ривожлантириш зарур.

Яқин йилларда республика электроэнергия импортининг қисқариши кутилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар туфайли мамлакат ичида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ортиб бормоқда. Ўзбекистон хомашё ресурсларига бой. Келгусида хомашё ва тайёр маҳсулот экспортининг кўпайиши кутилмоқда. Натижада мавжуд дефицит қисқариб боради ва 2000 йилда ЯИМнинг 2% даражасига етади. Қарзларга хизмат кўрсатиш коэффиценти 18,5 фоиздан 2000 йилда 11,5 фоизга камаяди. Шунинг учун Ўзбекистонда ташқи қарзларни қийинчиликсиз қайтариш учун етарли шарт-шароитлар мавжуд.

Ўзбекистонда қаттиқ пул-кредит сиёсатига амал қилиш давом этапти. 1994 йилнинг урталаридан бошлаб бу ерда ҳисоб-китоб ва пул интизомини мустаҳкамлашга эришилди. Марказий банкнинг 1995 йилнинг бошларида ўрнатилган 225%лик қайта молиялаштириш даражаси инфляция суръатларининг пасайишига олиб келди. Натижада ҳозирги кунда унинг даражаси 3% гача тушди.

ХВФ ёрдамида жорий конвертацияга эришишга йўналтирилган аниқ валюта бошқаруви йўлга қўйилган. Ҳозирданоқ даромадлар ва дивидендлар репатриацияси мавжуд, инвестициялар бўйича бошқа ҳисоб-китоблар эса бозор курслари бўйича амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Жаҳон банкининг тавсиясига асосан ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришга қаратилган хусусийлаштириш дастурини изчил амалга оширмоқда.

Маълум бир иқтисодий замин йўқлиги туфайли сўмнинг конвертацияланишига ўтишнинг ҳозирча иложи йўқ. Конвертациялашга киришиш учун етарли даражада мувозанатлаштирилган ва норезидентлар учун очиқ бўлган товарлар, хизматлар ва валюта бозори зарур. Шунингдек, конвертациялаш, биринчи навбатда, тулов балансининг жорий операциялари бўйича ва ўз навбатида норезидентлар учун валюта чеклашларини бекор қилинишини талаб қилади. Сўмнинг эркин алмаштирилишига ўтиш амалда Ўзбекистон иқтисодиётининг очиқлиги ва унинг жаҳон бозорига қўшилганлигини аңлатади.

[140] Ҳозирги кунда ҳақиқатда сўмнинг бир қатор операциялар бўйича валюта чеклашлари сақланган ҳолда ички конвертацияси вужудга келган. Сўмнинг конвертацияланишига ўтиш ва халқаро кредит алоқаларининг ривожланишига эришиш учун Ўзбекистон қуйидагиларга, яъни,

* ХВФнинг стэндбай кредити ёрдамида макроиқтисодий барқарорлашувга;

* пахта ва донга давлат буюртмасининг бекор қилинишига;

* йирик ва ҳаётбоп бўлмаган ишлаб чиқаришни ва молиялаштиришни тўхтатишга;

* ҳукуматнинг мақсадли кредитларидан воз кечилишига;

* энергоманбаларининг реал баҳоланишига эришиши лозим.

Таянч иборалар	
* халқаро кредит	* инвестицион кредит
* кредит тамойиллари	* кредит линияси
* кредитнинг қайтарилиши	* Европа Ривожланиш ва Тараққиёт Банки (ЕРТБ)
* кредитнинг муддатлилиги	* Интеграцион жараён
* кредитнинг моддий таъминланганлиги	* Халқаро валюта фонди (ХВФ)
* кредитнинг мақсадлилиги	* квота доираси
* кредитнинг фоизлилиги	* СДР
* Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ)	* стэндбай кредит
* валюта сиёсати	* сўмнинг эркин алмаштирилиши
* дисконт сиёсати	* ички конвертация
* валюта сиёсатининг объекти	* валютавий чеклашлар
* сўмнинг расмий курси	* валюта нормаси
* сўмнинг норасмий курси	* сўмнинг тижорат курси
* ягона ўзгарувчан валюта курси	* котировка
	* дивидендлар репатриацияси

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар

- [127] *Халқаро кредит нима ва Ўзбекистонда ундан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари нималардан иборат?*
- [128] *Кредит беришнинг қандай тамойилларини биласиз?*
- [129] *Халқаро кредитни қайтаришда қандай усуллар қўлланилади ва қайси манбалардан қайтарилади?*
- [130] *Инвестицион кредитнинг амал қилиш муддати неча даврга бўлинади?*
- [131] *Собиқ Иттифоқ республикаларини кредитлаш ким томонидан амалга оширилади?*
- [132] *Мустақил Ўзбекистон шароитида ташиқи ҳисоб-китоб ва валюта-кредит муносабатлари ким томонидан амалга оширилади?*
- [133] *Четдан жалб қилинган кредитлар қандай шаклларда туланади?*
- [134] *Кредит линияси нима? У қандай қисмлардан иборат?*
- [135] *Ўзбекистон ХВФ, ОТБга қачон ва нима мақсадда аъзо бўлди?*
- [136] *Ўзбек сўми қачон муомалага киритилди?*
- [137] *Ўзбекистоннинг валюта сиёсати нимага қаратилган?*
- [138] *Нима учун Ўзбекистонда сўм курсини барқарорлаштиришга қаратилган дисконт сиёсати қўлланилмайди?*
- [139] *Ўзбекистоннинг халқаро кредит алоқаларини ривожлантириш учун нималарни амалга ошириш зарур?*
- [140] *Сўмнинг конвертацияланишига утиш ва халқаро кредит алоқаларига эришиш учун Ўзбекистонда нималар қилиниши керак?*

9- боб. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Режа:

- 9.1. Бевосита хорижий инвестициялар [141 — 143]
- 9.2. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинадиган хорижий инвестициялар соҳалари [144]
- 9.3. Хорижий инвесторларга бериладиган кафолат ва имтиёзлар [145 — 148]

9.1. Бевосита хорижий инвестициялар

[141] „Инвестиция“ тушунчаси қатор маъноларга эга булиб, молиявий натижаларга эга бўлиш мақсадида акция, облигация сотиб олишни англатади. „Инвестиция“ тушунчаси орқали товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган реал активлар ҳам изоҳланади. Кенг маънода эса инвестициялар мамлакат иқтисодиётини ўстириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган механизмларни таъминлайди.

Содда қилиб айтганда, инвестициялар ҳар қандай восита булиб, пулнинг қийматини сақлайди ёки унинг қийматини кўпайтиради ва ижобий даромад олишни таъминлайди. Шундай қилиб, инвестициялар капитал қийматининг ўсишини ва даромад келтиришини таъминлайди.

Капитални жойлаштириш шакллари турлича булиб, қатор омиллар асосида фарқланади. Ушбу жиҳатлардан келиб чиқиб инвестицияларни бевосита ва билвосита турларга ажратиш мумкин бўлади. Инвестор томонидан фонд ёки мулккий бойликларга бўлган талабларни харид этиш, капитални жойлаштирилиши бевосита инвестицияларни англатади.

[142] Бевосита инвестиция капитални жойлаштириш шакли булиб, инвесторни қимматли қўроғга ёки мулкка бўлган бевосита ҳуқуқидан далолат беради. Бевосита хорижий инвестициялар, капитал қуювчи давлат ёки унинг юридик шахси томонидан ўз капиталини капитал қабул қилувчи давлат иқтисодиётига жойлаштиришини англатади.

Инвестициялардан кутилаётган даромад капитал эвазига олиш мумкин бўлган фоиз ставкасидан юқорироқ даражада бўлиши керак.

Шундагина капитал қабул қилувчи давлатнинг бевосита хорижий инвестицияларга бўлган талаби қондирилган бўлади.

Жаҳон капитал бозорида капитал оқими унга булган талаб ва таклифдан келиб чиқади.


Хорижий капиталнинг миллий иқтисодиётга киритилиши иккала томонга ҳам манфаат келтиришни кўзлайди. Акс ҳолда бундай муносабатлар йўлга қўйилмаган булар эди. Капитал қабул қилувчи иқтисодиёт учун хорижий инвестициялар даромад келтирмаганда эди, у капитални қабул қилмаган булар эди. Капитални жойлаштирувчи (хорижий инвестор) учун эса, капитални сафарбар этишда кутиладиган даромад капитал эвазига олиш мумкин булган банк фоиз ставкасидан юқори булмаганда эди, у ўз капиталини ўзга иқтисодиётга сафарбар этмаган булар эди.

Халқаро капитал муносабатлари бевосита ёки билвосита молия бозорлари даражаларида амалга оширилади. Агар капитал қўювчи ўзга давлат иқтисодиётида фирма, корхона ёки бошқа хўжалик юритиш субъектини ташкил этувчиси, ёки улар мулкнинг бир қисмини харид этувчиси булса, бу ҳолда бевосита хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётга қўйилган бўлади. Яъни, бевосита хорижий инвестициялар ўзга иқтисодиётда корхона, фирма ва бошқа хўжалик субъектларининг асосчиси, ёки уларни харид этувчиси сифатида намоён бўлади.

[143] Бевосита хорижий инвестицияларнинг ўзга иқтисодиётга кириб бориши **молиявий хатарлар** билан боғлиқ. Чунки капитал оқимларининг ҳаракати капитал бозорлари орқали вужудга келади ва ўз навбатида молиявий хатарларга асос солади. Миллий капитал бозорларида молиявий хатарлардан бўлмиш **фоиз, кредит, инфляция хатарлари** асосий хатарлардан ҳисобланади.

Халқаро капитал бозорлари орқали бевосита хорижий инвестициялар киритилганда эса **валюта хатари** ёки бошқача қилиб айтганда, валюталарни алмаштириш курси, уларнинг ўзгариш хатари асосий хатар ҳисобланади. Ушбу хатарлар билан биргалликда тижорат (бизнес) ва инвестиция хатарлари ҳам муҳим ўринларни эгаллайди.

Молиявий ресурслар бозоридаги молиявий хатарларнинг умумий кўринишини қуйидаги чизмада кўрсатиш мумкин (4-чизма).



4- чизма. Молиявий хатарлар.

Бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишдан мақсад, контракт иштирокчиларини патентлар, савдо маркаларига эга бўлишга, бошқариш тажрибасини эгаллашга, сотиш бозорларини ўрганишга, ташкилий билимларни эгаллаш ва бошқаларни ўзлаштиришга қаратилади. Бунда энг муҳими жаҳон бозорига ўз маҳсулотларини олиб чиқиш ва ушбу бозор иштирокчиси бўлишдир.

Бевосита хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистонга кириб келиши, қисқа вақт ичида, мулкчиликнинг турли шаклларини ташкил топишига кумақлашади, Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий қайта қуришни, нуфузли тармоқларни барпо этилишини таъминлайди. Энг муҳими, Ўзбекистон иқтисодиётининг байналминаллашини ва Ўзбекистоннинг халқаро бозорига ўз маҳсулотларини олиб чиқишини ва у ерда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайди. Бунинг оқибатида экспорт ўсишини ва республикамизнинг тулов балансини тобора ижобийлашиб боришига эришилади.

Бевосита хорижий инвестицияларнинг кириб келиши республикамизда хусусийлаштириш жараёнларини ташкил этиш босқичлари билан боғлиқдир. Шу билан бир қаторда, республикада иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш ҳам, бевосита хорижий инвестициялар оқимлари шаклларини белгилаб берди. Бевосита хорижий инвестицияларнинг оқими:

* Ўзбекистон иқтисодиётида қўшма корхоналарни барпо этилишига асос солади;

* чет эл корхоналари ва хўжалик юритиш субъектларининг турли шўба корхоналари, ваколатхоналари, хизмат кўрсатиш муассасаларининг ташкил этилишига замин яратади.

Булардан ташқари, хусусийлаштириш жараёнларининг кейинги босқичларида, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, уни жадаллаштирилиши муносабати билан бевосита хорижий инвестициялар сармал фонд маблағларни харид этилишига имкон беради. Бевосита хорижий инвестициялар капитал қабул қилувчи регион иқтисодиётида бевосита товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга сафарбар этилади. Ушбу инвестициялар мавжуд бўлган корхона, фирма ёки бошқа хўжалик юритиш субъектларининг акциялар назорат пакетини харид этиш ёки ўз ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш йўллари билан сафарбар этилади. Ўзга иқтисодиётига кириб келиш шаклидан қатъи назар бевосита хорижий инвестициялар ўз эгаларига инвесторлар объектларини бошқаришда самарали иштирок этиш, ўз мамлакатлари ташқарисида бўлган ва капиталлари сафарбар этилган корхона ва фирмалар устидан назорат ўрнатиш каби имкониятларни яратиб беради.

Халқаро статистика тажрибасида бевосита инвестицияларнинг турлича тушунчаси қўлланилади. Масалан, Халқаро валюта фондининг

таърифлашича, чет эл инвесторида корхона акциясининг камида 25 фоизи булсагина инвестициялар бевосита инвестиция ҳисобланади. АҚШ статистикасида эса ками билан корхонанинг 10 фоиз акциясига эга булсагина бундай инвестициялар бевосита инвестиция деб тан олинади.

9.2. Ўзбекистон иқтисодийётига жалб қилинадиган хорижий инвестициялар соҳалари

[144] XX асрнинг 70-йилларида акционер капиталга инвестиция қўйиш урнига:

- * турли шартномалар тузиш;
- * лицензиялар бериш;
- * бошқариш хизматларини курсатиш;
- * савдо маркаларидан фойдаланиш каби шакллар ривожланиб

борди.

Бевосита инвестициялар монополиячиларга:

- * божхона — тариф туловларидан қочиб қутулиш;
- * уз маҳсулоти экспортини кенгайтириш;
- * хом ашё ва ёқилғи манбалари устидан назорат урнатиш;
- * нисбатан арзон иш кучи ишлатиш имкониятларини яратиб

беради.

Капитал жалб қилувчи мамлакатларнинг ишлаб чиқариш соҳаларига бевосита хорижий инвестицияларнинг киритилиши ва унинг ўсиб бориши, бу давлатларни иқтисодий қолоқликдан тезроқ қутулишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда хорижий инвестициянинг кириб келиши учун барча қулай шароитлар яратилган. Мавжуд қонунчиликка биноан чет эл инвесторлари ўз инвестицияларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

* қўшимча равишда ташкил этиладиган ҳужалик жамоалари, банklar, сугурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарда ўз ҳиссаларини қўшиш;

* мулкни, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни харид этиш;

* мустақил ёки юридик шахслар иштирокида мулкий ҳуқуқларни харид этиш, яъни ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан, ижара асосида) ва табиий ресурслардан фойдаланиш йўллари билан амалга оширадилар.

Хорижий инвестициялар амалдаги Ўзбекистон қонунлари билан тақиқланмаган ва ўзлари иштирок этадиган ҳужалик субъектлари уставида белгиланган мақсадларга қаратилган барча фаолиятларни олиб боришлари мумкин.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида халқаро инвестициялар ҳажми кескин усиб бормоқда. 60-йилларнинг урталаридан бошлаб улар 4 маротаба кўпайди ва 80-йилларга келиб халқаро инвестициялар ҳажми тахминан 450 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Бугунги кунда эса, фақат бир йил мобайнида, ташқарига олиб чиқиладиган бевосита инвестициялар 200 млрд. АҚШ долларига тенгдир.

Хорижий инвестициялар оқимининг бунчалик тез усиш сабабини капиталнинг меъёрдан юқори эканлиги ёки жаҳон бозорида кескин узғаришлар содир бўлиши ва **трансмиллий корпорацияларнинг** ташқарига уз капиталини чиқариши билан эмас, балки ишлаб чиқаришни, аниқроғи, маҳсулотни кўпроқ четга олиб чиқиш билан тушунтириш мумкин булади. Трансмиллий корпорациялар уртасидаги мавжуд кучли рақобат, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни тобора арзонлаштишига ва сифатини янада яхшиланишига мажбур этади. Масалан, охириги йилларда АҚШ энг йирик капитал экспорт қилиш мамлакатидан капитални импорт қилувчи йирик мамлакатга айланиб бормоқда. Бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш буйича Хитой иккинчи уринга чиқиб олди. Японияда эса охириги 10 — 12 йил ичида инвестицияларни ташқарига чиқариш курсаткичларида усиш суръатлари кузатилмоқда.

Бевосита хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистонга жалб қилиниши 1991 йилдан бошлаб, хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарни рўйхатга олинисидан бошланди. 1991 йилнинг ўзида 191 та қўшма корхона ташкил этилди. 1992 йили 368 та қўшма корхона рўйхатга олинди. 1993 — 237 та, 1994 — 380 та, 1995 йилда эса 537 та қўшма корхона рўйхатга олинди. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 1997 йилда 3200 тадан ошиб кетди. Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётини юксалтиришда 162 та хорижий компания ва фирма ўз сармояси билан иштирок этмоқда.

1997 йилда республика иқтисодиётининг ривожини учун йуналтирилган жами маблағнинг 30 фоизини хорижий сармоя ва кредит ташкил қилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида деярли барча хорижий сармоя ва кредитлар ҳукумат кафолати билан киритилган бўлса, 1996 йилда хорижий сармоя ва кредитларнинг 15 фоизи республикамизга ҳеч қандай кафолатсиз кириб келди.

Йирик хорижий инвесторлар таркибига „Ньюмонт Майнинг“ (олтин қазиб чиқариш) „Бат индастриз“ (тамаки саноати), „ДЭУ Корпорейшн“ (автомобилсозлик, электроника, телекоммуникация), „Лонро“ (олтин қазиб чиқариш), АББ (машинасозлик) ва бошқаларни киритиш мумкин. 1997 йилда Ўзбекистон ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони қуйидагилар билан характерланади: Россия — 359, Туркия — 234,

АҚШ — 199, Буюк Британия — 91, Германия — 86, Жанубий Корея — 66 ва Корея Халқ Демократик Республикаси — 62.

1998 йилда хорижий инвестицияларнинг каттагина қисми „Ўзқишлоқмашхолдинг“ корхоналарини замонавий техника билан қуроллантириш, уларни замонавий қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришга ўтказиш, эҳтиёт қисмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадларига йўналтирилди. Бу йўналишда биринчи галда АҚШнинг „Кейс“ компаниясидан самарали фойдаланилаётганлигини қайд этиш лозим. Бунда АҚШ, Англия, Япония банкларининг кредитлари ҳисобидан пул билан таъминланганлиги жуда кўл келди.

Республикада кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш 1999 — 2000 йиллар инвестиция лойиҳасининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Бу соҳага жалб қилинадиган хорижий сармоя миқдори янада кўпайтирилади. Қайд этилганлар билан бир қаторда Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг янги жабҳалари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Япониянинг жаҳонда машҳур йирик компанияларидан бири булмиш „Сумитомо корпорейшн“ компанияси билан ҳамкорликда эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Бундай лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан бир қаторда қўшимча равишда хорижий сармояларнинг кириб келишини таъминлайди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу лойиҳанинг амалга оширилиши 2000 йилга режалаштирилган.

Республикада ишлаб чиқилаётган инвестиция дастурларига хорижий капитални жорий этишнинг асосий соҳалари ажратилган. Хорижий инвестицияларни сафарбар этишда ута зарур соҳалар қаторига қуйидагилар киритилган:

* энг янги булган технология асосида халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқиш;

* замонавий технологияларни қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаб чиқариш;

* хом ашё, ресурсларни қазиб чиқариш ва экологик жиҳатдан соф усуллар билан уларни қайта ишлаб чиқариш;

* ишлаб чиқариш корхоналарида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар ўтказиш;

* саноат чиқиндиларини ва бу тармоққа хизмат қилувчи тармоқлар чиқиндиларини қайта ишлаш;

* ускунаСОЗлик, асбоб-ускуналар ва радиотехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

* хом ашё ва энергоресурсларни тежамли ишлатиш имкониятини берувчи ускуналарни ишлаб чиқариш;

- * замонавий ахборот ва телекоммуникация тизимини барпо этиш;
- * дори-дармон ва замонавий тиббий техникани ишлаб чиқариш;
- * сайёҳликни ривожлантириш;
- * замонавий қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш;
- * эҳтиёт қисмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни йулга қўйиш.

Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган ва республикада фаолият юритаётган корхоналарни соҳалар бўйича тақсимланиши қуйидаги жадвалда келтирилган (38-жадвал).

38- жадвал

Ўзбекистонда хориж капитали иштирокида фаолият
кўрсатаётган корхоналарнинг салмоғи

Тармоқлар	Корхоналарнинг улуши											
	Ишлаб турган корхоналар сонида			Ишлаб чиқариш ҳажмида			Экспортда			Импортда		
	1995	1996	1997	1995	1996	1997	1995	1996	1997	1995	1996	1997
Республика бўйича жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Саноат	40,4	29,3	37,2	49,6	74,4	78,3	41,9	72,6	89,9	21,6	34,5	69,1
шу жумладан:												
Ўқилги ва энергетика	1,0	0,1	0,5	0,0	0,2	0,6	0,0	0,0	0,3	0,0	0,1	0,0
Қора металлургия	0,3	0,2	0,1	0,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Рангли металлургия	0,2	0,2	0,4	0,2	11,6	7,9	0,2	55,8	36,7	0,1	3,0	1,6
Газ ва нефт кимё	3,0	2,0	2,4	7,2	4,9	2,9	13,3	1,6	0,6	2,7	1,8	1,9
Машиносоз- лик	3,8	4,3	5,9	6,5	29,1	31,4	0,8	0,3	33,5	0,4	1,6	39,0
Электротех- ника	0,9	0,4	2,6	3,8	8,2	7,4	2,2	4,2	3,1	0,0	10,2	6,5
Урмончилик ва ёғочни қайта ишлаш	1,3	2,0	2,8	0,5	0,6	0,6	0,7	0,3	0,0	0,0	0,4	0,5
Қурилиш материалла- ри	1,5	1,3	1,5	1,1	0,0	2,4	0,0	0,0	1,4	0,5	0,2	1,8
Енгил саноат	16,8	10,7	12,2	7,8	4,2	6,6	6,8	4,4	12,6	4,3	6,5	7,6

Озиқ-овқат саноати	3,9	4,0	6,6	8,8	13,2	17,2	4,2	0,6	1,0	7,3	4,6	9,3
Бошқа тармоқлар	8,7	4,3	2,2	13,5	1,8	1,3	13,7	5,0	0,6	6,3	6,1	0,7
Кишлоқ хужалиги	0,0	0,4	1,2	0,0	0,1	0,2	0,0	0,0	0,1	0,0	0,0	0,1
Транспорт	1,8	1,0	1,6	5,4	1,7	1,8	7,0	2,3	2,0	1,5	0,7	0,6
Алоқа	0,7	1,6	3,0	6,6	5,1	5,3	0,0	4,0	0,2	1,3	5,3	3,3
Қурилиш	2,3	2,7	3,5	9,7	1,9	2,1	0,0	0,4	0,4	0,9	2,1	5,2
Савдо ва умумий овқатланиш	45,4	56,2	37,9	20,4	9,3	6,4	47,7	13,7	3,5	72,7	56,1	16,9
Моддий-техника таъминоти	0,8	2,3	2,0	2,4	0,4	0,2	1,9	3,2	0,2	1,2	0,6	0,5
Тайёрлов	0,1	0,2	0,4	0,0	0,2	0,1	0,7	0,0	0,2	0,0	0,0	0,1
Соғлиқни сақлаш	0,5	0,7	0,5	3,6	1,9	1,0	0,2	1,9	2,0	0,1	0,4	0,2
Халқ таълими	0,2	0,3	0,3	0,1	0,1	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Маданият, санъат ва саёҳат	0,5	0,5	0,8	0,3	0,2	0,1	0,3	0,3	0,3	0,0	0,0	0,2
Фан ва илмий тадқиқотлар	1,1	0,9	0,9	0,6	0,2	0,1	0,1	0,0	0,0	0,1	0,0	0,0
Электрон ҳисоблаш хизмати	1,3	0,6	0,1	0,2	0,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,3	0,0	0,0
Бошқа хизматлар	5,1	3,4	10,4	1,0	4,4	4,2	0,3	1,6	1,2	0,3	0,4	3,9

1998 йилнинг 1 январига қадар бўлган маълумотларга қура, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноатда 37,2 фоизни, савдо ва умумий овқатланишда 37,9 фоизни ташкил этган. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ишлаб чиқаришида асосий уринни саноат эгаллаган. Ушбу корхоналар томонидан экспорт ва импорт қилиш соҳасида ҳам ижобий силжишлар кузатилмоқда. Хусусан, уларнинг фаолияти импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган. Келажакда эса, ушбу корхоналар фаолиятини республикамиз экспорт базасини кенгайтиришга қаратиш мўлжалланган.

9.3. Хорижий инвесторларга бериладиган кафолат ва имтиёзлар

[145] Бевосита хорижий инвестицияларнинг киритилиши мамлакат бойлигини орттириш омилидан бири булиб хизмат қилади, чунки улар эвазига янгидан янги қорхоналар барпо этилади, фаолият юритилаётганлари эса кенгайтирилади. Шу билан бир қаторда, хорижий сармояларнинг кириб келиши рақобат муҳитини ривожлантиради, рақобатбардош маҳсулот турларини иннлаб чиқаришни тезлаштиради, иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимини барқарор равишда ўсиб бориши кузатилмоқда. Стратегик жиҳатдан, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишда мавжуд бўлган икки йўналишдан экспорт кенгайтирувчи йўналиш ижобий баҳоланади.

Экспортни кенгайтириш сиёсати. Ўзбекистон учун муҳим бўлганлиги учун ҳам бу сиёсат мамлакат ташқарисида рақобатни кучайтиради ва уз навбатида республикамиз томонидан кучли иқтисодий фаолият олиб боришни тақозо этади.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда солиқ тизими, амортизация сиёсати, молия, кредит, суғурта, нарх-наво сиёсати, суғурта кафолатлари, солиқ имтиёзлари каби дастаклар қўлланилади. Бунда молия ва кредит механизмлари турли соҳа ва тармоқларда яққаоқимликни тугатилишига қаратилган бўлиши зарур. Ҳозирги вақтда жаҳон капитал бозорида, капиталга бўлган талаб унинг тақлифидан юқори бўлганлиги туфайли республикамиз солиқ тизими ушбу ҳолатни ҳисобга олади. Бу борада Республика ўзининг солиқ тизимини такомиллаштириб бориши билан бир қаторда харид этиш қобилияти юқори бўлган хорижий инвестицияларни иқтисодиётга буриш чораларини кўриш лозим.

Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қўлай шарт-шароитлар мавжуд. Мамлакатда сиёсий барқарорлик таъминланган. Инфляция жараёнларини жиловлашга ва миллий валютамининг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган макроиқтисодий сиёсат олиб борилмоқда. Чет эл компанияларининг фаолият юритиши учун ҳуқуқий база яратилган. Шулар билан бир қаторда республикамиз замини хом ашё, табиий ресурсларга бой ва унинг ишлаб чиқариш кучлари истеъдолли, юқори таълим даражасига эга.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг инфратузилмаси шаклланиб бормоқда, хорижий инвесторлар учун қўлай инвестиция муҳити яратилган. Булар эса хорижий компанияларнинг инвестиция хатарларини пасайтиради ва хорижий инвестицияларни кириб келишига қўлай шароит яратади.

[146] Хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қабул қилувчи томон хорижий инвесторларга солиқ имтиёзлари, мулкка эгалик ҳуқуқи, фойдани репатриациялаш, мулкни солиққа тортишдаги имтиёзлар ва бошқа турдаги барча қулайликларни яратиши лозим. Бундан ташқари, инфратузилмалари ривожланган, божхона сиёсати улар учун мослаштирилган бўлиши керак.

Аниқ кафолатларсиз хорижий инвестициялар давлат томонидан ҳимояланган. Республикада қабул қилинган „Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари кафолатлари тўғрисидаги“ Қонунга биноан хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий режими ички инвестицияларникидан ноқулай бўлмаслиги белгилаб қўйилган. Хорижий инвесторлар учун республикамизда кенг имкониятлар яратилган, шу жумладан:

- * инвестициялаш мақсадларида ишлаб чиқариш биноларини, асбоб-ускуналарни, уй-жой биноларини сотиб олиш;
- * узоқ муддатга ерни ижарага олиш;
- * хусусийлаштириш дастурларида иштирок этиш;
- * уларга инвестициялаш йўналишларини, турларини, ҳажмини аниқлашда ўз ихтиёрлари билан ҳуқуқий ва жисмоний шахсларни жалб қилиш каби имкониятлар берилган.

Хорижий инвестор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан, инвестиция объектлари ва натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва олинган фойдаларни қайта инвестициялаш ҳуқуқларига эга.

Республика ҳудудида инвестиция фаолиятини юритадиган хорижий инвесторлар учун умумбашарий халқаро ҳуқуқ меъёрларига биноан, Ўзбекистон Республикаси томонидан улар ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолати берилган. Агарда, амалдаги қонунчилик инвестициялаш шароитларини ёмонлаштирадиган бўлса, хорижий инвестициялар учун 10 йилдан ортиқ бўлмаган вақт ичида инвестицияларни киритилиши даврида жорий қилинган амалдаги қонунчилик сақланиб қолинади. Шу билан бирга, давлат бошқариш идоралари томонидан хорижий инвесторлар ҳуқуқларини камситишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ҳоллари учраб қолса, булар эвазига кўриладиган зарарлар суд орқали ушбу идоралар томонидан қопланади.

[147] Ўзбекистон қонунчилигига биноан хорижий инвестицияларни миллийлаштириш мумкин эмас. Табiiй офат, ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотийлардан ташқари ҳолларда хорижий инвестициялар реквизиция қилинмайди. Реквизиция тўғрисидаги қарор ҳуқуқат билан биргалликда хорижий инвестор томонидан қабул қилинади ва бундай ҳолатлар содир этилганда, зарар етказилган қиймат ҳажмида инвесторга компенсация тўланади.

Хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган фойда, иш ҳақи ва бошқа маблағларни чет эл валютасида чет элга ҳеч қандай чекланишсиз утказиш қафолати берилган.

Давлат қафолатлари билан биргаликда хорижий инвесторларга суғурта ҳимоялари ҳам ташкил этилган. Республика қонунчилигига биноан хорижий инвестицияларнинг ихтиёрий суғуртаси ва хорижий инвесторларнинг хавф-хатарларини суғурталаш тизими йулга қуйилган.

[148] Хорижий инвестицияларни суғурталаш тизими инвесторлар мулкани **экспроприациясидан**, уруш ва фуқаролар ғалаёнларидан, ҳокимият бошлиқларини суғурта шартномаларига аралашувидан, миллий валютани конвертациялашни чеклашидан ва бошқа хатарлардан ҳимоясини таъминлайди.

Амалда солиқ кодекси ва бошқа қонунчиликка биноан хорижий инвесторларга бир қатор солиқ имтиёзлари берилган. Мазкур имтиёзлар халқ истеъмол моллари, экспорт маҳсулотлари, импортни алмаштирувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва ривожлантиришга қаратилган.

Хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистонга кириб келиши янги иш ўринларини ташкил этишни, замонавий технологияни татбиқ этишни, қўшимча валюта даромадларини олишни ҳамда мамлакатимизни жаҳон ҳужалигига кириб боришини таъминлайди.

Таянч иборалар	
* инвестиция	* эркин иқтисодий саноат зонаси
* бевосита инвестиция	* импорт алмаштирувчи йуналишдаги хорижий инвестициялар
* билвосита инвестиция	* экспортни кенгайтирувчи хорижий инвестициялар
* молиявий хатар	* амортизация сиёсати
* фоиз хатари	* суғурта қафолатлари
* валюта хатари	* репатриациялаш
* бизнес хатари	* реквизиция
* инвестиция хатари	
* инфляция хатари	
* эпизооторий	
* экспроприация	
* акцияларнинг назорат пакети	
* трансмиллий корпорация	

Ўзини-ўзи текшириш учун саволлар

[141] *Инвестиция деганда нимани тушунаси?*

[142] *Бевосита ва билвосита инвестициялар нима билан фарқ қилади?*

[143] *Молиявий хатарларнинг қандай турларини биласиз?*

- [144] Бевосита хорижий инвестициялар ўзга мамлакатга қайси шаклларда кириб келиши мумкин?
- [145] Хорижий инвесторларга қандай кафолат ва имтиёзлар берилади?
- [146] Фойдани репатриациялаш деганда нимани тушунасиз?
- [147] Ўзбекистон қонунчилигига биноан хорижий инвестицияларни миллийлаштириш мумкинми?
- [148] Хорижий инвестицияларни суғурталаш тизими инвесторлар учун нима беради?

10- боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

Режа:

- 10.1. Лизинг ва лизинг муносабатларининг моҳияти [149]
- 10.2. Лизингнинг зарурлиги ва афзалликлари [150]
- 10.3. Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асослари [151 — 156]
- 10.4. Лизинг турлари [157 — 159]
- 10.5. Лизинг шартномаси ва лизинг объекти билан боғлиқ хавфлар [160 — 162]
- 10.6. Ўзбекистонда лизинг компаниялари [163 — 164]

10.1. Лизинг ва лизинг муносабатларининг моҳияти

[149] Ўзбекистон Республикасининг „Лизинг тўғрисида“ги Қонунининг 2- моддасида „лизинг“ тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

„Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчи)нинг топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эғалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қуйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектларини) олади“¹.

Лизинг уч тарафлама (сотувчи — лизинг берувчи — лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи — лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади. Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама **лизинг шартномаси** тузилаётганда қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

Лизингга эҳтиёж узоқ муддат хизмат қиладиган ускуналарни харид қилиш заруриятидан келиб чиқади. Бу зарурият **лизинг субъектлари** ўртасида буладиган муносабатлар туфайли ўз ечимига эга бўлади.

Лизинг субъектлари деганда шу муносабатга киришувчи барча субъектлар, яъни:

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг „Лизинг тўғрисида“ги Қонуни. „Халқ сўзи“, 28 апрель 1999 йил.

- * лизинг берувчи;
- * лизинг олувчи;
- * сотувчилар тушунилади.

Лизинг шартномаси буйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб олувчи шахс **лизинг берувчи** деб эътироф этилади.

Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси буйича лизинг объектини оладиган шахс **лизинг олувчи** деб эътироф этилади.

Лизинг бевосита узи ишлаб чиқарувчи ёки уни сотувчиси булса, шу шахс **сотувчи** деб эътироф этилади.

Лизинг берувчилар одатда ишлаб чиқарувчилар буладилар. Масалан, GATX — Темир йул вагонларини ижарага берувчи булса, IBM — компьютерларни, XEROX — нусха кучириш аппаратини ҳам ишлаб чиқарувчилари, ҳам ижарага берувчилари булиб ҳисобланади. Булардан ташқари иккита йирик ижара берувчилар гуруҳини ажратиш мумкин. Булар **банк ва мустақил лизинг компанияларидир**. Улар узларининг турли хизматларини бажарадилар.

Лизинг муносабатларида лизинг объекти алоҳида уринни эгаллайди. Чунки у ҳар қандай фаолиятнинг асосини ташкил қилади. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан:

- * корхоналар;
- * мулкый компаниялар;
- * бинолар;
- * иншоотлар;
- * ускуналар;
- * транспорт воситалари;
- * кўчар ва кўчмас мулк **лизинг объектлари** булиши мумкин.

Аммо, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари, шунингдек, эркин муомалада булиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган ёки муомалада булишининг алоҳида тартиби белгиланган мол-мулк, лизинг объекти булиши мумкин эмас.

10.2. Лизингнинг зарурлиги ва афзалликлари

[150] Қисқа муддатли, яъни оператив лизинг жуда ҳам қулай булиб, кўп жиҳатдан уз афзалликлари билан ажралиб туради.

Биринчидан, лизинг шартномаси қисқа муддатга тузилиши ва у муддат тугагач мулкни (ускуналарни) ижарага берувчига қайтариш имконияти қисқа вақт ичида булганлиги туфайли молиявий қарорлар буйича ҳисоб-китоблар аниқ бўлади ва истиқбол натижаларига мос тушади. Бу жиҳатдан оператив лизинг жуда ҳам қулайдир.

- Иккинчидан**, кичик, урта тадбиркорлар, бозор талабидан келиб чиқиб, уз фаолиятини тезкор узгартириш имкониятига эга буладилар.
- Учинчидан**, керак булган ускунани қисқа муддатга сотиб олишдан кура уни ижарага олиб ишлатиш, ижарага олувчининг фан ва техника ютуқларидан уз вақтида фойдаланишига имконият туғдиради.
- Туртинчидан**, лизинг шартномаси билан боғлиқ булган рисклар, нисбатан камроқ булади.
- Бешинчидан**, ривожланиб бораётган ва узгарувчан булмиш иқтисодиётда кичик ва урта бизнесни ривожлантириш ва уни молиялаштириш манбаи сифатида хизмат қилади.
- Олтинчидан**, маънавий жиҳатдан тез эскирувчан ва қадрсизланувчи ускуналар буйича қисқа муддатли лизинг шартномалари муддатидан илгари маънавий эскириш рискларини, фойдаланувчи урнига, ижарага берувчи зиммасига юклатиш имкониятини беради.
- Еттинчидан**, лизинг шартномасида рад этиш имкониятини берувчи қисқа муддатли лизинг шартномаси уни рад этиш опционини тулашни талаб этган тақдирда ҳам ижарадан воз кечиш имкониятини берувчи мазкур шартнома аслида адолатли баҳога эга бўлади.
- Саккизинчидан**, тула хизмат кўрсатиш лизинг шартномаси буйича ижарага олувчи ускуналар учун зарур булган барча хизматлардан фойдаланиш имкониятларини қўлга киритади.
- Туққизинчидан**, лизинг кичик компания ва урта бизнес қорхоналари учун нисбатан арзон пул маблағлари манбаи булиб хизмат қилади.
- Унинчидан**, акция ёки облигацияларни муомалага чиқариш эвазига маблағ жалб қилишга нисбатан, лизинг, паст харажатлар билан, босқинча-босқинч узок муддатли молиялаштиришни таъминлайди.
- Ун биринчидан**, лизинг шартномаси асосида олинган ускуналар буйича **жадаллаштирилган амортизация** ажратмаларини қўлаш имконияти яратилади ҳамда бозор талаби ва таклифидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот нархларини ва олинадиган фойда ҳажмини тартибга солиш имконияти қўлга киритилади.

10.3. Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асослари

[151] Лизингга булган зарурият қатор меъёрий ҳужжатларни, унинг ҳуқуқий асосларини яратишни талаб қилади. Шундай ҳужжатлар қаторига қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

* Ўзбекистон Республикаси „Фуқаролар кодекси“

* 25.12.1995 йил, I қисм.

* 29.08.1996 йил, II қисм.

Мазкур кодекснинг 34- боби, хусусан, 6-банд молия лизингига бағишланган. 13 моддадан иборат бу бандда лизинг шартномалар мажбуриятлари, субъектлари, тулови, томонлар мажбуриятлари, жавобгарликлари, ҳуқуқлари кабилар уз аксини топган.

* 1998 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси „Солиқ кодекси“ нинг 10-боби, хусусан, 38-моддаси асосий воситалар лизингига бағишланган.

* 1999 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан „Лизинг тўғрисида“ги Қонун қабул қилинди.

Бугунги кунда республикамизда лизинг компаниялари уюшмасини ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш, шунингдек, республикамизни халқаро молиявий лизинг ҳақидаги 1998 йил Оттава Конвенциясига қўшиш ҳамда Европа лизинг компаниялари уюшмаси (Лизевропа) билан республикамизда ташкил топаётган лизинг компанияларининг узоқ муддатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалалари кенг муҳокама қилинмоқда. Бу тадбирлар халқаро лизингнинг ривожланишида, республикамизда миллий иқтисодиётнинг тезроқ юксалишига қудратли омил вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари томонидан лизинг операцияларини ўтказиш ҳақида йуриқномаси ишлаб чиқилган. Ушбу йуриқнома асосида республикамизда ташкил этилган тўртта лизинг компанияси уз фаолиятини бошлаб юборган. Булар жумласига „Банк лизинг“, „ЎзКейсагролизинг“, „Ўзбеклизинг“ ва „Ўзавиализинг“ компаниялари киради.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, лизингнинг ривожланиши бевосита хорижий инвестицияларни кириб келиши билан боғлиқ. Масалан, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлар инвестицияларининг деярли 25 фоизи лизинг асосида молиялаштирилади. Лизинг муносабатларини йўлга қўйишда ва кенгайтириб боришда ҳуқуқий асослар жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу уринда 1995 йил 1 майда кучга кирган „Халқаро молия лизинги тўғрисида“ги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциясининг халқаро лизинг муносабатларини ривожлантиришдаги ҳиссаси жуда каттадир. Бу Конвенция 13 давлат томонидан имзоланган.

Халқаро стандарт талабларида инвестиция лойиҳаларининг тайёрланиши ва экспертизасининг ўтказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 июлдаги Қарори билан „Ўзинвестлойиҳа“ республика инжиринг компанияси ташкил этилди. Бу компаниянинг асосий вазифаси тадбиркорлар томонидан лизинг асосида тадбиқ этиладиган

лойиҳаларнинг ҳаётлигини текширишдан иборат. 1997 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган „Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида“ги Қонун амалиётга киритилди.

Республикамизда лизинг муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдаги вазифалардан бири „Инвестиция фаолияти тўғрисида“ги, „Лизинг тўғрисида“ги қонунларни халқаро лизинг қонунчилиги ва давлатимиз иқтисодиётидаги бошқа қонунларга мувофиқлаштиришдан иборат. Бу ўринда, Оттавада қабул қилинган (1998 йил) ва 1995 йил 1 майдан кучга кирган БМТнинг Конвенцияси қоидалари ва ушбу Конвенцияга аъзо бўлган ва бўлмаган давлатлар қонунчилигини инобатга олиш асосий муаммолардан биридир.

[152] Қабул қилинган қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистонда лизинг фаолиятини (лизинг берувчи сифатида) қуйидагилар юришга ҳақлидирлар:

- * банклар ва уларнинг шохобчалари;
- * молиявий лизинг компаниялари;
- * махсус лизинг компаниялари;
- * сублизингни йўлга қўувчи ташкилотлар.

„Лизинг тўғрисида“ги Қонуннинг 8- моддасида лизинг фаолиятига қуйидагича таъриф берилган:

„Лизинг шартномаси буйича лизинг берувчининг ўз маблағи ва ёки қарз маблағларини инвестициялашга қаратилган тadbиркорлик фаолияти тури — **лизинг фаолиятидир**“.

Ўзбекистонда илк бор қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ бўлиш „ЎзКейсагролизинг“ **махсус лизинг компанияси** ташкили билан лизингни ривожлантиришга қўй урилди. ~~Сўнгра~~ „Банк-лизинг“ универсал компанияси, „Ўзбек лизинг интернейшнл акционерлик жамияти“, „Ўзавилизинг“ компаниялари ва бугунги кунда „Барака“ универсал лизинг компаниялари ўз фаолиятларини юритмоқдалар.

[153] „Лизинг тўғрисида“ги Қонуннинг 11- моддасида лизинг берувчининг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган:

Лизинг берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

* лизинг олувчининг лизинг объектдан қандай шартномаларда фойдаланаётганлигини ва уни белгиланган мақсадга мувофиқ ишлаётганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ назорат қилиш;

* лизинг олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш;

* қонун ҳужжатларида ҳамда лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини олиб қўйиш;

* лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларни муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг объектини қайтиб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб этиш.

Агар лизинг объекти лизинг берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса ёки лизинг шартномаси шартларига номувофиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилиги билан ўзи лозим даражада бажармаган лизинг шартномаси шартларини тузатиб бажаришга ёки лизинг олувчига бошқа лизинг объектини таклиф этишга ҳақли.

Лизинг берувчи:

* лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиш ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериш;

* лизинг олувчи олаётган мол-мулкни муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиши;

* лизинг объектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг олувчи олдида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши шарт.

[154] „Лизинг туғрисида“ги Қонуннинг 12-моддасида лизинг олувчининг қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган:

Лизинг олувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

* лизинг объектини мустақил аниқлаш ва сотувчини танлаш;

* лизинг берувчидан лизинг шартномасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш;

* сотувчига лизинг объекти олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан, унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаши ва ҳоказолар хусусида талаблар қўйиш;

* лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, етказиб бериладиган лизинг объектидан воз кечиш ва лизинг шартномасининг бекор қилинишини талаб этиш;

* лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, ўзи вақт-вақти билан аванс сифатида тўлаган тўловлар ва бошқа

суммаларни лизинг объектдан фойдаланиш даврида олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилиш.

Учинчи шахс ундирувни лизинг объектига қаратганда лизинг олувчи лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини мулк қилиб олиш билан бир пайтда лизинг шартномаси буйича тегишли лизинг туловлари қолдиғини бир йўла тулашга ҳақли.

Лизинг олувчи:

* лизинг объектини қабул қилиб олиши ва ундан лозим даражада фойдаланиши, уни шартнома шартларига мувофиқ сақлаб туриши;

* лизинг туловларини ўз вақтида тулаб туриши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлса, лизинг объектини ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши, уни сақлаб туришга доир бошқа харажатларни қилиши шарт.

Лизинг шартномаси бекор қилинганда лизинг олувчи лизинг объектини лизинг берувчидан қандай ҳолатда олган бўлса, шундай ҳолатда, нормал эскириш ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтариши шарт, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Лизинг олувчининг лизинг объектини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатишга доир ҳуқуқи ва мажбурияти сотувчи билан алоҳида тузилган шартномада белгиланиши мумкин.

Лизинг олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва узга мажбуриятларни бажариши мумкин.

[155] „Лизинг туғрисида“ги Қонуннинг 24- моддасига биноан лизинг субъектлари қуйидагиларга жавобгардирлар:

* лизинг берувчи мол-мулкни етказиб бермаганлик, тулиқ етказиб бермаганлик, етказиб бериш муддатини ўтказиб юборганлик ва тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни етказиб берганлик учун, агар бу унинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли бўлса, лизинг олувчининг олдида жавобгар бўлади.

* лизинг берувчи лизинг олувчи олдида лизинг объекти юзасидан жавобгар бўлмайди, лизинг объекти сотувчиси ва лизинг объектининг ўзи лизинг берувчи томонидан танланган ва лизинг олувчи шу туфайли зарар кўрганлиги исботланган ҳоллар бундан мустасно.

* лизинг берувчи ва лизинг олувчи сотувчига нисбатан лизинг объектининг олди-сотди шартномаси буйича солидар кредиторлар сифатида иш кўрадилар. Сотувчи улар олдида лизинг объектининг олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш (лизинг объектининг сифати, бутлиги, лозим даражада етказиб берилиши ва бошқалар) юзасидан жавобгар бўлади. Ундан сотувчи лизинг объекти билан боғлиқ айнан битта зарар учун бир пайтнинг ўзида лизинг олувчи ва лизинг берувчи олдида жавобгар бўлиши мумкин эмас.

Оператив лизингни амалга оширишда лизингга берилган лизинг объектдан фойдаланишга тулиқ ёки қисман тўсқинлик қилувчи камчиликлар учун лизинг берувчи жавобгар бўлади. Бундай камчиликлар аниқланган тақдирда, лизинг олувчи лизинг берувчидан уларнинг текин бартараф этилишини ва лизинг туловлари мутаносиб равишда камайтирилишини ёки мазкур лизинг объектнинг камчиликларини бартараф этиш билан боғлиқ ўз харажатларининг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Лизинг берувчи лизинг объектнинг лизинг шартномасини тузишда қайд этиб ўтилган камчиликлари учун жавоб бермайди.

Лизинг олувчининг айби билан лизинг объектнинг йўқолиши ёки лизинг объектнинг ўз вазифасига доир аҳамиятини йўқотиши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг олувчини лизинг берувчи олдидаги жавобгарликдан озод этмайди.

[156] „Лизинг тўғрисида“ги Қонуннинг 15-моддаси лизинг объектга бўлган мулк ҳуқуқига бағишланган.

Лизинг объектга бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизинг берувчига тегишли бўлади.

Молиявий лизингга лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг туловлари тўланган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, лизинг объектга бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Оператив лизингни амалга оширишда лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасидаги лизинг объектнинг олди-сотди шартномаси асосида лизинг объектга бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Лизинг олувчи банкрот бўлган, унинг мол-мулки хатта олинган ёки мусодара қилинган тақдирда, лизинг умумий мол-мулкдан ажратилади ва лизинг берувчига қайтарилиши лозим, у мол-мулкни ўз хоҳишига кўра, тасарруф этиши мумкин. Лизинг берувчига зарарни қоплаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

10.4. Лизинг турлари

[157] Лизинг турлари буйича молиявий ва оператив лизингларга бўлинади. Молиявий лизингга лизинг шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

* лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтади;

* лизинг шартномаси муддати лизинг объектнинг хизмат муддатидан 80 фоиздан ортиқ бўлади ва лизинг шартномаси объектнинг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоиздан камни ташкил этади;

* лизинг олувчи лизинг объектини қатъий белгиланган нархда ёки лизинг шартномаси муддати тугаганда аниқланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга; лизинг шартномаси давридаги туловларнинг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлади.

Агар лизинг шартномасида ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган талаблардан бирортаси назарда тутилмаган бўлса, лизингнинг бундай тури **оператив лизинг** ҳисобланади.

Лизинг унинг учта субъекти иштирок этадиган туғридан-туғри шаклда ҳам, лизинг олувчи ва сотувчи бўлиб бир шахснинг узи иштирок этадиган қайтариладиган шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолган ҳолда, лизинг шартномаси буйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга **қўшимча лизингга** топширишга ҳақли.

Қўшимча лизинг шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Молиявий лизинг объекти лизинг олувчи балансида ҳисобга олинади.

Оператив лизинг объекти лизинг берувчи балансида ҳисобга олинади.

Давлат органларида руйхатдан утказилиши талаб этиладиган лизинг объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг берувчининг ёки лизинг олувчининг номига расмийлаштирилади.

Молиявий лизинг, молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Молиявий лизингнинг имзо чекилишини қарз олиш билан таққослаш мумкин, чунки пул маблағларининг келиши дарҳол амалга ошади ва ижарага олувчи мулк учун бир вақтнинг узида тулаш мажбуриятидан озод бўлади. Ижарага олувчи лизинг контрактда аниқланган туловларни амалга ошириб бориш мажбуриятини уз зиммасига олади. Ижарага олувчи мулкнинг тўлиқ қиймати ҳажмида кредит олиши ёки шундай маҳорат билан қарзни ва у буйича фоиз туловларни қайтариши мумкин.

Шундай қилиб молиявий лизинг ва қарз олиш буйича пул оқимлари бир-бирига яқин бўлган ҳолда ўхшашиб кетади. Иккала ҳолатда ҳам ҳужалик субъекти пул маблағларини бир зумда олади ва кейинчалик уларни қайтаради. Ушбу жиҳатдан лизинг билан қарз олиш молиялаштиришнинг альтернатив усули сифатида қаралади.

[158] Лизинг ижарага берувчи томонларнинг хизмат кўрсатиш жиҳатлари билан ҳам фарқланади.

Тула хизмат курсатиш ёки ижара лизинги шартномасида ижарага берувчи ускунага тула хизмат курсатиш, яъни сугурталаш ва мулк солиғини тулаб бориш мажбуриятини уз зиммасига олади. Молиявий лизингнинг кўп турлари **соф лизинг**ни ташкил этади.

Молиявий лизингнинг кўпгина қисми янги ускуналар билан боғлиқ бўлади. Ижарага олувчи ускуналарни танлагач уни ишлаб чиқарувчидан сотиб олиш тўғрисидаги лизинг контрактини лизинг компанияси билан имзолайди. Бу турдаги лизинг контракти **бевосита лизинг** деб аталади. Айрим ҳолларда эса фирма узига тегишли бўлган мулкни сотади ва уни янги эгасидан ижарага қайтариб олади. Мулкни сотиб, уни яна лизинг асосида ижарага олиш шартномалари асосан кучмас мулк билан боғлиқ бўлади. Бунда мулкка эғалик ҳуқуқи лизинг шартномасини тузиш асосида ўрнатилади. Шундан сўнг ушбу мулкдан фойдаланишни давом эттирилаверади.

Амалиётда, булардан ташқари, **қарз эвазига лизинг** муносабатларини йўлга қуйиш ҳам учраб туради. Бу эса молиявий лизингнинг шундай типики, унда ижарага берувчи мулк қийматининг бир қисмига кредит олиб, лизинг контрактини олинган кредит гарови сифатида ишлатади.

Айрим иқтисодчилар¹ лизинг олувчи ва лизинг берувчи томонларнинг ўзаро муносабатларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, лизингнинг икки турини ажратадилар. Биринчиси, **тўғри**, яъни **бевосита** ва иккинчиси — **билвосита (эгри) лизинг**. Агар мулк ишлаб чиқарувчи ёки унинг эгаси лизинг берувчи бўлиб хизмат қилса, бу бевосита лизинг демакдир, агарда мулк ижарага учинчи шахс орқали берилса, у ҳолда бундай лизинг билвосита ёки эгри лизингни ташкил этади.

[159] Кредит билан таъминлаш услубига кўра муддатли ва қайтариладиган лизингни ажратиш мумкин. **Муддатли лизинг бир маротабали ижара бўлиб**, шартнома муддати тугагач, у эгасига қайтарилади. Қайтариладиган ижара шароитида эса **ижара бир неча маротабага берилади**.

Ижарага бериладиган объектнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, **кўчар мулк лизинги ва кўчмас мулк лизинги** ажратилади.

Одатда кўчмас мулк лизинги қурилишда ишлатилади. Бундай ҳолларда, лизинг компаниялари қурилишни кредит билан таъминлайдилар, сўнгра эса уни кўчмас мулк лизинги тариқасида расмийлаштирадилар.

Кўчмас мулк объектини лизинг компанияси қуради, жиҳозлайди ва ўз навбатида ушбу объект ишлатилиши эвазига олинадиган

¹ Цай Т.Н., Грабовый П.Г., Маражда Бассали Сайл. Конкуренция и управление рисками на предприятиях в условиях рынка. М. „Альяс“, 1993.

фойдани кўпгина қисмига эга бўлади. Аммо, объектни ўзи эмас, аксинча, ижарага олинган фирма ёки ташкилот ишлатади.

Қуриб битказилган объектни фойдаланиш учун қабул қилиб олган мижоз, ундан ўзи фойдаланиши мумкин, ёки бўлмаса, қисман уни ижарага топшириши ҳам мумкин.

10.5. Лизинг шартномаси ва лизинг объекти билан боғлиқ хавфлар

[160] Лизинг муносабатлари лизинг шартномасини тузиш йўли билан амалга оширилади. У ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади. Агар лизинг олувчи жисмоний шахс бўлса, лизинг шартномаси нотариал тасдиқланади. Лизинг шартномасида одатда унга имзо чекилиши билан, ҳар ой, ҳар ярим йилда туланидиган туловлар ўз аксини топади. Тулов муддатлари лизинг фойдаланувчисининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши ҳам мумкин.

Лизинг шартномасининг муддати тугагач, ижарага олинган мулк ижарага берувчига қайтарилади. Лекин, кўп ҳолларда лизинг шартномаси ижарадан фойдаланувчига мулкни сотиб олиш ёки қайтадан лизинг шартномасини янгилашни, яъни қайтадан шартномани тузиш имкониятини беради.

„Лизинг тўғрисида“ги Қонуннинг 9- моддасига биноан қуйидагилар лизинг шартномасининг муҳим шартларидан иборат:

* лизинг объектининг тавсифланиши (лизинг объектининг миқдори, сифати, рўйхати, контракт қиймати ва бошқа кўрсаткичлар) ва шартнома умумий пул суммасининг кўрсатилиши;

* тарафларнинг лизинг объектини олиш ва бериш билан боғлиқ мажбуриятлари;

* лизинг объектини бериш тартиби, шу жумладан, лизинг объектини етказиб бериш, монтаж қилиш ва фойдаланишга топшириш тартиби;

* лизинг туловларини тулаш шартлари, миқдорлари, муддатлари ва тартиби;

* лизинг объектдан фойдаланиш, унга қараш, уни сақлаб туриш ва таъмирлаш юзасидан тарафларнинг мажбуриятлари;

* шартноманинг амал қилиш муддати.

Тарафларнинг келишувига биноан лизинг шартномасига қуйидаги шартлар киритилиши мумкин:

* лизинг объектини (молиявий лизингда) сотиб олиш тартиби ва муддатлари;

* лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш;

* лизинг объектини суғурта қилиш;

- * Форс-мажор ҳолатлар;
- * лизинг берувчининг қўшимча хизматлар кўрсатиши;
- * лизинг субъектлари томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби.

Лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, агар қонун ҳужжатларида ва шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар келишувига биноан амалга оширилади.

Лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида тузилиб, унга кўра лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғига биноан лизинг объектини кейинчалик лизинг олувчига бериш учун ўз мулки қилиб олади. Тарафларнинг хоҳишига кўра лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг шартномаси кучга киришидан олдин ёки кейин тузилиши мумкин.

[161] Лизинг операциялари муайян рисклар билан боғлиқ. Бу риск (хавф) ларни баҳолашда одатда қуйидаги омилларни эътиборга олиш керак:

- * лизинг олувчи компаниянинг тижорат обриси ва молиявий ҳолати;

- * ушбу компания фаолият юритаётган мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва фискал, монетар сиёсат (миллийлаштириш rischi, гаров ҳуқуқларини татбиқ этилишдаги қийинчиликлар rischi ва бошқалар);

- * келишув ҳажмининг сотиш нархи ва кейинги йилларда иккиламчи бозорда ушбу нархнинг ўзгариши;

- * лизинг олувчи фирманинг лизинг объектдан фойдаланиш шартлари.

Лизингга оид бўлган риск қатор омилларга боғлиқ. Лекин улар таркибида иккита омил асосийдир:

- * лизинг келишувининг сифати;

- * ускуналарни етказиб бериш муддатларининг бузилиши.

Лизинг муносабатлари ушбу муносабат иштирокчилари (лизинг берувчи, лизинг олувчи, ишлаб чиқарувчи) ўртасидаги манфаатлардан келиб чиқади. Лизингнинг вужудга келиши иштирокчилар манфаатларининг келишувини талаб қилади. Манфаатлар мос тушган ҳолдагина лизинг муносабатлари ўрнатилади. Демак, лизингни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири объектив равишда лизинг иштирокчилари манфаатларини келтириб чиқариш, уларни келишув муҳитини яратишдир.

Ўзбекистон иқтисодиётида лизинг олувчилар мавжуд, аммо янги технологияни ишлаб чиқарувчилар, лизинг компанияси сифатида хизмат кўрсатадиган ва ўз молиявий маблағларига етарли даражада эга бўлган ташкилотлар етарли эмас. Бу эса, ўз навбатида ушбу

жиҳатдан керакли бозор инфратузилмасини яратиш, ривожлантириш, такомиллаштириш ва унинг асосида лизинг муносабатларининг объективлигини таъминлашни талаб этади.

[162] „Лизинг тўғрисида“ги Қонуннинг 19- моддасида лизинг объекти билан боғлиқ хавфлар ҳақида қуйидагилар баён этилган.

Лизинг объекти билан боғлиқ барча хавфлар, шу жумладан, унинг тасодифан йўқолиши (нобуд бўлиши) ёки тасодифан бузилиши, шунингдек, ўғирланиши, барвақт эскириши, шикастланиш хавфлари лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг олувчига ўтади. Хавфлар лизинг олувчига ўтган дақиқадан эътиборан лизинг олувчи лизинг объекти ҳар қандай тарзда йўқотилиши ёки шикастланиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади.

Агар хавфлар лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтадиган вақт лизинг шартномасида белгиланган бўлмаса, хавфлар лизинг олувчига у лизинг объектини олган дақиқадан эътиборан ўтади.

Агар таклиф этилган лизинг объекти лизинг шартномасига мос келмаса ва бу лизинг олувчига лизинг объектидан воз кечиш ҳуқуқини берса, ана шундай номувофиқлик бартараф этилгунга қадар ёки лизинг олувчи лизинг объектини олгунга қадар барча хавфлар лизинг берувчи зиммасида бўлади.

Сотувчининг ночорлиги ёки лизинг объектининг ундан фойдаланиш мақсадларига номувофиқлиги хавфлари лизинг олувчининг зиммасида бўлади, лизинг берувчининг сотувчини ёки лизинг объектини танлаш ёхуд лизинг берувчи лизинг олувчини муайян сотувчини ёки лизинг объектини танлашга ғайриқонуний тарзда мажбурлаш хавфи бундан мустасно.

Нобуд бўлиш, йўқолиш, ўғирлаш, шикастланиш, бузилиш ва барвақт эскириш хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

Ва, ниҳоят лизинг тўловлари хусусида.

Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи тулайдиган лизинг тўловлари лизинг объекти амортизациясининг тегишли қисми қийматини ва лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи томонидан қилинган харажатларни, шунингдек, унинг даромади (маржа)ни ўз ичига олади.

Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб туланади. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

10.6. Ўзбекистонда лизинг компаниялари

[163] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги 427- сонли қарори билан тасдиқланган „Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури“га биноан Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг шўъба корхонаси — „Банк-лизинг“ универсал лизинг компанияси таъсис этилди. Компания 1996 йил 2 сентябрида давлат рўйхатидан ўтказилди.

1998 йил февраль ойида Европа Лизинг Компаниялари Ассоциациялари Федерацияси (Лизевропа)нинг раислари ва ижроия қўмиталари „Барака“ универсал лизинг компаниясининг шу ташкилотнинг мухбир аъзоси эканлиги ҳақидаги ҳужжатларни тасдиқлади. Компания лизинг операцияларини ташкил этиш борасида ва биргаликда фаолият юритиш мақсадида мамлакатимиздаги 20 дан ортиқ тижорат банклари ҳамда Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси билан Бош шартномаларни имзолади.

Компания кичик ва ўрта тадбиркорлик билан боғлиқ жойлардаги аҳволни чуқурроқ урганиш, шунингдек ишлаб чиқарувчилар билан янада яқин муносабатларни ўрнатиш мақсадида мамлакатимизнинг қатор минтақа ва вилоятларида ўз ваколатхоналарини очган.

Шу кунга қадар ўтказилган лизинг операциялари натижасида юз мингдан ортиқ аҳоли янги иш жойлари билан таъминланди, вилоятлардаги янги корхоналарнинг ташкил этилиши ва улар фаолиятининг тўғри йулга қўйилиши эса ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қўшимча инфратузилмаларнинг ривож топишига имкон яратди.

Лизинг лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида лизинг объекти, одатда ишлаб чиқариш талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорнинг ўз ихтиёрига биноан танланади. Айни пайтда компания мутахассислари томонидан ўтказиладиган маркетинг изланишлари туфайли доимо янгиланиб борадиган маълумот базаси лизинг олувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлиб, уларга ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун замонавий технология ва ускуналарни танлашга ёрдам беради.

Бугунги кунда компания мутахассислари ўз миқозларига турли хил лизинг объектларини, шу жумладан:

* полиграфия саноатида фойдаланиладиган технология ва ускуналар;

* туқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи дастгоҳлар;

* консерва маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, шунингдек гўшт, сут ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ҳамда терини қайта ишлашга ихтисослашган мини-заводлар;

- * спиртсиз ичимликларни тайёрлаш ва қуйиш бўйича линиялар;
- * оргтехника ва компьютерлар;
- * юк машиналари, енгил автомобиллар ва ҳоказоларни лизинг асосида харид қилишни тавсия этишлари мумкин.

Компаниянинг асосий вазибалари қуйидагилардан иборат:

- * мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларига ишлаб чиқариш воситаларини етказиб бериш бўйича лизинг йўли билан қисқа ва узок муддатли молиялашни амалга ошириш;

- * илғор техника ва технологик жараёнларни кузатиб бориш ва улардан самарали фойдаланишнинг имкониятларини ўрганиш;

- * кичик ва ўрта бизнес субъектларини лизинг асосида импортнинг ўрнини босувчи ҳамда экспортга мўлжалланган товарларни ишлаб чиқариш учун замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

- * лизинг операцияларини ўтказиш ва ихтисослаштирилган лизинг бўлинмаларини ташкил этишда банкларга услубий ҳамда амалий ёрдам бериш;

- * банк мижозларига компаниянинг фаолият доирасидаги мавжуд барча хизмат турларини кўрсатиш;

- * банклар билан биргаликда куп томонлама молиялашни ўз ичига олувчи лойиҳаларни амалга ошириш;

- * лизинг операцияларини ўтказиш методологияси ҳамда Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

„Барака“ универсал лизинг компанияси иқтисодиётнинг қуйидаги соҳалари, яъни енгил ва озиқ-овқат саноати, автомобиль транспорти ва хизмат кўрсатиш тармоқларида лизинг шартномаси асосида хизматлар кўрсатади.

Шу билан бирга компания яқин келажакда қурилиш, кўчмас мулк, таъбиот ва дори-дармон ишлаб чиқариш каби бир қатор йўналишларни лизинг асосида молиялашни режалаштирмоқда.

Лизинг хизматлари кўрсатишнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

- * мулкка эгалик қилишнинг турли шаклидаги корхоналар компаниянинг мижози бўла олишиги;

- * мулкни лизингга олиш ҳақидаги буюртманома берилганда, компания мутахассислари томонидан лизинг олувчининг молиявий аҳволи, унинг бевосита шу соҳадаги иш тажрибаси, лойиҳанинг қанчалик истиқболли эканлиги;

- * лизинг хизматлари 5 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олиши;

- * технология ва асбоб-ускунани кредит маблағлари билан таъминлаш миқдори 100 минг сўмдан 20 млн. сўмгача бўлиши;

- * йиллик лизинг тўловларининг қиймати 30 — 40 фоиз эканлиги;

* лойиҳаларни кўриб чиқиладиганда мутахассисларнинг диққат-эътибори маҳаллий хом ашёни қайта ишлашнинг кўламини кенгайтириш, уларни рақобатбардош тайёр маҳсулот даражасига етказиш, фаолияти экспортга мулжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган юқори технологик ишлаб чиқарувчиларни вужудга келтириш;

* коммуникациянинг замонавий тизимларини ташкил этиш;

* режалаштирилган инфратузилмани кенгайтириши;

* истеъмол бозорини товарлар ва энг зарур хизматлар билан етарли даражада таъминлаш билан боғлиқ лойиҳаларга қаратилиши.

Лизинг операцияларининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Лизинг лойиҳасига оид шарт-шароитларни ўрганиш;

А) лизинг лойиҳасини дастлабки ўрганиш ва лизинг олувчини компаниянинг мавжуд барча шарт-шароитлари билан таништириш;

Б) лизинг олувчининг кредитбардошлиги ва молиявий аҳволини таҳлил қилиш;

В) лизинг лойиҳасини комплекс экспертизадан ўтказиш.

2. Лизинг туловларини қафолатлаш зарур бўлган ҳолатда гаров шартномасини тузиш, қафолат ва кафиликка оид ҳужжатларни расмийлаштириш, лизинг шартномаси ва зарурат туғилганда ускунани етказиб берувчи, лизинг олувчи ва компания ўртасидаги бош шартномалар, лизинг объектини етказиб бериш ва сўғурта бўйича шартномаларни тайёрлаш, ускунани қабул қилиб олиш ва уни фойдаланиш учун топширишга доир далолатномани имзолаш билан боғлиқ битимларни юридик жиҳатдан расмийлаштириш.

3. Лизинг туловларини тулашни назорат қилиш, мониторинг ўтказиш, шунингдек лизинг объектини лизинг берувчига қайтариш ёки унга эгалик қилиш ҳуқуқини лизинг олувчи субъектига ўтказиш.

1996 йилда Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Американинг Кейс кредит компанияси ўртасида қишлоқ хўжалиги бўйича Ўрта Осиёда биринчи бўлиб, Низом жамғармаси 5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган „Ўзкейсагролизинг“ компанияси ташкил этилди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг 1996 йил июнь ойида Америка Қўшма Штатларига қилган сафари пайтида мазкур хайрли ишга асос солинган эди. Ўзбекистон банклари ассоциацияси Кейс кредит компанияси ва қишлоқ хўжалик техникасини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш соҳасида жаҳонда биринчи ўринда турувчи „Кейс корпорейшн“ билан биргаликда қишлоқ хўжалиги бўйича лизинг компаниясини тузиш ҳақидаги баённома имзоланган эди.

„Кейс корпорейшн“ Президенти Жан Пьер Россо „Ушбу лизинг бўйича шартнома Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларимизни янада кенгайтиради. Бу молия тузилмасини ривожлантириш бўйича қўйилган дастлабки қадам бўлиб, уни такомиллаштириш ва ушбу

тажрибани бошқа ривожланиб бораётган бозорларга ҳам тадбиқ этиш мумкин. Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан ҳамкорлигимиз бизга маҳаллий бозорни яқиндан билиш имконини беради“, деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Кейс кредит компанияси чет эл ва жаҳон талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалик техникасини етказиб беришнинг сифат жиҳатдан янги концепциясини ишлаб чиқдилар. Концепцияда чет эл банклари ва халқаро молия институтларининг кредит ресурсларини республикага жалб этиш назарда тутилган. Жумладан, Халқаро молия корпорацияси лойиҳада иштирок этиш истагини билдирган ва 1996 йил октябрь ойида бу ҳақда шартнома имзоланган.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси лизинг лойиҳасига катта молиявий ресурслар ажратган. Банк капиталини қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасидаги долзарб масалаларни ҳал этишга йуналтириш республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат натижасидир.

Республиканинг турли банкларини бирлаштирган банк ассоциацияси Ўзбекистонда молия соҳасини ривожлантиришга қаратилган кўпгина лойиҳаларнинг ташаббускоридир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا асосан Ўрта Осиёда „Банк-инвесттранс“, „Банк суғурта“, „Барака лизинг“, „Банк-аудит“, „Банкформрейтинг“, „Консалтинг-инжиниринг“, „Банклараро ҳуқуқий хизмат маркази“ каби молиявий ташкилотлар тузилди ва фаолият курсата бошлади.

Мамлакатимизга келтирилаётган чет эл трактор ва комбайнларига хизмат курсатишга ихтисослашган „Ўзкейссервис“ компаниясининг ташкил этилиши Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Кейс кредит компанияси билан биргаликда тузилган лойиҳаларни амалга оширишда навбатдаги қадами бўлди.¹

[164] „Ўзбеклизинг интернейшнл акционерлик жамияти“ компанияси вазифалари ва мақсадлари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қўшма лизинг компаниясини ташкил этиш ҳақидаги қарорига мувофиқ 1996 йилда „Ўзбеклизинг интернейшнл АЖ“ ташкил этилди ва ўша йилдан бошлаб ўз фаолиятини йўлга қўйди. Бу жамият ёпиқ турдаги акционерлик жамияти бўлиб, халқаро лизинг операцияларини ривожлантиришни мақсад қилиб олган.

„Ўзбеклизинг интернейшнл АЖ“ 4 миллион АҚШ долларига тенг дастлабки устав капиталига эга булган. Унинг муассислари Халқаро молия корпорацияси, Малайзия Мейбанки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бўлган.

¹ Қаранг: „Халқ сузи“, 25 май, 1996 й.

„Ўзбеклизинг интернейшнл АЖ“ компанияси республикаимизга юқори унумдорликка эга бўлган замонавий жиҳозлар ва технологияларни жалб қилиш мақсадида кичик ва урта бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ, ҳар бири 68 мингдан 300 минг АҚШ долларига қадар бўлган қийматдаги еттита лойиҳа буйича ўз фаолиятини бошлаган.

Лизинг компаниясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

* сотиб олишларни узоқ муддатли молиялаш ва технологик асбоб-ускуналардан фойдаланиш;

* экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда импорт урнини босадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида узбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига илғор технологияларни жалб этиш;

* урта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизматлар курсатишни юксалтириш учун лизинг хизматларининг кенг доирасини тақдим этиш;

* лизинг операцияларини утказиш ва тавсиялар бериш услубиятини ишлаб чиқишдир.

Замонавий хорижий асбоб-ускуналар олишда лизингдан фойдаланиш корхонанинг молиявий ҳолатини етарли даражада барқарор бўлишини талаб этади. Шунинг учун лизинг лойиҳасини тайёрлашни уч босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич — корхона лизингга қандай асбоб-ускуна олмоқчи, уни қайси йул билан қайси транспортда олиб келади, қандай урнатади, ишга қандай туширади, ходимларни уқитишни ҳисобга олган ҳолда унинг қийматини аниқлайди. Энг муҳими, ушбу асбоб-усқунанинг рақобатбардошлигини белгилайдиган рақобат варағини тайёрлаш ишларини ташкил этади.

Иккинчи босқичда — ушбу лойиҳа буйича ҳамма масалаларга — техник, иқтисодий, молиявий жиҳатдан келиб чиқадиган масалаларга жавоб берадиган бизнес-режа тузилади. Бунда асбоб-ускуна қанча муддатга лизингга олиниши мумкинлиги аниқланади. Лизингни молиялаштириш қисми жуда пухта тайёрланиши ҳамда компаниянинг барча мумкин бўлган харажатларини қамраб олишни талаб этади.

Учинчи босқич — лизингга талабнома ва у билан бирга бошқа зарур ҳужжатларни (устав, таъсис шартномаси, солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган баланс, бизнес-режа, корхонада мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқалар) тақдим этишни кузда тутати.

Лизинг операцияларини амалга оширишнинг асосий афзалликларидан бири маблағларни қайтармаслик хавфини анчагина

пасайтирилишидир, чунки лизинг олувчи лизинг туловларини қайтариб бермаса, лизинг компанияси асбоб-ускуналарни бошқа мижозларга бериш учун олиб қўйиши мумкин.

Ўз навбатида, лизинг туфайли корхоналар асосий фондларни тез суръатлар билан янгилаб туриш, янги технологияларни жорий этиш ва улар туфайли рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш ва шу билан иқтисодий ўсишни тезлаштириш имкониятларини қўлга киритадилар.

„Ўзбеклизинг интернейшнл АЖ“ тажрибасидан лизинг муддати икки йилдан беш йилгача бўлиши режалаштирилади, чунки бу ерда молиявий лизинг ўз ифодасини топади. Лизинг муддати тугагач асбоб-ускуна лизинг олувчининг мулкига айланади ва уни қарамоғига ўтади. Алоҳида шуни таъкидлаш жоизки, бунда асбоб-ускунани танлаш жавобгарлиги лизинг компанияси зиммасида бўлмайди. Ушбу масалада мижозларга махсус бозор тузилмалари, „Техноинвест“ қўшма корхонаси, муассислардан бири бўлмиш ташқи савдо фаолияти сифати ва экспертизаси назорати бўйича жаҳон етакчиси Швейцариянинг SGS компанияси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, инжиниринг ва консалтинг фирмалари ёрдам курсатадилар.

„Ўзбеклизинг интернейшнл АЖ“ — Ўзбекистон бозорида биринчи йирик халқаро лизинг компанияси, шунинг учун ҳам ушбу компания мисолида лизинг операцияларини ўтказишнинг халқаро тажрибасини — дастур маҳсулотларини ишлатиш, лизинг лойиҳаларининг тайёрлиги ва мониторингини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Одатда, хорижий асбоб-ускуна ишлаб чиқарувчининг оморидида бўлмайди, уни талаб асосида тайёрлаш кузда тутилади. Бунинг учун эса олдиндан тулов ўтказилиши ёки хорижий банкда аккредитив очилиши лозим бўлади. 1 — 1,5 ойда ишлаб чиқаришга, бир ойга яқин вақт ичида транспортда ташиб келтиришга, яна шунча вақт монтаж қилишга, ишга тушириш ва ходимларни ўқитишга кетади. Умумий ҳисобда 4 — 5 ой керак бўлади. Жами ушбу муддат давомида нарх 1 ашқи иқтисодий алоқалар вазирлиги экспертизасига мўкелишини кузда тутиш зарур бўлади. Бундан ташқари, лойиҳани танлашга, бизнес-режани тайёрлашга, шартномани рўйхатдан ўтказишга кетадиган вақтни ҳам инобатга олишга тўғри келади.

Компаниянинг ишни ташкил этишдаги асосий вазифаси — бу энг барқарор, туловга қобилиятли, бошланғич капиталга эга корхоналарни танлашдир. Эътиборни ўзига жалб этадиган нарсалардан яна бири бу лойиҳанинг маҳаллий хом ашё билан таъминланишидир. Энг асосийси, бозорда жиддий маркетинг текширувининг мавжудлиги ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидоргир бўлишидир.

Энди, „Ўзавиализинг“ компанияси ҳақида икки оғиз сўз.

Давлат акционерлик жамияти бўлмиш Чкалов номли Тошкент авиация корхонаси ишлаб чиқарадиган самолётларнинг савдосини

ташқил этиш мақсадида 1997 йил декабрь ойида „Ўзавиализинг“ молия-лизинг компанияси акционерларининг йиғилиши бўлиб ўтди. „Ўзавиализинг“ молия-лизинг компаниясининг устав фонди 24,5 миллион АҚШ долларига тенг. Унинг таркибида еттита таъсисчи бўлиб, 65,3% га тенг акциялар назорат пакети Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига тегишли. „Ўзавиализинг“ молия-лизинг компанияси таъсисчилари Ўзбекистон Миллий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, „Асака“ акционерлик-тижорат банки. Буларнинг ҳар бирига 8,16% дан акциялар пакети тегишли. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли „Ўзпромашимпекс“ Давлат акционер компаниясига эса 4,08% ҳажмдаги акциялар пакети тегишли. Компанияда хорижий таъсисчилар ҳам иштирок этмоқда. Улардан Россиянинг иккита компанияси, яъни „Сибавиатранс“ авиакомпанияси ва ёпиқ турдаги „Уралэкоресурс“ акционер жамиятини қайд қилиш мумкин.

„Ўзавиализинг“ молия-лизинг компанияси очиқ турдаги акционер жамияти сифатида таъсис этилган. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан акциялар назорат пакетининг бир қисмини бериш ҳисобига таъсисчилар сони кенгайрилиши мумкинлиги қайд этилган.

1998 йилнинг январь ойидан бошлаб, лизинг асосида, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган самолётларнинг савдосини ташқил этиш контрактларини тузишга киришилган.

„Ўзавиализинг“ молия-лизинг компанияси фаолияти Ил-76 ва Ил-114 самолётларининг молиявий лизинг шартлари асосида, уларни олдиндан 30-45% қийматини харид этувчилар томонидан тулаш шарти билан савдосини ташқил этишга қаратилган.

„Ўзавиализинг“ молия-лизинг компанияси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган самолётлар харидорларини қисқа вақт ичида топшиш мақсадида молиявий лизинг асосида уларнинг савдосини йўлга қўйди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида республикамызда лизинг муносабатларини ривожлантириш ва кенгайлишга қўйиш учун ҳужалик субъектларининг тўлов қобилиятини кучайтириш, турли иқтисодий молиявий хатарларнинг олдини олиш, қайта молиялаш ставкаларини пасайтириш каби муаммоларни қўяди. Республикамызда лизинг олувчи субъектлар етарли даражада, асосий вазифа эса лизинг инфра-тузилмасини ривожлантиришдадир.

Лизинг компанияларини Ўзбекистон ҳудудининг турли бурчакларида ташқил этиш зарурдир. Лизинг компанияларининг фаолият юритиши учун қўлай иқтисодий муҳит яратиш, биринчи навбатда лизинг фаолиятини солиққа тортиш, икки мартаба солиққа тортишни олдини олиш, қўшилган қиймат солиғини олиш, хориждан лизинг асосида олиб келинадиган ускуналарни бож тўловларидан озод этиш муаммолари ўтиш даврининг асосий муаммоларидир.

Ҳозирги босқичда лизинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида лизинг компаниялари учун солиқ имтиёзларини яратиш, жадаллаштирилган амортизация сўсатини қўллаш имкониятларини лизинг компанияларининг ўзларига ҳавола этиш, амортизация муддатларини аниқлашда, амортизация ажратмаларини ишлатишда эркинликлар яратиш асосий масалалардир.

Таянч иборалар	
<ul style="list-style-type: none"> * лизинг шартномаси * лизинг берувчи * оператив лизинг * молиявий лизинг * тўла тўловли лизинг * соф лизинг * бевосита лизинг * билвосита лизинг * лизинг объектлари * лизинг субъектлари * лизинг фаолияти * муддатли лизинг * кучар мулк лизинги 	<ul style="list-style-type: none"> * кўчмас мулк лизинги * лизинг объектининг жадаллаштирилган амортизацияси * лизинг инфратузилмаси * лизинг олувчи * сублизинг * лизинг объекти суғуртаси * қўшимча лизинг * лизинг хавфи * лизинг туловлари

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар

- [149]** *Лизинг деганда нимани тушунасиз? Лизинг субъекти ва объекти тўғрисида нималар дея оласиз?*
- [150]** *Лизингнинг зарурлиги ва афзаллиги нималар билан изоҳланади?*
- [151]** *Қандай меъёрий ҳужжатларда лизинг муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари ўз аксини топган?*
- [152]** *Лизинг фаолияти деганда нимани тушунасиз? Бундай фаолият билан кимлар шуғулланишга ҳақли?*
- [153]** *Лизинг берувчининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари нималардан иборат?*
- [154]** *Лизинг олувчининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари тўғрисида нималар дея оласиз?*
- [155]** *Лизинг субъектларининг жавобгарлиги нималардан иборат?*
- [156]** *Лизинг объектига булган мулк ҳуқуқи нималардан иборат?*
- [157]** *Лизингнинг қандай турларини биласиз? Оператив ва молиявий лизинг бир-биридан нима билан фарқ қилади?*
- [158]** *Тўла тўловли, соф, бевосита ва билвосита лизинглар тўғрисида нималар дея оласиз?*
- [159]** *Муддатли, кучар ва кўчмас мулк лизинглари бир-биридан нима билан фарқ қилади?*

- [160] *Лизинг шартномаси нима? Унинг муҳим шартлари нималардан иборат?*
- [161] *Лизинг операциясини бажариш билан боғлиқ риск (хавф) ларни баҳолашда нималарга эътибор берилади?*
- [162] *Лизинг объекти билан боғлиқ бўлган қандай хавфларни биласиз?*
- [163] *Ўзбекистонда қандай лизинг компаниялари ташкил этилган?*
- [164] *„Ўзбеклизинг интернейшнл акционерлик жамияти“ ва „Ўзавиализинг“ компаниялари туғрисида нималар дея оласиз?*

11- боб. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЛИЗИНГ САМАРАСИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

Режа:

11.1. Инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилиш [165 — 166]

11.2. Лойиҳаларни молиялаштиришда инвестициялар самардорлигини аниқлаш тартиби [167—169]

11.3. Хорижий инвестициялар иштирокида молиялаштириладиган лойиҳаларнинг хусусиятлари [170]

11.4. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда лизингни тадқиқ этиш муаммолари [171—173]

11.1. Инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилиш

[165] Инвестиция лойиҳаси лотинча „investo“ сүзидан олинган бўлиб, „кийинтирмоқ“ маъносини билдиради. Мазмунан ва моҳият жиҳатдан инвестициялар капитални белгиланган даврга боғланишини, яъни банд этилишини, моддий ва номоддий активларга эга бўлиш учун уларни сафарбар этилишини англатади. Демак, инвестициялар капитални, яъни қўшимча қиймат келтиришга қобилиятли бўлган қийматни, аниқ активларни харид этишга сафарбар этилишини ёки алмаштирилишини билдиради, ёки булмаса инвестициялар капитални боғлаш, банд этиш шаклидир. Инвестициялар реал, моддий ва номоддий активларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳолда молиявий қарорлар ва молиялаш манбаларини танлаш қарорларига асосланган

Молиялаш манбаларини танлаш молиявий активларни ташкил этиш билан боғлиқ булган ҳолда, яъни зарур булган пул маблағларини излаб топишга олиб келади. Манбалар **акционер капитали**, **банк кредити**, **ижара мажбуриятлари** эвазига ташкил этилиши мумкин.

[166] У ёки бу лойиҳани молиялаштириш инвестицион қарорларни қабул қилишдан бошланади. Бу қарорлар:

- * асосий моддий активларни, яъни асосий воситаларни;
- * номоддий активларни, яъни технологиялар, савдо маркалари, патентлар ва ҳоказолар;
- * айланма активларни, яъни захира, харажатлар (тижорат ва

истеъмолад кредитларни бериш)ни ташкил этиш каби йуналишлар буйича қабул қилиниши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир инвестиция лойиҳаси буйича қарорларнинг қабул қилиниши унинг субъектига боғлиқ. Қарор қабул қилувчи субъект эса албатта **молиявий манбаларни** ҳисобга олади.

Молиявий манбаларнинг барқарорлиги иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, бозор инфратузилмасининг мавжудлиги, молия секторининг ривожланиш даражаси, қимматли қоғозлар бозорининг тараққий этганлик даражаси, умуман иқтисодий юксалиш ва миллий иқтисодиётдаги фаровонлик даражасига боғлиқ. Масалан, қарор қабул қилишдан аввал, лойиҳа акционер капитали асосидами ёки банк кредити эвазигами, хорижий шерикларни жалб қилган ҳолдами, қайси бири самаралироқ эканлиги лойиҳани тадбиқ этувчи томонидан аниқлаб олинади. Бунда беихтиёр равишда иқтисодиётда мавжуд булган ҳолатни инобатга олишга, мавжуд қонунчиликка риоя қилишга, рискларни ҳисобга олишга тўғри келади.

11.2. Лойиҳаларни молиялаштиришда инвестициялар самарадорлигини аниқлаш тартиби

[167] Бозор муносабатларини босқичма-босқич тартибга солиб бориш, мувофиқлаштириш, керак бўлса, бошқариш, шунингдек молия-банк, солиқ тизимлари доирасида иқтисодий сиёсатни олиб бориш, фан ва техника тараққиёти орқали нархларни шакллантириш ва такомиллаштириш ҳамда меҳнат ҳақини тўғри йулга қуйиш асосида ташкил этилади.

Бу борадаги асосий масалалардан бири бошқариш қарорларини қабул қилишни тўғри ташкил этишдир. Кўп укладли иқтисодиётда бошқариш қарорлари, шу жумладан молиявий қарорлар ҳамда инвестиция қарорлари буйича қарорлар турли даражаларда қабул қилинади. Ҳар бир қарорни қабул қилувчи, албатта ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу молиявий қарорларни қабул қилишни ташкил этади.

Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиётнинг ташкил топиши ва тараққий этиши ўз навбатида инвестицион лойиҳаларни баҳолашда ва молиявий қарорлар қабул қилишда ўз таъсирини курсатади. Чунки инвестиция лойиҳалари буйича қарорларни қабул қилиш даражалари турлича бўлиши мумкин. Масалан, қарорлар ҳукумат томонидан тармоқ ёки мулкдорлар даражасида бўлиши мумкин. Шу сабабли қарорларни қабул қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларига эга.

Инвестиция лойиҳалари буйича молиявий қарорларни қабул қилишда, лойиҳаларга ёндошиш, мезонларни танлаш ва уларга асосланиш турлича бўлади.

Мамлакат миқёсида, ҳукумат томонидан инвестиция лойиҳаларига

ёндошиш, уларнинг самарадорлигини аниқлаш ўзига хос мезонлар асосида уюштирилади. Корпоратив мулк эгалари томонидан эса ўзгача, акционер, кооператив хусусий мулкдорлар учун бошқа мезонлар асос бўлиши мумкин. Агар инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар шериклар иштирокида қабул қилинса, у ҳолда бунда ҳар бир шерик ўз манфаатларидан келиб чиқади.

Инвестиция жараёнлари молиявий жиҳатдан, маълум равишда, иккита бир-бирига қарама-қарши бўлган мустақил жараёнларни қамраб олади. **Биринчиси**, ишлаб чиқариш ёки бошқа бир объектни барпо этиш ёки булмаса капитални жамғариш жараёни булса, **иккинчиси**, объектни барпо этиш, капитални сафарбар этиш эвазига кутиладиган ва келиб тушадиган даромадлар ҳисобланади.

Бу иккала жараён кетма-кет (бир-биридан ажралган ёки ажралмаган ҳолда) ёки айрим вақт бирлиги мобайнида параллел равишда намён бўлиши ҳам мумкин. Агар инвестициялар эвазига истиқболдаги қийматларнинг олинishi, сармояларни сафарбар этиш жараёни тугагунга қадар кутилса, унда қайд этилган жараёнлар **параллел равишда** содир бўлиши мумкин. Вақт бирлигида иккала жараёнларнинг **тўлов оқимлари** турлича тақсимланиши ёки ўзгаришларга эга бўлишлари мумкин булади. Гарчи сафарбар этилган сармоя қийматларининг белгиланган вақт бирлиги муддатларида тақсимланиш шакли ҳал этувчи булмаса-да, асосий уринни эгаллайди.

Бир-бирига боғлиқ булган кетма-кетликда содир буладиган иккала жараёнга хизмат қиладиган тўлов оқимлари бевосита таҳлил объекти ҳисобланади. Агар ишлаб чиқариш инвестициялари тўғрисида фикр юритадиган булсак, кўпчилик ҳолатларда ушбу тўлов оқимларининг ҳар бир унсури **инвестицион харажатлар ва соф даромад** курсаткичлари билан тавсифланади. Белгиланган ҳар бир вақт ичида келиб тушадиган умумий даромад (тушум)дан, ушбу даромадни барпо этиш билан боғлиқ бўлган тўлов ва чиқимларни айириб ташласак, **соф даромад** келиб чиқади.

Ишлаб чиқариш инвестициялари таҳлилида асосий эътибор муқобил (альтернатив) лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашига ва таққосланишига қаратилади.

[168] Инвестицияларнинг самарадорлигини аниқлашда курсаткичлар тизими қўлланилади. Сармоя қўйилмалар самарадорлигининг қайси бир услубини олмайлик, уни ҳисоблаш тартиби қандай бўлмасин, инвестицион харажатларни ва сармоялар эвазига олинадиган даромадларни аниқ бир вақт (муддат)да аниқлаш, яъни харажатлар ва даромадларни бир улчамга келтириш (**дисконт**) асосида аниқланади. Бунда вақт омили, яъни вақт ўтиб бориши билан олинадиган булажак қийматни ҳозирги вақт ёки белгиланган бошланғич вақт улчамига келтириш ҳисобга олинади. Бунда фоиз

ставкаси даражаси, яъни аниқ бир вақт мобайнида олинадиган даромадни ушбу вақтга берилган қарзга бўлган нисбати диққатга сазовордир.

Самарадорликни аниқлашда жорий ёки кутилаётган уртача ссуда фоизи мўлжал қилиб олинади. Иқтисодий адабиётларда жозибадор бўлиш минимал даромад ставкасини қўллаш тавсия этилади. АҚШ амалиётида инвестиция самарадорлигини таҳлил қилишда кўпинча учта вариантдаги ставкалар қўлланилади:

* капиталнинг уртача қиймати (cost of capital), яъни уртача акция даромадлиги, кредит буйича фоиз ставкаси ва ҳ к курсаткичи;

* корпорациялар тажрибасига асосланган субъектив қарашлар ва ставкалар;

* узоқ муддатли кредитлар буйича мавжуд фоиз ставкалари.

Кўпчилик иқтисодчиларнинг таъкидлашича, самарадорликни аниқлашда дисконтни қўллаш ва рискни инobatга олиш муҳим аҳамият касб этади. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича, инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий жиҳатдан асослашда барча турдаги рисклар ва ноаниқликларни инobatга олиш мураккаб масала деб қаралади ва инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини аниқлашда бўлажак харажат ва натижалар риск омилларисиз амалга оширилади. Иқтисодий адабиётларда инвестицияларнинг самарадорлигини ҳисоблаш юзасидан бошқа қарашлар ҳам мавжуд. Баъзи бир иқтисодчиларнинг таъкидлашича, самарадорлик курсаткичлари инвестиция лойиҳалари буйича туғри қарорлар қабул қилишга кафолат бера олмайди ва фақат ахборот сифатида хизмат қила олади.

Инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилишда ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишда, назарий жиҳатдан қаралганда, турт хилдаги вазиятдан келиб чиқиб ушбу масалага ёндошиш зарурияти туғилади.

Булар:

* **аниқлик;**

* **риск;**

* **ноаниқлик;**

* **низо (конфликт) вазиятларидир.**

Ҳар бир вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олиш керак бўлади. Инвестициялар буйича қарорлар қабул қилишда услуб ва мезонлар, уларни биргаликда қўллаш даражалари турлича.

Ҳаётнинг барча воқелик ва ҳодисалари учун қўлланилиши мумкин бўлган универсал услуб мавжуд эмас, чунки инвестицияларни сафарбар этиш сабаблари, қарорлар қабул қилиш буйича масъулият даражалари, мақсадлари, қатор муқобил ёки бир-бирларини инкор этувчи лойиҳаларнинг мавжудлик шароитлари, риск омиллари, лойиҳаларнинг бир-бирларига боғлиқлиги, алмаштирувчанлиги каби биргаликда намоён бўлиш томонлари саноксиздир.

Инвестициялар самарадорлигини ҳисоблашда, асосан жаҳон амалиётида қўлланилаётган курсаткичлар тизимига мурожаат қилишга тўғри келади. Улар қуйидагича туркумланади:

* инвестициялар самарадорлигининг тижорат (молиявий) курсаткичлари;

* федерал, республика, регионал ва маҳаллий бюджетларга қилинган инвестицияларнинг молиявий натижаларини таърифловчи курсаткичлар.

Инвестициялар буйича қарорлар қабул қилиш учун асос вази-фасини сафарбар этиладиган инвестициялар билан келажакдаги пул тушумларини таққослаш натижалари бажаради. Мантиқан ҳам ушбу ёндошиш тўғри деб топилади. Чунки сафарбар этиладиган инвестициялар истиқболдаги даромадлар билан таққосланади. Бу ҳолда таққосланадиган курсаткичлар турли вақт бирлигига тааллуқли бўлгани туфайли, уларни таққослаш масаласи марказий муаммо ҳисобланади. Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш усулларини ва таҳлилини қўллаш ўз навбатида кўп сонли турли истиқбол баҳолашларни ва ҳисоб-китобларни ўтказишни тақозо этади. Бу сўзсиз қатор мезонларни қўллашдан келиб чиқади ва асосий параметрларни турли вариациялар йўли билан таққослашни мақсад қилиб қўяди.

[169] Инвестиция фаолиятини таҳлил қилишда қуйидаги мезонлар қўлланилади:

* дисконтни қўллашга асосланган баҳолашлар;

* ҳисоб-аналитик тажрибаларга асосланган баҳолашлар.

Биринчи гуруҳ мезонлари қуйидаги курсаткичларни қамраб олади:

* истиқболда олинадиган соф самаранинг ҳозирги қиймати (Net Present Value NPV).

* инвестицияларнинг рентабеллик индекси (Index PL).

* фойданинг кичик меъёри (Internal Rate of Return IRR).

* фойданинг модифициялаштирилган ички меъёри (Modified Internal Rate of Return MIRR).

* инвестицияларни дисконтлаштирилган баҳоланиш муддати (Discounted Payback Period DPP).

Иккинчи гуруҳ мезонлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

* инвестицияларнинг қопланиш муддати (Payback Period PP).

* инвестицияларнинг самарадорлик коэффициенти (Accounting Rate of Return ARR).

11.3. Хорижий инвестициялар ишгирида молиялаштирилган лойиҳаларнинг хусусиятлари

[170] Хорижий инвестицияларни жалб этишда ва улар юзасидан молиявий қарорларни қабул қилишда турли мамлакатларнинг:

* валюта курслари;

* фоиз ставкалари;

* инфляция даражалари таъсири кабиларни инobatга олиш керак.

Капитал бозоридаги фарқларни ва солиқ тизимидаги хусусиятларни ҳисобга олишда қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим:

* „**Фоиз ставкалари паритети**“ назариясига мувофиқ икки мамлакатнинг фоиз ставкаларидаги фарқ **форвард валюта курси** ва „**spot**“ **валюта курси** ўртасидаги фарққа тенгдир.

* „**Форвард курсини кутиш**“ назариясига мувофиқ форвард курси „spot“ буйича кутиш курсига тенг.

* „Ягона нарх“ қонунига биноан инфляция суръатларидаги фарқ валюта курслари узгаришларидаги фарққа боғлиқдир. Амалиётда эса, ҳар доим ҳам ушбу назария узини оқламайди.

* Интеграциялашган халқаро капитал бозорида реал фоиз ставкалари бир хилдир. Аслида эса, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиб туриш ва солиқ сиёсати реал фоиз ставкаларининг бир-бирига мослигини бузиб туради ва реал фоиз ставкаларни фарқланишига олиб келади. Юқорида қайд этилганларни инobatга олган ҳолда, узоқ муддатли экспорт контрактларни баҳолаш ва суғурталаш мақсадида, форвард бозорларини ёки ссуда капиталлари бозорларини ишлатиш мумкин

Халқаро инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда ҳисоб-китобларда қайси бир валютани қўллашдан қатъи назар, нархлар, фоиз ставкалари ва валюта курслари бир-бирлари билан таққослагунга қадар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасдир. Фақат булажак валюта курслари фарқларини назарда тутган ҳолда инвестиция қарорларини хорижий инвестициялар буйича қабул қилиш асосланмаган инвестиция қарорларини қабул қилиш олдини олади.

Лойиҳа буйича **дисконт ставка** - бу эркин капитал бозорида инвесторларнинг ўз инвесторларини хорижий қимматли қоғозларга сафарбар этиш буйича кутадиغان даромад даражасидир.

Шундай қилиб, хорижий инвестициялар буйича қарорлар қабул қилишда учта қуйидаги хулосани эсда тутиш керак:

* Валюта рискларидан ҳимояланиш учун маблағларнинг бир қисмини маҳаллий валютада қарзга олиш зарур.

* Ҳар доим солиқларни инobatга олиш зарур. Солиққа юқори даражада тортиладиган мамлакатлардан кредит ола туриб солиқларни қисқартириш мумкин ва солиғи паст бўлган мамлакатларга қарз (ссуда) бера туриб солиқларни қисқартириш мумкин.

* Агарда ҳукумат уйин қоидаларини узгартирадиган бўлса, молиялаштиришнинг таркибий тузилишини узгартириш йўлини ўйлаб топиш зарурдир.

Хулоса шундан иборатки, бу борада мураккаб ҳисоб-китобларни ўқатиш талаб этилади. Бутунги кунда эса, республикамизда солиққа тортиш тизимининг барқарорлашмагани, ҳисоб-китобларни юқори савияда ўтказиб берадиган инфратузилманинг ривожланмаганлиги ва ҳ.к. бу борадаги фаолиятни суестлаштиради.

11.4. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда лизингги тадқиқ этиш муаммолари

[171] Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш, бозор инфраструктурасини ривожлантиришни талаб этади. Иқтисодийта чуқур таркибий узгаришлар тадбиркорликда юқори самараларга интилишни, иқтисодийнинг турли соҳаларида хўжалик юритаётганлардан ташаббускорликни, удабуронликни, ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантиришни талаб этиб қолмай, бу таркибий узгаришларнинг янги механизмларини излаб топишни асосий вазифа сифатида қўяди.

Маълумки, иқтисодий манфаатдорликда, фойдага ва ўз фаолияти натижаларига бефарқ бўлмаган ҳар бир хўжалик юритувчи, ўзининг чекланган молиявий ресурсларидан иложи борича кўпроқ самара олиб фойдаланишга ҳаракат қилади. Бироқ, тажриба ва ахборотнинг етарли эмаслиги, зарур бўлган инфраструктуранинг тулиқ ривожланмаганлиги, хўжалик юритувчилар, тадбиркорларнинг инвестицияларга доир қарорларни қабул қилишларини анча мушкуллаштиради.

Мавжуд бўлган асосий фондларни доимий равишда янгилаб, янги технологияларни жорий этиб бориш ҳар бир хўжалик фаолияти юритувчисининг асосий вазифасидир. Чунки уларни янгиламасдан туриб рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга эришиб бўлмайди. Янги техника учун молиявий манбаларни излаб топиш, бозор ва шу жумладан лизинг инфратузилмасини ривожлантиришни тақозо этади. Лизингги ғоят муҳим томони шундаки, у молиявий ресурслар чекланган шароитда корхоналарнинг ўз машина ва асбоб-ускуналарини қисқа муддат ичида янгилаб олиш имконини беради. Айниқса, молиявий ресурсларга эга бўлмаган ишбилармон, ташаббускор, удабурон тадбиркорларга лизинг жуда ҳам қўл келади. Лизинг халқ хўжалигига чет эл капитали ва энг замонавий технология ва асбоб-ускуналарнинг келишига ҳам асос солади.

Замонавий чет эл асбоб-ускуналаридан, қурилиш техникасидан фойдаланиш миллий корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини оширади. Ижара корхонасида ишлаб чиқарилаётган

маҳсулотнинг бир қисмини чет элга экспорт қилиш лизингнинг муҳим шартидир. Бу чет эл валютасидан олинган банк кредитини тўлаш учун зарур бўлади.

Бозор муносабатлари ривожланган сари асбоб-ускуналар ишлаб чиқариладиган корхоналар маҳсулот сифатини янгилаш билан бир қаторда истеъмолчиларга ўз маҳсулотини сотиш мақсадида анча қулай молиявий шарт-шароитлар таклиф қила бошлайди. Лизинг бундай воситаларнинг бири бўлиши мумкин. Банклар эса анъанавий бўлган узоқ муддатга кредит беришдан кўра, маркетинг ва илғор техника асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш соҳаларида, кўшимча хизматлар кўрсатиш билан фарқланадиган янги хизмат турларини амалга оширадидлар.

Юқориди айтиб утилганидек, молиявий манбага эга бўлган ҳар қандай ташкилот лизинг фирмаси (компанияси) сифатида ишлаб чиқариш воситаларини ижарага бера олиши мумкин. Аммо чет эл амалиёти шуни кўрсатадики, йирик корпорациялар ва маркетинг хизматлари орқали лизингни ривожлантиришдан кўра лизинг фирмаларини банклар қошида ташкил этиш афзалроқдир. Лизинг фирмаларини тузишда биз чет эл тажрибасини ўрганиб чиқиб, самарали йўллари аниқлашимиз зарурдир. Тижорат банклари қошида лизинг фирмаларини тузиш ва бошқа ҳудудларда лизинг фирмаси шохобчаларини очиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Бу масалани ечишда лизинг бўйича қандай ишлар олиб борилиши зарурлигини, лизинг операцияларини қўллашдаги илк бор натижаларни таҳлил этишимиз таркибий қайта қуришимизнинг замини бўлади. Техника тараққиётини молиявий таъминлашнинг бундай илғор шаклини ривожлантиришда қандай муаммолар мавжудлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Банк (лизинг фирманинг) иши аввало шерикларни излаб топиш ва асбоб-ускуналар буюртмасини расмийлаштиришдан бошланади. Бунинг учун хўжалик ташкилоти мустақил равишда унга хизмат кўрсатаётган банк муассасасига мурожаат этади ёки банк ўзининг шерикларини ҳам ижарачи, ҳам асбоб-ускуна ва машиналар билан таъминловчиларни излайди. Мурожаатнома асбоб-ускуна ва унинг техник характеристикаси аниқ кўрсатилган махсус ҳужжат асосида расмийлаштирилади.

Сунгра банк (лизинг фирмаси) ўзининг булажак истеъмолчисининг иқтисодий ва молиявий имкониятларини синчиклаб ўрганади.

Одатда корхона (ташкилот)нинг охириги йиллардаги баланслари, молиявий ҳисоботлари, корхонани ривожлантириш лойиҳалари куриб чиқилиб, унинг кредитга лаёқатлилиги, ижара олинган асбоб-ускуналардан фойдаланганлик учун ўз вақтида ижара тўловини тўлаш қобилияти аниқланади. Шунингдек, махсус буюртма асосида асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришдан кўра стандарт асбоб-ускуналарни

алмаштириш осон булганлиги сабабли, биринчи навбатда ана шу имкониятлар банк томонидан урганиб чиқилади. Айниқса, мулкнинг сотиб олиш баҳоси, узоқ муддатли банк кредити буйича фоиз тулови, даромаддан олинадиган солиқ ставкаси, амортизация меъёрлари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш молиявий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга булади. Шунингдек, мулкнинг тахминий қолдиқ қиймати, лизинг фирмаси (банк)нинг операцияга сарфланиши зарур бўладиган харажатлари ҳам таҳлил қилинади.

Истеъмолчининг кредитга лаёқатлилиги аниқлангач, уч томонлама лизинг шартномасини тузиш туғрисидаги якуний қарор қабул қилинади. Шартнома тайёрлаш босқичида мулкни сотиб олиш учун сарфланадиган умумий харажатлар баҳоланади, шартнома муддати, бадаллар тулаш ва ижара буйича ҳисоб-китоб олиб бориш тартиблари аниқланади. Лизинг фирмасига туланадиган ижара туловлари қулайлигини ошириш мақсадида ижара тулаш тартиби (ойлик, квартал, ярим йиллик, бир йиллик) ҳамда ижара муддатини узоқ муддатли банк кредитига нисбатан узайтириш имкониятлари белгиланади.

Ижара туловларини ҳисоблашда солиқ ставкалари ва мулкни суғурталаш харажатлари ҳам эътиборга олинади.

Айни вақтда, республикада лизинг операцияларини амалга ошириш баъзи бир қийинчиликлар билан боғлиқдир. Машина ва асбоб-ускуналар билан кенг қуламда улгуржи савдонинг тулиқ ривожланмаганлиги, купгина ишлаб чиқариш воситаларига булган талабнинг қондирилмаганлиги лизинг операцияларини ривожланишига жиддий тусқинлик қилмоқда. Ушбу икки иқтисодий кўрсаткич орасида аниқ боғлиқлик мавжуд бўлиб, қанчалик тез улгуржи савдога утилса, шунчалик тез машиналар ва асбоб-ускуналар камёблиги йўқотилади. Иккинчи томондан эса, бу соҳа буйича кадрлар тайёрлаш суст ташкил қилинган. Ваҳоланки, лизинг операциялари билан шуғулланадиган мутахассислар янги ва ишлатилган асбоб-ускуналарга булган талаб ва тақлифларнинг ~~таҳлилида~~, ишлаб чиқариш технологияси ва техник хизматларни кўрсатиш соҳаси буйича, назорат қилиш, қонунчилик, мулкни суғурта қилиш ва бошқа соҳаларда чуқур билимларга эга булишлари керак.

Маълумки, лизинг операцияларини амалга оширишда, ижарачи томонидан мулкка қоникарсиз хизмат кўрсатиш, ишлатилган асбоб-ускуналарни ижарага берувчи томонидан бефойда тарзда сотиш. мулкни эгасига уз вақтида қайтармаслик ва бошқа сабаблар ижарага берувчининг хавф-хатарларини оширади. Шу сабабли лизинг мулкни суғурта қилиш муҳим аҳамиятга эга. Лизинг операцияларини молиялаштиришда шартномага қўшимча бандлар киритиш, алоҳида битим тузиш ёки суғурта жамияти билан шартнома тузиш ижарачи ёки

фирма (банк ижарага берувчи)ни турли хавф-хатарлардан сақлаб қолади.

Лизинг буйича мулк суғуртасини ижарачи ҳисобига ёки банк қошидаги лизинг фирмаси ҳисобига амалга ошириш мумкин. Суғурта сарф-харажатлари шартноманинг тулиқ муддати асосида шартномани имзолаш чоғида аниқланади. Ҳозирги вақтда банк тизимлари фақат тўғри молиявий лизингга мулжалланган.

Айни вақтда лизинг механизми, лизинг операциялари турлари буйича тўловларни ҳисоблаш учун услубий курсатмалар мавжуд эмас.

Молиявий ва тезкор, бевосита ва билвосита, тез муддатли ва қайта янгиладиган ҳамда тулиқ лизинглар буйича тузиладиган шартнома турлари, шунингдек лизингнинг экспорт ва импорт турлари учун ҳам битим шартномаларини тузиш шартлари ишлаб чиқилмаган.

Лизинг фирмаларига туладиган комиссия йўғим мукофотларини аниқлаш учун йуриқномалар ишлаб чиқиш ҳам ушбу соҳадаги ечилмаган муаммолардан биридир. Чет эл тажрибасининг тасдиқлашича, лизингдан фойдаланишда, алоҳида жойлашган ҳудудларга ва соҳаларга бу операциялар буйича имтиёзлар берилиши мумкин. Иқтисодиётимизнинг орқада қолган соҳаларига, айниқса халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш, электроника, тиббиёт техникаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришда лизингдан фойдаланиш буйича имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, иқтисодиёти суст ривожланган ҳудудларга имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётимизда лизинг асосида иш юритиш йули билан тадбиркорликка ўтиш зарур. Бунга имкониятлар мавжуд. Фақат унинг ривожланиши ҳамда алоҳида лизинг тармоғини тузиш учун қулай шароитлар яратиш лозимдир. Лизинг тузилмалари ва улар орқали лизинг операцияларини оммавий равишда жорий этиш Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ташкил этилишини тақозо этади.

Айни вақтда қишлоқ жойларда уларни тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш ва янги иш жойларини жорий этишда амалий ёрдам курсатади. Лизинг тузилмаларини таъсис этишда, ташкил қилишда ва уларга фаолият юритишда зарур бўлган шароитларни яратиб бериш кечиктириб бўлмайдиган асосий вазифалардан биридир.

Энг муҳими, лизинг фаолиятини солиққа тортишда, ягона солиқлар жорий этилишини таъминлаш зарур. Айниқса, диққатни жалб этадиган нарса, қушилган қиймат солиғини ундириш ва солиққа тортиладиган базани аниқлашда лизинг объектларини ҳисобга олишдир. Лизинг операциялари нўқтаи назаридан солиқ базаларига аниқликлар киритиш лизингни оммавий тус олдиришда катта йўл очади.

Республикамизда лизинг операцияларини оммавий равишда

ривожлантириш мақсадида, уларни жорий этиш буйича меъерий-ҳуқуқий асосларни яратиш зарурдир. Аини вақтда лизинг фаолиятини лицензиялаштириш туғрисидаги Низом ишлаб чиқилиб тасдиқланиши лозим бўлади. Зарур бўлса, Ўзбекистонда лизинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш Фондини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Лизинг туловларини амалга оширишнинг услубий жиҳатларини, акционер лизинг компанияларини ташкил этишнинг намунавий уставларини, молия лизингини жорий этишнинг намунавий шартнома-битимларини ишлаб чиқиш кабилар бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Лизингни ривожлантириш жараёнида лизинг компанияларига фойдадан олинадиган солиқ имтиёзларини бериш ёки солиқдан белгиланган вақт ичида озод этиш кабилар Ўзбекистонда лизингнинг ривожланишига асос солади. Айниқса, лизинг фаолиятини қўшилган қиймат солиғига тортишда алоҳида эътибор бериш зарур бўлади. Лизинг компанияларини, Россия тажрибасидан келиб чиқиб, икки маротаба қўшилган қиймат солиғига тортилишининг олдини олиш асосий муаммолардан биридир. Маълумки, усқуналар лизинг тузилмалари томонидан сотиб олинishiда, биринчи марта қўшилган қиймат солиғига тортилади. Сунгра ушбу усқуналар ижарачига топширилишда яна бир бор қўшилган қиймат солиғига тортилади. Бундай ҳол албатта, мақсадга мувофиқ эмас.

Лизинг компанияларининг бевосита оладиган фойдасини солиққа тортиш, ижарачиларнинг олган лизинг кредитлари буйича қоплаш ажратмаларини ва фоиз туловларини қўшилган қиймат солиғига тортиш кабилар лизинг қийматини истеъмолчилар учун узоқ муддатли банк кредити билан фойдаланишга нисбатан, бир неча маротаба ошириб юбориши мумкин.

Ватанимиз корхоналарини техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга қаратилган молиявий лизинг узоқ муддатли кредит билан таъминлаш характериға эға. Банк фоиз ставкаларининг юқорилиги туфайли, лизингга сафарбар этиладиган молия-кредит ресурсларини юқори даражада ҳимояланганлигига қарамай туриб, лизинг операциялари банклар учун жуда ҳам даромадсиз булиши мумкин. Шунинг учун ҳам, молиявий лизинг операцияларини утказиш буйича солиқ имтиёзларини бериш Ўзбекистон иқтисодиётиға катта ҳажмда нодавлат инвестицияларини киритилишиға асос бўлади.

[172] Молиявий лизингни ривожлантириш ва такомиллаштириб бориш қуйидаги имкониятларни беради:

* иқтисодиётға катта ҳажмда нодавлат, айниқса хусусий инвестицияларни киритилишини таъминлайди;

* техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш асосида ялли ички маҳсулотнинг усишиға асос солади;

* лизинг асосида ташкил этилган ишлаб чиқаришда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини устириш эвазига, бевосита солиқ тушумлари устишини таъминлаб беради;

* инвестиция фаолиятини юксалтиради, кичик ва урта бизнесни шакллантириб, урта мулкдорлар синфини ривожланишига ёрдамлашади.

Юқорида баён этилган муаммоларни ечиш билан бир қаторда, лизинг компанияларига, асосий фондлар буйича, тезлаштирилган амортизацияни қўллаш имкониятларини ҳам бериш зарур.

Бундай тадбир уз навбатида республикада ишлаб чиқариш салоҳиятини тез суръатлар билан янгиланиш муаммосини ҳал этади.

Лизинг операциялари субъектларига, лизинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, асбоб-ускуналарни амортизациялаш муддатларини мустақил равишда аниқлаш ҳуқуқларини бериш мақсадга мувофиқ. Амортизация ажратмаларини жамғаришда ва уларни лизинг олувчилар томонидан уз фаолиятида сафарбар этиш йўналишларини аниқлашда мустақиллик бериш лизинг фаолиятини ривожланишига олиб келади.

[173] Бугунги кунда республикада лизинг муносабатларини амалга оширишнинг деярли барча ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий асослари яратилган. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, қўшимча равишда ҳал этиладиган муаммо ва масалалар ҳам мавжуддир. Булар жумласига қуйидагиларни қайд қилиш мумкин.

Биринчидан, лизинг муносабатларини ривожлантириш мақсадида лизинг инфратузилмаларини кенгайтириш зарур. Аввало, бу лизинг берувчиларга тааллуқлидир. Лизинг берувчилар фақат уз маблағлари ҳисобига эмас, балки қарз, ёки сафарбар этган маблағлари ҳисобига ҳам, лизинг берувчи сифатида, хизмат курсата олиш рухсати ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқланиши зарур (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 587- моддаси).

Иккинчидан, лизинг мулки лизинг берувчи ҳамда лизинг олувчи номларига расмийлаштирилган ва қайта расмийлаштирилганда қўшилган қиймат солиғи ҳисобига мулк солиғи қиймати узгариши масаласи ижобий ҳал этилиши зарур ва ҳуқуқий жиҳатдан лизинг мулкига қўшилган қиймат солиғи жорий этилмаслиги қонунчиликда курсатилиши зарур.

Учинчидан, лизинг мулки буйича турли рисклар лизинг муносабатлари иштирокчилари уртасида қандай тартибда тақсимланиши ва кимнинг зиммасига юклатилиши қўшимча равишда ишлаб чиқилиши ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этилиши талаб этилади.

Қайд қилинганлар билан бир қаторда республикада иқтисодий фаолиятида лизинг муносабатлари инфратузилмасини барча ҳудудларимизда бир текисда ривожлантириш ва тараққий эттириш зарурдир.

Энг аввало, катта капиталга эга булган тижорат банклар ва нобанк-молиявий ташкилотлар ва махсус лизинг компаниялари ташкил этилиши зарур. Лизинг муносабатларини оммалаштириш учун турли ҳаётий лойиҳаларнинг ҳисоб-китобини, уларнинг самарадорлигини исботлаб берадиган, молиявий қарорлар қабул қиладиган консалтинг фирма ва ташкилотларни ҳам ташкил этиш лозим. Катта ҳажмдаги буш капиталларга эга булган ташкилотлар пайдо булиши зарур. Улар уз навбатида капиталларни диверсификациялаш имкониятларига эга булишлари керак.

Лизинг муносабатларини кенгайтиришнинг яна бир омили — бу тадбиркорлик муҳитини вужудга келтиришдир. Ушбу муҳитда ускуналарни доимий равишда янгилаб туришга булган интилишнинг пайдо булиши талаб этилади. Айниқса, лизинг олувчилар томонидан асосий воситалар бозорини эгаллаб олиш истаги вужудга келиши керак. Шулар билан биргаликда, лизинг олувчилар мавжуд қонунчиликни, иқтисодиётдаги имкониятлардан фойдаланиш сирларини билиши зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, молиялаштириш усулларининг турри танлаб олиниши, барча рискларнинг ҳисобга олиниши, ҳамкорлар иқтисодиётидаги қонунчиликни билиш, валютада молиявий лизингни йулга қуйиш каби масалалар лизинг муносабатларини ривожлантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Бу борада лизинг шартномасида иштирокчилар манфаатларининг бир-бирига ўзаро мос туриши муҳимдир.

Тадбиркорлик сирларини эгаллашда молиявий ресурслар урнига ишлаб чиқариш активларидан лизинг асосида фойдаланиш, акционер ва жалб этилган капитал нисбатини аниқ қилиб белгилаб олишга ва улардан самарали фойдаланишга имконият беришни билиб олиш ҳам лизингнинг ривожланишига асос солади.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда лизинг берувчи ва лизинг олувчи томонлар битта иқтисодиётда фаолият юрита туриб, бир хил солиққа тортиш, молиялаштириш ва ҳ.к. муҳитида иш олиб бораётган булсалар, лизинг харажатлари ушбу асосий воситаларни сотиб олиш харажатларига нисбатан юқори булмади. Халқаро лизингни амалга оширишда эса лизинг муносабатларининг томонлари турли ноаниқлик, таҳлика ва можаро вазиятларни инобатга олишлари зарур. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда лизингни талбиқ этиш мақсадида муқобил молиялаштириш усулларини таққослаб чиқиш фойдадан ҳоли эмас. Бунда истиқболда олинадиган соф самаранинг ҳозирги қиймати буйича муқобил молиялаш услублари натижаларини таққослаш ўринли булади.

Асосий муаммолардан яна бири халқаро лизингни қўллашда мулкни баҳолаш масаласидир. Бунда мулкни лизинг асосида олиш

учун уни мавжуд булган маълумотлар асосида таққослаш йули билан баҳолаб олиш муаммоси уз ечимини кутади. Лизинг олувчилар учун эса асосий муаммо бу қушилган қиймат солиғини лизинг муносабатларини амалга оширишда инобатга олиш, яъни ҳуқуқий жиҳатдан ушбу солиқни тақиқлаш масаласидир.

Амалиётдаги асосий муаммолардан яна бири лизинг олувчиларнинг ишончлигини танлаб олиш, улар таклиф этаётган лойиҳаларнинг ҳаётийлигини, самара бера олишини аниқлашдир. Бу билан бирга лизинг олувчиларнинг кредитга булган лаёқатлилигини аниқлаш ва лизинг муносабатларини урнатиш буйича туғри қарорлар қабул қилишдир. Бу муаммоларни туғри ечишда чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон иқтисодиётидаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилишга туғри келади.

Лизинг муносабатлари кредит муносабатларидан самаралироқ булиши зарур. Бунинг учун лизинг олувчилар зиммасига тушадиган харажатлар кредит эвазига буладиган харажатларга нисбатан камроқ булиши керак. Бу эса уз навбатида Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкаларини пасайтириш муаммоларини ҳал этилишини талаб этади.

Таянч иборалар

* инвестиция лойиҳаси	* дисконт ставка
* молиявий манбалар	* фоиз ставкалари паритети
* инвестицион қарорлар	* форвард валюта курси
* инвестицион харажатлар	* „спот“ валюта курси
* соф даромад	* йиллик ижара тулови
* минимал даромад ставкаси	* мураккаб фоизлар
* капиталнинг уртача қиймати	* аниқлик, ноаниқлик, низо вазиятлари
* субъектив ставкалар	* инвестициянинг рентабеллик индекси (PL)
* тулов оқимлари	* инвестициянинг дисконтлаштирилган баҳолашиш муддати (DPP)
* фойданинг кичик меъёри (IRR)	* инвестицияларнинг самарадорлик коэффициенти (ARR)
* фойданинг модифициялаштирилган ички меъёри (MIRR)	
* инвестициянинг самарадорлик коэффициенти (ARR)	

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар

- [165] *Инвестиция лойиҳаси деганда нимани тушунасиз?*
- [166] *Инвестицион қарорлар қайси йуналишлар буйича қабул қилиниши мумкин?*
- [167] *Лойиҳаларни молиялаштиришда инвестициялар самарадорлиги қандай аниқланади?*

- [168] *Дисконт ва дисконт ставка деганда нимани тушунаси?*
- [169] *Инвестицион фаолиятни таҳлил қилишда қандай мезонлар қўлланилади?*
- [170] *Хорижий инвестициялар юзасидан молиявий қарорларни қабул қилишда нималарни инобатга олиш керак?*
- [171] *Республикаimizда лизинг операцияларини амалга оширишда қандай қийинчиликлар мавжуд?*
- [172] *Молиявий лизингни ривожлантириш қандай имкониятларни беради?*
- [173] *Лизинг муносабатларини ривожлантиришда Ўзбекистонда қандай ҳуқуқий муаммолар мавжуд?*

12- боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ ТИЗИМИ

Режа:

- 12.1. Ўзбекистон Республикаси солиқлари ва уларнинг ташкил топиши [174 — 175]
- 12.2. Солиқ қонунлари ва уларни тайёрлаш тартиби [176 — 177]
- 12.3. Республика бюджетига солиқлар ва йигимларни ташкил қилиш тамойиллари [178 — 179]
- 12.4. Солиқ ставкалари ва солиқларни тулаш тартиби [180 — 181]
- 12.5. Солиқ идораларининг ташкил этилиши, уларнинг ҳуқуқ вазибалари [182 — 183]
- 12.6. Солиқларни иқтисодий гуруҳлаш ва уларни бюджетлар бўйича тақсимлаш [184]
- 12.7. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини такомиллаштириш муаммолари [185]

12.1 Ўзбекистон Республикаси солиқлари ва уларнинг ташкил топиши

[174] 1991 йил 15 февралда қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар солиқлари туғрисидаги Қонун қабул қилинди ва шу йилнинг 4 июнида бу қонунга узгартиришлар киритилди. Бу қонуннинг кўп жиҳатлари социализм иқтисодий қонунлари талабларини ифода этар эди.

Хусусан, бу даврда бюджетга икки тулов тури, яъни **оборот солиги** ва **фойдадан ажратма** муваффақиятли ишлар эди. 1991 йилги солиқлар туғрисидаги қонунда бу туловлар баъзи бир узгаришлар билан сақланиб қолган эди. Шу қонун бўйича илгари Иттифоқ бюджетига бериладиган фойда тулиғича республика давлат бюджетига тушадиган бўлди. Лекин улар Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор муносабатига утишига тусқинлик қила бошлади. Иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик бошқариш усулидан бозор муносабатларига ўта бориши Ўзбекистонда биринчи марта солиқ тизимини ташкил қилишда тажриба йўқлиги шароитида амалга оширила бошланди. Ахир, иқтисодни бошқаришнинг аввалги усулида солиқлар моҳияти жиҳатидан қўлланилмас эди. Бюджетга туловлар туғридан-туғри ажратмалар, бадаллар ва ҳақлар тартибида буйруқ йўли билан амалга оширилар эди. Бюджетга туловлар асосан давлат

секторидан тушар эди. Шунинг учун давлат корхона ва ташкилотлар даромадларини қанча хоҳласа шунча олиб қуяр эди.

Мустақиллик республикамининг бозор муносабатларига ўтишига замин яратди. Жумладан, корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқарган товарларига баҳони узлари белгилашга эриша бошладилар. Корхоналарнинг молиявий мустақиллик соҳасидаги ҳуқуқлари кенгайтирилди, даромадларни мустақил тақсимлаш, даромад ва харажатларни меъёрлаш, мулкларидан эркин фойдаланиш жерий этила бошланди. Аста-секин бозорга ўта бориш, хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хилма-хил мулк шакллари-нинг пайдо бўлиши, корхоналарнинг молия ва баҳо соҳасидаги ҳуқуқларининг кенгайиши бюджетга туловлар тизимини тубдан ўзгартиришни талаб қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январь Қонуни билан республикада бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган солиқлар ва туловлар киритилди. Оборот солиғи ўрнига **қушилган қиймат солиғи (ҚҚС)**, сотиш солиғи ўрнига **акцизлар**, **фойдага солиқ** ўрнига **даромадга солиқ** ўрнатилди. Ўсиб бораётган бюджет харажатларини қоплаш мақсадида **мол-мулк солиғи**, четга чиқариладиган хомашё ресурслари ва маҳсулотлари солиғи киритилди. Шулар билан бир қаторда жамоа аъзоларининг **меҳнат ҳақи фонди солиғи** сақлаб қолинди.

Тўғри солиқлар давлат харажатларини қондира олмай қолди. Шунинг учун тўғри солиқлар билан бирга ҚҚС, акцизлар, шунингдек, республикадан четга чиқариладиган хомашё ресурслари ва маҳсулотлари солиғи ҳам амалиётга киритилди. Биринчи марта Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан асосий солиқ турлари бўйича (ҚҚС, даромадга солиқ, акцизлар, четга чиқариш солиғи, қўшма корхоналарни солиққа тортиш бўйича) йўриқномалар ва низомлар ишлаб чиқилди.

Аммо, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январь қонуни билан жорий этилган солиқлар бозор иқтисодиёти талабларини тўлиқ ифода қила олмади. Солиқ ставкалари ҳам юқори эди. ҚҚС — 30 фоиз, даромадга солиқ 15 — 35 фоиз, акцизлар 15 — 30 фоизгача эди. Республикада солиқлар бўйича илмий изланишлар ва уларни киритишда тажрибанинг йўқлиги сабабли вақтинчалик солиқлар ва туловлар қабул қилинган эди. Шулар қаторига **валюта тушуми солиғи** ва **олти фоизли ресурс туловлари** 1993 йили киритилиб кейинги йили бекор қилинди.

[175] Солиқлар бўйича кейинги катта ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30 ноябрь „Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг қизиқтириш родини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида“ги Фармони билан киритилди. Шу Фармонга биноан жамоа аъзоларининг меҳнат ҳақи фондидан солиқ,

йигирма фоизли амортизация ажратмаси, 3,5 фоизли маҳаллий бюджетларга ижтимоий сугурта ажратмаси, урмон хужалиги бадаллари бекор қилинди.

Шу билан бирга қишлоқ хужалиги соҳалари учун, саноат, қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари, илмий изланишлар, биржа ва воситачилик фаолияти учун фойдага солиқ жорий этилди. Қўшма ва хусусий корхоналар, савдо ва тайёрлов ташкилотлари даромадга солиқ тулашда қолдилар. Фойдага солиқ ва даромадга солиқ буйича биринчи солиқдан имтиёзлар уз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, экология ва табиатни муҳофаза қилиш тadbирларига, меҳр-шафқат мақсадларига уз даромадларини ажратадиганларга бериладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикасида солиқлар ва йиғимларнинг ташкил топиши ва ривожланишини қуйидаги маълумотлар курсатиб турибди (39-жадвал).

39-жадвал

Солиқлар ва йиғимларнинг ташкил топиши

№	Солиқ турлари	Бюджет даромадларига нисбатан % ҳисобида					
		1991	1992	1993	1994	1995	1998
1.	Оборот солиғи	16,3	—	—	—	—	—
2.	Фойдага солиқ	4,5	—	—	—	12	21,8
3.	Сотиш солиғи	6,7	—	—	—	—	—
4.	Ер солиғи	3,3	—	—	—	—	—
5.	Қўшилган қиймат солиғи		26,6	26,3	26,6	23,0	30,5
6.	Акцизлар	—	23,2	15,9	19,7	39,0	14,4
7.	Республикадан четга чиқарилган маҳсулотлар солиғи		6,3	3,4	1,3	—	—
8.	Даромадга солиқ	—	18,1	21,0	16,6	—	—
9.	Аҳолининг даромад солиғи	—	7,4	7,6	8,5	6,5	14,7
10.	Мол-мулк солиғи	—	—	0,5	1,4	4,0	3,5

11.	Ресурс тулсвлари	—	—	0,8	0,9	—	—
12.	20% амортизация ажратмалари	—	—	1,5	3,1	—	—
13.	Кон солиғи	—	—	—	—	3,2	1,6
14.	Дотация	45	—	—	—	—	—
15.	Бошқа даромадлар	24,2	18,4	24,0	20,9	12,3	8,9
	Жами	100	100	100	100	100	100

Шундай қилиб, бозорга утиш даврининг дастлабки даврларида республика бюджети туловларига булган маъмурий тазйиқ аста-секин тугатила борилди, янги солиқлар ташкил этилди ва такомиллаштирилди.

Бугунги кунда ижтимоий бозор иқтисодиётига хизмат қилувчи солиқ тизимига эга булдик.

12.2. Солиқ қонунлари ва уларни тайёрлаш тартиби

[176] Солиқ қонунлари — бу солиқ туловчилар ва солиқчи уртасидаги мажбурият, маълум ҳуқуқий муносабатлардир. Солиқ қонунлари солиқларнинг турлари, **солиқ объекти**, **солиқ ставкаси**, солиқни ҳисоблаш ва тулаш тартиби, солиққа тортиш буйича имтиёзларни аниқлаб беради. Даставвал, солиқ қонунлари бир йўла, яъни ҳамма солиқлар ва туловлар буйича қабул қилинган эди. Ўзбекистон Республикасининг „Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар солиқлари туғрисида“ биринчи қонунида (1991 йил 15 февралдан кейинги узгаришлари билан) қуйидаги солиқлар тури кўрсатилган эди: даромадга солиқ, ҚҚС, мулк солиғи, хомашё ресурслари ва маҳсулотларни четга сотгандаги солиқ, жамоа аъзоларининг меҳнат ҳақи фонди солиғи, акциз солиғи. Асосий ўрин даромадга солиқ ва ҚҚСга берилган эди. Бошқа солиқларга тамомила кам моддалар (3 дан 6 моддагача) ажратилган эди.

Кейинги йилларда қонунлар ҳар бир солиқ тури буйича қабул қилинди ёки жорий солиқ тизимига узгартиришлар киритилди. 1993 йил 7 майда „Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар туғрисида“ Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда 9 модда мавжуд. Бу ерда 6 та солиқ турлари ва 13 та йиғимлар ҳуқуқий ва жисмоний шахслар учун белгиланган. Булар: **жисмоний шахсларнинг мулк солиғи**, **ер солиғи**, **курорт зоналарида саноат қурилиш солиғи**,

транспорт воситалари эгалари солиғи, автомобилни қайта сотиш солиғи.

Йиғим турларидан, масалан, курорт йиғими, савдо йиғими, савдо ҳуқуқи бериш йиғими, вино-ароқ маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини бериш бўйича лицензион йиғим ва бошқалар. Бу қонун маҳаллий солиқлар ва йиғимларни киритиш шарти ва тартибини белгилайди. Шу масалалар бўйича маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқларини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган „Ер солиғи тўғрисида“ги Қонуни алоҳида қабул қилинган биринчи қонун бўлиб ҳисобланади. Бунда беш боб ва 14 модда мавжуд. Шу қонун бўйича ер солиғи тўловчилари булиб аҳолидан ташқари халқ хўжалигининг ҳамма соҳасидаги ва ҳамма мулк шаклидаги ҳуқуқий шахслар ҳисобланади. Булар таркибига хўжалик фаолиятдан фойдага солиқ тўловчи хўжалик корхоналари ҳам киради.

1993 йил 7 майда қабул қилинган „Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар солиқлари тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида қўшимча чет эл валютаси тушумидан солиқ киритилган булиб, кейинги йили бекор қилинди.

1997 йил 24 апрелда Олий Мажлис „Солиқ кодекси“ни қабул қилди. Шу кодексга биноан илгари қабул қилинган солиқ ва йиғимлар тўғрисидаги ҳамма қонун ва йуриқномалар бекор қилиниб, 1998 йилдан бошлаб ягона Солиқ кодексига асосан солиқ ва йиғимлар ундирила бошланди. Бу эса солиқ ислоҳотларининг янги босқичини ифода этади.

[177] Ўзбекистон Республикасида солиқ тўғрисидаги қонунларни тайёрлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Дастлаб қонун лойиҳалари Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда Адлия вазирлигига маъқуллашга берилади.

Маъқулланган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади. Вазирлар Маҳкамаси солиқлар қонунлари лойиҳаларини кўриб чиқади ва Олий Мажлис сессиясида куриш учун тақдим этади. Лойиҳалар тайёр қилинаётганда бошқа давлатларнинг солиқлар тўғрисидаги қонун лойиҳаларидан фойдаланилади. Уларга республиканинг миллий, иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиладиган ҳолатлар қўшилади ва чет эл экспертларининг таклифлари ҳисобга олинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунгача солиқ қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига илмий изланишлар яқунлари асос қилиб олинмаётир. Фундаментал илмий изланишлар йўқ. Шу сабабли, қонунлар қабул қилингандан сўнг ҳам узгартиришлар киритилиш ҳолатлари кўп.

Ҳозирги кунгача „Солиқ тизими асослари тўғрисида“ги солиқ

концепцияси ишлаб чиқилмаган, „Республика солиқлари ва йиғимлари туғрисида“ги қонун қабул қилинмаган.

12.3. Республика бюджетига солиқлар ва йиғимларни ташкил қилиш тамойиллари

[178] Ўзбекистон Республикаси бюджетни даромадлари солиқлар ва солиқсиз туловлар (йиғимлар ва ажратмалар)дан ташкил топади.

Солиқлар — давлат билан солиқ туловчилар ўртасидаги иқтисодий (пул) муносабатларни ифодалайди. Ҳар хил мулк шаклидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар солиқ туловчилар бўлиб ҳисобланади. Давлат эса солиқлар ва йиғимларни олувчи, яъни солиқчи ҳисобланади. Солиқлар қонуний, ҳуқуқий, мажбурий характерга эга бўлиб, улар бюджетга марказлашган тарзда тушади.

Йиғимлар — солиқсиз туловлар бўлиб, улар ҳам мажбурий тарзда бюджетга тушади. Улар асосан давлат муассасаларининг хизмати, яъни божхона, нотариал идоралари, судлар, шаҳар, туман ҳокимликлари ва бошқа хизматлар учун ҳақ кўринишида бўлади. Йиғимлар бўйича бунақ туловлари бўлмайди. Кўпинча бир йўла ҳуқуқий тулов амалга оширилади.

Бюджетга тушган солиқли ва солиқсиз туловлар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш харажатлари, бошқариш ва бошқа ижтимоий зарурий харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади.

[179] Ўзбекистон Республикаси бюджетига солиқлар ва йиғимларни ташкил қилиш қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

* манбасидан қатъи назар ҳамма даромадларни солиққа тортишнинг мажбурийлиги;

* барча маъмурий-ҳудудий бошқарув шохобчалари учун умумдавлат солиқ сиёсатининг амал қилиши;

* корхоналарнинг тегишли меъёрлари орқали солиқларни рағбатлантириш родини таъминлаш ҳамда ҳужалик юритишнинг илғор шакллари рағбатлантириш;

* барча субъектларнинг даромадлари ва мулкларидан солиқ туловлари декларациясини талаб қилиш, танлама қузатишлар ва тафтишлар ўтказиш, солиқ қонунчилигини бузганларга иқтисодий санкциялар қўллаш орқали молиявий назоратни амалга ошириш;

* Олий Мажлис томонидан белгиланган солиқ ва йиғимларни сўзсиз ундириб олиш;

* солиқ оғирлигини барча солиқ туловчилар ўртасида тақсимлаш ва бошқариш.

Солиқлар ва йиғимларни ташкил қилиш тамойилларига риоя қилиш даромадларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бюджетга тушишини

таъминлайди. Солиқ муносабатларида тартиб, интизом ва қонунчиликни кучайтиради. Республикада бозор муносабатларини ривожлантиришга олиб келади.

12.4. Солиқ ставкалари ва солиқларни тулаш тартиби

[180] Солиқ ставкалари — бу солиққа тортиш объектидан маълум бир қисмини бюджетга қонунда белгиланган меъёрдаги мажбурий туловдир. Масалан, оборот қийматидан 17 фоиз ҚҚС ва бошқалар. Солиқ ставкалари уч усулда белгиланади:

- * фоизли ставка;
- * абсолют ёки қатъий ставка;
- * минимал иш ҳақига бир неча қарра.

Фоизли ставка маълум даромад, қиймат ва бошқаларга нисбатан фоизларда белгиланади. **Абсолют (қатъий) ставка сум** ва тийинларда белгиланади. Учинчи усул аниқдир.

Инфляция жараёнида абсолют ставкани қўллаш хатарлидир. Шунинг учун республикамизда аксарият ҳолларда фоизли ставка қўлланилади. Солиқ ставкасининг уч тури мавжуд;

- * пропорционал;
- * прогрессив;
- * регрессив.

Пропорционал ставкада даромад усиши ёки камайишидан қатъи назар ставка маълум пропорцияда қолаверади - узгармайди.

Прогрессив ставкада даромад усиши билан солиқ ставкаси ҳам усиб боради. Прогрессив ставкага Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги булмаганлардан олинадиган солиқ ёрқин мисол була олади. Икки ойлик минимал иш ҳақи миқдоридagi солиққа тортиладиган даромад 15 фоизли ставкада, ундан ошган уч минимал иш ҳақига тенг қисми 25 ва 40 фоизгача ошиб боради.

Регрессив ставка прогрессив ставканинг тескариси булиб, даромад ёки харажат ортиши билан солиқ ставкаси камаяди. Масалан, фойдага солиқ буйича ўтган йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг физик ҳажми ҳар бир фоиз ортиши билан 0,3 фоиздан солиқ ставкаси камаяр эди. Бу тартиб ҳозир бекор қилинган. Ҳозир экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ошиб бориши билан солиқ ставкаси камайиб боради.

[181] Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан куп солиқлар буйича аввало **бунак туловлари** туланади, сунг ҳисобот ва бухгалтерия баланслари асосида қайта ҳисоблаш амалга оширилади. Фойдага солиқ ва даромадга солиқ буйича **бунак туловлари** ҳар ойнинг 10 ва 25 саналарига чораклик суммасининг олтидан бири

миқдорида белгиланади. Бунак тулови суммасини аниқлаш учун корхоналар томонидан солиқ идораларига тахмин қилаётган даврдан келиб чиқиб чораклик даромадлар тақдим этилади. Чорак тугаши билан корхоналар томонидан солиқ идораларига солиқ ҳисоби, бухгалтерия балансини тақдим этадилар.

Тақдим этилган ҳисоб буйича ҳақиқий олинган фойда ва даромадлардан келиб чиқиб солиқнинг қайта ҳисоби куйидагича амалга оширилади:

* агар бунак туловлари кам туланган булса, ҳақиқий ҳисобланган суммага қараганда қушимча ҳисобланган суммага чораклик ҳисоб беш кун ичида ҳисобот тақдим этилган кундан сунг туланади, йиллик қайта ҳисобланган сумма эса 10 кундан сунг туланади;

* агар қайта ҳисоблашда тегишли суммага қараганда ортиқ ҳисобланган булса, бу сумма навбатдаги туловларга етказилади;

* агар корхона ошиқча тулаган суммани қайтариш туғрисида ёзма ариза берса, унда туланган ортиқча сумма 10 кун ичида қайтарилиши лозим.

* агар корхона солиқларни муддатлари келганда тўлай олмаса, муддатдан сунгги кундан бошлаб боқиманда — қарздор деб аталади. Боқиманда пайдо булган кундан то бюджетга келиб тушган кунга қадар ҳар бир кечиктирилган кунга 0,2 фоиз айбона (пеня) ҳисобланади;

* агар туловни ушлаб туриш корхонанинг счётида маблағ йўқлиги билан боғлиқ булса ва буюртмачи билан дебитор қарзлари буйича тасдиқланган далолатномаси булса, солиқ идоралари корхона номидан дебиторга инкасса куйиб солиқни ундириб олади ва шундай қилиб боқимандани тугатади.

12.5. Солиқ идораларининг ташкил этилиши, уларнинг ҳуқуқ вазифалари

[182] Ўзбекистон Республикаси солиқ идоралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 августда қабул қилинган. „Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ идоралари туғрисида“ги қарори асосида ташкил этилган. Шу кундан бошлаб республикада кенг тармоқли туман (шаҳар) солиқ инспекциялари, вилоят, шаҳар солиқ бошқармалари тузилган. Солиқ муносабатларининг туҳтовсиз кенгайиши янги солиқ шохобчалари тузишни зарур қилиб қуйди. 1994 йил январдан бошлаб Давлат солиқ Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат солиқ қўмитасига айлантирилди. Шу йилдан бошлаб Республика Бош бошқармаси ДСҚ ихтиёрига берилди. 1999 йилда эса Бож бошқармаси Давлат божхона қўмитасига айлантирилди.

ДСҚ уч звенота эга: республика, вилоят ва туман звенолари.

Асосий ишларни солиқ туловчилар билан солиқ идораларининг қўйи звеноси булмиш туман солиқ инспекциялари олиб боради. Улар туғридан-туғри корхона, бирлашма ва ташкилотлардан солиқ бўйича ҳисоблар, ҳисобот ва баланслар, фуқаролардан декларациялар олиш билан шуғулланадилар.

[183] Бириктирилган вазибаларни самарали бажариш учун уларга қўйидаги ҳуқуқлар берилган:

- * ҳамма корхона, бирлашма ва ташкилотларнинг пул ва бухгалтерия ҳужжатларини текшириш;

- * декларацияларни тақдим этиш жараёнини кузатиш;

- * бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга туловларни тегишли ҳужжатларни зарурият булганда улар бўйича тушунтиришлар, маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни текшириш. Булардан ташқари, улар:

- * текширилаётган корхона билан боғлиқ булган ҳужжатларни бошқа корхоналар, ташкилотлар, банклар, суғурта ва аудиторлик хизматларидан олишга;

- * корхоналар, ташкилотлар фойдани яширса ёки уни камайтириб кўрсатса, солиқ объектини яширса, ҳужжатлар (лицензия), патентлар, гувоҳномаларсиз фаолият кўрсатаётган булса, фуқаролар эса тадбиркорлик фаолиятини бузса ва даромадларини яширса, улардан ҳужжатларни олиб қўйишга;

- * фойда (даромад)ни яшириш ҳолларида ёки касса ҳужжатларини сақлашда нотўғри ҳаракатлар булса, шу жойларни сургуч тамга билан ёпиб қўйиш, таҳлил учун маҳсулотлардан олиш ва экспертизага беришга;

- * солиқлар ва бошқа туловлар бўйича солиқ қонунчилиги бузилганда корхона раҳбарлари ва фуқаролардан шу қонунбузарликни тугатишни талаб қилиш ва назорат қилишга;

- * корхоналар раҳбарлари, солиқ идоралари, мансабдор шахсларни ҳужжатли текшириш ўтказишидан бош тортишса уларнинг банкдаги ҳисоб счёти ҳаракатини тўхтатиб қўйишга;

- * ғайриқонуний йулар билан топган даромадини ундириш бўйича ишларни судга ўтказиш;

- * ҳуқуматга солиқ ва солиқ ишларини такомиллаштириш бўйича таклифларни беришга;

- * солиқ қонунларини бузган корхона, бирлашма ва ташкилотларга ҳамда фуқароларга молиявий ва маъмурий чораларни қўллашга;

- * яширилган (камайтирилган) фойда (даромад) ёки бошқа яширилган (ҳисобланмаган) солиққа тортиш объектлари қисмига тегишли солиқ суммасини ҳамда яширилган суммага тенг жарима ундириб олишга, агар қонунбузарлик 1 йил ичида такрорланса, жарима суммасини икки марта кўпайтириб ундириб олишга;

* солиқ ва бошқа бюджетга туловлар буйича ҳисоботлар, декларациялар ва бошқа ҳужжатлар уз вақтида тақдим этилмаса, бюджетга тулаши лозим булган солиқ ёки тулов суммасидан 10 фоиз ундириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўз навбатида солиқ идораларига жуда масъулиятли вазифалар юкланган. Бу корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва фуқаролар манфаатини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилишдир. Хусусан, ДСҚ ва унинг жойлардаги органлари зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

Бу:

* Ўзбекистон Республикасининг солиқлар туғрисидаги қонунчилигига риоя қилиш;

* солиқлар, йиғимлар ва бошқа туловларни туғри ҳисоблаш;

* солиқ туловчилар сонини, солиққа тортиш объектларини тулиқ ва уз вақтида ҳисобини олиб бориш;

* жорий солиқ қонунчилиги бузилган ҳолатлар буйича ҳужжатларни текширув ва суд идораларига утказиш;

* белгиланган тартибда корхоналар ва аҳолининг солиқ ва бошқа туловлар буйича имкониятларини урганиб чиқиш;

* мусодара қилинган, эгасиз қолган мулклар, ворис бўлиб давлатга қолдирилган мулклар ва бойликлар ҳисобини юритиш, баҳолаш ва сотишни ташкил қилиш ва ҳоказо.

12.6. Солиқларни иқтисодий гуруҳлаш ва уларни бюджетлар буйича тақсимлаш

[184] Ўзбекистон Республикаси солиқларини иқтисодий моҳиятига қараб туғри ва эгри солиқларга бўлиш мумкин.

Туғри солиқлар — бу даромадлардан олинадиган солиқлардир. Уларнинг объектлари олдиндан ҳаммага аниқ булганлиги сабабли бундай солиқлар **реал солиқлар** деб аталади. Туғри солиқларнинг манбаи бўлиб корхоналар фаолиятининг молиявий натижаси (фойда, даромад) ёки аҳолининг даромадлари ҳисобланади. Бундай солиқларга:

* фойдага солиқ;

* даромадга солиқ;

* транспорт воситалари эгалари солиғи;

* ер солиғи;

* мулк солиғи;

* аҳолининг даромад солиқлари киради.

Туғри солиқлар моддий ва пул харажатларини камайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларидан ва транспорт воситаларидан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқаларга ундайди.

Эгри солиқлар бу — товар қиймати (иш, хизмат) устига қуйиладиган устама солиқлар булиб, сотув оборотидан олинадиган солиқдир. Бюджетни қоплашга туғри солиқлар етмаган тақдирда эгри солиқлардан фойдаланиш зарурияти туғилади. Ҳуқуқий жиҳатдан бу солиқнинг туловчилари булиб товарлар, хизматлар ва ишларни сотувчи корхоналар ҳисобланади. Ҳақиқий туловчилари булиб эса шу товарлар, ишлар, хизматларни сотиб олувчилар ҳисобланади. Эгри солиқларнинг манбаи товар, иш ва хизмат қийматининг бир қисми бўлади. Бу солиқ қонунчилиги буйича. Ҳақиқатда эса эгри солиқ солиқлар манбаи булиб товар, иш ва хизматнинг бутун қиймати ҳисобланади. Бу солиқларни бюджетга тушиши товар сотиш режасининг бажарилиши, товар сифати ва унга талабнинг мавжудлиги билан белгиланади. Эгри солиқлар туфайли жамият товарлар ҳаракатига, сифати ва маҳсулот сотиш турларига таъсир курсатади.

Ўзбекистон Республикаси солиқларини солиққа тортиш объектлари буйича ҳам гуруҳлаш мумкин:

- * товарлар, ишлар, хизматлар сотиш обороти;
- * корхона, бирлашма ва ташкилотлар даромади (фойдаси);
- * корхона, бирлашма ва ташкилот мулклари.

Эгри солиқлар булмиш ҚҚС, акцизлар, кон солиғининг объекти булиб товар, иш ва хизматлар обороти ҳисобланади. Эгри солиқлар ставкасининг ошиши туғридан-туғри корхоналарнинг инвестицион фаоллигига таъсир этмайди, чунки бу солиқлар бевосита корхоналарнинг молиявий ресурсларини камайишига таъсир этмайди, улар оқибат натижада солиқ туловчиларнинг товар истеъмолини камайтиради.

Даромадга, фойдага солинадиган солиқлар ставкасининг ошиши бизнеснинг инвестицион фаоллигини сусайтиради. Мулклардан олинадиган солиқлар (мол-мулк солиғи, ер солиғи, транспорт воситалари эгалари солиғи ва бошқалар.) асосий фондлар, ер ресурслари, автомобиль техникасидан унумли фойдаланишга қаратилган. Бу солиқларнинг ҳам манбаи булиб корхоналар даромади ҳисобланади. Шунинг учун бу солиқлар ставкасини ошириш солиқ туловчи корхоналарнинг молиявий ресурсларини камайтиришга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига утиш шароитида оборотлардан олинадиган солиқлар нисбатан „яхши“ солиқлар ҳисобланади, чунки улар корхоналарнинг инвестицион фаоллигини сусайтирмайди.

Даромаддан (фойдадан) ёки мулклардан олинадиган солиқларга келсак, улар нисбатан „ёмон“ солиқлардир, чунки бу солиқларни кўпайтириш корхоналарнинг инвестицион фаоллигини сусайтиради. Бу эса ишлаб чиқаришни қисқартиришга ёки тўхтатишга олиб

келадики, бу тамомила мақсадга мос келмайди. Ишлаб чиқаришни камайтира бориш эса келажакда фақат истеъмол товарларинигина камайтириб қолмасдан, солиқ туловчилар даромадини ва давлат солиқларини кам тушишига олиб келиши мумкин.

Солиқлар бюджет турларига қараб, умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларга бўлинади (чизмага қаранг).

Умумдавлат солиқлари Республика бюджетига тушади. Улар ажратмалар ва субсидиялар тарзида маҳаллий бюджетларга тушиши мумкин. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар вилоят, шаҳар, туман бюджетларининг уз манбалари ҳисобланади. Улар фақат тегишли бюджетларга тушади ва бюджетлар уртасида тақсимланмайди.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
1.Юридик шахслардан олинadиган даромад солиғи	1.Мол-мулк солиғи
2.Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	2.Ер солиғи
3.Қушилган қиймат солиғи (ҚҚС)	3.Реклама солиғи
4. Акциз солиғи	4.Автотранспорт воситаларини қайта сотиш солиғи
5.Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	5. Кичик бизнес учун яғона солиқ
6.Экология солиғи	6.Социал инфратузилмани ривожлантириш солиғи
7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	7.Савдо ҳуқуқи йиғими, шу жумладан, алоҳида товарлар турларини сотиш бўйича берилган лицензия йиғими
8.Сяло таъкилотларининг ялпи даромадидан солиқ	8. Ишбилармонлик билан шугулланувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларни руйхатдан ўтказиш йиғими
9. Божхона божи	9. Автотранспортни турар жойи йиғими
10.Давлат божи	10. Ободонлаштириш йиғими
11.Қимматли қозғаларни руйхатдан ўтказиш йиғими	11. Деҳқон бозорларидан бир йула йиғим
12.ДАН йиғими	
13.5 фойзли эркин алмаштириладиган валюта сотиб олиш йиғими	
14.Давлат мулкни сотишдан тушум	
15.Жарималар	

12.7. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини такомиллаштириш муаммолари

[185] Олдинги бобларда таъкидлаганимиздек, солиқлар тўғрисидаги меъёрий далолатномалар (қонунлар, йуриқномалар, низомлар) тез-тез ўзгартирилмоқда. Бу солиқларни ҳисобловчи бухгалтерлар ишини қийинлаштиради, бюджетга тушадиган солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлигини текширувчи солиқ инспекторлари ишига ҳалақит беради. Шунинг учун алоҳида солиқлар буйича лойиҳалар тайёрланаётган вақтда илмий асосланган солиқ концепциясига асосланмоқ зарур. Бундай концепцияни тайёрлаш лозим ва у жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилиниши керак.

Энг аввало, солиқ тизимининг асослари деган қонун қабул қилиниб, унда алоҳида республика бюджетига тушадиган солиқлар таркиби (алоҳида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети) ва алоҳида вилоят, шаҳар, туман маҳаллий бюджетларига тушадиган солиқлар белгиланган бўлиши лозим.

Ҳуқуқларнинг бундай ажратилиб берилиши маҳаллий ҳокимиятнинг улар бюджетига тушадиган солиқларнинг тўлиқ тушиш жавобгарлигини оширади, боқимандачиликка чек қўяди ва субсидияни камайтиришга олиб келади. Бундан ташқари, ҳар бир солиқ буйича уни маълум бюджет харажатига мақсадли фойдаланишини курсатмоқ лозим. Навбатдаги йилга бюджет қабул қилиниш чоғида, агар даромадни ошириш зарур бўлса ёки аввалги даражада қолдириш керак бўлса, унда оборотдан солиқлар (ҚҚС, акцизлар ва бошқалар) ставкасини ошириш (ёки илгариги даражада қолдириш) лозим бўлади.

Солиққа тортиш ва солиқ идоралари тўғрисидаги қонунларда солиқ идораларининг мажбуриятлари, солиқ туловчилар билан ишлаш мажбурияти ҳам ўз аксини топиши лозим. Бу ерда суз маслаҳатлар бериш, солиқ туловчиларни солиқ қонунчилиги буйича ўқитиш, солиқлар ва бюджетга бошқа туловларни ҳисоблаш усулларини ўргатиш тўғрисида боряпти. Ўқитишда нафақат қонуний ва йуриқномавий харажатлар, балки уларни тушунтирувчи, изоҳловчи ўқув қўлланмалари, дарслик ва оммавий қўлланмалар бўлиши зарур. Шундай дарсликларни яратмоқ керак.

Республикада „Водоканал“ тизими мавжуд бўлиб у коммунал корхоналар ва бошқа ташкилотларни сув билан таъминлайди. Истеъмолчилар бунинг учун сув ҳақи тўлайдилар. Бюджетга тўланадиган сув ҳақи тўлови сув солиғи деб аталиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги буйича ер солиғи туловчилари уйлар, қурилиш ва иншоотлар жойлашган ер учун ҳам ер солиғи тўлайдилар. Шу билан улар асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача қийматидан мулк солиғи ҳам тўлайдилар. Бу

солиқнинг ставкаси унча катта эмас (мазкур қийматнинг 2 фоизи). Аммо солиққа тортиш икки марта амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, иморатлар жойлашган ер ставкасини бироз оширишдан кўра мулк солигини бекор қилган маъқул.

Фойдага солиқ ва ҚҚС йўриқномаларига биноан: олиқлардан жуда кўп имтиёзлар берилган бўлиб, улардан солиқ тўловчиларнинг куплари фойдаланмайдилар ёки кам фойдаланадилар, чунки уларни олиш учун солиқ тўловчилар жуда кўп вақт талаб қилувчи ҳисоблар тузиб келишлари керак. Масалан, солиқ тўловчилар ўз фойдасидан экология тадбирлари ва меҳр-шафқат фондларига харажат қилсалар, солиққа тортилишдан атиги 1%гина озод қилинадилар. Бир фоиз жуда ҳам кам, лекин уни тўлаш орқали, шунга мос равишда солиққа тортиладиган базани камайтириш учун кўп ҳисоб қилиш керак. ҚҚС бўйича 35 турдаги имтиёзлар мавжуд, улардан куплари ишламайди. Шунинг учун солиқ имтиёзлари сонини кескин камайтириш зарурати пайдо бўлмоқдаки, бу ўз навбатида солиққа тортиш базасини кенгайтиради ишлаб чиқилаётган йўриқномаларнинг солиқ тўловчилар учун ҳам, солиқчи-инспекторлар учун ҳам тушунарли бўлиши муҳим бўлиб қолмоқда.

Янги солиқлар жорий этиш учун, ҳамма солиқларни корхоналарда инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ва реал фойда (даромад) олиш даражасига қараб уларнинг молиявий аҳволига таъсирини кўрсатиб берадиган таҳлилларини олиб бориш зарур

Таянч иборалар	
* оборот солиғи	* кон солиғи
* фойдага солиқ	* аҳолининг даромад солиғи
* қўшилган қиймат солиғи	* ер солиғи
* сотиш солиғи	* ресурс тўловлари
даромад солиғи	* солиқ қонунлари
* мол-мулк солиғи	* солиқ объекти
* меҳнат ҳақи фонди солиғи	* солиқ ставкаси
* туғри солиқлар	* йиғим турлари
* эгри солиқлар	* солиқ кодекси
* четга чиқариш солиғи	* фоизли ставка
* валюта тушуми солиғи	* қатъий ставка
* олти фоизли ресурс тўловлари	* пропорционал ставка
* 20% амортизация ажратмалари	* регрессив ставка
* акциз солиғи	* бўнак тўловлари
	* маҳаллий солиқлар
	* умумдавлат солиқлари

Узини-узи текшириш учун саволлар

- [174] Корхоналар солиқлари туғрисида биринчи қонун қачон қабул қилинди? Унда қандай солиқ турлари бор эди?
- [175] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30 ноябр Фармони билан қандай солиқ турлари бекор қилинди ва қайси турдаги солиқлар янгидан жорий этилди?
- [176] Солиқ қонунлари деганда нимани тушунасиз? Уларнинг қайси турлари, хусусан, солиқ кодекси қачон қабул қилинди?
- [177] Солиқ қонунлари қандай тартибда ишлаб чиқилади?
- [178] Солиқ ва солиқсиз тўловлар деганда нимани тушунасиз?
- [179] Қайси тамойиллар солиқ ва йиғимларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади?
- [180] Солиқ ставкалари нима ва улар қандай усулларда белгиланади?
- [181] Бунақ тўловлари нима ва улар қай тартибда туланади?
- [182] Ўзбекистонда солиқ тизими қандай ташкил этилган?
- [183] Солиқ органларининг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларини биласиз?
- [184] Туғри ва эгри солиқларга нималар киради? Умумдавлат ва маҳаллий солиқларга-чи?
- [185] Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини такомиллаштириш борасида қандай муаммолар мавжуд?

13- боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ ДАРОМАДЛАРИ

Режа:

- 13.1. Давлатта даромад нима учун керак? [186]
- 13.2. Давлат даромадлари ва уларнинг турлари [187 — 191]
- 13.3. Давлат даромади ва солиқ [192 — 193]
- 13.4. Давлат даромади ва инфляция [194 — 195]
- 13.5. Давлат харажатларини кредитлар орқали молиялаштириш [196]

13.1. Давлатта даромад нима учун керак?

[186] Давлатнинг уз харажатлари бор. Шу сабабли унга даромад керак. Жавоб оддий ва тушунарлидир. Бу жавоб туғри, бироқ тулиқ эмас. Иқтисодчи энг аввало қуйидаги тушунтиришни беради: пулли иқтисодиётда (натура хужаликка нисбатан) давлат хизмат ва товарлар учун пулда ҳисоб-китоб қилишга мажбур булади, шунинг учун унга даромад керак. Агарда давлатнинг узига керакли товар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш ҳақида фикр борганда, у масалан, пулларни эмиссия қилиши мумкин эди. Дунёнинг қарийб барча давлатларида, пулларни эмиссия қилиш монополиясини давлат уз қулида сақлаб қолган.

Жавобнинг моҳиятини молиядан эмас, балки мавжуд товар-иқтисодий соҳадан қидириш керак. Керакли товар ва хизматларни олиш учун давлат фақат уларни тулаши эмас, балки иқтисодиётнинг бошқа субъектлари ҳам ушбу хизмат ва товарлардан воз кечиши лозимдир.

Шундай қилиб, агар давлат маълум миқдордаги товар ва хизматлардан фойдаланса, у ҳолда иқтисодиётнинг хусусий сектори ундан воз кечган деган хулосани қилиш мумкин. Бундай хулоса мантиқан тасдиқланади. Бу тугаши билан (иқтисодчилар тилида *ex post*) бозор қатнашчилари (*ex ante*)да бу режалаштирилганми - деган савол туғилади? Бу савол жуда ҳам муҳим, чунки бунга баҳонинг турғунлиги боғлиқдир.

Бу бобда қисқача қилиб чуқурлаштирилган саволга тўхташни хоҳлардик. Давлат нега айрим вазифаларни бажариши лозим? Бундай файласуфона савол билан иқтисодий фан, айниқса молиявий ва иқтисодий назария сиёсати фанлар доирасида шуғулланади. Бунда аниқ атамалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Фарб

иқтисодчилари ўқитиш жараёнида айрим ноаниқликларга йўл қўйишади. Масалан, „ҳукумат“ деб „давлат“ деган сўзни ишлатишади.

Давлат (ҳукумат) нега барча иқтисодни хусусий субъектларга тўлалигича бермайди, балки маълум харажатлар қилиши керак булган саволга оддий қилиб қўйидагича жавоб бериш мумкин: айрим ҳолларда „бозор ишламай қолади“. „Бозор ишламай қолишига“ мисол бўлиб, ижтимоий товарлар ҳисобланади. Ижтимоий товарни давлатнинг хавфсизлигини мисол қилиш мумкин. Бундай товарларни истеъмол қилишда ҳеч ким реал баҳода ҳақ туламайди (инг. термин free rider).

Бундай товарларни ишлаб чиқаришда хусусий секторнинг қизиқиши йўқ, чунки иқтисодиёт учун керакли масштабда улар ишлаб чиқаришмайди. Бундай товарни оптимал миқдорда таъминлаб турадиган тацкилотга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Бу товарлардан фойдаланишни ҳеч ким инкор этмайди, шунинг учун бу товарларни ишлаб чиқариш мақсадида маблағлар йиғиш зарур. Яъни ижтимоий товардан қайси миқдорда фойдаланишидан қатъи назар ва бу товарлардан фойдаланадими ёки йўқми ҳамма тўлаши шарт.

Бироқ, ҳамма давлатларнинг ҳукумати ҳам юқорида келтирилган ижтимоий товарларни сотиб олиш учун уз даромадларини ишлатмайди. У ёки бу товарни ижтимоий товарга кириши учун, давлат иқтисодга аралашishi шарт эмас. Давлатнинг иқтисодиётга аралашishiга тиббий хизмат ва таъминот соҳасида истеъмолни ошириш, мажбурий суғурта тизимини барпо қилиш, истеъмол буюмлари нархини пасайтириш, хусусий мулкни ошириш, экологияни қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

13.2. Давлат даромадлари ва уларнинг турлари

[187] Давлатнинг жуда кўп миқдорда даромадлари мавжуд. Ушбу даромадлар хусусий сектордан давлатга истеъмол қобилиятини таъминлаш учун берилади. Давлатнинг айрим даромадларини кўриб чиқишдан олдин, уларни умумий ҳолатда ва хусусий соҳа билан давлатнинг даромадларини таққослаб чиқамиз.

Даромаднинг асосан бешта манбаи мавжуд. Улар:

- * меҳнат;
- * мулк;
- * кредит;
- * совға;
- * давлат.

Кредитдан олган даромад кредит олувчи (дебитор)нинг мулкий нетто ҳолатини ўзгартирмайди, чунки актив ва пассиви кўпаяди. Айни вақтнинг ўзида бошқа манбалардан олинган даромад натижасида субъектнинг мулкий нетто ҳолати яхшиланади.

40- жадвалда давлат ва хусусий секторнинг ҳар хил даромадлар манбаи кўрсатилган.

40- жадвал

Давлат ва хусусий секторлардаги даромадлар манбалари

Даромадлар манбаи	Давлат	Хусусий хужалик
Меҳнат	—	Иш ҳақи, окладли гонорар
Мулк	Давлат корхоналаридан олинган фойда	Қимматли қоғозлар буйича % даромадлар
Кредит олиш	Давлат облигация эмиссияси	Тижорат банкларидан кредит олиш
Совға	Хорижий ҳукуматлардан ривожланаётган давлатларга ёрдам	Жисмоний шахсларнинг бир-бирига совға бериши
Давлат	Солиқ, ижтимоий ажратма, пошлина	—

Давлатнинг тўртта манба ҳисобидан даромади қандай кўламга эга бўлиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш лозим (40-жадвал). Халқаро статистика нашрлари „мулкӣ даромад“ ва „совға даромадлар“ ҳақида хулоса чиқаришга имконият бермайди. Ваҳоланки, бу даромад манбаи айрим давлатлар бюджетида катта аҳамиятга эга (мулкӣ даромад кўп миқдордаги давлат корхонаси бор бўлган, совға даромади эса ривожланаётган мамлакатларда).

Солиқ ва ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмаларни шунингдек, кредитдан олинган даромадларни умумлашган ҳолда 41-жадвалда кўрсатиш мумкин.

Давлат томонидан олинган солиқлар, ижтимоий
ажратма ва кредитлар (%)

Даромад турлари	ГФР			АҚШ		
	1985	1990	1993	1985	1990	1993
Солиқ ва ижтимоий ажратма	95,1	93,4	90,0	85,0	88,0	87,8
Олинган кредитлар	4,9	6,6	10,0	15,0	12,0	12,2
Умумий даромадлар ҳажми	100	100	100	100	100	100
Даромад турлари	Япония			Польша		
	1985	1990	1993	1985	1990	1993
Солиқ ва ижтимоий ажратма	85,2	95,2	94,9	94,0	95,2	94,6
Олинган кредитлар	14,8	4,8	5,1	1,0	4,8	5,4
Умумий даромадлар ҳажми	100	100	100	100	100	100

Манба: ХВФ (МВФ), *Халқаро молиявий статистика*, май 1996
йил, *Халқаро молиявий статистика*, йиллик ҳисобот, 1995
йил.
ОЕСД статистика 1965-1994 даврлар учун. 1995 йил.

Жадвалдан куришиб турибдики, давлат даромадининг асосий қисмини солиқ ва ижтимоий ажратмалар ташкил қилади. Буларга эса бадал ва пошлиналар ҳам қиради. Қуйида эса солиқлар туғрисидаги тўла маълумот берамиз. Солиқлар билан бир қаторда давлатнинг кредит олиши катта аҳамият касб қилса ҳам, айниқса II Жаҳон урушидан кейинги даврда Фарб мамлакатларида кредитлар катта роль уйнамоқда.

[188] Хусусий сектордан кредит олишда сотиб олиш қобилиятининг бир қисмини давлат ўз зиммасига оладими? Жавоб 3 хил бўлиши мумкин:

* Банка нисбатан давлат қарздор бўлса, у ҳолда хусусий секторга ҳам кредитлар берилади (инфляциянинг таъсири йўқ) ёки бор (инфляциянинг таъсири мавжуд).

* Агар давлат хусусий хужалик ва ташкилотлардан кредитлар олса („банк секторидан ташқари“), у ҳолда хусусий секторнинг қўшимча банк кредитлари ҳисобидан сотиб олиш қобилияти кўпаяди (инфляция таъсирининг мавжудлиги) ёки йуқ (инфляция таъсири йуқ).

* Агар давлат хориждан кредит олса, у ҳолда кредитлар хориждан импорт учун, (инфляция таъсири йуқ) ёки уз мамлакатида қўшимча сотиб олишда фойдаланилади (инфляция таъсири мавжудлиги):

Сотиб олиш ва улушлардан даромадлар, масалан, хусусий корхоналар ёки давлат корхоналарида давлатнинг улушидан даромадлар бозор иқтисодиётида мутлоқ бошқача роль уйнайди. Кўпгина бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда, айниқса Европада, кўпгина давлат корхоналари мавжуд. Бу корхоналар фойда олмайди ва эгасига пул бермайди. Улар асосан зарар билан ишлайди ва давлат бюджетидан қопланади.

Қоида буйича кўпгина бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда совғалар давлат даромадида ҳеч қандай роль уйнамайди. Агар фуқаролар бир-бирига совға берса, меросга қолдирса, яъни уз қариндошларига, турли жамғармаларга, мачитга, хайрия корхоналарига, фақат давлатга эмас. Давлатга совға фақат хориждан келиши мумкин.

Энди солиқларга қайтамиз. Уларни гуруҳларга ажратиш учун кўп белгилар таклиф қилинган. Энг кенг тарқалган белги бўлиб, солиқларни „бевосита (туғри)“ ва „билвосита (эгри)“ солиқларга булиниши тушунарсиздир. Қоида буйича бевосита солиқлар деганда шундай солиқлар тушуниладики, улар солиқ туловчилар томонидан туланади ва иқтисодиётнинг бошқа субъектларига утказилмайди. Билвосита солиқлар деганда эса, шундай солиқлар тушуниладики, улар солиқ туловчилар томонидан молия корхонасига туланади ва иқтисодиётнинг бошқа субъектига утказилади, яъни охириги истеъмолчи томонидан туланади.

Фойда ва мулк солиғи, қоидада кўрсатилганидек, „туғри“ солиқлар, товарлар эса „эгри“ солиқлар булиши керак. Қуйида биз Германияда ундириб олинадиган солиқлар учун мисол келтирамиз (42-жадвал). Бу солиқларнинг айримлари федерал, айримлари ерлар учун ва айримлари коммунал солиқларга мисол була олади. Бу солиқлардан кейин фойда бошқарув бирликлари уртасида булинади. Шунингдек, бу жадвалда у ёки бу солиқ қурулишининг умумий солиқ ҳажмида, қандай улушни ташкил этиши келтирилган (федерация, ерлар ва коммуналар).

Солиқлар ва уларнинг Германия фойдаси тизимидаги улуши
(%, 1990 й.)

Даромад солиқлари	Улуш,% ҳисоби- да	Мол-мулк солиғи	Улу- ш, % ҳисо- бида
Даромадга солиқлар	41,0	Компаниянинг капиталига солиқ	3,00
Корпоратив солиқ (яъни фойда учун солиқ)	5,5	Ер солиғи Автомобиль солиғи Мол-мулк солиғи	1,7 1,5 1,2
Хунармандчилик солиғи	4,0	Ер участкасини сотиб олишдан ундирилган солиқ Меросдан олинадиган солиқ	1,0 0,4
Черков солиғи (бу фойда давлатники эмас, балки черковникидир)	—	Айланма капиталига солиқ	0,3
Товарлар учун умумий солиқлар	—	Товарлар учун махсус солиқлар	
ҚҚС	14,7	Нефтни ва нефть маҳсулотларини олиб кириш ва ишлаб чиқариш солиғи	6,3
Айланмадан импорт солиғи	12,5	Тамаки солиғи Сугурта операцияларига солиқ	3,0 0,7
Божхона божлари	1,2	Спиртли маҳсулотлар учун акциз солиғи Лотерея солиғи Кофега солиқ Пиво учун солиқ Вино учун акциз солиғи	0,7 0,3 0,3 0,2 0,1

Манба: Федерал молия вазирлиги, „А дан Я гача бизнинг солиқлар“ Бонн,
1983 йил.

[189] Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида солиқ йиғимлари
миқдори даромадлар таркибида қанчани ташкил этади?

Куйидаги келтириладиган 43-жадвалда солиқлар, йиғимлар ва давлат даромади улуши ҳақидаги маълумотлар берилган.

Бунда иқтисодиётнинг субъектига тўғри келадиган солиқ улуши билан солиқ йиғимлари миқдори ҳисобланган барча давлатларда юридик шахслардан олинadиган солиқ даромад суммалари миллий даромадлар ҳисобида акс эттирилади. Йиғимлар улушини аниқлаётганда қўшимча равишда ижтимоий сугуртага қилинаётган бадаллар ҳам ҳисобга олинади, солиқлар буйича даромадлар ва ижтимоий сугуртага бадал суммалари миллий даромадларда акс эттирилади. Давлат даромадларининг улуши давлат олаётган кредитлар ва бошқа даромадлардан ташкил топади.

43- жадвал

Халқаро таққослашларда солиқлар, йиғимлар ва давлат даромадларининг ЯММдаги салмоғи (%)

	Солиқ улуши			
	1970	1980	1990	1993
1.Германия	22,90	25,10	23,00	24,30
2.Дания	38,80	44,70	47,20	48,40
3.Япония	15,30	18,00	22,20	19,80*
4.Швеция	33,80	34,80	40,50	35,90
5.Швейцария	18,20	21,30	21,10	20,50
6.АҚШ	23,50	21,60	20,80	20,60
	Йиғимлар улуши			
	1970	1980	1990	1993
1.Германия	32,90	38,20	36,80	39,70
2.Дания	40,40	45,50	48,70	50,00
3.Япония	19,70	23,40	31,40	27,40
4.Швеция	39,80	48,80	55,60	49,50
5.Швейцария	23,80	30,80	31,50	32,50
6.АҚШ	29,20	29,30	29,40	29,40
	Давлат даромадлари			
	1970	1980	1990	1993
1.Германия	49,60	48,0	46,10	50,40
2.Дания	56,20	59,30	58,60	63,80
3.Япония	32,00	31,60	31,70	34,30
4.Швеция	60,10	63,30	59,10	72,60
5.Швейцария	Мй	Мй	Мй	Мй
6.АҚШ	31,80	33,20	33,30	34,50

Манба: *ОЕСД статистикаси 1965—1993 йй. Париж 1994 й.*

1) ОЕСД чеклашлар томонлари буйича.

2) 1991 йилда ГФРнинг янги ерлари ҳам киритилган.

* — 1992 йилги маълумотлар.

Мй — маълумотлар йўқ.

ЯММ — ялпи миллий маҳсулот.

Ушбу жадвалдан куриниб турибдики, давлатлар уртасида учала тушумлар буйича маълумотлар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Япония, Швейцария ва АҚШда бу тушумлар миқдори бошқа давлатларга нисбатан анча паст.

АҚШдан ташқари барча мамлакатларда ушбу тушумлар миқдори 1970 йилдан бошлаб анчагина ўсган. ЯММда солиқлар миқдори пасайган бир пайтда давлат даромадлари миқдори ўсган. Солиқлар миқдорининг пасайиши олинаётган кредитлар ҳажмининг ошиши ҳисобидан қопланади.

Юқори солиқ (ёки давлат даромадлари) улуши фуқаро ва корхоналарни ижтимоий товарлар билан таъминлаш даражасини хусусий шахслар даромадларига нисбатан афзал эканини (ҳар доим ҳам эмас) англатади. Купинча давлат даромадлари улуши давлатнинг ижтимоий товарлар билан бир вақтда хусусий товарлар таклиф қилиши ҳисобидан кенгайтирилади. Бундан ташқари, давлат даромадлари миқдори ижтимоий товарнинг миқдори (сифати) ҳақида хулоса чиқаришга қисман имкон беради, чунки ҳар бир давлатда ижтимоий товарлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар хил.

Солиқлар улуши миқдорининг давлат даромадлари улушидан катталиги Европада Америка ва Япония шу билан биргаликда Буюк Британияга нисбатан катталиги қуйидаги саволни қуйишга олиб келмоқда. Бу давлатлар иқтисодиёти ҳақиқатда қандай бозор иқтисодиёти даражасига эга?

Энди солиқлар даромади ҳажмида ҳар бир солиқнинг улушини куриб чиқамиз.

42- жадвалда Германиядаги солиқ турларини ўрганиб чиққан эдик.

44- жадвалда эса, АҚШ, Япония ва Польша буйича маълумотларни умумлаштирган ҳолда куриб чиқамиз.

Солиқ даромадлари таркиби

Солиқ турлари	ГФР			АҚШ		
	1985	1990	1993	1985	1990	1993
Даромад ва мулк солиғи	59,6	57,2	54,6	74,9	76,6	75,8
Оборотдан солиқ	40,4	42,8	45,4	25,1	23,4	24,2
Умумий даромадлар ҳажми	100	100	100	100	100	100
	Япония			Польша		
Солиқ турлари	1985	1990	1993	1985	1990	1993
Даромад ва мулк солиғи	79,8	81,3	78,1	48,3	52,1	48,6
Оборотдан солиқ	20,2	18,7	21,9	51,7	47,9	51,4
Умумий даромадлар ҳажми	100	100	100	100	100	100

Манба: 1995 йил учун ҳукуматларнинг молиявий статистикаси. ОЕСД статистикаси 1965—1994 й. учун. 1995 йил.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, даромад ва мулк солиғи айланма солиғига нисбатан турли хил шароитда бўлган. Япония ва АҚШда айланмадан тушган солиқлар миқдори унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Германия ва Польшада, айниқса Италия ва Францияда айланма солиғига катта эътибор берилган. Бундай фарқлар давлатнинг сиссий ҳаракатидаги фарқни аёнлатади, яъни, солиқ даромадлари ичида каттагина улушга эга бўлган даромад солиғи бу фақат давлатнинг хусусий даромадларни чуқур ўрганиб чиқиши ва ундиришдан иборатдир. Бундан ташқари, бундай даромад солиғининг улуши солиқ тизимини қайта тақсимлаш, тенглаштириш вазибаларини бажаради ва ўз вақтида **прогрессив даромад солиғидан** дарак беради.

Турли мамлакатлардаги ушбу икки хил солиқни куриб чиқишда кузатилган фарқнинг (44-жадвалга қаранг) маъмурий сабабларини тушунтириш мумкин. Даромад солиғини ундириб олишга нисбатан айланма солиғини ундириб олиш анча осон кечади. Чунки ундан тушадиган солиқ муассасаларга уни йиғиб олишда катта миқдорда харажатларга олиб келмайди.

4. Иккита асосий солиқлар нималардан ташкил топади? (Германия мисолида).

[190] Аввал биз даромад солиғи ва айланма солиғига тўхталамиз. Шу билан бирга корпоратив солиқларни ҳам кўриб чиқамиз.

Даромад солиғи жисмоний шахсларнинг даромадларидан ундириб олинади. Асосан бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган барча давлатларда бу солиқ прогрессив солиқ ҳисобланади. Бу эса даромаднинг ошиши билан солиқ ставкасининг ошишини ва энг юқори ставкага туғри келишини англатади. Даромад солиғи буйича энг юқори ставка 45%дан 60%гачадир. Прогрессив даромад солиғи солиқ ундириб олингандан кейин даромадларни тақсимлашдаги номуаносибликнинг камлигини таъминлайди.

Ҳар бир солиқ тўловчининг даромад солиғини ҳисоблашда унинг барча даромадлари ҳисобга олинади. Кўпгина давлатларда пенсия ва шахсий пенсияларни тартибга солиш механизми мавжуд. Иш ҳақига солиқ молиявий муассасага иш берувчи томонидан тўланади. Иш берувчи бу солиқни ёлланувчининг иш ҳақи ва окладидан ушлаб қолади.

Узини иш билан таъминлаш ва эркин шига эга бўлган мутахассислар шу билан бирга иш ҳақи ва окладларидан ташқари бошқа даромадга эга бўлган ходимлар йил охирида даромадлари буйича декларациялар тўлдирадилар. Йил давомида улар доимий равишда даромад солиғи буйича солиқ тўлаб боришади. Агар йил охирига келганда солиқ тўловлари қарз тўлаган солиқларга нисбатан кам бўлса у ҳолда молиявий муассаса бу фарқни солиқ тўловчига қайтариб беради ва аксинча.

Корпоратив солиқ юридик шахсларнинг, яъни корхоналарнинг даромад солиғи булиб ҳисобланади. Қоидага биноан бу прогрессив солиқ эмас. Даромад (фойда) миқдоридан қатъи назар, ягона солиқ ставкаси буйича ундириб олинади. Кўпгина мамлакатларда бу солиқ ставкаси жисмоний шахслар учун даромад солиқ ставкасининг энг юқори ставкасига тенглаштирилгандир. Агар корхона зарар билан ишлаган бўлса, у ҳолда корпоратив солиқ тўламай, балки бу зарарни ўтган ёки келгуси йилга ўтказиш учун имтиёзга ҳам эгадир. Агарда кейинги йилда фойда билан ишласа, у ҳолда ушбу фойдадан зарар миқдори қопланади. Шундай қилиб, фойда улушидан солиққа тортиш базаси камаяди. Агар корхона фойдаси таъсис этувчилар ўртасида тақсимланса, у ҳолда фойдадан солиқ таъсис этувчиларнинг даромад солиғи ставкаси миқдорида ундириб олинади. Бундай тажриба кўпгина мамлакатларда мавжуд. Айрим мамлакатлар, масалан, Германияда фирма эгалари **солиқ талони** деб аталмиш гувоҳнома олишади. Бу гувоҳнома фирма томонидан корпоратив солиқ тўланганлигини англатади.

Айланма солиғи асосан истеъмолни, яъни истеъмолчиларни солиққа тортишга асосланган. Аслида истеъмолчилардан солиқ ундириб олиш

(41-жадвалга қаранг). Айланма солиғи нафақат охири истеъмолчиларга маҳсулотни сотиш, балки барча сотишларга ҳам бирдай тегишлидир.

Асосан барча саноати яхши ривожланган Фарбий Европа мамлакатларида айланмадан солиқ (НДС) қўшимча қиймат солиғи (Vatur added tos raxe a valeur ajoute), немис тилида эса, (Wersthopfungstenen) шаклида ундириб олинади. Бу ерда шуни тушунтириб ўтиш жоизки, қайта ишлашнинг ҳар бир босқичида ташкил этилган қийматидан ундириб олинади. Бу эса сотувчи харидорга товарнинг бутун қийматига айланма солиғини ҳисоблайди, бироқ сотувчи молиявий муассасага тўлашда „ўзи олдиндан тўлаган солиқ суммасини“ айириб ташлаш орқали эришилади. Ўзи олдиндан тўлаган солиқ суммаси, масалан, айланмадан солиқ бизнинг сотувчимизга мол етказиб берувчи агентлари орқали тўланган счётларида ўз аксини топган бўлади. Бироқ охири истеъмолчи молия вазирлигидан „айланмадан солиқ бўйича олдиндан тўланадиган“ суммасини талаб қилиб ололмайди, у ҳолда у солиқ тўловчи ролини бажараётган бўлиб ҳисобланмайди (45- жадвалдаги тушунтиришлар билан таққослаб чиқинг).

45- жадвал

**Қўшимча қиймат солиғи тизими қандай ишлайди?
ҚҚС тўловчиси ким?**

	Фаолият	Ет-ка-зиб бе-ради	Кели-шил-ган баҳо (м.с.)	Тақдим этилаётган счёт	Молия муассасасига тўланган айланма солиғи (м.с.)	Қиймат-ни ҳосил қилиш (м.с.)
А	Маҳсулот-ни ишлаб чиқариш	в	100	100+15+15% ҚҚС-115	15	100
В	Қайта ишлаш ва монтаж	с	160	160+24+15% ҚҚС -184	24+15+9	160 - 100+60
С	Улгуржи савдо	д	250	250+37,5+15% ҚҚС - 285,5	37,5-24+13,5	250 - 160+90
Д	Чакана савдо	е	290	290+43.5 + 1,5% ҚҚС - 333,5	43,5-37,5+ 6	290 - 250 + 40
Е	Истеъмол-чи	-	-	-	-	-
	-	-	-	-	43,50	290

Рақамлар билан кўрсатилган ҚҚС жадвалига тушунтиришлар:

2- устун.

Иккита ишлаб чиқариш ва икки савдо даражаларига содда тақсимлашни оламин. Амалиётда мураккаброқ вазиятлар учрайди. Мисол учун, В даражасидаги корхона чакана савдога ва ҳаттоки истеъмолчиларга маҳсулотни тўғридан-тўғри етказиб беришни амалга ошириши мумкин. Танланган схемамиз бозор иқтисодиётида етказиб бериш шароитларини ифдаламайди, балки ҚҚС принципини изоҳлайди.

4- устунни 5- устун билан таққослаш.

Ўқувчига кўришиб турибдики, Е истеъмолчи урнатилган 290 сум баҳода товар сотиб олади ва бу суммадан 1,5% (43,50 сум) миқдорида мол етказиб берувчига айланма солиғи тўлайди.

43,50 сум - бу бир вақтда молиявий бошқаришдаги айланишдан олинаниган барча солиқ тўловлари йиғиндисидир (6- устунга қаранг). Охир оқибат айланма солиғини тўловчи истеъмолчи бўлмокда. (Бу айланма солиғини қўпол бузмаслик шароитида иш беради. Солиқ орқали таъсир этувчи микроиқтисодиёт фани бозор иштирокчиларининг бундай ҳаракатларини таҳлил қилади.)

6- устун.

[191] Корхона томонидан тўланадиган айланма солиғи фарқ асосида ҳисобланади:

Мижоздан олинган айланма солиғи

Айирув

Мол етказиб берувчига тўланадиган айланма солиғи

Тенг

Корхонанинг молиявий бошқармага тўлайдиган айланма солиғи суммаси.

7- устунни 6- устун билан таққослаш.

Эҳтимол, молиявий бошқарма оладиган солиқ ҳар бир даражада ҳар бир корхонада яратиладиган қийматнинг 15 % ини ва умумий яратилган қийматнинг 15 % ини ташкил қилади.

7- устунни 4- устун билан таққослаш.

Ўқувчига маълумки, корхонада яратилган қиймат мол етказиб берувчи баҳоси билан мижозга етказилган баҳо ўртасидаги фарқдан ҳосил қилинади.

Агар бир ойда айланма солиғини ҳисобга олишнинг стандарт даври фирма ўз мижозларидан олган айланма солиғига қараганда кўпроқ мол етказиб берувчиларга олдиндан тўланадиган солиқлар тўланган бўлса, молия вазирлиги орқали айланма солиғининг тегишли қайтариш суммаси ҳисоблаб чиқилади. Қайтариш айланма солиғи бўйича солиқ декларациясини (ойлик) топширгандан сўнг тахминан

2—3 ҳафтасида амалга оширилади. Ҳозирда Фарб саноат мамлакатларида ҚҚС ставкаси 15% дан 25 % гачани ташкил қилади. Кўпчилик мамлакатлар ягона ҚҚС ставкасига эга. ҚҚС баъзи бир товар гуруҳлари учун паст бўлиши ҳам мумкин (масалан, китоблар учун).

13.3. Давлат даромади ва солиқ

[192] Энди биз молия фанининг муҳим соҳаларидан бири бўлган солиқнинг даромадга таъсир этиш чораларини ўрганишга утамиз. Илгарироқ биз айтиб ўтдикки, солиққа тортишдан мақсад харид қобилиятини хусусий сектордан жамиятга ўтказишдир. Солиқ олишда харид қобилиятининг ўтиши қандай амалга оширилади? Олдин даромад солиғини батафсил кўриб чиқамиз, кейин истеъмол солиғи хусусиятларига (маълум товарларнинг айланма солиғи) ва охирида айланма солиғига тўхталамиз.

Бир қарашда харид қобилияти даромад солиғини олганда жуда оддий ўтгандай бўлади. Солиқ тўловчи тўлаётган солиғи миқдоридан ўзининг харид қобилиятини йўқотади, давлат эса ўша миқдордаги қўшимча харид қобилиятига эга бўлади. Таҳлилнинг бундай натижаси иқтисодчи учун қониқарлидир. У солиқ тўловчиларни иқтисодиётда рационал амал қилувчи сифатида, яъни улар солиқ олинишига ўзларининг тегишли муносабатларини билдириб ўз имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга интилувчилар сифатида қарайди. Бошқача айтганда, бунда солиқ тўловчилар ҳам ўз истеъмолини (аниқроғи, айти пайтдаги истеъмолини), ҳам уз жамғармасини (бўлғуси истеъмолини) чеклайди. Бу эса ўз навбатида, солиқ тўловчи (бугунги) ресурслардан фойдаланиш ҳажмини солиқ ҳажмига қараганда бирмунча чеклашларни англатади.


Шундай қилиб, давлат на кредит олишда, на даромад солиғини олганда харид қобилиятининг силлиқ ўтиши, яъни ўз-ўзидан 1:1 нисбатда бўлиши рўй бермайди. Ана шунда, нима учун давлатнинг ўз зиммасига макроиқтисодий бошқариш (инглизча *macroeconomic control, macroeconomic management*) вазифасини олиш сабаби келиб чиқади.

Ўзига хос истеъмол солиғи замонавий бозор иқтисодида жуда кўпгина товарлардан олинади (ҳаттоки бундай солиқ замонавийлик ва ихчамлаштиришнинг махсус исботи бўлиб ҳисобланмаса ҳам). Ўзига хос истеъмол солиғини қўллаганда харид қобилиятини кўчириш амалга ошириладими ва бу қандай оқибатларга олиб келади?

[193] Ўзига хос истеъмол солиғи донали ва умумий қийматдан олиниши мумкин. **Донали солиққа** (инглизча *unit tax*) **тортишда** сотилган товарнинг ҳар бир донасидан солиқ олинади. **Қийматли солиққа тортишда** (инглиз тилида кўпинча „*value tax*“ деб эмас,

балки лотинча аралашган „ad valorem tax“ деб айтадилар) айланиш қийматидан муайян фоиз ставкасида солиқ олинади.

Таҳлилни донали солиқдан бошлаймиз (9-расмни қиёсланг).



9- график. Донали солиқ солиш схемаси.

X - товар бозори SS таклиф чизиқлари ва DD талаб чизиқлари билан характерланади, яъни фараз қилинадикки, маҳсулот ҳажминиинг ўсиши билан ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўсиб боради (пасаймайди). Бунда истеъмолнинг ўсиб бориши билан истеъмолчилар доимий пасайиб бораётган баҳога харид қиладилар.


Бундай вазиятда OC ҳажмда ва OB баҳода маҳсулот харид қилинади ва сотилади. GL пул бирлиги ҳажмида донали солиқ киритилади, қайсики сотувчи молия бошқармасига уни тўлайди. Сотувчилар оқилона иш тутган ҳолда донали солиқни маҳсулотнинг илгариги баҳосига олиб боришлари керак, қайсики бу солиқ ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмига боғлиқ булади. Натижада янги S¹S¹ таклиф чизигини ҳосил қиламиз, талаб чизиги эса узгармасдан қолади. 2-расмни тасвир фақат иккита A ва B товарлар билан чекланган ҳолда иқтисодни содда курсатмоқда.

Фараз қилайлик, K истеъмолчи A товардан 100 бирлик ёки B товардан 200 бирлик сотиб олишга қурби етадиган даромад олади. Албатта, A ва B товарларининг турли хил бирикмаларини ҳосил қилиш мумкин. Бироқ K истеъмолчисининг имкониятлари унинг даромади меъёрида чекланган. Расмда барча бу имкониятлар CD чизиги билан, яъни K истеъмолчисининг бюджет чизиги билан келтирилган. K истеъмолчиси CD чизигида ётувчи имкониятларнинг бирини танлайди. Бу эса A ва B товарларининг бириккан миқдорларидан иборатки, бу орқали унга энг юқори фойда беради. Бундай нуқта E ҳарфи билан белгиланади.

E орқали бир хил I3 деб номланган чизиқ утади, қайсики у E нуқтада CD тўғри чизиқ билан кесишади. (Агарда I3 тўғри чизиқ билан бу нуқтада кесишмасдан четлаб ўтганда эди, у ҳолда K

истеъмолчи ўзига Е нуқтани танламаган булар эди.) 13 эгри чизикдаги барча нуқталар К истеъмолчи учун бир маънога эга, яъни унга нисбатан бир хил (нейтрал, бепарк).

Бироқ, В товарга махсус солиқ жорий этилади (А товарга эмас), оқибатда В товар баҳоси ошади ва бизнинг истеъмолчимиз шунга қараб камроқ миқдорда В товар сотиб олади. Янги C_1 бюджет чизиги юзага келади (Графикнинг курсатмали чиқиши учун унчалик юқори бўлмаган солиқ ставкаси олинади).



10- график. А ва В товарлар билан чекланган ҳолда иқтисодий тасвирлаш схемаси.

Битта нуқта К истеъмолчига энг юқори фойда беради — G нуқтаси. G шунингдек бюджет чизигига тегиб ўтган ҳолда бир хил эгри чизикда (11) жойлашган. 11 К истеъмолчига 13 га қараганда кам фойда келтиради, чунки К истеъмолчи солиқ тўлаши керак. К қандай солиқ тўлайди ва қайси валютада тўлайди? Модомики, фақат иккита А ва В товар мавжуд экан, учинчи бир товар: „Пул“ мавжуд эмас экан, солиқ у ёки бу товар кўринишида тўланади.

Фараз қилайлик, солиқ А товар билан тўлансин. Солиқсиз К истеъмолчи L нуқтада амал қилган булар эди, солиқ билан эса у G нуқтада бўлади. Фарқ ўзида А товарнинг GL миқдорини, яъни К истеъмолчи тўлаши керак бўлган солиқни акс эттиради.

Аста-секин биз ўқувчини ҳайрон қолдирадиган ҳулосага яқинлаштириб боряпмиз. Давлат GL миқдоридagi даромад солиғини олиш учун иккала товарнинг айланишига ягона солиқ жорий этиши мумкин эди. Унда амалдаги истеъмол товарларининг бюджет чизиги фақатгина CD дан C_1D_1 га параллел силжиши содир бўлади. Бир хил эгри чизиклар бир-бири билан кесишиши мумкин эмас, шунинг учун C_1D_1 11 дан юқорида жойлашган бир хил эгри чизик билан кесишиши лозим, яъни 11 га қараганда кўпроқ фойда келтиради деганидир.

Шундай қилиб, ягона айланма солиғида К истеъмолчи ўзига хос айланма солиғини тўлаганга қараганда кўпроқ фойда олган булар

эди, бунда давлат даромади ўзгармасдан қолар эди. Бундай фарқлашни деярли барча тилларда excess burden деб белгилайдилар (қайсики у „ортиқча юк“ маъносини англатади).

13.4. Давлат даромади ва инфляция

[194] Умумлаштирилган ҳолда айтиш мумкинки, давлат даромадлари пулнинг қадрсизланишига мос равишда ўсиб боради, чунки пул қадрсизланиши шароитида солиқ қарзларини билдирувчи кўрсаткич қиймати ошиб боради. Масалан, пул қадрсизланиши жараёнида, қоидага кўра, даромадлар ва айланиш ошади. Агар диққат билан эътибор бериб қаралса, дифференциаллашган манзара яратилганининг гувоҳи бўламиз. Агар прогрессив (ўсиб борувчи) даромад солиғи қўлланса, бундай солиқдан тушадиган тушум пул қадрсизланишига қараганда тезроқ ўсиб боради. Бундай ҳолда давлат пул қадрсизланиши шароитида мағлуб сифатида майдонга чиқади. Қиймат солиғи кўринишидаги айланма солиғи донали ёки миқдорий солиқ кўринишида (қиймати солиқ сифатида эмас) амалга оширилса, у ҳолда бундай солиқдан олинadиган даромад пул қадрсизланишига мутаносиб равишда ўсмайди (божхона ставкаларининг доимий ўсишини ҳисобга олмаслик истисно ҳолатда).

Бундай ҳолда давлат „пул қадрсизланиши шароитидаги мағлуб“ сифатида майдонга чиқади, қиймат солиғи кўринишидаги айланма солиқ пул қадрсизланишига нисбатан нейтралроқ ҳисобланади.

Назарда тутмоқ зарурки, солиққа солиш базаси яратилгунга қадар бирмунча вақт ўтади (масалан, ўрнатилган даромадлар, фойда, айланма), кейин эса тўловлар рўй беради. Қанчалик пул ривожланиши тезроқ содир бўлса, давлат ўз даромадларидан қийматли йўқотишлари шунчалик юқори бўлади. Пул қадрсизланишини ҳисобга оладиган олдиндан тўлаш тизими бундай ривожланишнинг олдини олиш имконини беради, бироқ, бунда пул қадрсизланишининг тезлашиш хавфи ҳам яшириниб ётибди.

Пул қадрсизланиши шароитида давлат даромадларидаги сезиларли йўқотишлар солиқнинг айрим турларини расмийлаштиришдан ёки бўлмаса уларни олиш механизмига унчалик боғлиқ эмас (уларни ўзгартириш мумкин эди), балки пул қадрсизланиши шароитида солиқ қонунларини қўллаш ва амалга ошириш имкониятларининг тобора кучсизланишига, яъни солиқ қонунларининг мукамаллашиб боришига боғлиқ бўлади. Юқори пул қадрсизланиб бориши шароитида йиғилган тажриба (масалан, 20- йилларда Германия, 80- йилларда Лотин Америкаси ва Исроил) шуни кўрсатадики, пул қадрсизланиши вақтида „Солиқ одобининг“ пасайишига гувоҳлик беради.

Пулнинг қадрсизланиш давридаги давлатнинг солиқ даромадидаги харид қобилиятининг пасайишига оддий жавоб, у ҳам бўлса,

давлатнинг эмиссион банк олдидаги тез ўсувчи қарзининг ошиб боришидир. Бундай қарздорлик пулнинг қадрсизланишини янада оширади, бу эса давлат бюджети ҳолатини янада мураккаблаштиради ва ҳоказо. Натижада вақт ўтиши билан давлат молиясининг ва барча миллий пул ишининг вайрон бўлиш жараёни бошланади, бу эса ўзи билан давлат тизимининг емирилишига олиб келиши мумкин.

[195] Хўш, шундай ҳолатда солиқ тизими қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?

Солиқ олишга доир молия илми ва амалиёти, қондага кўра, солиқ тизими учун характерли бўлган беш хусусиятларни таъкидлайди:

- * маъмурий самарадорлик;
- * солиқ ишининг аниқлиги ва текширувчанлиги;
- * иқтисодий қарорлар қабул қилишга нисбатан нейтраллиги (бошқарув солиқларидан ташқари);
- * бир меъёрдалиги ва ҳаққонийлиги;
- * интеграция.

Маъмурий самарадорлик икки жиҳатга эга. **Биринчидан**, солиқлар шундай тартибга эга бўлиши керакки, уларни „осон“ яъни кам маъмурий-бошқарув харажатлар билан йиғиш мумкин бўлсин. Жуда равшанки, бундай солиқдан олинadиган йиллик даромад, агар уни йиғиш харажатларидан паст бўладиган бўлса фойдасиздир. Бироқ солиқ йиғишдаги ҳақиқий харажат миқдорини аниқлаш жуда мураккаб. Агар 10-графикка мурожаат қилинса, бир талай солиқлар учун маъмурий самара ҳақида гапириш керак эмаслигига шубҳа тугилмайди.

Иккинчидан, солиқ тизимини бошқариш ҳам самарали бўлиши лозим. Бу эса яхши ташкилий ва кадрлар ҳамда техника билан қуролланган, шунингдек амалга ошириш учун етарлича қонунчилик имкониятлари бўлишини тақозо этади. Ходимлар пухта уйланган оқлад ва мартаба бўйича силжиш имкониятлари тизимидан манфаатдор бўлишлари керак. Охир-оқибат, бу муассаса нуқсонсиз обрўга эга бўлиши керак.

Яхши амал қилувчи солиқ тизимининг **иккинчи хусусияти** шундаки, солиқ тўловчига солиқ иши ва барча солиқ тизими умуман олганда аниқ ва равшан бўлгандагина бажарилади. Товар нархига киритилувчи эгри солиқларда бундай аниқлик фақат чекланган ҳажмда бор. (Айни шу нарса солиққа сиёсатчиларни жалб этади.) Тўғри солиққа нисбатан бошқача шароит юзага келади, масалан, даромад солиғини олишда. Солиқ тизимининг мутахассиси бўлмаган исталган бир солиқ тўловчининг ўзи қанча тўлаши кераклигини ҳисоблаб чиқа олиши керак. Ҳеч бўлмаганда, у ўзининг даромад

солигини тўлаш ҳақидаги маълумотномасини таҳлил қила олиши, керак бўлса ўзининг йиллик солиқ декларациясини тўлдира олиши зарур. Бироқ, бозор иқтисоди ривожланган мамлакатлар бундай вазиятдан ҳали йироқ, чунки деярли барча мамлакатларда солиқ ҳуқуқи жуда мураккаб бўлиб қолган.

Биз амин бўлганимиздек, солиқ харид қобилятини хусусий сектордан давлат миқёсига кўчириш керак. Аммо бунда ўз қарорларини қабул қилишда бундан фойдаланадиган иқтисодиёт субъектларининг нисбий баҳолари тизимига нисбатан нейтрал муносабатда бўлиши лозим. Сабабларнинг бирини юқорида қараб ўтдик — муайян товарларгагина қўлланиладиган ўзига хос солиқларнинг мавжуд бўлиши. Бунда ундай солиқларнинг камситувчи таъсирини кўриш мумкин.

Меҳнат ёки мулк манбаи бўлиб ҳисобланувчи даромадларни солиққа тортиш ҳам камситувчи характерга эга, чунки у иштирокчиларнинг ишга, корхонанинг инвестицияга ва шахсий ҳужаликларнинг иқтисодга қизиқишининг пасайишига олиб келади. Бундан фақат ягона истёмоли солиғи ёрдамида қутулиш мумкин. Яна шундай солиқ мавжудки, у иқтисодиёт субъектларининг қарорларига таъсир кўрсатади. Бу **бошқарув солиғи** (Пигу солиғидир). Бу солиқ, масалан, атроф муҳитни ҳимоялаш учун жорий этилади.

Солиқ тизими бир текисда (**адолатпарвар**) бўлиши керак, яъни ишнинг ўхшаш ҳолатларида бир хил, тур хилларида эса ҳар хил солиққа тортилиши керак. Бироқ, бу принципнинг қўлланилиши амалиётда жуда қийин иш экан. Албатта, қачонки катта даромадлар юқорироқ солиққа тортилса адолатли бўлади. Демак, амалиётда ҳулоса чиқариш керакки, солиқ қанчалик юқори бўлиши керак, ҳақиқий маънода юқори бўлиши керакми ёки у ҳам нисбийми. Бозор иқтисодининг замонавий тизимларида, умуман олганда, даромад солиғи ўсиб борувчи тарзда бўлиши ва умумий солиқ даромадларининг сезиларли улушини ташкил қилиши керак.

Ниҳоят, яхши солиқ тизими **интеграция** билан фарқланиб туриши керак. Бу солиқнинг барча турлари анланган ҳолда бир-бирига мос келтирилган (масалан, меросдан олинадиган солиқ билан туҳфадан олинадиган солиқ мос келса) ҳолатдир. Давлатнинг тўловли муаммолари ҳам солиқлар билан келишилган бўлиши керак. Солиқ тизими миллий қонунчилик тизими билан, шунингдек халқаро қонунчилик билан уйғунлашган бўлиши керак.

13.5. Давлат харажатларини кредитлар орқали молиялаштириш

[196] Қарийб жаҳондаги барча давлатлар ўзининг умум харажатларини солиқлар орқали тўла равишда эмас, балки қисман кредитлар орқали ҳам молиялаштиради. Кредитни ўзининг давлатидан

ёки чет давлатлардан олиши мумкин. Чет давлатдан олинган кредит мамлакатнинг истеъмол ва инвестиция имкониятларини оширган ҳолда (чет эл ҳисобига), исталган таъсирга дуч келади. Шу билан бир вақтда бундай кредит салбий роль ўйнайди, чунки тегишли мамлакат (давлат) кредитнинг фоизли ставкасини тўлашга мажбур бўлади. Бундай кредитни олишнинг мақсадга мувофиқлиги жамият (ёки ҳукумат) харажатларига нисбатан (фоизли кредит ставкаларини тўлаганлиги сабабли инвестиция ва истеъмол қилиш имкониятларининг „эртанги“ пасайиши) фойдани (инвестиция ва истеъмол имкониятларининг „бугунги“ кўтарилиши) қандай баҳолашига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатни бир иқтисоднинг „ўз“ субъектларини бошқа бир иқтисоднинг „ўз“ субъектларидан кредит олиш билан қиёслаш мумкин.

Ҳукумат томонидан ўз мамлакатида, масалан, ўз фуқароларига давлат облигацияларини сотиш орқали кредит олганда мамлакатнинг умуман инвестицион ва истеъмол имкониятлари ошиши мумкин эмас. Фақат давлат истеъмоли ва давлат инвестициялари шахсий истеъмол ва шахсий инвестиция ҳисобига ошиши мумкин. Худди шундай самарага давлат ўз харажатларини солиқ томонидан молиялаштириш (қўшимча) ҳисобига эришиши мумкин.

Нима учун унда давлат харажатлари тез-тез ва катта ҳажмда солиқлар орқали эмас, балки кредитлар орқали молиялаштирилади?

Иқтисодий назария ва молия фанида, одатда, бу ҳолатда иккита далил келтирилади.

Биринчидан, паст иқтисодий талаб ва тўла бўлмаган куч билан ишлаш даври келганда конъюктурани жонлантириш мақсадида. (Бу юқорида айтилганга қарама-қарши маънони англатади, яъни давлат харажатларининг ошиши шахсий талаб ҳисобига эмас.) Давлат конъюктурадаги бутликни йўқотиш учун қўшимча иқтисодий талабга туртки беришга ҳаракат қилади. Истеъмол ва инвестиция товарларига ўзи шунлоқ ҳам паст бўлган шахсий талабни яна ҳам пасайтирмаслик учун қўшимча давлат харажатларини молиялаштириш (қўшимча) солиқлар орқали эмас, балки кредит орқали амалга оширилади. Конъюктура ҳолатининг яқинлашиши билан бу кредитлар устун солиқ даромадлари ҳисобига тўланиши мумкин.

Бир қарашда, давлат харажатларининг бундай кредитли молиялаштиришига қарши туриб бўлмайди. Лекин амалиёт кўрсатганидек, харажатлар ҳажмини объектив конъюктура ҳолати билан ўлчаш учун давлатнинг молиявий бошқарув тизими етарлича уддабурон эмас. Бундан ташқари, амалиёт кўрсатадики, ҳаттоки юқори конъюктура шароитида ҳам қарзни тўлаш жуда кам ҳолатларда учрайди ва агар учраса ҳам фақат қисман содир бўлади. Кўпчилик ҳукуматлар ривожланган конъюктурада ҳам янги кредитлар олади, тўла куч билан ишламаган (рецессия) даврларига қараганда кам миқдорда бўлса ҳам.

Давлат харажатларини кредит билан молиялаштиришнинг иккинчи бир далили баъзи бир давлат харажатларининг инвестицион характерга эга эканлиги ва узоқ муддатли товарларни пайдо бўлишига сабаб бўлишини ҳисобга олади. Модомики, бу товарлардан келгусида ҳам фойдаланиш мумкин бўлганлиги учун, уларни молиялаштириш келгуси солиқ тўловчилар ҳисобига ҳам қопланиши керак бўлади („юкни авлодлар ўртасида адолатли тақсимлаш“). Ўз солиқлари ичида бўлғусида солиқ тўловчилар илгари олинган кредитнинг фоиз ставкасини ҳам тўлаб боради (кредит тўла тўлаб булингунга қадар).

Аслини олганда бу далил ҳам тўғри, лекин бу ерда бир қанча эътирозлар бор.

(а) Жуда кам ҳолларда кредитли молиялаштириш фақат инвестицион харажатлар билан чекланади, кўп ҳолларда шунингдек истеъмол харажатлари учун ҳам йўналтирилади. (Германияда, масалан, давлат томонидан олинган кредит ҳажми шу давр оралиғидаги давлат инвестициялари суммасидан ошиб кетмаслиги кераклиги ҳақида тушунчалар мавжуд. Бироқ бундай тушунча ҳам амалда давлат қарзларининг ошиб кетишига тўсқинлик қила олмайди.)

(б) Давлат инвестициялари муддати асосан, ун йиллаб ёки авлодлаб саналмайди, балки одатда, 5—10 ёки 15 йилни ташкил этади. Кейин эса жорий давлат бюджетидан, демакки, солиқ тўловчилар ҳисобига „ишни тўғрилаш“ бошланади. Бундай муддатли инвестициялар шу бугун яшаб ишлаётган ва аҳамиятсиз даражада бўлғуси авлодга тааллуқли солиқ тўловчилар учун сезилади ва ижобий қабул қилинади. Айни мана шунинг учун „юкни авлодлар ўртасида адолатли тақсимлаш“ мақсадидаги кредитли молиялаштириш жуда кам ҳолларда ўзини оқлайди.

(в) Агар давлат инвестицияси ҳақиқатан ҳам узоқ муддатли фойда келтирар экан, у ҳолда бари бир давлатнинг янги инвестицияларини кредитли молиялаштириш ҳақидаги қарорлар қабул қилишдан кредитнинг фоизли ставкасини тўлаш бўйича юк қандай ҳажмда ҳозирги авлодга насиб этиши ҳақида ўйлаб кўриш керак бўлади.

Бу ҳолда ҳам таъкидлаш зарурки, давлат харажатларини кредитли молиялаштиришга қонун жиҳатидан асосланган далил ўзининг заиф томонларини топади. Нима учун унда давлат тез-тез мамлакатда кредит олишга мурожаат қилади ва ундан давлат харажатларини молиялаштиришда самарали восита сифатида фойдаланади?

Энг аввало, бу саволга жавобни сиёсатдан излаш керак бўлади. Ҳукумат кредитни солиқ билан молиялаштиришни афзал кўради, чунки кредит бугунги солиқ тўловчилар ва сайловчиларга кучли таъсир кўрсата олмайди. Ҳукумат сайловчиларни ўз томонига ўтказиш учун ўз қарзларини оширса оширадики, лекин солиқларни кўтармайди. Бундай ҳукумат сайловчилар орасида шухрат қозонади, агар у уларга қўшимча жамоа хизматларини кўрсатса. Бироқ, бундай

сийёсат боши берк йулга олиб бориши мумкин, айниқса агар сайловчилар бўлиб утганни тез эсдан чиқарсалар, натижалар ҳақида фақатгина қисқа вақт ичида ўйласалар ёки ўзаро иқтисодий алоқадорликни тушуниб етмасалар.

Аҳолига маърифат тарқатувчи оммавий ахборот эркинлиги мавжуд демократик давлатларда ҳақиқий рецессия ҳолатларини мустасно этганда давлатнинг ўзига қарз олишларини тақиқловчи қонунлар яратиш мумкин булар эди. Бунақанги қонунларни яратиш ташаббуси аллақачон баъзи бир мамлакатларда, масалан, АҚШда мавжуд. Лекин дунёдаги ҳеч бир мамлакат бундай ташаббусларни амалга ошира олмади.

Таянч иборалар

* даромад	* донли солиққа тортиш
* даромад манбалари	* қийматли солиққа тортиш
* бадал	* айланиш қиймати
* пошлина	* тез усувчи қарз
* айланма солиғи	* „солиқ одоби“
* корпоратив солиқ	* Пигу солиғи
* солиқ талони	* бошқарув солиғи
* даромад солиғи	* кредитли молиялаштириш
* истеъмол солиғи	„юкни авлодлар ўртасида
* бюджет чизиғи	адолатли тақсимлаш“
* четда турмаслик қондаси	
* нисбий баҳолар тизими	

Ўзини ўзи текшириш учун саволлар

- [186] Давлатга даромад нима учун керак?
- [187] Нималар даромад манбалари бўлиб ҳисобланади?
- [188] Хусусий сектордан кредит олишда сотиб олиш қобилиятининг бир қисмини давлат ўз зиммасига оладими?
- [189] Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида солиқ йиғимлари миқдори даромадлар таркибида қанча фоизни ташкил этади?
- [190] Даромад солиғи корпоратив ва айланма солиқлардан нима билан фарқ қилади?
- [191] Корхона томонидан тўланадиган айланма солиғи қандай ҳисобланади?
- [192] Солиқ олишда харид қобилиятининг хусусий сектордан жамиятга утиши қандай амалга ошади?
- [193] Донали ва қийматли солиққа тортиш деганда нимани тушунасиз?
- [194] Пулнинг қадрсизланиши давлат даромадларига қандай таъсир кўрсатади?
- [195] Солиқ тизими учун характерли беш хусусият нималардан иборат?
- [196] Давлат харажатларини кредитлар орқали молиялаштириш ўзини қандай оқламоқда?

1. **Каримов И.А.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т., „Ўзбекистон“, 1999 й.
2. **Каримов И.А.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. Т., „Ўзбекистон“, 1999 й.
3. **Каримов И.А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т., „Ўзбекистон“, 1996 й.
4. **Каримов И.А.** Бунёдкорлик йулидан. Т.4. Т., „Ўзбекистон“, 1996 й.
5. **Каримов И.А.** Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. Т., „Ўзбекистон“, 1996 й.
6. **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., „Ўзбекистон“, 1996 й.
7. **Каримов И.А.** Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., „Ўзбекистон“, 1998 й.
8. **Каримов И.А.** Ўз келажигимизни уз қулимиз билан қурмоқдамиз. Т., „Ўзбекистон“, 1999 й.
9. **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Президент И.Каримовнинг Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузаси, 1999 й. 17 апрель, Т., „Ўзбекистон“, 1999 й.
10. **Абдуллаев Ё.** Бозор иқтисодиёти асослари. Т., „Меҳнат“ 1997 й.
11. **Абулқосимов Х.П., Худойберганов Н.Т.** Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари. Т., „Университет“, 1997 й.
12. **Абулқосимов Х.П.** Проблемы государственного регулирования экономики в современных условиях. Т., ТашТТУ, 1994 г.
13. **Абулқосимов Х.П.** Теоретические аспекты социальной политики в Республике Узбекистан в современных условиях. Т., Фан, 1994 г.
14. **Акрамов Э., Ишмухамедов Ш.** Узбекистан на пути к рынку. Теоритические основы, условия и практика перехода. Т., „Ўзбекистон“, 1993 г.
15. **Алексеев Ю.П.** Международная торговля. М., 1997 г.
16. **Амалий иқтисод.** Ўқув қўлланма. Т., „Шарқ“, 1996 й.
17. „Банклар ва банк фаолияти туғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. „Халқ сузи“, 1995 й.
18. **Бекназов Н.** ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. Т., „Университет“, 1993 й.
19. **Волков А.М.** Швеция: социально-экономическая модель. Справочник. М., „Мысль“, 1991 г.
20. **Фуломов С.С.** Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти. Т., „Меҳнат“, 1997 й.

21. **Иванов С.Н.** Международные валютно - кредитные отношения. М., 1995 г.
22. Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти. Т., „Шарқ“, 1996 й.
23. **Капица Л.М.** США: проблемы социального неравенства. М., „Знание“, 1990 г.
24. **Красавина Л.Н.** Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. М., 1997 г.
25. **Красавина Л.Н.** Международные отношения. М., 1994 г.
26. **Кемпбелл Р., Макконелл, Стенли Л.Брю.** Экономикс. Принципы, проблемы и политика. М. „Республика“, Т. 1,2. 1992 г.
27. „Лизинг тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. „Халқ сузи“, 1999 йил, 28 апрель.
28. „Марказий банк тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. „Халқ сузи“, 1996 й.
29. **Мезенцев Е.** Лизинговая операция и этапы ее проведения. Банковские ведомости. №34, август 1997 г.
30. **Мезенцев Е.** Анализ кредитоспособности лизингополучателей. Банковские ведомости. №35, август 1997 г.
31. **Наров У.** Лизинг, как инструмент финансирования. Экономика и статистика. 1997, №10.
32. Открываются лицензии на лизинг. „Коммерсант“. — №25, 9 июля 1996 г.
33. **Петр Бшфигер.** Инфляция и макроэкономическая стабилизация в экономике Трансформационных стран (на английском и русском языках). Учебные тексты академии экономической политики. ИФО, Мюнхен, 1995 г.
34. Поддержка лизинга — наш долговременный курс. „Интероракс - АИФ“, № 33 — 35, 19 августа 1996 г.
35. **Прилуцкий Л.** Выданы первые лицензии на право лизинговой деятельности. „Финансовые известия“ 17 октября 1996 г. №98.
36. **Расулов М.** Бозор иқтисодиёти асослари. Т., „Ўзбекистон“, 1999 й.
37. **Ригмар Остеркамп.** Глассарии основных понятий рыночной экономики. Учебные тесты академии экономической политики института ИФШ. г. Мюнхен, 1995 г.
38. Рекомендации по организации лизинговых операций. Ассоциация банков Узбекистана. Т., 1998 г.
39. Российский лизинг: тенденции, технологии, опыт. „Экономика и жизнь“, №12, 22 марта 1996 г.
40. Рыночная экономика. 200 терминов. Популярный словарь. М., „Политиздат“, 1991 г.
41. Рыночная экономика: Выбор пути. М., „Профиздат“, 1991 г.
42. Рыночная экономика. Учебник в трёх томах. М., „Соминтех“, 1992 г.
43. **Самуэльсон П.** Экономика. Т., I — II. М, МГП. „Алгон“, 1992 г.
44. Современная экономика. Общедоступный учебный курс. Ростов-на-Дону. „Феникс“, 1995 г.

45. Стэйлейк Дж. Ф. Экономикс для начинающих. М., „Республика“, 1994 г.
46. Турсунхужаев М., Ниёзов Н. Бозор: иқтисодиёт, тараққиёт ва истиқбол. Т., „Ўзбекистон“, 1993 й.
47. Тухлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар лугати. Т., „Қомуслар Бош тахририяти“, 1993 й.
48. Чжен В.А. Особенности экономических реформ в Узбекистане. Т. „Шарқ“, 1994 г.
49. Чжен В.А. и др. Рынок и открытая экономика. 4 т., ИПК, „Шарқ“, 1996 г.
50. Чжен В.А. и др. Законодательные основы рынка. 3 т., ИПК „Шарқ“, 1996 г.
51. Чжен В.А. и др. Деньги и финансовые рынки. 2 т., ИПК „Шарқ“, 1996 г.
52. Шарифхужаев М. Ифтихор. Т., „Ўзбекистон“, 1993 й.
53. Шарифхужаев М. Истиқлол истиқболлари. Т., „Ўзбекистон“, 1994 й.
54. Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Т., „Меҳнат“, 1999 й.
55. Юлдашев Б. Биз лизинг шов-шуви бусағасида турибмиз. „Солиқ ва божхона хабарлари“, 1998 йил №11.
56. Эрвид Д.Ж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. М. 1991 й.
57. Эркаев Б.А, Каримова Т.И, Абулқосимов Х.П. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. Т., „Шарқ“, 1996 й.
58. Ўзбекистон: 5 йил демократия ва бозор ислохотлари йўлидан. 1-қисм. Ўқув қўлланма. Т. ТДУ, 1996 й.
59. Ўзбекистон Республикаси „Солиқ кодекси“. „Халқ сузи“.
60. Ўлмасов А., Тухлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Т., „Қомуслар Бош тахририяти“, 1991 й.
61. Ўлмасов А., Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т., „Меҳнат“ 1995 й.
62. Ўлмасов А. Бозор иқтисодиёти туб белгилари. „Иқтисод ва ҳисобот“, 1994 й. №1,2.
63. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Ўқув қўлланма. Т., „Меҳнат“, 1997 й.
64. Яхёев Қ.А. Солиқ назарияси. Т., „Меҳнат“, 1998 й.

ЎҚУВ ЗАЛ

O'QUV ZALI

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
1-боб. Бозор, унинг моҳияти, турлари ва унсурлари	7
1.1. Бозор тўғрисида умумий тушунчалар (1 — 5)	7
1.2. Бозор турлари (6 — 20)	13
1.3. Бозор унсурлари (21 — 27)	23
* Таянч иборалар	28
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	29
2- боб. Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан эркин бо- зор иқтисодиётига ўтиш зарурияти	30
2.1. Бозор муносабатлари тўғрисида умумий тушунчалар (28 — 34)	30
2.2. Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти ва „кузга қурин- мас қўл“ (35 — 40)	41
* Таянч иборалар	47
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	47
3- боб. Бозор иқтисодиётининг тўрт устуни	48
3.1. Нима? Қанча? Қандай? Ким? ва уларнинг ечимини излаш усуллари (41— 46)	48
3.2. Нима? Қанча? Қандай? Ким? ва уларнинг ечими билан боғлиқ омиллар (47— 58)	56
* Таянч иборалар	71
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	72
4- боб. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари	73
4.1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумий моделлари (59 — 63)	73
4.2. Бозор иқтисодиётига ўтиш концепциялари (64 — 67)	79
4.3. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари (68 — 72)	82
4.4. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг „Ўзбекистон йўли“ (73 — 79)	94
* Таянч иборалар	106
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	106

5- боб. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти	108
5.1. Иқтисодий тизим ва унинг шаклланишидаги принци- пиал имкониятлар (80 — 82)	108
5.2. Режали иқтисодиёт ва бозор иқтисодиётининг ижобий ва салбий томонлари (83 — 89)	111
5.3. Ижтимоий бозор иқтисодиётининг моҳияти (90-93)	116
* Таянч иборалар	120
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	120
6- боб. Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтишдаги муаммолари	121
6.1. Умумий иқтисодий тушунчалар ва республика иқтисо- диётига ретроспектив нигоҳ (94 — 97)	121
6.2. Бозор иқтисодиётига ўтишда республика олдида турган асосий муаммолар (98 — 107)	127
* Таянч иборалар	138
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	138
7- боб. Ташқи савдонинг назарий масалалари	139
7.1. Халқаро савдо ва унинг зарурияти (108 — 109)	139
7.2. Халқаро савдода нисбий харажатлардаги тафовутлар (110 — 111)	142
7.3. Харажатлардаги тафовутлар сабаблари (112)	144
7.4. Халқаро савдонинг ривожланиш тарихи (113) 145	
7.5. Очиқ иқтисодиёт ва миллий счётлар тизими (114 — 118)	150
7.6. Савдони чеклаш турлари, воситалари ва мақсадлари (119 — 124)	155
7.7. Девальвациянинг экспортга ва импортга таъсири (125) 162	
7.8. Алмаштириш курси ва инфляция (126)	164
* Таянч иборалар	165
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	166
8- боб. Ўзбекистонда халқаро кредит муносабатлари	168
8.1. Ўзбекистонда халқаро кредитдан фойдаланиш ва унинг аҳамияти (127)	168
8.2. Халқаро кредит тамойиллари (128 — 130)	169
8.3. Ўзбекистонни халқаро кредитлаш (131 — 134)	171
8.4. Ўзбекистоннинг халқаро молия институтларида қат- нашиш муаммолари (135)	174
8.5. Валюта сиёсати (136 — 138)	179

8.6. Ўзбекистонда халқаро кредит алоқаларини ривожлан-тириш истиқболлари (139 — 140)	181
* Таянч иборалар	182
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	183
9- боб. Хорижий инвестициялар	184
9.1. Бевосита хорижий инвестициялар (141— 143)	184
9.2. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинадиган хорижий инвестициялар соҳалари (144)	187
9.3. Хорижий инвесторларга бериладиган кафолат ва им-тиёзлар (145 — 148)	192
* Таянч иборалар	194
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	194
10- боб. Ўзбекистонда лизинг муносабатларини ташкил этиш асослари	196
10.1. Лизинг ва лизинг муносабатларининг моҳияти (149) .	196
10.2. Лизингнинг зарурлиги ва афзалликлари (150)	197
10.3. Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асослари (151— 156)	198
10.4. Лизинг турлари (157 — 159)	203
10.5. Лизинг шартномаси ва лизинг объекти билан боғлиқ хавфлар (160 — 162)	206
10.6. Ўзбекистонда лизинг компаниялари (163 — 164)	209
* Таянч иборалар	216
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	216
11- боб. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизинг самарасини аниқлаш тартиби	218
11.1. Инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қи-лиш (165 — 166)	218
11.2. Лойиҳаларни молиялаштиришда инвестициялар самарадорлигини аниқлаш тартиби (167— 169)	219
11.3. Хорижий инвестициялар иштирокида молиялаш-тирилдиган лойиҳаларнинг хусусиятлари (170)	223
11.4. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда лизинг-ни тадқиқ этиш муаммолари (171— 173)	224
* Таянч иборалар	231
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	231
12- боб. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими	233
12.1. Ўзбекистон Республикаси солиқлари ва уларнинг ташкил топиши (174 — 175)	233

12.2. Солиқ қонунлари ва уларни тайёрлаш тартиби (176 — 177)	236
12.3. Республика бюджетига солиқлар ва йиғимларни таш- кил қилиш тамойиллари (178 — 179)	238
12.4. Солиқ ставкалари ва солиқларни тўлаш тартиби (180 — 181)	239
12.5. Солиқ идораларининг ташкил этилиши, уларнинг ҳуқуқ вазифалари (182 — 183)	240
12.6. Солиқларни иқтисодий гуруҳлаш ва уларни бюджет- лар бўйича тақсимлаш (184)	242
12.7. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини тако- миллаштириш муаммолари (185)	245
* Таянч иборалар	246
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	247
13- боб. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг даромад- лари	248
13.1 Давлатга даромад нима учун керак? (186)	248
13.2. Давлат даромадлари ва уларнинг турлари (187 — 191)	249
13.3. Давлат даромади ва солиқ (192 — 193)	260
13.4. Давлат даромади ва инфляция (194 — 195)	263
13.5. Давлат харажатларини кредитлар орқали молиялашти- риш (196)	265
* Таянч иборалар	268
* Ўзини ўзи текшириш учун саволлар	268
Адабиётлар	269

ЎҚУВ ЗАЛИ

**„Ўқитувчи“ нашриётида 2000 йилда „Иқтисодиёт“
мавзусига оид қуйидаги ўқув қўлланмалари
нашр қилинмоқда:**

**ЙЎЛДОШЕВ Қ.
МУФТАЙДИНОВ Қ.**

Иқтисодий таълимотлар тарихи (Шарқ
иқтисодий тарихи)

Ўзб. т., 10,0 б.т., 5000 нусха

Шарқ мутафаккирларининг иқтисодиёт соҳасида тараққиёт ва ислоҳот йўлидан илгари силжишга даъват этадиган бебаҳо асарлари, ғоя ва уғитлари мустақил Ўзбекистонимиз ёш авлодини юксак маданиятли, иқтисодий жиҳатдан билимли ва комил инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Қўлланма Олий ва урта махсус ўқув юртлари талабалари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва кенг китобхонлар оммасига мулжалланган.

МУСАЕВ Қ. ва б.

Иқтисодиёт. Молия. Банк. Тижорат.
Инглизча-ўзбекча лугат. III ва IV жилдлар,
41,0 б. т., 4000 нусха.

Мазкур лугат умумиқтисодий терминлардан ташқари молия-банк ва тижорат фаолияти, пул муомаласи, банк ва биржа операциялари, валюта, қимматли қоғозлар ҳамда кредит бозори, халқаро валюта-кредит муносабатлари, молиявий воситалар, инвестиция жараёнлари, молия-валюта тузилмалари, молия-банк фаолиятининг ҳуқуқий асослари, маркетинг ва менежмент, суғурта ва солиқ солиш, тадбиркорлик амалиёти, ташқи иқтисодий фаолият, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва шу каби-ларга оид 100000 дан ортиқ суз ва суз бирикмаларини қамраб олган дастуриламалдир.

Лугат Республикаимизнинг истиқболи йулида жонбозлик курсатиб меҳнат қилаётган иқтисодчилар, молиячилар, банк ходимлари, тадбиркорлар, илмий ходимлар, таржимонлар, муҳаррирлар, иқтисодиёт олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабаларига, иқтисодиёт муаммолари билан қизиқувчиларга мулжалланган.

**НУРИСЛОМ ТҲҲЛИЕВ.
АЛИШЕР ТОКСАНОВ**

Ўзбекистоннинг миллий иқтисодий
моделли (рус. тилида)

Китобда Ўзбекистон миллий-иқтисодий моделининг моҳияти қарор топиш босқичлари ҳамда янада ривожлантириш муаммолари, шунингдек ҳозирги босқичда бу энг муҳим ижтимоий-иқтисодий жараённи чуқурлаштиришнинг ички ва халқаро омиллари куриб чиқилган.

Китоб талабалар, илмий ходимлар, мутахассислар ва барча бозор иқтисодиёти билан қизиқувчиларга мулжалланган.

АКРАМОВ З. ва б.

Ижтимоий ва иқтисодий география

Мазкур дарсликда бозор иқтисодиётига утишдек мураккаб бир босқичда республиканинг бой табиий интеллектуал ва ижтимоий-иқтисодий имкониятлари анча мукамал ёритилган, утиш даври қийинчиликларини бартараф этиш йулида олиб борилаётган яратувчилик ишлари, уни бартараф этиш йулида учрайдиган қийинчиликлар, республика иқтисодиётининг янги истиқболлари уз ифодасини топган.

Дарслик 8-синф ўқувчиларига ижтимоий ва иқтисодий географиядан билим берувчи манба бўлиб хизмат қилади.

Китоблар учун буюртмаларни „Ўздавкитобсавдотаъминот“га йулла-
шингиз мумкин

Тошкент шаҳри, Навоий кучаси 30-уй.

ТОШКЕНТ ЗАЛИ

ҚАЙДЛАР УЧУН

ТО'ҚУВ ЗАЛИ

Муаллифлар жамоаси

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ
НАЗАРИЯСИ
ВА АМАЛИЁТИ**

*Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлараро
илмий-услубий бирлашмалар фаолиятларини
мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан олий
ўқув юртлари магистрантлари учун дарслик
сифатида тавсия этилган*

Тошкент „Ўқитувчи“ 2000

10'QUV ZALI

Таҳририят мудири *С. Мирзахўжаев*
Муҳаррирлар: *Ш. Тулаганов, Р. Мирхолиқов*
Бадий муҳаррир *М. Калинин*
Техник муҳаррир *С. Турсунова*
Мусахҳиҳ *З. Ғуломова*

ИБ № 7826

Оригинал-макетдан босишга руҳсат этилди 23.08.2000.
Бичими 60×90^{1/16}, Кегли 10 шпонли. Таймс гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 17,5. Шартли кр.-
отт. 17,75. Нашр. т. 17,11. 3000 нусхада босилди. Буюртма
№ D-2120. Баҳоси шартнома асосида.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси 30.
Шартнома № 07-22-2000.

Оригинал-макет „Ўқитувчи“ нашриётининг компьютер бу-
лимида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кумитасининг
Тошполиграфкомбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 2000.